

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**  
**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**Эркин Шавқиев**

# **ИНДУСТРИАЛ ИҚТИСОДИЁТ**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларининг 60310100 –  
“Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” таълим  
йўналиши талабалари учун дарслик**

**САМАРҚАНД – 2023**

**УЎК: 371.14**

**Ш 14**

**КБК: 65.011**

**Э.Шавқиев. Индустириал иқтисодиёт.** [Матн]: дарслик / Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти – Самарқанд.: “STEP-SEL” МЧЖ. Нашриёти, 2023 – 370 бет.

Ушбу дарслик “Индустириал иқтисодиёт” фанининг предмети, вазифалари ва ўрганиш усуллари, саноатнинг миллий иқтисодиётдаги роли, ўрни ва аҳамияти, таркибий муаммолар, бошқариш ва режалаштиришнинг илмий асослари, фан-техника тараққиёти, кадрлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш, асосий ва айланма фондлар, хом ашё манбалари, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлик, даромад ва таннарх, фойда ва рентабеллик ҳамда нарх масалалари ёритилган. Шунингдек, саноат ишлаб чиқаришида юз берадиган иқтисодий жараёнларнинг моҳиятини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Дарслик олий ўқув юртларининг – 60310100 Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим олаётган талабалари учун мўлжалланган. Ундан магистрантлар, аспирантлар, раҳбар ходимлар ва мутахассислар ҳамда малака ошириш марказлари тингловчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

**Такризчилар:**

**Қ.Ж.Мирзаев** – и.ф.д., профессор;

**Б.М.Бобоқулов** – и.ф.н., доцент.

*Самарақанд иқтисодиёт ва сервис институти Кенгашининг 2023 йил 10 - ноябрдаги 4 - сонли баёни билан нашр этишга тавсия этилган.*

**ISBN: 978-9910-752-42-1**

© Э.Шавқиев, 2023 й.

©“STEP-SEL” МЧЖ. Нашриёти. 2023 й.

## КИРИШ

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий салоҳияти, унинг саноат ишлаб чиқариши қай даражада ривожланганлиги билан баҳоланади. Шу сабабдан, мамлакатимизда саноатнинг барча тармоқларини ривожлантириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, бунинг учун бозор муносабатларига мос бўлган барча воситалардан, энг янги тажрибалардан фойдаланиш заруриятини туғдирмоқда.

Саноат – моддий ишлаб чиқаришнинг бош тармоғи иқтисодиётнинг пойдевори, бутун ишлаб чиқаришни глобаллаштириш муаммоларини ҳал этишнинг калитидир.

Саноат – товар айрибошлаш жараёнини бош бўғини ҳисобланиб, бу занжрнинг узлуксизлигини таъминловчи воситадир. Барча мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ташкилий интилишлари, халқаро ҳамкорликлари саноатда ўз ифодасини топади.

Саноат ўзининг қўшимча қиймат яратиши, аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ва юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш локомотиви эканлиги билан бошқа тармоқлардан тубдан фарқ қилади.

Мамлакатимиз саноати – миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бўлган электр энергия, газ, машинасозлик, пахтачилик, ипакчилик кабилар ички ва ташқи бозорлар талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадларида ташкил топди ва ривожланмоқда. Иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган ва бозор муносабатларига мослашиб бораётган Ўзбекистон саноат тармоқлари аста-секин такомиллашиб, ўзаро боғланган мажмуа шаклини олмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси – рақобатбардош, экспортбоп ҳамда импорт ўрнини босувчи, юқори қўшимча қийматга

эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, у саноат<sup>1</sup>нинг барқарор ва мутаносиб равишда ўсиши ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш

---

<sup>1</sup> Саноат (араб тилида: санъат, маҳорат, касб ҳунар; ишлаб чиқариш, индустрия, деган маъноларни беради) – миллий иқтисодиётнинг ҳом ашёни қайта ишлаш, ер ости бойлиқларини қазиб олиш, истеъмол молларини ярати ва шу кабиларни қамраб олувчи тармоғи; индустрия. // Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. – Т.:” О‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти, 2020, 490 бет.

асосида унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришни кўзда тутади.

Юртимизнинг мустақил тараққиёти давомида тўпланган тажрибалар далолат берадики, ҳар қандай давлат иқтисодиётининг негизи бўлган саноат – интеграция асосида ҳамда жаҳон ҳамжамияти талаблари даражасида раванқ топиши керак.

Ўзбекистон индустрияси олдида турган долзарб масала – ишлаб чиқарилаётган ва қазиб олинаётган хом ашёни комплекс қайта ишлаш, яъни чиқиндисиз қайта ишлаш асосида, республиканинг ўзида уни тайёр маҳсулотга айлантиришдир.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” номли асарида қайд этилганидек: “Бутун иқтисодиёт тизимида маҳсулотлар тайёрлаш жараёнини оптималлаштириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини муттасил ошириш, импорт ўрнини босиш жараёнларини янада чуқурлаштириш, 2026 йилгача саноат корхоналаридаги 51 мингдан зиёд ускуналарни замонавийларига алмаштириш ҳамда шу асосда, жумладан, қўшилган қиймат яратишнинг ягона занжирини ҳосил қилиш, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ип калаванинг бутун ҳажмини қайта ишлаш ҳисобидан тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажмини 7 миллиард АҚШ долларига етказиш билан боғлиқ вазифалар ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда”<sup>2</sup>

Республикада замонавий техника ва технология билан жиҳозланган қудратли қайта ишлаш саноатининг бунёд этилиши, узлуксиз ўсиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг юқори суръатларда ўсишига ва юртимизнинг ҳар жиҳатдан уйғун ривожланишига, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини оширишга, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга ва унинг негизида бир қатор товарларни импорт қилишни бутунлай тўхтатишга сабаб бўлади.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида – иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда “...

---

<sup>2</sup> Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. –Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2022, 137 бет.

даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш асосий мақсадлардан бири этиб белгиланган<sup>3</sup>.

Давлатимизнинг макроиқтисодий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш ва тараққиёт стратегиясида белгилаб олинган масадларга эришиш учун Ўзбекистонда иқтисодиётнинг базавий тармоқлари – электроэнергия, нефт-газ, олтин қазиб чиқариш, рангли металлургия, кимё ва нефт-кимё саноатини ривожлантиришга устувор аҳамият берилмоқда.

Мамлакатни социал<sup>4</sup>-иқтисодий жиҳатдан тараққий эттиришда ва шу асосда аҳолининг моддий ва маънавий фаровонлигини таъминлашда миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлган саноат, мавқеи жиҳатидан, алоҳида ўрин эгаллайди.

Саноат тармоғининг иқтисодий асосларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тушунадиган, иқтисодиётда рўй бераётган барча янгиликларни ва ташкилий ўзгаришларни ҳис эта оладиган иқтисодиётчиларни тайёрлашда “Индустриал иқтисодиёт” фани алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг индустриал<sup>5</sup> ривожланиш йўлига ўтаётган шароитда “Индустриал иқтисодиёт” фанини ўрганишга бўлган талаб янада ортди. Бу фанни билмасдан туриб, ҳар қандай саноат корхонасини ривожлантириб бўлмайди.

Саноат тармоғининг ривожланиши, унинг тақдири, аксарият ҳолларда, нафақат мавжуд моддий ва молиявий ресурслар миқдорига, айти пайтда, тармоқда фаолият юритаётган ходимларнинг илм ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришда қўллаш олиш қобилиятига ҳам боғлиқдир. Тармоқ ходимларининг тадбиркорлик ҳислатлари ҳозирги иқтисодий танглик, моддий ва молиявий ресурсларнинг танқислиги даврида жудаям сезилади.

Ушбу талабларга жавоб бериш учун “Индустриал иқтисодиёт” фани бўйича чуқур билимга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

“Индустриал иқтисодиёт” фани мамлакатдаги мавжуд ресурсларга таянган ҳолда ишлаб чиқариш корхоналарини мақсадга

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-60-сон Фармони (1-илова, III-бўлим, 21-мақсад).

<sup>4</sup> “Социал” атамаси инсонлар ҳаётига ва уларнинг жамиятдаги муносабатларига тааллуқлидир. “Ижтимоий” атамаси эса умумий масалаларни тавсифлайди: масалан, “ижтимоий ишлаб чиқариш”, “ижтимоий меҳнат тақсимоти”. Шу сабабли, ушбу ўқув қўлланмада бу атамаларни ўз ўрнида ишлатишга эътибор қилинди.

<sup>5</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғатига кўра “индустриал” сўзи – оғир ва енгил саноатга оид; индустрияга ва унинг тараққиётига боғлиқ бўлган, деган маъноларни ифодалайди. (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд.– Т.:” O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти, 2020, 209 бет.)

мувофиқ ташкил этиш ва юритиш йўллари хамда усуллари ўргатади.

“Индустриал иқтисодиёт” фани фундаментал фанлардан бири бўлиб, бошқа иқтисодий фанларни чуқур ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.

Жамиятнинг ривожланиб бориши давомида кўпгина янги фанлар пайдо бўла бошлайди, мавжуд фанлар эса янада такомиллашади. “Индустриал иқтисодиёт” фани иккинчисига тааллуқли.

Фан ва техниканинг шиддатли ривожланаётган ҳозирги шароитда олинган билим доимо тўлдирилиб борилиши керак. Фақат шундагина билим амалий аҳамиятга эга бўлади ва жамиятнинг ишлаб чиқариш кучига айланади.

“Индустриал иқтисодиёт” фани бакалаврларни тайёрлаш учун мўлжалланган бўлиб, ўқув режаси асосида 60310100 “Иқтисодиёт” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналишида ўқитилади.

“Индустриал иқтисодиёт” фани талабаларга нафақат муайян ахборот, маълумотлар, билим ва илм бериши, балки уларни ўз фаолиятининг энг муҳим йўналишларини тўғри танлаб олишга, мураккаб иқтисодий муаммолар ечимини топа билишга ўргатиши керак.

Талабаларда бу фан бўйича билим ва илм хамда малакаларини шакллантиришнинг асосини – маърузалар, амалий машғулотлар, мустақил ишлар, илмий-тадқиқотлар жараёни ташкил этади.

Бу фан бўйича назарий ва амалий машғулотлар – талабалар билимларини мустаҳкамлаш, фанни чуқур ўргатиш, мавзуларни ёзма ва оғзаки баён этиш қобилиятини эгаллашга ёрдам беради.


“Индустриал иқтисодиёт” фани умумиқтисодий мутахассислик бўйича иқтисодчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича иқтисодий таълим асосларидан бири бўлгани боис уни ўқитиш алоҳида дарслик ва ўқув қўлланма асосида амалга оширилиши зарур.

Ушбу дарслик Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқув-услубий Кенгаши томонидан тасдиқланган фан дастурига биноан тайёрланган. Ундан олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишларида билим олувчи талабалар хамда sanoat ишлаб чиқаришини бошқариш, режалаштириш ва башоратлаш, ташкил этиш соҳасида хизмат қилаётган мутахассислар хам фойдаланишлари мумкин.

# I БОБ. “ИНДУСТРИАЛ ИҚТИСОДИЁТ” ФАНИГА КИРИШ

## 1.1. Иқтисодиёт – фан ва ишлаб чиқариш фаолиятининг соҳаси сифатида

Маълумки, инсонлар ўзининг кундалик ҳаётида моддий ҳамда номоддий неъматларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқроқ қондиришга ҳаракат қилади. Бунга эришиш мақсадида, улар турли соҳаларда – ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш каби фаолият турлари билан шуғулланишади. Инсонларнинг турли фаолиятлари ичида энг асосийси – инсониятнинг яшashi ва унинг камол топишини таъминлайдигани моддий ва маънавий неъматлардир.




1.1.1-чизма. Моддий неъматлар


Ҳаётий эҳтиёж элементларининг мазмунини, қисқача, куйидагича ифодалаш мумкин:

- моддий эҳтиёжлар – бу моддий кўринишдаги неъматлар воситасида қондирилувчи зарурият;
- маънавий эҳтиёжлар – бу инсоннинг шахс сифатида камол топиши, дунёқараши ва маънавиятининг шаклланиши учун тақозо этиладиган номоддий неъматларга бўлган зарурият;
- шахсий эҳтиёжлар – бу инсонларнинг пировард истеъмоли учун мўлжалланган маҳсулот, иш ва хизматларга бўлган зарурият;
- ишлаб чиқариш эҳтиёжлари – маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш мақсадида ишлатилувчи турли ресурсларга бўлган зарурият.

Инсонларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолият – иқтисодий фаолиятдир. Эҳтиёжлар чексиз. Улар мавжуд ресурслар доирасида қондирилади.



**1.1.2-чизма. Маъnavий неъmatлар**



**Чизма-1.1.3. Хаётий эҳтиёжлар**

Инсонларнинг у ёки бу нарсаларга бўлган эҳтиёжларини (талаб доирасида) қондириш асосида ишлаб чиқариш ётади. Ишлаб чиқариш – бу кишилик жамиятининг мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун зарур бўлган хаётий неъmatларни яратиш жараёнидир. У такрор ишлаб чиқаришнинг энг асосий ва бошланғич фазаси ҳисобланади. Инсонлар эҳтиёжини қондириш мақсадида хаётий неъmatлар ишлаб чиқарилмаса – тақсимланадиган, айирбошланадиган ва истеъмол қилинадиган нарсалар бўлмайди.

Иқтисодиёт олдида турган доимий ва бош муаммо – эҳтиёжларнинг чексизлиги ва ресурсларнинг чекланганлигидир.

Қадимда иқтисодиётнинг туб маъносини инсонлар мантиқан (интуитив ҳолатда) англашган. Бироқ, унинг мазмун моҳияти хусусида илмий қарашлар кейинчалик пайдо бўлган. Жумладан, қадимги грек олимлари иқтисодий фаолиятни – уй хўжалиги ва уни юритиш, деб тушунтиришган.

Эрамиздан олдинги IV асрда Ксенофонт “Уй қуриш” (қадимги грекча "Οἰκονομικός") деб номланган асар ёзган. Кейинчалик, бу асар Цицерон томонидан “Oeconomicus” дейилган номда, лотин тилига ўгирилган.



Иқтисодиётга мустақил фан сифатида қараш Адам Смит томонидан XVIII асрда “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот” номли китобнинг чоп этилиши билан боғлиқ.

Илмий ва амалий адабиётларда “иқтисодиёт” атамасига яқин бўлган “иқтисод” атамаси ҳам кенг қўлланилади. Бу атамалар бир-бирини тўлдириб туради. “Иқтисодиёт” азалдан инсонларни у ёки бу ресурсларни “иқтисод” қилишга ундаб келган. Араб лексиконида “иқтисод” тежамкорлик маъносини англатади. Ислом динига оид адабиётларда тежамкорликка алоҳида эътибор берилган ва инсонларни исрофчиликка йўл қўмасликка даъват этиб келинган. Исломда у ёки бу неъматларни “увол” қилмаслик қадрланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, “иқтисодиёт” атамаси “иқтисод” атамасига қараганда кенгроқ маънога эга. Иккинчиси биринчисининг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни “увол” қилмаслик (улардан тежамли фойдаланиш) ўта долзарб бўлиб бормоқда.

Барча ресурслар – табиий бойликлар, малакали ишчи кучлари, ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол товарлари, пул маблағлари ва бошқа ресурсларнинг барчаси чекланган миқдордадир.

Инсонларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондиришнинг асосий манбаи табиатнинг ресурслари ва бойликларидир. Улар ... “Ер остида, устида, дарёлари, кўллари, денгиз ва океанлари, ҳайвонат дунёси бағридадир. Сиртдан қараганда, табиий ресурслар битмас-туганмасдек туюлади. Бироқ Ер юзиде миллион-миллион йиллар давомида одамлар яшаб, унинг ресурслари ўзлаштирилиб, истеъмол қилиниб келинаётгани, баъзан табиий ресурслар аёвсиз, ваҳшийларча, қайта тикланмай тортиб олинаётгани натижасида камайиб бормоқда, ҳатто баъзи ғоят нодир ресурслар, кўп истеъмол қилинаётганлари йўқолиб кетди ёки йўқолиб бормоқда.

... бизнинг давримизга келиб табиий ресурслар ғоят чекланиб бормоқда. Инсоният бу билан сўзсиз ҳисоблашиши керак, акс ҳолда келажак ҳаётимиз хавф остидадир”<sup>6</sup>.

Жаҳон ҳамжамиятининг бугунги ишлаб чиқариш даражасини ҳисобга олган ҳолда қилинган башоратларга кўра инсоният 2500 йилга келиб, барча металл захираларини сарфлаб бўлади. Бунда темир рудаси 250 йилга, алюминий 570, мис 29, рух 23, қалайи 35, кўрғошин

<sup>6</sup> Ёўлдошев Қ., Муфтайтинов Қ. Иқтисодий билим асослар: Ўқитувчилар учун қўлланма./ (Масъул муҳаррир: А.Сотволдиев). –Т.: Ўқитувчи, 1997, 89 бет.

19 йилга етиши тахмин қилинмоқда. Қолайверса, бугунги кунда ишлаб чиқаришда қўрғошин, қалайи, рух, олтин, кумуш, платина, никел, волфрам, мисдан фойдаланиш муаммосига дуч келинмоқда. Яқин юз йил ичида ишлаб чиқаришни энергоресурслар: нефт, газ, кўмир билан таъминлаш муаммоси ҳам алоҳида муаммо бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас<sup>7</sup>.

Мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиб, аҳолининг тўхтовсиз ўсиб боровчи эҳтиёжларини тўлиқроқ қондиришга эришиш, ресурслар ва маҳсулотларни тўғри тақсимлаш йўллари топиш – иқтисодиётнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Кишилиқ жамиятида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиб бориши, меҳнат тақсимодининг кучайиши “иқтисодиёт”нинг “уй хўжалиги” доирасидан кенгроқ доирада амал қилишига олиб келди. Шу сабабдан ҳам, ҳозирги кунда, иқтисодиётга – мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган хўжаликлардан, хўжаликлараро, давлатлараро бирлашмалар, корпорациялар, концернлар, қўшма корхоналар, молия ва банк тизимларидан, давлатлар ўртасидаги турли иқтисодий муносабатлардан иборат ўта мураккаб ижтимоий тизим, деб қараш мақсадга мувофиқдир.

Демак, иқтисодиёт – инсонларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш натижаларини ўзлаштиришдаги ижтимоий муносабатларини ифодалайди.

Иқтисодиёт тушунчасига мамлакатдаги ишлаб чиқариш ҳолати, унинг жойланиши ва динамикаси (ҳаракати) ҳам киради. У мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари билан ҳам боғлиқдир. Масалан, Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати ва даражаси унинг хом ашё ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги, аста-секин бевосита пировард (тайёр) маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва ўз аҳолиси ҳамда чет эл эҳтиёжларини қондиришга ўтила бораётгани билан тавсифланади”<sup>8</sup>.

Иқтисодиёт тушунчаси инсонларнинг моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқаришидаги, уларни айирбошлаш (сотиш)даги хўжалиқ фаолиятини ҳам англатади. Моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқариш, уларни айирбошлаш (сотиш) тизими қанчалиқ мукамал бўлса, мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлари

<sup>7</sup> Зубко Н.М. Экономическая теория. - Минск: НЦ АПИ, 1998, стр. 61.

<sup>8</sup> Йўлдошев Қ., Муфтайдинов Қ. Иқтисодий билим асослар: Ўқитувчилар учун қўлланма./ (Масъул муҳаррир: А.Сотволдиев). –Т.: Ўқитувчи, 1997, 14-15 бетлар.

ва аҳолининг турмуш тарзи, ресурслардан оқилона фойдаланиш даражаси шунчалик юқори бўлади.

Иқтисодиёт – инсон ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган. Инсонлар учун зарур бўлган ҳаётий неъматлар иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги корхоналарда ишлаб чиқарилади. Шу сабабли ҳар бир одам иқтисодиётнинг моҳиятини, ҳаёт неъматлари нималар эвазига берилишини англаши, маблағларни ишлаб топиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллариини ўрганиши, иқтисодиётнинг ривожланиш тенденциялари ва қонунларини билиши, рўй бераётган социал-иқтисодий жараёнларни тушуниши ва хўжалик юритиш асносида пайдо бўладиган муаммоларни ҳал қила олиш қобилиятига эга бўлиши зарур.

Иқтисодий борлиқ – жамият ҳаёти ва унинг иқтисодий тузилишини англатади. Шу сабабли ҳам иқтисодиёт – оила хўжалиги, корхона, тармоқ ва миллий иқтисодиёт даражасида ўрганилади.

“Индустриал иқтисодиёт” фани жамият учун зарур бўлган моддий ва номоддий неъматларни тайёрлаш, айирбошлаш ва тақсимлаш усуллари ҳамда жараёнларини ўз ичига олади.

“Индустриал иқтисодиёт” фани меъёрий ҳужжатлар доирасида, саноат тармоғи ва унинг таркибидаги корхона (фирма)ларнинг давлат томонидан юритилаётган иқтисодий сиёсатнинг рўёбга чиқарилишидаги ролини кўрсатишга хизмат қилади, шунингдек, иқтисодиётдаги реал воқеликни таҳлил қилади ва баҳолайди ҳамда унинг ривожланишидаги қонуниятларни очиб беради.

“Индустриал иқтисодиёт” фани – жамиятда мавжуд, аммо чекланган ресурслардан маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг турли гуруҳларга мансуб бўлган инсонлар ўртасида тақсимланиши ҳақидаги фандир. У мустақил фан сифатида – табиатда ҳамда инсон, жамоа ва жамият ҳаётида вужудга келувчи турли хил иқтисодий жараён ва ҳодисаларни башорат қилиш, таҳлил этиш ва баҳолаш бўйича билимлар мажмуасини ифода этади.

“Индустриал иқтисодиёт” фани изланиш ва услубий вазифаларни бажаради ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида қабул қилинувчи амалий қарорлар учун назарий асос бўлиб хизмат қилади.

XXI аср – инновациялар асри. Ҳозирги фан-техника тараққиёти шароитида иқтисодиёт фани – жамиятда бевосита ишлаб чиқариш

кучига айланиб бормокда. Иқтисодий асослаб берилган ҳисоб-китоб ва башоратлар “Индустриал иқтисодиёт” фанининг муҳим таркибий қисми сифатида – саноат корхона (фирма)лари фаолиятида таваккалчилик (риск) даражасини камайтиришга, ресурслардан фойдаланишни оптималлаштиришга ҳамда янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишда энг мақбул йўлларни танлашга имконият туғдиради.

## **1.2. “Индустриал иқтисодиёт” фани – иқтисодиёт фанларининг таркибий қисми ва билимлар соҳаси**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади – замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдир. Бу мақсадга эришишда асосий омиллардан бири – юқори малакали кадрларни тайёрлашдир.

Миллий иқтисодиётнинг турли соҳалари учун юқори малакага эга кадрларни тайёрлашда, табиийки, таълим муассасаларида ўргатилаётган иқтисодиётга оид фанларнинг, жумладан, “Индустриал иқтисодиёт” фанининг ўз ўрни бор. “Фан – табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонуниятларини очиб берувчи ҳамда атрофдаги муҳитга таъсир кўрсатувчи билимлар системаси”<sup>9</sup>. Фан ёрдамсиз, атрофимизни ўраб турган дунё тўғрисидаги билимлар тизимини яратмасдан – жамият тараққиётига эришиш мумкин эмас.

Ҳозирги иқтисодий ривожланиши босқичида миллий маҳсулотларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлик талабларига жавоб бераолиш даражаси, меҳнат ресурсларининг ошиб бориши билан бир қаторда хом ашё ресурсларининг кескин камайиб бориши шароитида билим – иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айланди.

Кадрларнинг билимлари ва уларда махсус ноёб кўникмаларнинг шаклланиши барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи ва ҳал қилувчи омилига айланиши “моддий иқтисодиёт”дан “интеллектуал иқтисодиёт”га – билимга асосланган иқтисодиётга ўтиш имкониятини беради.

Мамлакатнинг иқтисодий юксалишини таъминлашда инсон капитали – унинг билими, интеллекти, малака даражаси муҳим роль


---

<sup>9</sup> Толковый словарь узбекского языка. Т. II. – М.: Рус.яз., 1981, 294 стр.

ўйнайди. Инсон капиталига ҳамда илмий тадқиқотларга йирик миқдорда инвестицияларнинг йўналтирилиши туфайли энг замонавий технологияларнинг ўзлаштирилиши – дунёнинг етакчи давлатларида юқори суръатларда иқтисодий ўсишни таъминлашда асосий омил бўлмоқда.

Иқтисодиёт – жамият ҳолатини, ишлаб чиқариш кучларидан фойдаланиш ва уларнинг ривожланиш даражасини, фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланишни, одамларнинг маданияти ва маълумоти даражаси ва ҳоказоларни акс эттиради.

“Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки томонидан 192 мамлакатда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ҳозирги даврда иқтисодий ўсишнинг 16,0 %ни жисмоний капитал (ишлаб чиқариш воситалари, инфратузилма ва ҳ.к), 20,0 %ни - табиий ресурслар таъминлайди. Қолган 64,0 %и инсон омили, биринчи навбатда билим ва малака даражаси улушига тўғри келади (1.2.1-расм).



**1.2.1-расм. Жаҳон мамлакатларида иқтисодий ўсишни таъминлашда инсон омили – билим ва малаканинг салмоғи (умумий кўрсаткичга нисбатан % ҳисобида)”<sup>10</sup>.**

Мамлакатимизда кўпукладли иқтисодиётнинг шаклланиши – одамларнинг иқтисодий билимларга, жумладан, саноат иқтисодиётига бўлган қизиқиши сезиларли равишда оширди. Бунга сабаб – янги ҳуқуқий-ташкилий шаклдаги саноат корхоналарининг пайдо бўлиши, хом ашё, материал ва асбоб-ускуна етказиб берувчилар, шунингдек, бевосита маҳсулот ёки товар истеъмолчилари

<sup>10</sup> Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. Дарслик. /И.ф.д., проф. Қ.Х. Абдурахмонов таҳрири остида. – Т.: Иқтисодиёт, 2013, 131 бет.

(харидорлар) билан замонавий иқтисодий муносабатлар вужудга келиши ва ривожланиб боришидир.

Саноат корхонаси – бу ишлаб чиқариш жамоасидир. Унда инсонлар турли тарздаги фаолият билан шуғулланишади, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими юзага келади ҳамда маълум бир турмуш тарзи, маънавият ва ахлоқ нормалари шаклланади.

Иқтисодий фаолиятда рақобатчиликнинг кучайиши тадбиркорлардан корхонанинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни ва ролига янгича ёндашишни талаб қилади. Улар бирон-бир маҳсулотни **қачон, қаерда, кимга сотиш, нимани, қанча, қандай қилиб** ишлаб чиқаришни билмоғи зарур.

Тадбиркорлар қуйидагиларга эътибор қаратиши зарур бўлади:

- корхона фаолиятининг самарадорлиги ва унинг иқтисодий барқарорлиги нималарга боғлиқ?

- хом ашё етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан қандай ишлаш керак?

- маҳсулотни сотишда воситачилар хизмати зарурми ёки керак эмасми?

- ишлаб чиқариш суръатини қандай ошириш мумкин?

- ишлаб чиқариш ва сотишни бошқариш тизими қандай бўлиши лозим?”

- нима ёки қайси вариант яхшироқ?

- қандай йўл билан даромадни ошириш ва рентабелликни кўтариш мумкин?

- корхонанинг ишчи кучига эҳтиёжи қанча ва уларга қандай ҳақ тўлаш керак?

- ишлаб чиқарилувчи маҳсулот ёки товарга бўлган талабни қай тарзда ошириш мумкин?

- корхона кредит олиши керакми, агар олса қандай шартлар билан олиши мумкин?

- рақобатчилик курашида қанақанги омиллар муваффақият келтиради?

- корхона қай тарзда фаолият юритиши керак ва даромад нимага боғлиқ бўлади?

Юқорида келтирилган саволларга жавоб топган ва амал қилган тадбиркорлар қуйидагиларга эришади:

- ишлаб чиқариш ва меҳнат фаоллигининг пасайишининг олди олинади;

- меҳнат самарадорлиги суръати юқори бўлади;
- тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши таъминланади;
- муддати ўтиб кетган қарзлар пайдо бўлмайди;
- корхона инқироз ҳолатига тушмайди ва унинг тугатилиши хавфи туғилмайди;
- корхоналар фаолиятидаги бошқа иқтисодий камчиликларга йўл қўйилмайди.

“Индустриал иқтисодиёт” фани иқтисодиёт фанларининг таркибий қисми ва билимларнинг мустақил соҳаси сифатида айнан шу масалаларга кўпроқ эътибор қаратади.

Саноат корхоналари иқтисодиётининг ҳолати жамият тараққиётига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Корхоналарда нафақат моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқарилади, айни пайтда, уларда миллий даромаднинг асосий қисми ҳам ҳосил бўлади. Улар қанчалик яхши ва самарали ишласа, мамлакатнинг иқтисодиёт кўрсаткичлари ҳамда аҳолининг турмуш тарзи шунчалик юқори бўлади.

### **1.3. “Индустриал иқтисодиёт” фанининг мақсадлари ва бошқа фанлар билан алоқаси**

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида иқтисодий фанлар, жумладан, “Индустриал иқтисодиёт” фани олдида қуйидаги мақсадлар кўндаланг бўлиб туради:


- янги бозор муносабатларига асосланган ҳозирги иқтисодиётнинг ривожланиш тенденциялари ва қонуниятларини, аввало, унинг асосий кўрсаткичлари – талаб ва таклиф тушунчаларини очиқ бериш;

- миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва мамлакатни ривожланган давлатлар қаторига қўшилишида саноат корхонасининг ролини кўрсатиш;

- ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бўғинида юқори самара ва сифат кўрсаткичларига эришиш йўллари билан таништириш.

“Индустриал иқтисодиёт” фани иқтисодиётга доир фанларнинг таркибий қисми бўлган ҳолда мустақил билимлар соҳаси ҳисобланади. У бошқа иқтисодий фанлар билан узвий боғлиқ (1.3.1 - чизма).

## **“Индустринл иқтисодиёт” фанининг бошқа фанлар билан алоқаси**



### **1.3.1 – чизма. “Индустринл иқтисодиёт” фанининг мазмуни, мақсадлари ва бошқа фанлар билан алоқаси**

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва саноат корхоналарининг мустақил фаолият кўрсатишларига кенг имкониятлар яратилиши билан бир қаторда кадрларнинг билим даражалари, кўникмалари ва малакаларига катта талаблар қўйилмоқда. Фан-техника тараққиёти шиддат билан илгарилаб бораётган ва рақобатчилик кескин кучаётган ҳозирги шароитда – замонавий саноат корхоналари иқтисодиётини яхши билувчи, улар фаолиятини таҳлил эта оладиган ва унинг натижалари асосида тўғри қарорлар қабул қила оладиган мутахассисларгина муваффақиятга эришиши мумкин.

Билим даргоҳларида олган назарий билимларини амалий тажриба ва кўникмалар билан уйғунлаштириш қобилиятларига эга бўлган мутахассисгина меҳнат жамоасида ўз ўрнини топа олади.

“Индустринл иқтисодиёт” фани иқтисодиёт таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи кўплаб олий ўқув юртларининг ўқув режаларида кўзда тутилган.



“Индустриал иқтисодиёт” фани – ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш омиллари, маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва сотишдан олинган даромадлар ҳамда уларнинг тақсимланиши ва ишлатилиши жараёнлари, шунингдек, аҳоли ва миллий иқтисодиёт учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда амал қиладиган социал-иқтисодий ва маъмурий хўжалик механизмларини ўрганувчи ва очиб берувчи фандир.

“Индустриал иқтисодиёт” фани бошқа фанлар каби ўрганиш функциясини бажаради. Унинг объекти мамлакатнинг саноат тармоғи ва унинг таркибига кирувчи, турли мулк шаклидаги саноат корхоналари ҳисобланади.

“Индустриал иқтисодиёт” фанининг предмети бўлиб саноат тармоғи ва унинг таркибидаги корхоналар фаолиятининг назарий ва амалий асосларини, улар фаолиятида иқтисодий қонуниятларнинг намоён бўлишини, шунингдек, уларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти самарадорлигини реурслардан оқилона фойдаланиш, саноат корхоналарини жойлаштириш ва оқилона бошқарув, инвестицион ва тадбиркорлик фаоллиги асосида ошириш йўллари аниқлаш билан ифодаланади.

“Индустриал иқтисодиёт” фанининг предмети ташкил қилувчи энг асосий масалалар қуйидагилар:

- миллий иқтисодиётда саноат тармоғининг роли ва ўрни;
- саноат тармоғи тузилмаси ва бошқарув механизми;
- саноат ишлаб чиқаришини режалаштириш ва прогнозлаштириш;
- саноат корхоналарининг инновацион ва инвестицион фаолияти;
- саноат ишлаб чиқаришида ресурслардан фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш;
- саноат ишлаб чиқаришини жойлаштириш.

Фаннинг мақсади – талабаларда замонавий иқтисодий фикрлашни, мамлакат миллий социал-иқтисодий ишлаб чиқариш тизимида саноат тармоғининг ўрнини тавсифлаш, миллий иқтисодиётнинг носаноат тармоқлари ҳамда аҳолининг саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, саноат ишлаб чиқаришида инновацион технологияларни тадбиқ этиш

асосида, унинг самарадорлигини ошириш зарурияти тўғрисидаги умумлашган тасаввурни шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифалари – саноат тармоғининг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришдаги ва миллий иқтисодий кўтаришдаги ролини ҳамда ўрнини; саноат корхоналари фаолиятига тааллуқли ва унга алоқаси бўлган қонунлар ва қонун ости ҳужжатларни; иқтисодийдаги мавжуд муаммо ва вазифаларнинг мантиқий кетма-кетлигини ва ўзаро алоқадорлигини; турли хил иқтисодий ва ташкилий-техникавий тадбирларни мустақил ҳисоблаш ва тўғри таҳлил қилиш услубларини ўрганишдан иборат.

Талабалар “Индустриал иқтисодиёт” фанини ўрганиш жараёнида қуйидагиларни бажара олиши лозим:

- иқтисодийдаги мавжуд муаммо ва вазифаларни мантиқий кетма-кетлигини ва ўзаро алоқадорлигини;
- турли хил иқтисодий ва ташкилий-техникавий тадбирларни мустақил ҳисоблаш ва тўғри таҳлил қилиш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали саноат корхонасига кириб келадиган пул оқимини кўпайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни сотишдаги таваккалчиликни баҳолаш;
- корхонанинг иқтисодий–молиявий ҳолатини таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқаришнинг замонавий моделларидан фойдаланиш;
- мавжуд ресурслардан самарадорли фойдаланиш йўлларини;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан кутилаётган даромадни аниқлаш;
- саноат корхонасининг иқтисодий муносабатлар қатнашчиси сифатидаги ҳуқуқий ҳолатини баҳолаш;
- ишлаб чиқаришни жорий ва истиқболли режалаштириш, прогнозлаштириш ҳамда бошқариш вазифаларини малакали тарзда ҳал қилиш;
- саноат корхонасининг салоҳияти ва ресурслардан фойдаланиш;
- саноат корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш;
- саноат корхонасининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконияти мавжуд бўлган йўлларни топиш;

- саноат корхонаси фаолияти йўналишларидаги таваккалчиликни баҳолаш;

- саноат корхонаси фаолиятига молиявий ресурсларни жалб этиш ҳолатини таҳлил қилиш ва пул оқимини кўпайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

“Индустриал иқтисодиёт” фанини ўрганишнинг умумий усули – билишнинг диалектик усули ҳисобланади. Фанни ўрганишда, яъни саноат иқтисодиёти муаммоларини тадқиқ этишда – илмий абстракция, таҳлил ва синтез, мантикийлик, эксперимент, макроиқтисодий ва микроиқтисодий таҳлилни қўшиб олиб бориш, индукция ва дедукция, иқтисодий жараёнларни микдорий жиҳатдан таҳлил қилишнинг таққослаш, статистик, математик усулларидан кенг фойдаланилади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган саноат корхоналарининг ҳамда чет эл корхона (фирма ва компания)ларининг амалиёти далолат берадики, уларнинг аксарияти юқори касб малакасига ва ўз соҳасида чуқур билимга эга кадрлар эвазига юқори даромадга ва ишлаб чиқариш имиджига эга бўлишмоқдалар. Ҳозирги кунда мутахассислар, нафақат, саноат иқтисодиётини яхши билишлари, айти пайтда, ўзларининг иқтисодий фикрлаш доирасини кенгайтиришлари учун бошқа иқтисодий, техникавий ҳамда технологик фанлар мажмуасини ҳам билишлари мақсадга мувофиқдир.

**Таянч иборалар:** Иқтисодиёт, саноат, тармоқ, моддий ишлаб чиқариш, таркибий тузилиш, таркибий силжиш, фан-техника тараққиёти, самарадорлик, иқтисодий барқарорлик, рақобатчилик кураши, бошқариш тизими, талаб ва таклиф, фаннинг тадқиқотлари объекти, фаннинг предмети, фаннинг мақсади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1.“Индустриал иқтисодиёт” фани жамият кадрларининг шаклланишида қандай роль ўйнайди?

2.Саноат корхонаси бозорнинг хўжалик юритувчи бошқа субъектларидан қайси хусусиятлари билан фарқланади?

3.Саноат корхонаси фаолиятининг мақсади нимада?

4.Рақобатчилик корхона фаолиятига қай тарзда таъсир ўтказади?

5.Иқтисодий сиёсат, иқтисодий муҳит ва иқтисодий фанларнинг ўзаро алоқаларини кўрсатиб беринг.

6.Саноат корхонасининг иқтисодий фаолияти билан шуғулланувчи замонавий мутахассис қандай хислатларга эга бўлиши керак?

## **II БОБ. САНОАТ – МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҒИ**

### **2.1. Саноат – моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик етакчи тармоғи**

Саноат – хом ашёни қайта ишлаш, ер ости бойликларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш воситалари ва кенг истеъмол молларини яратиш ва шу кабиларни қамраб олувчи тармоқдир.

У ўзи учун ҳамда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун меҳнат куруллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган (хом ашё, ёқилғи қазиб олиш, энергия ишлаб чиқариш, ёғоч тайёрлаш, шунингдек, саноатда ҳамда қишлоқ хўжалигида олинган маҳсулотларга ишлов бериш ва уларни қайта ишлаш билан банд корхоналар (фабрикалар, заводлар, элетростанциялар, шахталар, конлар ва бошқалар) мажмуи ҳисобланади. У кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади ва индустриал ўсишни таъминлайди.

Саноат шундай тармоқки, у барча мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий ҳамкорлик қилиш нуқтаи назаридан бирлашиши, яъни иқтисодий интеграция тавсифида ўз ифодасини топади. Халқаро иқтисодий интеграция – табиий, меҳнат ва молиявий ресурсларидан, фан-техниканинг барча ютуқларидан оқилона фойдалиниш имкониятларини яратади.

Саноат, айниқса оғир саноат бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни индустриялаштириш муаммоларини ҳал этиш калитидир. У жамиятнинг моддий-техника базасини мустаҳкамловчи, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ривожланишига туртки берувчи, мамлакат иқтисодий қудратини ҳамда халқ фаровонлигини янада оширишнинг пойдевори бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги сиёсий ва иқтисодий ролини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш, уни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган “2022-2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”<sup>11</sup> ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ПФ-60-сон Фармони.

Унда иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш асосида ялпи ички маҳсулотни келгуси беш йилда аҳоли жон бошига 1,6 барабар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш учун замин яратиш кўзда тутилган.

Ялпи ички маҳсулот ва ялпи қўшилган қийматнинг салмоқли қисми саноат тармоғида ишлаб чиқарилади. Шунингдек, саноат – иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқаришни кенгайтиришни таъминлайди. Айнан, саноат ишлаб чиқаришида илмий-техникавий ютуқларни жорий этиш орқали янги асбоб-ускуналар, қурилмалар ва бошқалар яратилади. Ва улар, ўз навбатида, бошқа тармоқларда фаолият юритаётган корхоналарнинг моддий техника базасини мустаҳкамлашда фойдаланилади.

Бугунги кунда, иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги юксалиш – фаол инновацион тараққиёт йўлига ўтган саноат тармоғининг таъсири туфайли рўй берган, десак тўғри бўлади.

Саноатнинг миллий иқтисодиётдаги роли ва ўрнини қуйидаги жадвалдан аниқроқ кўриш мумкин (2.1.1-жадвал).

2.1.1-жадвал маълумотлари далолат берадики, 2019-2022 йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ҳажми 66,8 фоизга ўсган бир пайтда тармоқларда яратилган ялпи қўшимча қиймат 69,9 фоизга, саноатда ҳосил бўлган қўшимча қиймат миқдори эса 67,8 фоизга ортган. Бу, табиийки, мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, иш ва хизматлар сифатининг ошаётганидан ҳамда уларга ички ва ташқи бозорларда талабнинг ўсишидан, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий, меҳнат ва молиявий харажатларнинг пасаяётганидан далолат беради.

Аммо, бу кўрсаткичларни ривожланган мамлакатлар билан қиёслайдиган бўлсак — саноат тармоғининг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги ҳиссаси (уларга нисбатан) жуда ҳам оз.

Ўрганилаётган даврда саноатда (қурилишни қўшган ҳолда) яратилаётган қўшимча қийматнинг ҳажми йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Аммо, саноатнинг мамлакатда яратилаётган қўшимча қийматдаги улуши, 2022 йили 2019 йилга нисбатан 0,4 пунктга пасайган. Бу даврда, хизматлар соҳасининг улуши ҳамон юқори даражада бўлмоқда. Бу табиий ҳол. Чунки, Ўзбекистонда хизматлар иқтисодиётнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

## 2.1.1-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосий кўрсаткичлари<sup>12</sup>

(амалдаги нархларда, млрд.сўм)

Кўрсаткичлар	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2019 йилнинг 2022йилга нисбати, %
Ялпи ички маҳсулот	532 712,5	605 514,9	738 425,2	888 341,7	166,8
Шу жумладан:					
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	487 449,8	561 153,4	686 432,4	828 054,2	169,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	164 635,7	187 610,0	232 535,7	276 227,0	167,8
-саноат	134 185,8	150 275,1	186 978,2	220 704,3	164,5
-қурилиш	30 449,9	37 334,8	45 557,4	55 522,7	182,3

Саноат – социал-иқтисодий категориядир. Унинг табора тараққий этиши – аҳоли бандлиги даражасининг ва даромадининг ошишига, унинг истеъмол молларига бўлган талабининг тўлиқроқ қондирилишига, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда муҳим омил ҳисобланади.

2.1.2-жадвал маълумотларининг далолат беришича, республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2022 йили 2019 йилга нисбатан 230729,2 минг сўмга ёки 1,7 баробарга кўпайган. Ўрганилаётган даврда ишлаб чиқариш индекси ҳар йили ортиб бормоқда. Бу давлатнинг ислохотлар стратегиясини – саноатлаштириш сиёсати билан баробар олиб бора бошлаганининг натижасидир.

<sup>12</sup> О'zbekiston sanoati 2019-2022. – Т.: О'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, 2023, 13 bet.

## 2.1.2-жадвал

### Ўзбекистонда саноат ривожланишининг асосий кўрсаткичлари<sup>13</sup>

Кўрсаткичлар	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2022 йилнинг 2019 йилга нисбати, фоизда
Саноат маҳсулоти (амалдаги нархларда), минг сўм	322535,8	368740,2	456056.1	553265,0	171,5
Саноат ишлаб чиқариш индекси (ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)	105,0	100,9	108.8	105,3	–
Саноатда банд бўлган аҳолининг ўртача йиллик сони, минг киши	1821,5	1809,5	1863.2	1810,6	99,4
Саноат корхоналарининг асосий фондлари, млрд.сўм	124610.3	231453,7	297131,1	323017,1	259,2

Тармоқда банд бўлган аҳоли сони 2022 йили 2019 ҳамда 2021 йилларга нисбатан, мос равишда, 10.9 ва 52,6 минг кишига ёки 0,6 ва 2,8 фоизга камайган, фақатгина, 2020 йилга нисбатан 1,1 минг кишига ёки 1,0 фоизга кўпайган. Шунингдек, ишлаб чиқаришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланмиш – асосий фондлар ҳажми 198406,8 млрд.сўмга ёки 2,6 баробарга ортган.

Саноатнинг ривожланиши ишчилар сонининг ошиши ва унинг жамиятдаги мавқеининг кўтарилишига олиб келади. Тармоқ ишчилари республика ялпи ички маҳсулоти, миллий даромаднинг

<sup>13</sup> O'zbekiston sanoati 2019-2022. – T.: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, 2023, 15,53 va 75 betlar..



асосий қисмини бунёд этмоқда, мамлакат социал-иқтисодий салоҳиятини юқори даражага кўтаришда фаол иштирок этмоқда.

Саноат тараққиётининг муҳим қонуниятларидан бири – саноат ходимларининг маданий-техникавий, маънавий-маърифий даражасининг ўсиши, ишлаб чиқариш малакаси ва тажрибасининг тинмай ошиб боришидир.

Мамлакатимиз саноати ишчилари қиёфасида (ривожланган давлатлар ишчиларидагидек) онгли индустриал меҳнаткаш инсонлар муносабатининг юксак меъёрлари ва умуминсоний тамойилларини, кадриятларини қарор топтирувчи, янги ҳаёт учун илғор курашчи ҳислатлари бир бутун бўлиб мужассамлашган.

Тармоқ ходимларининг билим ва кўникмасининг, ишлаб чиқариш малакаси ва маҳоратини, маданий ва маърифий савиясини юқори даражага кўтариш бўйича амалга оширилаётган ишларда ҳам саноатнинг юқори ўрин тутишини кўриш мумкин.

Социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришни таъминловчи буюк ҳаракатлантирувчи куч – бу рақобатдир. Ҳозирда, мамлакатимизнинг саноат ишлаб чиқаришида ҳам беллашув (рақобат) ривож топмоқда. Илғор техника ва технологиялардан фойдаланиш, материалларнинг янги турларини яратиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришдаги маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини юқори даражага кўтариш, ишлаб чиқаришнинг бошқа бир қатор техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш асосида унинг самарадорлигини кўтариш учун ҳаракат ва бошқа меҳнат анъаналари ҳам, аввало, саноат соҳасида вужудга келди ва келмоқда.

Саноат мамлакат мудофаа қобилятининг моддий асоси, эл-юртда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг муҳим омили, қўшни мамлакатлар мустақиллигини, ҳамкорлиги ва бирдамлигини таъминловчи муҳим соҳадир. Ўзбекистон давлати мудофаасини кафолатлашда саноатнинг роли бебаҳодир.

Меҳнат предметига таъсир қилиш хусусиятига кўра – саноат қазиб олувчи ва ишлаб чиқаришга бўлинади. Биринчиси, табиатнинг инсонга тақдим этган фойдали қазилмаларни ва бошқа моддаларни қазиб олиш билан шуғулланади, иккинчиси, хом ашё ва материалларни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулотга айлантиради.

Республика саноатида тармоқларнинг тутган ўрни ҳар хил. Саноат тармоқлари орасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ва агросаноат мажмуига хизмат кўрсатувчи

тармоқлар тарихан етакчи мавқега эга. Булар пахта тозалаш, шойи тўқиш, консерва, ёғ-мой ва бошқа тармоқлардир. Кимё ва нефть кимёси, машинасозлик, электроника, энергетика, металлургия, енгил ва қурилиш материаллари саноати жадал суръатларда ривожланмоқда. Саноат тараққиётида ёқилғи-энергетика комплексининг ўрни алоҳида. Унинг таркибига газ, кўмир, нефть ва нефтни қайта ишлаш саноати, энергетика киради. Ўзбекистон жаҳондаги 10 та йирик газ ишлаб чиқарувчи мамлакатлар жумласига киради.

## **2.2. Мамлакатимизда саноатнинг ривожланиш босқичлари ва ҳозирги ҳолати**

Саноатнинг мустақил тармоғи сифатида вужудга келиши ижтимоий ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожини (хунармандчиликнинг қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқиши – иккинчи энг йирик меҳнат тақсимоти) билан боғлиқ. Ўзбекистон саноат тармоғи объектив борлиқнинг муҳим ҳодисалари қаторида маълум даврда дунёга келган, муайян қонун ва қоидалар асосида ривожланган.

### **2.2.1-жадвал**

#### **Ўзбекистонда саноат тармоғининг ривожланиш босқичлари<sup>14</sup>**

<b>Босқичлар</b>	<b>Саноат тармоғи ривожланиш босқичларининг мазмуни</b>
<b>I-босқич</b>	Ўзбекистон саноати ҳам ўз тараққиёти жараёнида қатор босқичларни босиб ўтган. Энг аввало, уй саноати ("Она қорнидаги саноат"), сўнгра, хунармандчилик, яъни хонаки саноат, кооперация, мануфактура, фабрика каби шакллари юзага келган. Бу ерда: хунармандчиликнинг жуда кўп турлари, яъни кулолчилик, дурадгорчилик, тоштарошлик, бинокорлик, ўймакорлик, каштадўзлик, кўнчилик, тўқувчилик ва тикувчилик, темирчилик, мисгарлик ва заргарлик, дегрезлик, рихтагарлик, зардўзлик, бўёқчилик, тунукасозлик ва бошқалар кенг тарқалган.
<b>II-босқич</b>	Хунармандчилик ("хонаки саноат") бронза асрида деҳқончиликдан ажралиб чиққан. Милоннинг дастлабки асрларида ҳозирги Ўзбекистон худудида анчагина хунармандчилик марказлари ташкил топган.

<sup>14</sup> Жадвални тузишда фойдаланилган манба: Ortiqov A. Sanoat iqtisodiyoti. Darslik. -Т.: "Sano-standart", 2014, 4-5 бетлар.

III-босқич	IX-X асрларда ип, мато, гилам бўйича Хива ва Шош, мис ва темирдан аслаҳа, пичоқ тайёрлаш бўйича Фарғона, шойи матолар, шиша маҳсулотлар тайёрлаш бўйича Бухоро дунёга танилган. XII-XIII асрларда ривожланиш пасайиб, Темурийлар давлатининг вужудга келиши билан ҳунармандчилик яна ривож топган. Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент, Шахрисабз каби шаҳарларнинг ишлаб чиқариш муносабатларида ҳунармандчилик алоҳида аҳамият касб этган.
IV-босқич	XVIII-асрнинг 60-70-йилларда Англияда рўй берган саноат тўнтарилишидан кейин Ўзбекистонда аста-секин мануфактурадан машиналашган индустрияга ўтиш бошланди. Хом ашёга бирламчи ишлов берадиган саноат соҳалари (пахта тозалаш, ипак тортиш, вино, консерва, мой заводлари) вужудга келди.
V-босқич	XIX-аср охирига келиб, Ўзбекистонда ҳунармандчиликнинг 30 га яқин тури ривожланган. XX аср бошларида эса ҳунармандчиликнинг асосий қисми артелларга, кейинчалик завод ва фабрикаларга, бадий буюмлар корхоналарига айлантирилган.
VI-босқич	XX-асрда Ўзбекистон саноатида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Агар аср бошларида саноат маҳсулотининг энг муҳим турларидан 5-10 хили (пахта толаси, хом ипак, ўсимлик мойи, узум виноси, ғишт, ганч ва бошқалар) ишлаб чиқарилган бўлса, аср охирига келиб юзлаб-минглаб турлари тайёрланган.
VII-босқич	XX-асрнинг 90-йиллари ва XXI-асрнинг дастлабки йиилариданок Республика иқтисодиётида муҳим ўринда турадиган саноат тармоқларида тузилмавий қайта таркибланиш амалга оширилди, кўплаб кичик ва ўрта корхоналар ташкил топди (2000 йилда 6,4 минг ўрта, 20,4 минг кичик корхона ишлади). Чет эл капитали билан ҳамкорликда кўпгина саноат тармоқларида қўшма корхоналар ташкил этилди (қаранг: Асака автомобил заводи, “Бритиш Американ табакко”, “зарафшон-Ньюмонт”, “Кабул-текстайлз”, “Кока*кола”, “Самкочавти” қўшма корхонаси ва бошқалар). Саноат тармоқларига, айниқса, маҳаллий хом ашёни қайта ишладиган тармоқларга чет эл инвестицияларини жалб этиш фаол давом этмоқда.

Мамлакат иқтисодиёти тараққиётида соҳаларнинг босқичма-босқич самарали ривожланиши таркибида саноат тармоғининг эволюцион тараққиёт даврларини таҳлил этган ҳолда унинг

ривожланишини, бизнинг фикримизча, 7 та асосий босқичларга бўлиш мақсадга мувофиқ (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда саноат тармоғи ривожланишининг ҳар бир босқичлари ўзи ичига маълум даврларни олмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида саноат тараққиёти илдизини узоқ тарихга эга бўлган ҳунармандчилик ташкил этган. Самарқанд, Бухоро, Урганч, Тошкент, Қўқон, Марғилон, Наманган, Андижон каби шаҳарлардан майда ва йирик ҳунармандчилик ривож топди.

Ўзбекистонда ҳақиқий маънодаги саноатнинг пайдо бўлиши XIX-асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши натижасида ўлкага рус саноатчилари ва Россия капиталининг кириб келиши натижасида хом ашёга бирламчи ишлов берадиган саноат тармоқлари (пахта тозалаш, вино, ароқ, консерва, пахта мойи заводлари) пайдо бўлди. Пировардида юртимизда саноат ишлаб чиқариши Россия саноати ва иқтисодиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланди.

1913 йилда Ўзбекистон ҳудудида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда оғир саноатнинг ҳиссаси 2 фоизни, метал ишлаш 1 фоизни, енгил саноат 0,8 фоизни, озиқ-овқат саноати 14 фоизни ташкил этган эди. Кейинги салкам 100 йил давомида Ўзбекистон саноатида электр энергетика, газ, нефть, кўмир, қора ва рангли металлургия, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги (тракторлар, пахта териш машиналари) автомобилсозлик, кабель, электроника, пахта тозалаш саноати машинасозлиги, самолётсозлик, ирригация-қурилиш машинасозлиги, кимё, цемен, қурилиш материаллари, тиббиёт, ёғ-мой, тўқимачилик, тикувчилик, озиқ-овқат ва бошқа саноат тармоқлари шаклланди.

XX-асрнинг 20-йилларидан бошлаб Ўзбекистонда саноат биринчи жаҳон уруши ва фуқаролар уруши натижасида инқирозга учраган майда, кустарь корхоналарни тиклаш асосида ривожлана бошлади. Пахта тозалаш заводлари, пиллакашлик, йигирув-тўқув, тикувчилик, пойабзал фабрикалари қурила бошлади, 1937 йилда Тошкент тўқимачилик комбинати ишга туширилди, 20-асрнинг 40-50 йилларида кўмир саноати, газ саноати, нефть саноати жадал ривожлана бошлади.

1941-45 йиллардаги уруш даврида Ўзбекистонга 90 та саноат корхонаси кўчириб келтирилди, уларнинг кўпи машинасозлик, асбобсозлик корхоналари эди. Урушдан кейинги йилларда кўпгина

корхоналар қурилиши натижасида машинасозлик тармоқлари кўпайди, самалётсозлик, асбобсозлик, моторсозлик, электроаппарат, электр двигатель, экскаватор, компрессор заводлари қурилди. Тошкент, Олмалик, Чирчиқ, Самарқанд, Навоий, Фарғона, Янгийўл, Намаган, Шўрсув ва бошқа шаҳарлар кимё индустрияси марказига айланди. Бекобод, Чирчиқ, Тошкент шаҳарларида қора металлургия, Навоий, Зарафшон, Олмалик, Учқудуқ шаҳарлари рангли металлургия марказлари ҳисобланади<sup>15</sup>.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон саноатида туб ислохотлар амалга оширилди, кўпгина тармоқлардаги саноат корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилиб, давлат-акциядорлик, корпоратив, жамоа, хусусий ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий мулк шаклларига айлантирилди.

“Чет элларда саноатнинг ривожланиши – саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу мамлакатларда иқтисодий тараққиёти катта ҳажмда жамғарилган техника жиҳатидан илғор капитал асосида ва мавжуд юқори малакали ишчи кучи билан таъминланади. Уларга АҚШ, Канада, Япония, кўпгина Ғарбий Европа мамлакатлари киради”<sup>16</sup>.

Дунёнинг ривожланган қатор мамлакатлари тажрибасидан аёнки, дастлаб саноат тараққиётида қишлоқ хўжалиги ва тоғ-кон хом ашёсини қайта ишлаш соҳалари жадал ривожлантирилган. Ўзбекистон ҳам иқтисодиётни саноатлаштиришда шу йўналишни танлаган десак тўри бўлади.

2023 йил 1 январь ҳолатига республика саноат корхоналарининг сони 105,3 мингта<sup>17</sup> бўлиб, уларнинг 8,0 мингтаси ўрта ва йирик, 97,9 мингтаси<sup>18</sup> эса кичик корхона ва микрофирмалардир. Булар иқтисодиётнинг етакчи тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

2.2.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2022 йили 2019 йилга нисбатан 230 729,2 млрд сўмга ёки 1,7 баробар кўпайган. Тармоқнинг ишлаб чиқариш саноати (озик-овқат, ичимликлар, тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотлари, мебель ва бошқалар), тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, электр, газ, буғ билан

<sup>15</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси 7-жилд. Таҳрир ҳаяти М.Аминов, Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев ва б. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004., 492-494 бетлар.

<sup>16</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. Таҳрир ҳаяти М.Аминов, Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев ва б. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004, 492-494 бетлар

<sup>17</sup> O'zbekiston raqamlarda 2021-2022. – Т.: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, 2023, 113 bet.

<sup>18</sup> O'sh manba, 116 bet.

## 2.2.2-жадвал

### Ўзбекистон саноатининг асосий кўрсаткичлари<sup>19</sup>

Кўрсаткичлар	Й и л л а р			
	2019	2020	2021	2022
Саноат маҳсулоти ҳажми, млрд сўм	322 535,8	368 740,2	456 056,1	553 265,0
Саноат ишлаб чиқариш индекси, ўтган йилга нисбатан	105,0	100,9	108,8	105,3
шу жумладан:				
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	99,4	78,0	110,8	101,9
Ишлаб чиқарадиган саноат	106,6	107,9	108,3	105,4
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	105,1	106,8	111,8	113,5
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	102,2	99,1	85,8	94,7

таъминлаш ва ҳавони кондициялаш ишлари ҳажми ўсиш тенденциясига эга.

Ўрганилаётган даврда, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш ишларининг сусайганлиги кузатилмоқда. Бу, бизнинг фикримизча, тегишли йўналишдаги ишлаб чиқариш шахобчалари моддий-техника базасининг эскириши туфайли ишлаб чиқариш қувватларининг пасайиши ҳамда малакали мутахассисларнинг етишмаслиги билан боғлиқ.

### 2.3. Ўзбекистонда иқтисодий саноатлаштириш сиёсати

Маълумки, иқтисодий жараёнлар даврлар ўтиши билан янги мазмун ва компонентлар билан бойиб боради. Шу сингари, давлат иқтисодий сиёсати ҳам янги давр талабидан келиб чиқиб, янги шакллар, усуллар, механизмлар ва кўринишларнинг жорий этилиши билан замонавийлашган ва такомиллашган кўринишга эга бўлади.

<sup>19</sup> O'zbekiston sanoati. – T.: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, 2023, 15 bet.

“Саноатлашув – бу миллий иқтисодиёт миқёсида содир бўладиган кенг қамровли тушунча бўлиб, саноат ишлаб чиқаришини устун ривожлантириш орқали, бу тармоқнинг бошқа соҳаларга синергетик таъсири кучайиши натижасида иқтисодиётнинг халқаро рақобатбардошлиги ошиб боришини билдирувчи жараён”<sup>20</sup>.

Саноатлашув – жамиятнинг социал, моддий ва молиявий капиталини муттасил кўпайтириб, унинг таркибини сифат жиҳатдан такомиллаштириб боришни тақозо этувчи, давлат ва хусусий мулкнинг ҳамкорликда ҳаракатини заруратга айлантирган иқтисодий, техник-технологик ва инновацион жараён ҳисобланади.

Иқтисодиётни саноатлаштириш жараёни бугунги кунга келиб, барча мамлакатлар учун ҳаётий зарурият бўлиб қолмоқда. Чунки, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашувини шароитида мамлакатлар ўртасида юзага келаётган “рақобат муҳити” ва шиддат билан авж олаётган боғлиқлик даражасининг ортиши – миллий саноатни инновацион ривожланиш йўлига ўтказишни долзарб қилиб кўймоқда.

Саноатлашиш мураккаб жараён. У дунё мамлакатларининг халқаро меҳнат тақсимоотида жаҳон бозоридаги кучли рақобат шароитида фаол иштирокини тақозо этади. Чунки, мамлакатнинг саноатлашиш имконияти, унинг экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқара олиш даражаси билан чамбарчас боғлиқ.

Шу сабабдан ҳам иқтисодиётни саноатлаштириш жараёни суръатларини ошириш учун давлат миллий ишлаб чиқаришни саноатлаштириш борасида алоҳида сиёсат олиб боради. Бу саноат таркибини такомиллаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Саноатлаштириш сиёсати – бу давлатнинг мамлакат иқтисодиётини таркибий жиҳатдан қайта қуриш, ҳаётий зарур саноат тармоқларини барпо этиш ва ривожлантиришга қаратилган тадбирлар мажмуидир.

Давлатнинг саноатлаштириш сиёсати – тармоқлараро интеграция, жумладан, агросаноат интеграцияси, саноат тармоқларини жойлаштириш, урбанизациялашувни бошқариш каби масалаларини ўз ичига олади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг саноатлашиш жараёни – саноат тармоғининг бошқа барча тармоқларга, хусусан, қишлоқ

---

<sup>20</sup> Холматов Н.Б. Миллий саноатлашув жараёни муаммоларини ўрганишга институционал ёндашув. // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnali. № 1, yanvar-fevral, 2020 yil, 142 bet.

хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларига жадал кириб боришида, яъни улар фаолиятида техника ва машиналарнинг кенгрок қўлланилишида намоён бўлади.

Саноатнинг бошқа тармоқлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаб берувчи тармоқ сифатидаги аҳамиятининг ортиши баробарида, унда илм ва фандаги ютуқлар ҳам мужассамлашиб боради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат саноатлаштириш сиёсати илм сифими ва қўшилган қиймат улуши юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий ва илғор технологик тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган. Шу сабабдан ҳам саноат ишлаб чиқаришининг техник-технологик тузилиши фақат инновацион ва креатив<sup>21</sup> ёндошувларга таянади.

Тармоқга илм ва юқори технологияларни узлуксиз жорий этмасдан, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларисиз саноат маҳсулотларининг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини таъминлаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконсиз. Масалага бу йўсиндаги ёндошувлар бугун саноат соҳасини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларда ўз аксини топмоқда.

Иқтисодиётни саноатлаштириш – бошқаларга нисбатан устунликка эга ва илғор технологияга асосланган саноат тармоқларининг жадал ривожлантирилиши ҳамда илмий-техника ютуқларининг барча соҳаларда кенг қўлланилиши орқали миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигидаги рақобатбардошлигининг доимий ошиб боришини билдирувчи иқтисодий-технологик жараён дир.

Иқтисодиётнинг саноатлашувини тезлаштириш учун, табиийки, давлат ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо этиши, саноат ишлаб чиқаришини ташкил этадиган ва бошқарадиган инсон капиталини шакллантириши зарур. Инсон ресурсларини инсон капиталига айлантириш жараёни бошқа иқтисодий жараёнлардан ортда қолмаслиги зарур. Яъни, инсон капиталининг ривожланиши саноатлашув жараёнларининг умумий тенденциялардан ташқарида қолмаслиги керак.

Ўзбекистонда иқтисодиётни саноатлаштириш сиёсати доирасида саноат йўналишида мутахассис кадрлар тайёрлайдиган

---

<sup>21</sup> Креатив – шахснинг ижодий, яратувчилик қобилияти.



маҳаллий олий таълим муассасалари ва хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари фаолият юритишмоқда: Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, Навоий давлат тоғ-кон институти, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети, Россия “Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси Миллий технологик тадқиқотлар университети МИСиС”нинг Олмалик шаҳридаги филиали ва бошқалар.

Юртимизда техника ва технология йўналишида кадрлар тайёрлаётган олий ўқув юртлари саноат корхоналари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Жумладан, Самарқанд давлат университети ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб айна кунда “Самарқандкимё” заводи учун мутахассислар тайёрлаб келмоқда. Навоий давлат тоғ-кон институти эса тармоқдаги йирик ишлаб чиқарувчилар ҳисобланган Навоий тоғ-кон металлургия комбинати ҳамда “Ўзкимёсаноат” давлат-акциядорлик компанияси таркибидаги “Навоийазот” АЖ билан ҳамкорлик қилади<sup>22</sup>.

Юртимизда иқтисодиётни саноатлаштириш борасида олиб борилаётган сиёсатнинг туб мақсадларидан бири – бу мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш ва импортнинг ўрнини тўлдиришга қаратилган бўлиб, у мавжуд қувватлардан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишдан иборатдир.

Мамлакат экспорт салоҳиятининг ошиб бориши ва импорт маҳсулотлари ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш саноатлаштириш сиёсатининг пировард натижаси ҳисобланади.

Саноат ишлаб чиқаришида инновацион технологияларнинг қўлланилиши ва ахборот технологияларининг саноат тармоқларида кенг ёйилиши иқтисодиётни саноатлаштириш жараёнига таъсир этади. Саноатлашган жамиятда саноат ишлаб чиқариши ахборот технологиялари ёрдамида юқори даражада такомиллаштирилади.

Иқтисодиётни саноатлаштиришда кичик саноат зоналари ва саноат кластерларининг барпо этилиши муҳим ўрин тутди. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ташкил этилаётган кичик саноат зоналари қатнашчилари икки йил муддатга ягона солиқ тўловидан озод этилади. Агар имтиёзларнинг амал қилиш муддати давомида

---

<sup>22</sup> Ferkensco техника йўналишидаги ОТМ битирувчиларига имкониятлар эшигини очди.  
<https://kun.uz> <https://kun.uz> 12:00 / 27.12.2021 3935

корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий ҳажмининг камида 30 фоизи экспорт қилинса, мазкур имтиёзлар яна икки йилга узайтирилади. Шунингдек, уларга давлат бинолари имтиёзли узоқ муддатли ижарага ёки “ноль” қийматда берилади.

Бугунги кунда, янги ишчи ўринларини яратишга, аҳоли даромадларининг ошишига ва мамлакатнинг иқтисодий ўсишга кичик саноат корхоналари ва микрофирмаларининг ҳиссаси ортиб бормоқда (2.3.1-жадвал).

### 2.3.1-жадвал

#### Кичик корхона ва микрофирмаларнинг Ўзбекистон Республикаси саноати ривожининг асосий иқтисодий кўрсаткичларидаги улуши<sup>23</sup>

Кўрсаткичлар	Й и л л а р			
	2019	2020	2021	2022
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	2.1	1.9	2,3	1,9
Ишлаб чиқарадиган саноат	96.0	96.0	96,3	95,8
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	1.5	1.7	1,0	1,6
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	0.4	0.4	0,4	0,7

2.3.1-жадвал маълумотларининг гувоҳлик беришича, Ўзбекистон 2019-2022 йилларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари (озиқ-овқат, ичимликлар, тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотлари, мебель ва бошқалар)нинг 95,0 фоиздан юқори қисми кичик саноат корхоналари ва микрофирмаларининг ҳиссасига тўғри келган. Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар мамлакат иқтисодий ўсишидаги улуши 2020 ва 2022 йилларда пасайган бўлсада, бу кўрсаткич 2019 ва 2021 йилда биров юқорилаган.

<sup>23</sup> О'zbekiston sanoati. – Т.: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, 2023, 33 bet.

Тармоқнинг бошқа шахобчаларининг умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши ҳам секин бўлсада ошмоқда. Келгусида кичик саноат корхоналари ва микрофирмалари негизда йирик хусусий корпорациялар шаклланиши мумкин ва бу Ўзбекистоннинг саноатлашган жамиятга айланганлигининг асосий белгиси бўлади.

Мамлакатимизда юритилаётган саноатлаштириш сиёсати – иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш орқали оширишга қаратилган бўлиб, бу сиёсат алоҳида тармоқ ёки тармоқларни ривожлантиришга нисбатан кенгроқ мақсадни кўзлайди.

Бу сиёсат натижасида иқтисодиётнинг қиёсий устунликларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайди ва юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда яратилган тадбиркорлик муҳити – иқтисодиётни сифат жиҳатдан юқори даражага кўтаришга, мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлашга, аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратишга ва республиканинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишига замин яратиши керак.

#### **2.4. Саноатни жойлаштириш тамойиллари ва омиллари**

Ҳаётда “жойланиш”, “жойлашиш”, “жойлаштириш” каби сўзларини кўп ишлатамиз. Яшаш тарзимиз, фаолиятимиз шу сўзлар билан ҳамоҳанг кечади. Бу сўзларнинг ўзагини “жой” атамаси ташкил этсада, уларнинг маъноси бир хил эмас. Шу сабабдан ушбу атамалар мазмунини аниқлаштириш талаб этилади. “Жойланиш” ёки “жойлашиш” деганда кўпроқ юзага келган ҳолат назарда тутилади ва у ҳамма вақт ҳам инсон томонидан яратилган бўлавермай, балки ўзига хос турли хил, энг аввало, табиат қонуниятлари асосида вужудга келади. Ер юзидаги ўрмонлар, денгизлар ва океанлар, улардаги жониворлар ҳамда ер қаъридаги қазилма бойликларни ҳеч ким жойлаштирмаган, улар табиат қонуниятлари асосида жойлашган.

Жойлаштириш эса, оддий жойланишдан фарқ қилиб, кимдир томонидан, аниқроғи, турли мулк эгалари томонидан ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳаларига тааллуқли корхоналарни маълум тамойиллар асосида ташкил этилади.

Тадбиркор албатта фойда олишни кўзлайди, давлат эса иш ўринларини кўпайтириш, меҳнат ресурсларини банд қилиш, социал

ва экологик муаммоларни ҳал қилиш, ҳудудларнинг ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтиришга интилади. Бундай вазиятда, давлат ўзининг турли хил воситалари (механизмлари) орқали ишлаб чиқаришнинг жойлашувини тартибга солиб, бошқариб боради.

Мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида табиат ресурсларининг ўрни беқиёс. Уларнинг айрим элементлари (масалан, нефть ва нефть маҳсулоти экспорти) баъзи давлатларнинг иқтисодий ривожланишини белгиловчи, бош куч ҳисобланиши мумкин.

Жаҳон амалиёти далолат берадики, мамлакат социал-иқтисодий ривожини – меҳнат воситалари, меҳнат ашёлари ва иш кучи омилларининг бўлиши, ҳатто уларнинг етарли миқдорда бўлиши ҳам белгиламайди.

Дунёда шундай давлатлар борки, уларда ишлаб чиқариш омиллари ғоят кам, айниқса, миллий ресурслар ғоят тақчил. Бундай вазиятда иқтисодий тараққиётни ишлаб чиқариш кучларининг жойланиш даражаси ва улардан фойдаланиш техника-технологияси белгилайди. Япония, Жанубий Корея каби мамлакатлар табиий шароитлари жуда қулай бўлмасда, табиий бойликлари салоҳияти йўқ даражада бўлса ҳам ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишида юксак муваффақиятларга эришдилар.

Демак, табиат ресурслари, жамият социал-иқтисодий қиёфасини ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жойлашиш қонуниятларини аниқлаб бера олмас экан. Бироқ, табиат ресурслари миллий иқтисодиёт тармоқларини мамлакат ҳудуди бўйича жойлаштиришга маълум таъсир кўрсатади.

Оқилона олиб борилаётган иқтисодий сиёсат саноат ишлаб чиқаришининг номақбул жойлашишига асло йўл қўя олмайди. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда иқтисодий сиёсат – мамлакатимизнинг тамомила янгича миллий иқтисодиёт мажмуасини яратишга қаратилган. Бундай мажмуа хом ашё, меҳнат воситалари, молиявий ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишга хизмат қилади, энг муҳими, ижтимоий меҳнат сарфларини тежаш ҳамда халқ фаровонлигини яхшилаш имкониятини туғдиради.

Саноат ишлаб чиқаришини мамлакат ҳудудида оқилона жойлаштириш – жамият курилишининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, республика ва ҳар бир иқтисодий ҳудуд иқтисодиётини юқори даражага кўтариш ва ривожлантиришнинг зарурий шартидир.

Саноат ишлаб чиқаришини жойлаштириш деганда, унинг маълум бир ҳудуд бўйлаб тақсимланиши тушунилади. Реал секторнинг ушбу тармоғини жойлаштириш ҳам бевосита ҳудудий меҳнат тақсимоти билан боғлиқ. Ҳудудий меҳнат тақсимоти – турли жойларнинг: мамлакат ёки вилоят, туманлар, шаҳарларнинг ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашидир.

Ҳудудий меҳнат тақсимоти – миллий иқтисодиёт тармоқларини ҳудуднинг табиий шароити ва бойликлари, аҳолиси, меҳнат ва бошқа ресурслари каби ҳамда минтақа бозорининг ҳажми, аҳолисининг сотиб олиш қобилияти, инфратузилма ва коммуникация тизимнинг ривожланганлик даражаси каби омилларга қараб жойлаштирилишини назарда тутди.

Саноат ишлаб чиқаришини оқилона жойлаштириш – кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини юқори суръатларда амалга ошириш, мавжуд табиат ресурсларидан ҳар томонлама самарали фойдаланиш ва бунинг натижасида ижтимоий меҳнат унумдорлигини юксалтириш, ҳар бир корхонада маҳсулот таннархини пасайтириш, мамлакат барча иқтисодий ҳудудларини бир текис ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотиш, мамлакат мудофаа қобилиятини ошириш имконини беради.

Саноат ишлаб чиқаришининг оқилона жойлашиши, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларининг, жумладан, транспорт ва қишлоқ хўжалигининг жойлашишига ҳамда янги шаҳар ва қишлоқларнинг пайдо бўлишига, айрим иқтисодий ҳудудларнинг муайян маҳсулот ишлаб чиқариши бўйича ихтисослашувига олиб келади.

Саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий ҳудудлар бўлаб жойлаштириш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга катта таъсир кўрсатади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксиз бўлиши, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳамда аҳоли моддий ва маданий фаровонлигининг юксалиши – саноат ишлаб чиқаришини жойлаштиришнинг иқтисодий-социал самарадорлиги мезонидир.

Саноат ишлаб чиқаришининг оқилона жойланиши маълум тамойилларга асосланади. Шубҳасиз, ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий тарихий ва ҳудудий хусусиятлари ҳам ана шу жойланиш ҳолатини белгилайди.

Саноат ишлаб чиқаришининг жойланиши асосан қуйидаги тамойилларга асосланади:

- саноат ишлаб чиқаришини авваламбор хом ашё, ёқилғи-энергетика манбаларига яқин ва ниҳоят, саноат маҳсулотларини истемолчи ҳудудларига тобора яқинроқ жойлаштириш;

- иқтисодий ҳудудлар ўртасида меҳнатни оқилона тақсимлаш ва иқтисодий ҳудудлар хўжалигининг мажмуали ривожланишини таъминлаш;

- ҳар қайси вилоят ва туманнинг иқтисодий ривожланиш даражасининг бир текис бўлишига эришиш;

- саноат тармоқларини жойлаштиришда мамлакатнинг мудофаа стратегиясига асосланиш;

- халқаро иқтисодий алоқаларда ўзаро тенг манфаатли муносабатларни ўрнатиш, халқаро меҳнат тақсимоли негизида самарадоликка эришиш, жаҳон хўжалигига интеграциялашувни жадаллаштириш;

- саноат корхоналарини жойлаштиришда ҳудуднинг экологик вазиятини ҳисобга олиш, атроф-муҳитга чиқиндилар чиқаришнинг чегара меъёрларига асосланиш ва ҳоказо.

Саноат ишлаб чиқариш корхоналари ва уларнинг инфраструктураси хом ашё манбаларига яқин жойланиши – ташиш харажатларини камайтириш, атроф-муҳитнинг ортиқча ифлосланишининг олдини олиш ва бошқа имкониятларга ёрдам беради, хом ашё маконида иқтисодий, социал ва маданий тараққиётга хизмат қилади;

Саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг меҳнат ресурслари етарли бўлган ҳудудларда жойланиши – ишчи кучи кўпроқ истемол қиладиган тўқимачилик, тикувчилик, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарининг бундай жойлашиши юқори самара келтиради.

Саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг истемолчиларга, харидорларга, тўлов қобилияти юқори бўлган аҳоли ҳудудларида жойланиши ҳар жиҳатдан қулайроқдир. Чунки, саноат корхоналарида ишлаб чиқариладиган аксарият маҳсулотлар истемолчилар учун мўлжалланади. Истемолчилар қанча кўп бўлса, маҳсулотларни ташиш, сақлаш, саралаш каби харажатларни тежаш имконияти бўлади.

Ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришда барча шарт-шароитлар ҳисобга олиниши зарур, лекин маълум тармоқни ҳудудий ташкил этишда барча омиллар эмас, балки улардан айримларигина етакчи роль ўйнайди.

**Хом ашё омили.** Бу омил тоғ-кон ва қайта ишловчи саноат тармоқларини жойлаштиришда муҳим омил ҳисобланади. Масалан, металлургия, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда хом ашё кўпроқ сарфланади. Шунинг учун бундай ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар мумкин қадар хом ашё мавжуд ҳудудларга яқин жойлаштирилади. Хом ашёга асосланган саноат тармоқларининг географиясини ўрганиш энг аввало, мамлакат табиий шароити ва бойликларини билишни талаб этади.

**Ёқилғи-омили.** Иссиқлик электр станциялари, қора металлургия саноатининг дастлабки босқичини жойлаштиришда асосий роль ўйнайди. Нефть ва унинг маҳсулоти (мазут) ва табиий газ асосида ишловчи иссиқлик электр станцияларини, металлургия комбинатларини қуришда муҳим ҳисобланади.

**Электр энергия омили.** Бу омил ўзига хос хусусиятга эга. У яратган маҳсулот – электр қувватини тўплаб, омборхоналарда йиғиб бўлмайди, ундан ўша зоҳатиёқ фойдаланиш керак бўлади. Унинг яна бир хусусияти – электр қуввати юқори кучланишли бўлиб, тармоқлар орқали узоқ масофаларга берилиши мумкин. Одатда, электр қуввати омилини ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ташкил этилишида энг аввало, унинг арзон турига устунлик берилади. Арзон электр қуввати – гидроэлектро-станцияларидан олинади, чунки бунда сув кейин ҳам сувлигича қолаверади, ёқилғи электр станцияларида эса кўмир, мазут ёки табиий газ сарфланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, электр қуввати омили сифатида – бир қатор саноат корхоналарини ўз атрофига “йиғиб” олади. Катта ҳажмда электр энергия истеъмол қилувчи корхоналарнинг арзон электр қуввати манбаларига яқин жойда қурилиши иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади. Демак, электр энергия йирик саноат мажмуаларини ҳосил қилиш қудратига эга.

**Сув ва иқлим шароити** ҳам саноат ишлаб чиқаришини жойлаштиришда муҳим омил ҳисобланади. Сув манбалари, айниқса, иссиқлик электр станциялари, кимё, ёғоч-целлюлоза, металлургия заводларининг фаолиятига сезиларли таъсир қилади. Сув ва иқлим шароитлари бошқа саноат корхоналарини қуришда ҳам эътиборга олинади.

**Аҳоли ва меҳнат ресурслари ёки демографик омил.** Аҳоли ва саноат ишлаб чиқаришини жойлаштириш ўртасида ўзаро мустаҳкам алоқа мавжуд. Бунда иккита ҳолатни қайд қилиш лозим: биринчидан, шундай корхоналар борки, уларга сон жиҳатидан кўп ишчи керак. Масалан, тикув фабрикаси, консерва ишлаб чиқариш, пахта хом ашёси (ғўза ҳосили)ни қайта ишлаш ва ҳоказо. Айрим корхоналарга эса, меҳнат ресурсларининг миқдори кўп бўлиши шарт эмас, уларда кам сонли малакали ишчи кучи талаб қилинади.

**Истеъмолчи омили.** Ушбу омил истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ўзига “тортади”. Аҳоли фақат ишчи кучи эмас, балки у энг аввало, “истеъмолч” ҳамдир. Бу омилнинг аҳамияти, ҳозирги кунда, кескин ошиб бормоқда. Истеъмол омили фақат аҳоли эҳтиёжи билан белгиланмайди. Саноат маҳсулотларидан фойдаланиш кўламининг кенгайиши, уларни транспортда келтириш-нинг ноқулайлиги ҳам бундай корхоналарни истеъмолчиларга яқин ҳудудларда барпо этишни назарда тўтади

**Транспорт омили.** Бу омилсиз хом ашё, тайёр маҳсулот ҳам жойидан силжимади, ҳудудий меҳнат тақсимооти ривожланмайди. У ишлаб чиқаришни бевосита давом эттирувчи тармоқ ҳисобланади. Шунинг учун транспортнинг аҳамияти барча бошқа омиллар билан қўшилиб, уйғунлашиб кетади ва уни алоҳида ажратиб олиш қийин. Шу билан бирга транспорт масаласи иқтисодий-географик омил билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Бу объектнинг энг аввало, ташқи (ҳудудий) иқтисодий муносабатларини англатади. Мамлакатимизда Қамчиқ давонидан ўтувчи йўлнинг қурилиши, Навой-Учқудуқ-Нукус, Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон ва бошқа йўлларнинг қурилиши транспортнинг ривожланишида ва саноат ишлаб чиқаришининг жойлашишида ҳамда ривожланишига муҳим туртки берди.

**Фан-техника тараққиёти омили.** Бу омилнинг таъсири бир қатор тармоқларни ҳудудий ташкил этишда аниқ намоён бўлади. Масалан, машинасозлик, электротехника ва кимё саноат тармоқларига тегишли кўпгина корхоналар юксак даражада илмий техника кудратига эга бўлган шаҳарларда жойлаштирилади. Шунингдек, у геологик-қидирув ишларини кенгайтиришга, мамлакатнинг турли ҳудудларида минерал хом ашёнинг янги манбаларини очишга имконият туғдиради.

**Экологик омил.** Юқорида келтирилган омилларнинг барчаси катта аҳамиятга эга. Бироқ уларнинг барчаси, пировард натижада, экология масаласига рўбарў келади. Шу нуқтаи назардан айрим



саноат корхоналари фаолиятининг тўхтатилганлиги бежиз эмас. Экологик жиҳатдан кимё, ёғоч-целлюлоза, гўшт, консерва, чарм заводлари, иссиқлик электростанциялари аҳоли жойлашган марказлардан узоқроқда бўлгани яхши. Экология масаласи доимо энг оғриқли нуқталардан бири бўлиб келган. У билан ҳисоблашиш давр талабидир.

**Иқтисодий омил.** Саноат ишлаб чиқаришини ҳудудий ташкил этишда, унинг иқтисодий нуқтаи назардан мақбуллиги асосланиши зарур. Унинг нимага ихтисослашувини ва қаерда жойлаштирилишини пировард натижада бозор, рақобат, талаб ва таклиф белгилайди, давлат эса ҳудудий ва солиқ сиёсати орқали бу жараённи бошқариб ёки тартибга солиб туради.

Мамлакат иқтисодий ривожланишида ва саноат ишлаб чиқаришини жойлаштиришда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Республикада эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва улар фаолиятига доир муносабатлар 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эса амалдаги Қонуннинг эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тартиби, уларнинг турлари, мазкур зоналар иштирокчиларига қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш механизмини ўзида акс эттиради.

Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонунида: “...эркин ишлаб чиқариш зоналари мақсадли социал-иқтисодий дастур бўлиб, янги ишлаб чиқариш муносабатлари асосида алоҳида олинган ҳудудда тадбиркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этиш, истиқболли технологияларни эркин рақобат, маъмурий-иқтисодий мустақиллик ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш тамойиллари асосида жорий этилишидир. Бу мақсад учун ўша ҳудудда жойлашган корхоналарни ижарага олиш, кооператив, қўшма ва чет эл корхоналарини қуриш ва уларни эксплуатация қилиш эвазига эришилади”, деб таъкидланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги Фармонида асосан Навоий вилоятида эркин индустриал-

иқтисодий зона, 2012 йил 13 апрелдаги Фармонида асосан “Ангрен” махсус индустриал зонаси ҳамда 2013 йил 18 мартдаги Фармонида асосан “Жиззах” махсус индустриал зонаси ташкил этилган.

Республикада эркин ҳамкорликда иқтисодий фаолият олиб бориш учун барча шарт-шароитлар яратилгандир. Хорижий инвесторлар учун халқаро амалиётда қабул қилинган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий қоидалар ва нормативлар яратилди.

Республиканинг Жиззах, Навоий вилоятлари иқтисодий салоҳиятини таҳлили шуни кўрсатдики, бу ҳудудлар – ўзининг ҳам қишлоқ хўжалик, ҳам саноат ишлаб чиқариш даражаси билан экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш зоналарини, эркин тадбиркорлик ва эркин савдо зоналарини ташкил этиш учун қулай ҳисобланади.

Ҳар бир ҳудуд у ёки бу тармоқни ривожлантириш имконияти билан фарқ қилади. Бу омил эркин иқтисодий зонанинг маълум йўналишдаги моделини танлашда ривожланиши стратегиясини ишлаб чиқаришда ва инфратузилмасини яратишда муҳим ҳисобланади.

Республика Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 августдаги “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3175 сонли қарори ана шу каби камчиликларни бартараф қилишда муҳим ўрин тутди. Жумладан, мазкур қарорга биноан, эркин иқтисодий зоналар ҳудудида кластер ёндашувлардан самарали фойдаланган ҳолда, иштирокчилар ўртасида мустаҳкам кооперация алоқалари йўлга қўйилиб, маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича юқори технологияли илғор корхоналар ташкил этилади. Бу жараёнда ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ҳамда сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш, малакали мутахассислар тайёрлаш каби чора-тадбирлар қўлланилади.

Бугунги кунда “Ургут”, “Қўқон”, “Ғиждувон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналари, шунингдек, фармацевтика йўналишидаги эркин иқтисодий ҳудудларда янги корхоналар

ташкил этиш учун хорижий сармояларни жалб қилиш ишлари сушт бормоқда. Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини электр энергияси, табиий газ, сув ва бошқа коммуникация тармоқлари билан барқарор таъминлашда муаммолар кузатилмоқда.

Келгуси йиллардаги устувор йўналишлардан бири мамлакатимизда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, чет эл инвесторлари учун кафолатлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборат.

Ҳозирги пайтда рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган янги саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича чет эл инвесторлари иштирокидаги йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ишларига жиддий эътибор билан қаралмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев 2016 йил 26 октябрда «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853 сонли Фармон қабул қилди. Хужжатда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналари номини бирхиллаштириш мақсадида уларни «Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» эркин иқтисодий зоналар деб аташ белгиланди.

Фармонда қайд этилишича, мазкур хужжат мамлакатда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларни рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб қилиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, социал инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришнинг энг муҳим омили сифатида эркин иқтисодий зоналарни изчил ривожлантириш борасида янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинди.

Қуйидагилар «Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» эркин иқтисодий зоналари фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

- хорижий инвесторларга мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторларига инвестиция киритиши учун янада қулай шароитлар

яратиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар учун ягона ҳуқуқий режимни белгилаш, солиқ ва божхона имтиёзлари, преференцияларни бирхиллаштириш;

- маҳаллий минерал-хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлайдиган ва юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган юқори технологияли ва маҳаллийлаштириладиган замонавий корхоналарни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни, авваламбор, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, эркин иқтисодий зоналарнинг муайян соҳага ихтисослашувини қўллаб-қувватлаш ва уларда саноат кооперациясини ривожлантириш;

- эркин иқтисодий зоналарда “ягона дарча” тамойили асосида барча турдаги давлат хизматларини кўрсатишга, жумладан, рухсат бериш тартиб-таомилларига босқичма-босқич ўтиш;

- ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва социал инфратузилмани жадал ривожлантириш, шунингдек, сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш;

- олий, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида эркин иқтисодий зоналарнинг соҳа кадрларига бўлган ҳозирги ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларнинг эркин иқтисодий зоналарда жойлашган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташини назарда тутган ҳолда, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш.

Республикада дастлабки эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши хорижий инвесторларнинг мамлакат ҳудудларига қизиқиши йиллар ўтган сари ортиб бормоқда ва бунинг натижасида ҳудудларда йирик логистика марказлари ташкил этилди ҳамда қўшма корхоналар сони ортиб бориши кузатилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги “Ангрен махсус индустриал зонани барпо этиш тўғрисида” ги ПФ-4436 сонли , 2013 йил 18 мартдаги “Жиззах махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги ПФ-4516 сонли, 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида №” ги ПФ-4853-сонли ҳамда 2017 йил 12 январдаги “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Хазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида» ги ПФ-4931-сонли Фармонлари ҳудудларда ишлаб чиқаришни янги босқичга ўтишига муҳим пойдевор бўлди.

Ушбу ҳудудлардаги маҳаллий минерал-хомашё ресурсларини чуқур қайта ишловчи ва юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи юқори технологияли ва маҳаллийлаштириладиган замонавий корхоналарни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни, авваламбор, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, эркин иқтисодий зоналарнинг муайян соҳага ихтисослашувини қўллаб-қувватлаш ва уларда саноат кооперациясини ривожлантиришга замин яратади.

Хозирги кунда мамлакатимизда фармацевтика соҳасида ҳам анчагина кўзга кўринган ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг исботи сифатида ихтисослашган “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлиқ-фарм”, “Паркент-фарм” сингари 7 та янги эркин иқтисодий зоналарни кўрсатишимиз мумкин.

Яна бир ечимини кутиб турган муаммо сифатида айтишимиз мумкинки, айрим туман марказлари ва қишлоқларда бўш турган ёки самарасиз иш юритаётган ишлаб чиқариш бинолари мавжуд. Улардан самарали фойдаланиш, янги корхоналар ташкил этишни рағбатлантириш мақсадида ушбу бинолар негизида кичик саноат зоналари ташкил этилди.

Бугунги кунгача ушбу ҳудудларда мингдан ортиқ лойиҳалар амалга оширилган. Янги корхоналар ишга тушиши туфайли кўплаб иш ўринлари яратилмоқда. Лойиҳалар доирасида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлган енгил саноат, кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, электр техникаси буюмлари, замонавий қурилиш материаллари, мебель ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг кўплаб ташкил этилиши мамлакатимиз аҳолисини иш билан таъминлаш орқали мамлакат иқтисодиётига юқори таъсир ўтказиш салоҳиятига эга. Бу ҳудудлардаги корхоналарни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш ва уларни ишлаб чиқариш инфратузилмаси ташкил этилган алоҳида ҳудудларда жойлаштиришни таъминлаш – янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг камбағаллик даражасини қисқартиришда муҳим омил ҳисобланади.

**Таянч иборалар:** Иқтисодиёт, саноат, тармоқ, моддий ишлаб чиқариш, таркибий тузилиш, таркибий силжиш, саноатлаштириш,

сиёсати, жойланиш, жойлашиш, жойлаштириш, фан, техника, рақобат.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Саноатга таъриф беринг
2. “Саноатлашув” сўзининг маъносини тушунтириб беринг.
3. Саноатлаштириш сиёсати деганда нимани тушунасиз?
5. Ўзбекистонда саноат йўналишида мутахассис кадрлар тайёрлайдиган қайси маҳаллий олий таълим муассаларини биласиз?
6. Ўзбекистонда саноат тармоғининг ривожланиш босқичларини айтинг.
7. Саноат тармоғи ишлаб чиқараётган маҳсулотларни “А” ва “Б” гуруҳларга ажратилиши нимани англатади?
8. Саноат ишлаб чиқаришини жойлаштиришдаги силжишлар ва истиқболдаги вазифалар нималарни кўзда тутади?
9. Эркин иқтисодий зона нима ва уни шакллантириш зарурияти нималардан иборат?
10. Кичик саноат зоналарининг хусусиятлари нималардан иборат?

## III БОБ. САНОАТ ТАРМОҚ ТУЗИЛМАСИ ВА ТАРКИБИЙ СИЛЖИШЛАР

### 3.1. Таркибий сиёсат, унинг моҳияти ва аҳамияти

Ўзбекистон амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг дастлабки давридаёқ, миллий иқтисодиётнинг таркибий<sup>24</sup> тузилишини тубдан ўзгартиришни мақсад қилиб қилиб қўйди. Чунки, устувор бўлган муҳим тармоқлар ва ишлаб чиқариш бўғинларини аниқлаш ва шу орқали иқтисодиётни таркибан қайта ташкил қилиш бўйича изчил таркибий сиёсат юритиш ҳаётий зарурият эди.

Таркибий сиёсат – бу давлатнинг миллий иқтисодиёт тузилишини таркибан қайта қуриш, ҳаётий зарур ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ва ривожлантиришга қаратилган тадбирлар мажмуидир.

Юртимиз мустақилликка эришгач, таркибий силжишлар<sup>25</sup> йўлидан бориб, мамлакатда энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминловчи тармоқларни жадал ривожлантириш ҳамда минерал ва қишлоқ хўжалик хом ашё ресурсларидан тайёр, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ тармоқлар ва корхоналар имкониятини оширишдан иборат вазифалар белгиланди. Шунингдек, республикамизнинг анъанавий ихтисослашувидаги ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналарини замонавий технологиялар билан қайта қуроллантириш йўли билан ривожлантириш назарда тутилди.

Мамлакатимизда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш доирасида жуда кўплаб замонавий, юқори технологияларга асосланган лойиҳалар амалга оширилди. Буларга, ҳозирги пайтда фаолият юритаётган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Сурғил кони базасида Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда барпо этилган, умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган Устюрт газ-кимё

<sup>24</sup> “Таркиб” сўзи (араб тилидан олинган бўлиб), малум бир бутинликни ташкил этувчи қисмлар, унсурлар мажмуи, деган маънони англатади. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Жилд III. /Маъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Т.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти, 2020, 683 бет

<sup>25</sup> “Силжиш” сўзи, яхши томонга ўзгариш, олға босиш, деган маъноларни беради. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Жилд III. /Маъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Т.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти, 2020, 501 бет

мажмуаси ва ўнлаб замонавий тўқимачилик мажмуалари мисол бўла олади.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишида чуқур ўзгартиришлар амалга оширилиши туфайли Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика захираларига бўлган эҳтиёжи ўз ҳисобидан тўла таъминланди.

Шунингдек, мамлакатда автомобилсозлик, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электротехника, фармацевтика, замонавий озиқ-овқат саноати каби бир қатор мутлақо янги саноат тармоқлари яратилди. Бу йўсиндаги ўзгаришлар, Ўзбекистонда саноатлашган иқтисодиёт шаклланаётганидан дарак беради.

Мамлакат саноат тармоғидаги таркибий ўзгаришларда – давлат мулкисининг хусусийлаштирилиши, тармоқда хусусий капитал иштирокидаги йирик, ўрта ва кичик корхоналар ҳамда микрофирмаларнинг пайдо бўлиши алоҳида ўрин эгаллайди.

Ҳозирги кунда, тўқимачилик, озиқ-овқат, фармацевтика, мебельсозлик, чарм-поябзал ишлаб чиқариш саноатида давлат улуши кескин камайди. Кўпгина саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан кичик корхоналар ва микрофирмалар шуғулланишмоқда (3.1.1-жадвал).

3.1.1-жадвал маълумотлари далолат берадики, Ўзбекистон саноатидаги кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда: 2022 йили 2019 йилга нисбатан 27 941 тага ёки 1,4 баробардан кўпроқга ўсган. Бу субъектлар сонининг ўсиши, ўрганилаётган даврда, саноат ишлаб чиқаришининг барча тармоқларида кузатиляпти.

Саноат тармоғида фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми ишлаб чиқарадиган саноатга тўғри келади: 2019 йили уларнинг салмоғи 94,7 фоизни, 2022 йилга келиб эса 95,1 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришда, мақсадли инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши муҳим ўрин тутмоқда. Миллий ва хорижий инвесторлар капитали иштирокида қурилаётган янгидан-янги корхоналар, нафақат, ҳудудларнинг саноат тизимини, айти пайтда, уларнинг қиёфасини ҳам ўзгартириб юбормоқда.



**3.1.1-жадвал**

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноатдаги кичик корхона  
ва микрофирмаларнинг сони<sup>26</sup>**

(бирлик)

Кўрсаткичлар	Й и л л а р				2022 йилнинг 2019 йилга нисбати, фоизда
	2019	2020	2021	2022	
Жами	69 970	82 746	90 313	97 911	139,9
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	2 325	2 561	2 778	3014	130,0
Ишлаб чиқарадиган саноат	66 295	78 647	85 928	93 090	140,4
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	310	399	410	445	143,5
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	1 040	1 139	1 197	1 362	131,0

Республика иқтисодиётда юз бераётган жиддий таркибий ўзгаришлар ва сифат ўзгаришлари шуни кўрсатадики, 2019-2022 йилларда саноатда ҳосил бўлган қўшимча қиймат миқдори эса 67,8 фоизга ортган<sup>27</sup>.

Ўзбекистон улкан мувафақиятларга эришаётган мамлакат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ПФ-60-сон Фармонида: “Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг

<sup>26</sup> О'zbekiston sanoati. – Т.: О'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, 2023, 31 bet.

<sup>27</sup> О'zbekiston sanoati 2019-2022. – Т.: О'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, 2023, 13 bet.

жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш.

Инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмларини ошириш бўйича, “пастдан-юқорига” тамойили асосида, янги тизимни йўлга қўйиш.

2026 йилгача хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш стратегиясини амалга ошириш.

Давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 миллиард АҚШ долларга тенг инвестиция жалб этиш<sup>28</sup> асосий мақсадлардан бири этиб белгиланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, таркибий сиёсат самарадорлигини оширишда локомотив саноат тармоқларининг ўсиш даражаси бошқаларникига қараганда юқорироқ бўлиши лозим. Бугунги кунда электр энергия, ёқилғи ва газ саноатлари ҳақли равишда локомотив саноат турларига киради. Чунки, улар фаолиятидаги узилишлар, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлар фаолиятининг издан чиқиб кетишига сабаб бўлади, шунингдек, аҳоли турмуши сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон саноатида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар – давлатнинг қудратини тобора орттиришга, мамлакатни обод қилишга ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади, десак тўғри бўлади.

### **3.2. Саноатнинг тармоқ тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар**

“20-асрнинг 80-йилларида қабул қилинган таснифлашга кўра, саноат йириклаштирилган 18 тармоққа бўлинади ...”<sup>29</sup>. Ўз навбатида, саноат тармоқлари турли гуруҳларга, масалан, қазиб олувчи ва қайта ишловчи саноат турларига ажратилади (3.2.1-жадвал).

---

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-60-сон Фармони (1-илова, III-бўлим, 26-мақсад).

<sup>29</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси 7-жилд. Таҳрир ҳаяти М.Аминов, Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев ва б. – Т.:”Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 200., 492 бет.

### 3.2.1–жадвал

#### Ўзбекистон саноатининг тармоқлари тузилмаси

т/р	Тармоқлар номи	Тармоққа кирувчи саноат турлари сони
1.	Электроэнергетика саноати	3
2.	Кўмир саноати	2
3.	Газ саноати	2
4.	Нефть ва нефтни қайта ишлаш	2
5.	Қора металлургия	2
6.	Рангли металлургия	4
7.	Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	40
8.	Кимё ва нефть-кимё саноати	12
9.	Ўрмонсозлик, ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз саноати	3
10.	Қурилиш материаллари саноати	14
11.	Ойна ва чинни-фаянс саноати	2
12.	Микробиология саноати	12
13.	Медицина (фармакевтика) саноати	3
14.	Полиграфия	1
15.	Енгил саноат	18
16.	Озиқ-овқат саноати	22
17.	Ун, ёрма ва ем саноати	3
18.	Қолган тармоқлар	21

Саноат тармоғи – бу мамлакат ҳудудидаги табиий ва меҳнат ресурсларидан ҳамда мавжуд инфратузилмадан фойдаланаётган (ишлаб чиқариш ва иқтисодий алоқалар билан боғланган) саноат ишлаб чиқариш турларининг мажмуидир.

Тармоқ тузилмаси – бу тармоқнинг таркиби ва улар ўртасидаги нисбатлар ҳамда ўзаро боғлиқликни англатади. Шунингдек, тармоқда янги саноат турларининг пайдо бўлиши, унда юз бераётган ўзгаришлардан далолат беради.

Тармоқ тузилмасида рўй бераётган силжишлар қуйидагиларни англатади:

- ижтимоий меҳнат тақсимоти даражасини;
- мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил эканлигини;
- саноат ва бутун миллий иқтисодиётнинг илмий-техника салоҳиятини;
- мамлакат ва унинг ҳудудлари саноатининг ривожланиш даражасини;

- ижтимоий меҳнат унумдорлиги даражасини;
- саноат ишлаб чиқаришининг социал-иқтисодий самарадорлик даражасини;

- тармоқ ходимларининг моддий фаравонлиги ва маданий даражаси ўсганлигини.

Тармоқ тузилмасини ифодаловчи кўрсаткичлар жумласига қуйидагилар киради:

- мустақил саноат тармоқларининг сони;
- тармоқларнинг саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улуши;

- тармоқ ривожининг суръати;

- тармоқнинг илгарилаб кетиш коэффициенти.

Мустақил саноат тармоқлари сонининг ўсиши – иқтисодиётнинг саноатлашишидан, мамлакатнинг иқтисодий ва илмий-техник салоҳиятининг ортишидан ва унинг иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишидан дарак беради.

Саноат тармоғи таркибидаги ҳар бир тузилманинг салмоғи – саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмидаги улуши, ходимлар сони ва асосий фондлар қийматига кўра ўлчанади.

Саноат тармоқлари ўртасидаги мутаносибликлар ва уларнинг бир-бирига мос равишда ўғаришига ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси ҳамда бошқа бир қатор омиллар таъсир этади.

Саноат ишлаб чиқариши тармоқ тузилмасини белгиловчи асосий омилларга қуйидагилар киради:

- фан-техника тараққиёти ютуқлари ва инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;

- материал, ёқилғи ва энергетика ресурсларини тежаш;

- ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, диверсификациялаш, ихтисослаштириш, кооперативлаштириш даражаси;

- саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари;

- аҳоли моддий ва маданий даражасининг ўсиши;

- социал-тарихий шароитлар;

- мамлакатнинг табиий ресурслари ва уларни ўзлаштириш даражаси;

- мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотида тутган ўрни ва бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлиги.

Фан-техника тараққиёти саноат тармоғи тузилмаларига бевосита ўз таъсирини ўтказди: янги меҳнат воситалари, янги турлардаги маҳсулотлар яратилади, мавжуд асбоб-ускуналар ва технологик жараёнлар такомиллашади ва ҳоказо. Бу эса, табиийки, мавжуд саноат тармоқлари таркибидан янгидан-янги саноат турларининг шаклланишига туртки беради.

Шунингдек, фан-техника тараққиёти натижасида олинган янги моддий ресурслар (хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергиянинг янги турлари)дан фойдаланиш – саноатда ишлаб чиқариш хусусиятини ўзгартиради. Масалан, тўқимачилик саноатида сунъий толанинг ишлатилиши бир сўмлик маҳсулот учун сарфланадиган табиий тола сарфини камайтиради. Натижада маҳсулот ишлаб чиқаришда табиий материалга бўлган талаб қисқаради ва саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги нисбат ўзгаради. Ўхшаш ҳолат, саноатнинг қазиб олувчи тури билан ишлов берувчи тури ўртасида ҳам бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш орқали корхона ва тармоқларнинг фаолият соҳаларини ўзгартириш ва кенгайтириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар хилма-хиллигини таъминлаш, шунингдек, маҳаллийлаштириш дастури асосида рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш хажмини ошириш, янги иш ўринларини яратиш кабилар ҳам саноат тузилмасининг ўзгаришига олиб келади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш туфайли машинасозликда бутловчи буюмлар саноати, асбоб-ускуна саноати, асбобсозлик, электроника ва бошқа саноат турлари ташкил топти.

Аҳолининг моддий фаровонлигининг ўсиши туфайли енгил ва озиқ-овқат саноатларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ассортименти ўзгаради, шунингдек, маданий-маиший буюмлар (мебель, телевизор, музлаткичлар, кондиционерлар, кир ювиш машинаси, мотоцикл, велосипед, спорт анжомлари)ни ишлаб чиқарадиган ихтисослашган саноат ишлаб чиқаришлари ташкил топади.

Мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўрни ҳам саноат тармоқлари тузилмасига таъсир кўрсатувчи энг муҳим омиллардан яна бири ҳисобланади.

Маълумки, саноат тармоқларида турли мулкга оид корхоналар фаолият юритишади. Улар ўзига хос тузилмага эга.

Саноат корхоналари – ишлаб чиқариш бўлинмалари, бошқарув органлари ва корхона ходимларига хизмат кўрсатувчи бўлимлардан иборат бўлади. Корхона қанчалик йирик бўлса, унинг ишлаб чиқариш тузилмаси (таркиби, тузилиши) шунчалик мураккаб бўлади (3.2.1-чизма).

Саноат корхоналари ишлаб чиқариш тузилмасининг уч хил тури мажуд:

- технологик тузилмали корхоналарда цехлар ва ишлаб чиқариш участкалари технологик жиҳатдан бир хиллик тамойили асосида ташкил қилинади (масалан, тўқимачилик комбинатларида йигирув ва тўқув цехлари);

- аралаш (предметли-технологик) тузилма тайёрлов цехларини технологик тамойилда (темирчилик, чўян қуйиш, пўлат қуйиш ва ҳоказо), ишлов бериш ва маҳсулот чиқариш цехларини эса предметли тамойил асосида ташкил этишни кўзда тутади;

- предметли тузилмага асосланган корхоналарда ҳар бир цех маълум бир маҳсулот ёки унинг бир қисмини ишлаб чиқаради (масалан, автомобиль заводида мотор цехи, шасси цехи ва ҳоказо).

Саноат корхоналарининг тузилмалари қуйидаги омиллар таъсири остида шаклланади:

- техника ва технологиянинг хусусиятлари;
- ишлаб чиқариш ҳажми;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакллари (ихтисослаштириш, кооперация, комбинация, концентрация);
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматларнинг мураккаблиги ва номенклатураси;

## Саноат корхоналари тузилмалари

Умумий тузилмаси – корхонанинг ишлаб чиқариш бўғинлари, корхона бошқаруви ҳамда ходимларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, уларнинг миқдори, катталиги ва эгаллаб турган майдони, ходимларининг сони ва ишлаб чиқариш имкониятларини ифодалайди.

Ишлаб чиқариш тузилмаси корхона умумий тузилмасининг бир қисми бўлиб, у асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи цех ва участкалардан иборат бўлади. Улар ишлаб чиқариш жараёнидаги муносабатларни, меҳнат билан банд бўлган ходимлари сонини, асбоб-ускуналари қийматини, эгаллаб турган майдони ва ҳудудий жойлашувини акс эттиради.

- асосий цехлар ва ишлаб чиқариш участкаларида ишлаб чиқаришнинг асосий жараёни – хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни тайёр маҳсулотга айлантириш босқичи ёки маҳсулот, ё унинг бир қисмини тайёрлашнинг бир қатор босқичлари амалга оширилади (музлаткичлар цехи);
- ёрдамчи цехлар асосий ишлаб чиқаришни асбоб-ускуналар ва энергия билан таъминлайди ҳамда ускуналарни таъмирлаш (таъмирлаш, ускуналар, модел цехлари ва бошқалар) вазифаларини бажаради;
- хизмат кўрсатувчи цех ва хўжаликлар таркибига корхонанинг инфратузилмасини (омбор ва транспорт бўлинмалари, уй-жой-коммунал хўжалиги, ошхона, санаторий ва ҳоказо) ташкил қилувчи бўлинмалар киради.

### 3.2.1-чизма. Саноат корхоналари тузилмалари

- ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаштириш ва роботлаштириш даражаси;
- мулк шакли;
- рақобат олиб бориш усуллари ҳамда шакллари ва ҳоказо.
- Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш тузилмасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари:
  - корхона ва цехларни йириклаштириш;
  - алоҳида корхоналар интеграцияси;
  - корхона ичидаги барча бўлинмалар орасида мутаносибликни таъминлаш.

Ҳозирги кунда корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш (бошқарув сифатини кўтариш ва ишлаб чиқариш фаолиятидаги якуний натижаларнинг юқорилигига эришиш) – корхона тузилмасини такомиллаштириш самарадорлигини баҳоловчи мезон ҳисобланади.

### **3.3. Ўзбекистонда янги корхоналарини ташкил этиш асослари**

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар асосида кўпукладли иқтисодиётнинг шаклланиши, мулкдорлар синфининг пайдо бўлиши – инсон фаолиятининг барча доираларида хўжалик юритиш бозор механизмларининг ривожланаётганидан дарак беради.

Мамлакат иқтисодиётининг тадрижий ўсишини таъминлаш – ҳозирги кунда фаолият юритаётган корхоналар билан бир қаторда, янги корхоналарни ташкил қилиш ва ишга туширишга асосланади.

Янги корхоналарни барпо этишга ва амалдагиларини кенгайтиришга сабаб бўлувчи омиллар:

- айрим ассортиментдаги маҳсулотларнинг тақчиллиги ёки умуман мавжуд эмаслиги;
- маҳсулотларга бўлган талабнинг қондирилмаслик ҳолатининг мавжудлиги – асосий белгиловчи омил (корхона маҳсулоти истеъмолчилар томонидан тан олинмаслиги. Бундай ҳолатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик нуқтаи назардан модернизация қилиш талаб қилинади, акс ҳолда корхона хонавайрон бўлиши мумкин);
- маҳсулотлар ишлаб чиқаришга зарур бўлган моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларининг мавжудлиги;



- ишлаб чиқаришнинг тегишли тармоғида фаннинг, техника ва технологиянинг тараққий этиш даражаси;
- янги корхонанинг иқтисодий жиҳатдан мақбуллиги.
- Янги корхонани ташкил қилиш қўйидаги ташкилий тамойиллар асосида амалга оширилади:
  - корхонани ташкил қилиш фикрининг пайдо бўлиши;
  - корхона таъсисчиларини танлаш;
  - таклиф қилинаётган маҳсулотга бозордаги талабни ўрганиш;
  - корхона Устав капиталини тузиш учун молия манбаларини аниқлаш;
- корхонанинг таъсис ҳужжатлари ва бизнес-режасини тайёрлаш;
  - давлат рўйхатидан ўтиш;
  - муҳр, штамп ва бошқа реквизитларни тайёрлаш;
  - лицензияланадиган фаолият турлари бўйича лицензиялар олиш.

Корхона жойларда ўзининг ваколатхона ва филиалларини ташкил қилиши мумкин. Ваколатхона – корхона турган жойдан ташқарида жойлашган, юридик шахс манфаатларини ифодаладиган ва уларни ҳимоя қиладиган алоҳида бўлинмадир. Филиал эса корхона турган жойдан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан, ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир.

Корхона қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда махсус давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб ташкил қилинган ҳисобланади ва юридик шахс мақомига эга бўлади.

Корхонани ташкил қилишдан ташқари, унинг молиявий барқарорлиги ва самарали фаолиятини таъминлаш – рақобатчилик шароитларида жуда муҳимдир. Бу қоидаларга риоя қилмаслик оқибатида корхонани ташкил қилиш билан боғлиқ барча меҳнатлар ўзини оқламайди ва мамлакат социал-иқтисодий ривожланишининг микро ва макроиқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Молиявий жиҳатдан барқарор бўлмаган корхоналар – банкрот корхоналар ҳисобланади.

Корхонани ташкил этиш ва кейинги фаолият юритиш жараёнидаги муҳим босқичларидан бири – таъсис ҳужжатлари (Устав ва таъсис шартномаси)ни тайёрлаш ҳисобланади.

Устав – корxonанинг юридик мақомини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи, таъсис шартномаси эса, корxonанинг ташкил қилиниши ва яқка тарзда ёки ҳамкорликдаги фаолиятнинг бошланишини тавсифловчи ҳужжатдир.

Таъсис ҳужжатлари фаолият юритувчи корxonаларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ҳамда шароитларини ифодалайди. Таъсис шартномаси ташкил этилаётган корxона Уставини тўлдирувчи ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон қонунчилиги – корxonаларга фақат Устав ёки фақат таъсис шартномаси асосида, шунингдек, бир вақтнинг ўзида Устав ва таъсис шартномасига асосан фаолият юритишга йўл беради.

Корxonанинг таъсис шартномаси келишув асосида тузилади, Устав эса таъсисчилар томонидан тасдиқланади. Битта таъсисчи томонидан тузилган юридик шахс, шу таъсисчи томонидан тасдиқланган Устав асосида фаолият юритади.

Корxона мулкини шакллантириш ва ундан фойдаланиш Устав ва таъсис шартномасининг муҳим қисми ҳисобланади.

Таъсис ҳужжатларининг мазмуни ва уларни тайёрлаш тартиби турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги корxonалар учун ўзига ҳос хусусиятларга эга:

- хусусий корxonанинг таъсис ҳужжати, унинг Устави;
- акциядорлик жамиятининг таъсис ҳужжати сифатида таъсис йиғилиши тасдиқлаган Устав;
- масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар таъсис ҳужжатлари сифатида жамиятнинг таъсис шартномаси ва Устави;
- хўжалик ширкатининг таъсис этиш ҳужжати, унинг таъсис шартномаси ҳисобланади.

Давлат корxonаси – давлат мулки негизида ташкил этилган давлат унитар корxonаси шаклидаги тижорат ташкилотидир. У ўзига биркитилган мулкдан қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, таъсисчининг топшириқларига ҳамда эгалик қилиш ҳуқуқидаги мулкнинг мақсадига мувофиқ мулкдан фойдаланишни ва уни тасарруф этишни амалга оширади.

Давлат корхонасининг таъсисчиси – давлат корхонасини таъсис этишга вакил қилинган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисобланади<sup>30</sup>.

Ўзбекистон Республикасида корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида Низом” га мувофиқ амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари ташкил этилди. Улар ўз фаолиятини 2016 йил 01 январдан эътиборан бошлади.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш Давлат хизматлари марказлари томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш – рўйхатдан ўтказувчи органнинг тадбиркорлик субъектларининг рўйхатдан ўтказиш маълумотларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрига киритиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлардир.

Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан қайта ўтказиш – бу рўйхатдан ўтказувчи органнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реестрдаги тадбиркорлик субъектларининг рўйхатдан ўтказиш маълумотларини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлардир.

Давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги усуллардан бири билан амалга оширилади:

- ИНТЕРНЕТ жаҳон ахборот тармоғи орқали Тизим воситасида Ягона порталда;
- ўзи келган ҳолда.

Корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш учун “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган ставкалар бўйича давлат божлари

---

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат корхоналари тўғрисида НИЗОМ”.

олинади. Шунингдек, корхоналардан ягона давлат реестридан маълумотлар (гувоҳнома) бериш учун тегишли ставкалар бўйича йиғимлар ундирилади.

Давлат божлари ва йиғимлар электрон тўлов тизимлари орқали тўланганда, ариза берувчидан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда рўйхатдан ўтказувчи органлар ва ваколатли ташкилотлар ҳамкорлик регламентида белгиланган тартибда мутаносиб равишда тақсимланадиган тўлов суммасининг бир фоизи миқдорида воситачилик ҳақи ушлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Давлат хизматлари марказларида корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилганда ёки қайта рўйхатдан ўтказилганда – базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида давлат божи ўндирилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида янги намунадаги гувоҳномани бериш учун йиғим миқдори:

- ўзи келиб – базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида;
- Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали – базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баравари миқдорида.
- Корхоналар устав капиталининг энг кам миқдорига қўйиладиган талаблар:
  - тўлиқ ширкат – базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида;
  - коммандит ширкат – базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида;
  - хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона – 400 млн. сўм;
  - чет эл сармояси иштирокидаги корхона – тегишли ташкилий-ҳуқуқий шакли учун белгилангандан кам бўлмаган миқдорда.

Хусусий корхона, унитар корхона, давлат унитар корхонаси ва бошқалар учун бундай талаблар қўйилмайди.

Агар иккинчи ва ҳар бир кейинги молиявий йил тугаганида хусусий корхона соф активларининг миқдори, унинг устав фонди миқдоридан кам бўлса, хусусий корхона ўз устав фондиди унинг соф активлари қийматидан ошмайдиган миқдоргача камайтириши шарт.

Корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш автоматлаштирилган тизим орқали амалга оширилади:

- давлат рўйхатидан ўтказиш;
- қайта ташкил этиш йўли билан ташкил этилаётган корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш;
- қайта рўйхатдан ўтказиш;
- давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш учун давлат божини тўлаш;
- рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани эркин олиш;
- рўйхатдан ўтказувчи органлар ва ваколатли ташкилотларнинг белгиланган тартибдаги ҳамкорлиги;
- рўйхатдан ўтказувчи органлар ва ваколатли ташкилотларни, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органларини корхонанинг манзили (жойлашган жойи, яшаш жойи) ўзгарганлиги тўғрисида хабардор қилиш;
- “тадбиркорлик субъектининг шахсий кабинети”ни очиш ва ундан эркин фойдаланиш;
- реестрдан кўчирма, сўралаётган ҳужжат, корхоналарнинг рўйхати ёки сўралаётган маълумотнинг ва (ёхуд) ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома шаклидаги аниқ тадбиркорлик субъектлари ҳақида маълумот сўраш ва олиш.

Ариза берувчи тегишли ҳаракатларни амалга ошириш учун фойдаланувчининг шахсий кабинети ёки “тадбиркорлик субъектининг шахсий кабинети”дан эркин фойдаланиш имконига эга бўлгандан сўнг “бизнесни рўйхатдан ўтказиш” – давлат хизматини танлайди.

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза берувчи белгиланган ариза шакллари бўйича сўровномани шакллантиради.

Сўровномага қуйидагилар илова қилинади:

- давлат тилидаги таъсис ҳужжатлари;
- монополияга қарши органнинг дастлабки розилик берилганлиги тўғрисидаги қарори (давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек уларнинг аффилиланган шахслари учун);
- топшириш далолатномаси (қўшиб юборилганда);
- тақсимлаш баланси (бўлишда ва ажратиб чиқаришда).

Сўровномага илова қилинаётган ҳужжатлар электрон ҳужжат шаклида бўлиши керак.

Корхонанинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада, рўйхатдан ўтказувчи орган масъул ходимининг ЭРИси ва QR-код (матрицали штрих код), шунингдек идентификация рақамлари бўлиши керак.

Давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк ҳисоб рақамларини очиш учун банкларга мурожаат қилади. Банк ҳисоб рақамларини очиш учун рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг, таъсис ҳужжатларининг асл нусхаларини ва нусхаларини тақдим этиш талаб қилинмайди.

Ариза берувчи томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш учун сўровнома шакллантирилганда “Тизим”<sup>31</sup> автоматик тарзда реал вақт режимида корхонага солиқ тўловчининг идентификация рақамини беради.

Давлат солиқ хизмати органлари корхона давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейинги кундан кечиктирмасдан, корхонани бюджетдан ташқари жамғармаларига мажбурий тўловлар тўловчилари сифатида ҳисобга қўядилар.

Давлат статистика органларига давлат ҳисобига қўйиш учун “Тизим” тадбиркорлик субъекти – юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейинги кундан кечиктирмасдан белгиланган шакл бўйича тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестридан маълумотларни юборади.

Давлат статистика органлари реестрда мавжуд бўлган таъсис ҳужжатларидан фойдаланиш имкониятига эга.

Банк ҳисобварағи “Тизим”да жойлаштирилган банк ҳисобварағи шартнома офертасини<sup>32</sup> акцептлаш<sup>33</sup> йўли билан очилади.

Бунда мазкур тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда ва шаклда имзолар намуналари қўйилган икки дона варақча ҳамда улар номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга бўлган шахсининг шахсини

---

<sup>31</sup> Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими.

<sup>32</sup> Оферта [лот. offertus – таклиф этилган]. Бирор-бир хизмат кўрсатиш учун хизмат кўрсатиш..

<sup>33</sup> Акцепт [лот. accertus — қабул қилинган]. Таклифда (офертада) кўрсатилган шартларда шартнома тузишга розилик билдириш.

тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат) тўловлар амалга оширилишидан олдин банкка исталган вақтда тақдим этилиши мумкин. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатдан нусха олиниб, асли қайтариб берилади.

Тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилганда, шунингдек, улар томонидан тадбиркорлик фаолияти амалга оширилганда муҳр ва штамплар, шунингдек уларнинг эскизларини тайёрлаш талаб қилинмайди.

### **3.4. Корхона фаолиятини тўхтатиш сабаблари ва уни амалга ошириш тартиби**

Корхона фаолиятини тўхтатиш – тугатиш ёки қайта ташкил қилиш шаклида амалга оширилиши мумкин.

Корхонани тугатиш, унинг таъсисчилари томонидан қабул қилинадиган қарор асосида ихтиёрий тугатиш шаклида ёки иқтисодий суд қарори асосида, қайта ташкил қилиш эса корхона таъсисчиси (таъсисчилари) қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Корхоналарни тугатиш ёки қайта ташкил қилишга олиб келадиган асосий сабаблар:

- ишлаб чиқаришнинг барқарор эмаслиги;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бўлган талабнинг пасайиб кетиши ёки умуман йўқолиши;
- ишлаб чиқаришнинг зарар келтириши;
- ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳит ҳамда аҳоли ҳаётига хавф туғдириши;
- корхонанинг бино ва иншоотлари, асбоб-ускуналари ва бошқа воситаларидан иқтисодий жиҳатдан унумлироқ, янада сифатли ва истеъмолчилар талабига жавоб берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш имкониятининг юзага келиши;
- молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаслик ва белгиланган муддатларда ўзларининг Устав капиталларини шакллантирмаслик;
- давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаслик;
- молиявий қийинчиликлар, сурункали зарар кўриш ва тўлов қобилиятининг йўқолиши;
- ўз ихтиёрига кўра.

Корхонани қайта ташкил қилиш, унинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш, молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини аввалгига нисбатан кўтариш мақсадида амалга оширилади.

Корхонани ихтиёрий тугатиш қуйидаги ҳолатларда бўлади:

- молия-хўжалик фаолиятини амалга оширувчи корхоналарни ихтиёрий тугатиш.

- давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини юритмаётган корхоналарни ихтиёрий тугатиш.

Корхонани тугатиш, унинг таъсисчилари томонидан қабул қилинадиган қарор асосида ихтиёрий тугатиш шаклида ёки иқтисодий суд қарори асосида амалга оширилади.

Корхоналарни ихтиёрий тугатиш ва улар фаолиятини тўхтатиш – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида Низом”да белгилаб берилган.

Корхонани ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор унинг таъсисчилари, вакиллари ёки ваколатли орган томонидан қабул қилинади.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

- тугатилаётган корхона тўғрисидаги маълумотлар (тўлиқ ва қисқартирилган номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами, почта манзили);

- тугатувчи ҳақидаги маълумотлар (паспорт маълумотлари, телефон рақами ва электрон почта манзили);

- тугатилаётган корхона бўйича мурожаатларни қабул қилиш жойи ва муддати;

- корхонани тугатиш сабаби ва мўлжалланаётган тугатиш муддати.

Тугатувчи тайинланган вақтдан бошлаб корхона фаолиятини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади.

Тугатувчи ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейинги иш кунидан кечикмай:

- рўйхатдан ўтказувчи органга – ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини;

- корхонанинг талаб қилиб олиннадиган асосий депозит ҳисоб varaғига хизмат кўрсатувчи банкга ва хорижий валютадаги



маблағлари жамланадиган банкга (ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини, имзолар намуналари ва тугатувчи муҳрининг босма изи қўйилган карточкаларнинг икки нусхасини);

- корхонанинг миллий валютадаги иккиламчи депозит ҳисоб варақларига, жамғарма депозит ҳисоб варақларига ва муддатли депозит ҳисоб варақларига хизмат кўрсатувчи банкларга – уларни ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини унинг миллий валютадаги асосий ҳисоб варағига ўтказиш тўғрисидаги ариза-топшириқномани;

- корхонанинг хорижий валютадаги талаб қилиб олинганча депозит ҳисоб варақлари, жамғарма ва муддатли депозит ҳисоб варақлари очилган банкларга – уларни ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини унинг депозит ҳисоб варақларига, миллий валютадаги асосий ҳисобварағи очилган жойда очилган хорижий валютадаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб варағига ўтказиш тўғрисидаги ариза-топшириқномани жўнатади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган тугатиш тўғрисида қарор тушгандан сўнг бир иш куни ичида қуйидагиларни амалга оширади:

- корхона ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумотларни давлат реестрига киритади ҳамда бу тўғрисида “Тизим” орқали рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати ва статистика органларини, мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимини, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказувчи органни, автотранспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва рўйхатдан ўтказиладиган бошқа техника воситаларини рўйхатдан ўтказувчи органларни ва республика “Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги”ни хабардор қилади;

- рўйхатдан ўтказувчи органнинг расмий сайтига корхона тугатилаётганлиги тўғрисида барча учун эркин фойдаланиш имкони бўлган эълон жойлаштиради. Эълонда корхонанинг тўлиқ ва қисқартирилган номи (шунингдек, корхонанинг тугатишдан олдинги йил мобайнида ўзгартирилган барча тўлиқ ва қисқартирилган номлари), корхонанинг жойлашган жойи (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами, рўйхатдан ўтказилган сана ва рўйхатдан ўтказган орган тўғрисидаги маълумотлар (номи ва манзили), ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисидаги маълумотлар (санаси, рақами), кредиторларнинг талаблари кўрсатилган ҳолдаги мурожаатларни

қабул қилиш (эълон чиққан вақтдан бошлаб икки ойдан кам бўлмаган) муддати кўрсатилади:

Корхонанинг тугатилиши ҳақидаги тегишли хабарномани олишгандан сўнг давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан:

- давлат солиқ хизмати ва статистика органлари (корхона рўйхатдан ўтган жойдаги);

- мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлими;

- кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказувчи органни;

- автотранспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва рўйхатдан ўтказиладиган бошқа техника воситаларини рўйхатдан ўтказувчи органлар;

- республика “Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги” тегишли хабарнома тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида ўзларининг маълумотлар базасида тижорат ташкилоти тўғрисида мавжуд бўлган маълумотларни “Тизим” орқали тақдим этади.

Корхона тугатилиши тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи орган хабардор қилинган санадан бошлаб:

- корхонанинг молия-хўжалик фаолияти тўхтатиб қўйилади;

- ер солиғи, яғона ер солиғи, мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, шунингдек, барча турдаги солиқлар ва йиғимлар бўйича пеняларни ҳисоблаб ёзиш тўхтатилади (мол-мулкни, тайёр маҳсулот қолдиқларини ва бошқа активларни сотишда солиқлар ва йиғимлар амалдаги сотиш нархларидан келиб чиққан ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилади ва тўланади);

- кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича илгари кўрилган барча чоралар бекор қилинади;

- корхонанинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади;

- мол-мулкни бегоналаштириш билан боғлиқ бўлган ёхуд мол-мулкни учинчи шахслар томонидан фойдаланиш учун беришга сабаб бўладиган битимлар белгиланган тартибда амалга оширилади;

- барча мажбуриятларни, шунингдек, муддати кечиктирилган мажбурий тўловларни бажариш муддати бошланган ҳисобланади;

- миллий ва хорижий валютадаги талаб қилиб олинadиган асосий ҳисобварағига ва иккиламчи депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банклар хабардор қилинган санадан бошлаб:

корхонанинг миллий ва хорижий валютадаги ҳисобварақларидан маблағларни ҳисобдан чиқаришга фақат тугатувчининг топшириғига биноан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади;

- 2-сон картотеканинг амал қилиши тўхтатиб қўйилади.

Корхонанинг миллий ва хорижий валютадаги иккиламчи депозит ҳисобварақлари, жамғариладиган ҳамда муддатли депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банклар томонидан ушбу ҳисобварақлар ёпилиб, ҳисобварақдаги миллий валюта қолдиқларини асосий ҳисобварағига, хорижий валюта қолдиқларини хорижий валютада очилган ҳисобвараққа ўтказиб берилади.

Тугатувчи ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин:

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда корхона ходимлари билан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тўхтатиш чора-тадбирларини кўради;

- корхонанинг активлари ва мажбуриятларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хатловдан ўтказди, шу жумладан корхона қарздор сифатида иштирок этган ижро ҳужжатлари реестрини тузади;

- йил бошидан бошлаб рўйхатдан ўтказувчи орган корхонани ихтиёрий тугатиш тўғрисида хабардор қилинган санагача бўлган даврда корхона томонидан тўланадиган барча турдаги солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларни тузади;

- корхонанинг дебиторлик қарзларини олиш, шунингдек, тасдиқнома олган ҳолда (қабул қилиб олинган санаси тўғрисидаги белги, почта квитанцияси, ёзма ёки электрон хабар ва шу кабилар) кредиторларни аниқлаш ва корхонанинг тугатилиши тўғрисида уларни ёзма равишда хабардор қилиш чора-тадбирларини кўради.

Тугатилаётган корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органи рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан “Тизим” орқали хабардор қилинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида тижорат ташкилотининг молия-хўжалик фаолиятини текширишга (тафтиш қилишга) киришади, унинг муддати ўттиз календарь кундан ошмаслиги керак.

Текширишда корхонанинг охириги текшириш ўтказилган санадан бошлаб (корхонани текшириш давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб амалга оширилмаган бўлса – давлат

рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб) корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида рўйхатдан ўтказган орган хабардор қилинган санагача бўлган давр мобайнидаги молия-хўжалик фаолияти қамраб олинади, бироқ ушбу давр уч йилдан ошмаслиги зарур.

Текшириш якунига кўра солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органи қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўради.

Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳамда солиқ қарзи мавжуд бўлмаган корхонанинг молия-хўжалик фаолияти текширилмайди.

Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этилиши учун белгиланган муддат тугагач тугатувчи давлат солиқ хизмати органи томонидан ўтказилган текшириш натижаларини, шунингдек, тузилган ижро ҳужжатлари реестрини ҳисобга олган ҳолда оралик тугатиш баланси лойиҳасини тузади.

Оралик тугатиш баланси корхона таъсисчилари томонидан тасдиқланади.

Тугатувчи оралик тугатиш баланси тасдиқлангандан кейин беш иш куни мобайнида тасдиқномани олган ҳолда ҳар қайси кредиторларни уларнинг талаблари эътироф этилганлиги ёки рад қилинганлиги, эътироф этилган талаблар суммаси ҳақида ёзма (электрон) равишда тасдиқномани олган ҳолда хабардор қилади.

Оралик тугатиш балансига мувофиқ у тасдиқланган кундан бошлаб тугатувчи томонидан кредиторларга қуйидаги навбат бўйича пул суммаларини тўлаш амалга оширилади:

- биринчи навбатда, фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган, алиментларни ундиришга ва муаллифлик шартномалари бўйича пул тўловларига доир талабларини, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарар учун корхона тегишли вақтбай тўловларни соқит қилиш йўли билан жавоб берадиган талабларини қондириш;

- иккинчи навбатда, давлат бюджетига ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар;

- учинчи навбатда, бошқа кредиторларнинг талаблари.

- Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда тугатувчи томонидан:

- мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун баҳоловчи ташкилот жалб этилади;

- корхона мол-мулкни очик савдоларда сотиш ташкил этилади.

Муомаладаги чекланган мол-мулкни сотиш ёпиқ савдоларда қонунчиликка мувофиқ кўрсатиб ўтилган мулкка нисбатан мулк эгаси ҳуқуқига ёки бошқача буюм эгаси ҳуқуқига эга бўлган шахслар иштирокида амалга оширилади.

Савдога қўйилган санадан бошлаб икки ой мобайнида сотилмаган мол-мулк кредиторларга баҳолаш суммасида белгиланган навбатга риоя этган ҳолда мулк этиб қабул қилиш таклиф этилади.

Тугатувчи (тугатиш комиссияси) томонидан:

- кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаллангандан, шунингдек, корхона қарздор сифатида иштирок этган ижро ҳужжатлари амалда ижро этилгандан кейин;

- солиқлар ва йиғимлар, молиявий жарималар суммаси, шу жумладан, текширишлар яқунлари бўйича ҳисобланган суммалар тўлангандан кейин;

- корхонанинг мол-мулки мулкка эгалик қилиш юзасидан буюмлар бўйича ҳуқуқларга ёки ушбу корхонага нисбатан мажбуриятлар бўйича ҳуқуқларга эга бўлган таъсисчилар ўртасида тақсимлангандан кейин тугатиш баланси лойиҳасини тузади.

Тугатиш баланси корхона таъсисчилари томонидан тасдиқланади ва давлат солиқ хизмати органига топширилади. Тугатувчи тугатилаётган корхона қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ижро ҳужжатларининг иш юритувида мавжудлиги юзасидан мажбурий ижро бюросига сўров юборади.

Тугатиш баланси қабул қилингандан кейин давлат солиқ хизмати органи корхонанинг солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи мавжуд бўлмаган тақдирда, бир иш куни мобайнида солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида хулосани тугатувчига ҳамда “Тизим” орқали рўйхатдан ўтказувчи органга юборади.

Мажбурий ижро бюроси корхона қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ижро ҳужжати, унинг иш юритувида мавжуд бўлмаган тақдирда, ижро этилмаган тегишли ижро ҳужжати иш юритувида мавжуд эмаслиги ҳақида тугатувчига ҳамда “Тизим”

орқали рўйхатдан ўтказувчи органга уч иш куни мобайнида хабарнома юборилади.

Давлат солиқ хизмати органи томонидан тақдим этилган корхонанинг солиқлар ва йиғимлардан қарзи йўқлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек, ижро этилмаган тегишли ижро ҳужжати иш юритувида мавжуд эмаслиги ҳақида мажбурий ижро бюросининг хабарномаси олингандан кейин тугатувчи корхонанинг асосий ҳисобварағи очилган банкка уни ёпиш тўғрисида мурожаат қилади. Банк бир иш куни мобайнида корхонага тегишли бўлган ҳисобварақни ёпади ва тугатувчига асосий ҳисобварағи ёпилганлиги тўғрисида маълумотнома беради.

Корхонанинг ҳисобварақлари хатланган бўлса, уларнинг ёпилишига йўл қўйилмайди. Бунда тугатувчи 2-сон картотека бўйича қарздорликни тўлаш (қайтариш) ва хатлашни бекор қилиш чораларини кўради.

Тугатувчи асосий ҳисобварақни ёпилгандан кейин уч иш куни мобайнида белгиланган тартибда давлат ёки нодавлат архивига корхонанинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларини топширади.

Тугатувчи – корхонани давлат реестридан чиқариш учун рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидагиларни тақдим этади:

- корхонанинг барча ҳисобварақлари ёпилганлиги тўғрисида хизмат кўрсатувчи банкларнинг маълумотномалари;
- корхонанинг муҳр ва штамплари (агар мавжуд бўлса);
- ваколатли орган томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотнома (агар мавжуд бўлса);
- корхона ҳужжатларининг белгиланган тартибда давлат ёки нодавлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотнома (давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган корхоналар бундан мустасно).

Рўйхатдан ўтказувчи орган тегишли барча ҳужжатлар олингандан кейин икки иш куни мобайнида амалдаги талаблар ижросининг таъминланганлигини “Тизим” орқали текширади ҳамда давлат реестрига корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувларни киритади.

Агарда амалдаги талабларда назарда тутилган маълумотлар “Тизим”да мавжуд бўлмаса ёки ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган

тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи орган давлат реестрига ёзувлар киритишни рад этади.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарори у қабул қилинган кундан кейин бир иш куни мобайнида тугатувчига берилади ёки унга почта орқали жўнатилади. Давлат реестрига киритиш рад этилган тақдирда, тугатувчига айна бир вақтда олинган барча хужжатлар, муҳр ва штамплар (агар мавжуд бўлса) қайтарилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган давлат реестрига корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувлар киритилгандан кейин уч иш куни ичида:

- корхона тугатилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати ва статистика органларини “Тизим” орқали хабардор қилади;
- тугатилган корхонанинг муҳр ва штампларини (агар мавжуд бўлса) белгиланган тартибда йўқ қилиш чораларини кўради;
- корхонага берилган лицензия ва рухсатномаларни (агар мавжуд бўлса) уларни берган органларга топширади;
- Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг корхона жойлашган жойдаги филиалини корхона тугатилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

Корхонани ихтиёрий тугатишнинг умумий муддати рўйхатдан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида хабардор қилинган кундан бошлаб олти ойдан ошмаслиги керак.

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг Устав капиталини шакллантирмаган корхоналар фаолиятини тугатиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги Қарори билан тасдиқланган “Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисида Низом”да белгилаб берилган.

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхона фаолиятини ҳаракатсиз ҳолатга ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- тўққиз ой мобайнида молия-хўжалик фаолияти бўйича банк ҳисобварақларига пул маблағлари тушмаганлиги;
- тўққиз ой мобайнида солиқ ҳисоботлари тақдим этилмаганлиги.

Корхона фаолияти билан боғлиқ бундай ҳолат рўй берган тақдирда тижорат банклари уч иш куни ичида у ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига “Тизим” орқали маълумот тақдим этади.

Давлат солиқ хизмати органи тижорат банкларидан маълумот тушгач ва (ёки) ҳисобот топшириш муддати тугагач уч иш куни мобайнида Тизим орқали корхона тўғрисида давлат статистика органларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимини ва бошқа тегишли ташкилотларни хабардор қилади. Улар ўз ваколатлари доирасида Низомда назарда тутилган тадбирларни амалга оширадilar. Ўрганишлар натижасига биноан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхона тугатилади.

Корхонанинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлаштиришга, шунингдек, мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, унинг тугатилишига сабаб бўлади. Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

Тўловга қобилиятсиз корхоналар фаолияти – Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонунида (12.04.2022 йил) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган Низомда белгиланган тартибда тугатилади.

**Таянч иборалар:** Корхона, тузилма, хусусийлаштириш, ягона дарича, Устав, таъсис шартномаси, корхонани қайта ташкил қилиш, корхонани тугатиш, рақобат, банкротлик.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Саноат корхона тузилмасини белгилаб берувчи омиларни айтинг.
2. Қайси омиллар янги корхона ташкил қилиш заруриятини асослаб беради?
3. Янги корхоналарни ташкил қилишдан мақсад нима?
4. Корхона ташкил қилишнинг асосий тамойилларини санаб ўтинг.
5. Корхона қачондан бошлаб ташкил қилинган деб ҳисобланиши мумкин?



6. Корхона Устави нимани англатади?
7. Таъсис шартномаси нимани англатади?
8. Корхона фаолиятининг тўхталишига нималар сабаб бўлиши мумкин?

## **IV БОБ. САНОАТДА ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ**

### **4.1. Саноат корхоналари фаолиятида бошқарувнинг объектив зарурияти**

Барча жамиятларда умумий тусдаги мақсадларга эришиш учун умумий масалаларни ҳал этиш зарурияти туғилади. Бу эса инсонларнинг бир-бирлари билан турли (жисмоний, иқтисодий ва социал тусдаги) муносабатлар ўрнатишларига олиб келади, яъни умумий мақсадга эришиш йўлида улар бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ масалаларни ечадилар – маҳсулот ишлаб чиқарадилар, иш бажарадилар ва хизмат кўрсатадилар.

Табиийки, бундай жараёнларни бошқарувнинг муайян тизимсиз ҳаракатга келтириб бўлмайди. Шу туфайли ижтимоий меҳнат тақсимоти асосида жамият ўзига хос ва мос бошқарув тизимини яратади.

Бошқарувнинг юзага келиши – инсоният тараққиётининг энг муҳим жараёнларидан бири ҳисобланади. Инсоният тарихининг дастлабки босқичларида инсонлар ўз билим ва тажрибасига асосланган ҳолда ишлаб чиқаришни бошқарган бўлсалар, аста-секинлик билан техника-технологиянинг ривожланиши, ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши ва ҳар хил ташкилий шароитларнинг юзага келиши натижасида фаолиятнинг мазкур тури анча мураккаблашиб борди.

Бошқарувнинг моҳияти қуйидагиларда яққол намоён бўлади:

- ижтимоий меҳнат тақсимотининг маҳсули;
- жамият муносабатларининг муҳим кўрсаткичи сифатида иқтисодий, социал ва сиёсий жараёнларнинг барча жабҳаларига тегишли;
- инсоннинг жамиятдаги ўрни, меҳнат тақсимоти, кооперация ва муомала зарурати, иқтисодий, социал ва сиёсий муносабатлардан келиб чиқади;
- табиатни ўзгартириш, меҳнат қуроллари ва предметларини ягона ишлаб чиқариш жараёнида бирлаштиришга йўналтирилган фаолият;
- ишлаб чиқаришнинг барча қатнашчилари ва элементлари ўртасида келишувни йўлга қўяди;

- ишлаб чиқаришнинг барча қатнашчилари ўртасида юзага келган муносабатларнинг мазмуни ва меъёрини тартибга солиши ҳамда ресурслардан фойдаланишнинг самарали йўллари топишга ўз хиссасини қўшади;

- ижтимоий меҳнат жараёнига ишлаб чиқариш ривожланишининг объектив қонунлари асосида йўналтирилган тарзда таъсир ўтказиш тизими;

- ҳар бир ишчининг ва бутун жамоанинг меҳнатини бир вақтнинг ўзида назорат қилиш, мотивация ва тартибга солиш усули;

- моддий бойликлар ва неъматлар ҳамда уларга тенглаштирилган кадриятларни тақсимлаш, истеъмол қилиш ва айирбошлашни таъминлайди;

- бошқарув алоҳида тизим сифатида тобора кўпроқ тажриба алмашиш соҳаси, реклама, ишлаб чиқариш вазифаларини тезкор ҳал қилиш воситаси;

- ўзининг горизонтал ва вертикал алоқалари билан бирга фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, шунингдек, сиёсий кайфиятлар ва ишлаб чиқариш муносабатларидаги ўзгаришлар таъсири остида доимий ҳаракатда ва янгилашишда бўлади.

Бошқарув – бу ...

- турли-туман соҳалар (мамлакат ва унинг ҳудудлари, миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқлари, корхона ва унинг бўлимлари)да инсонлар устидан раҳбарлик қилишга қаратилган фаолият;

- ташкилотнинг мақсадини ифодалаш ва унга эришиш учун зарур бўлган режалаштириш, ташкил этиш, рағбат уйғотиш (мотивация) ва назорат қилиш бўйича фаолият тури;

- корхона ихтиёридаги барча ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда истеъмолчилар талабига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали юқори фойда олишга элитувчи фаолият;

- муайян ахборотга асосланган ва мавжуд дастурга мувофиқ объектнинг ишлашини (фаолият кўрсатишини) таъминлашга йўналтирилган тадбирлар мажмуаси;

- объект

- тив зарурият ва мақсадга йўналтирилган жараён.


Ҳозирги пайтда, яъни иқтисодий ва илмий-техник ўзгаришлар рўй бераётган даврда бошқарув усуллари, тамойиллари ва техникасида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Янги иқтисодий-социал муносабатлар шароитида бошқарув алоҳида тизим сифатида тобора кўпроқ тажриба алмашиш соҳаси, реклама, ишлаб чиқариш вазифаларини тезкор ҳал қилиш воситаси бўлиб бормоқда.

Бошқарув жамият ҳаётининг барча жабҳаларини – иқтисодий, социал ва сиёсий муносабатларни қамраб олади. У ишлаб чиқаришнинг барча қатнашчилари ва элементлари ўртасида келишувни йўлга қўйиб, юзага келган муносабатларнинг мазмуни ва меъёрини тартибга солади ҳамда ресурслардан фойдаланишнинг самарали йўллари топишга шароит яратади.

Назарияда ва амалиётда бошқарувга тааллуқли икки хил тушунча мавжуд бўлиб, уларнинг бири бошқарувнинг субъекти ва иккинчиси эса бошқарувнинг объекти, деб ўрганилади. Бошқарув объектлари ва субъектлари доимо ўзаро алоқада бўлади.

Бошқарув субъекти – бу жисмоний ёки юридик шахслар бўлиб, улар амалдаги қонунлар асосида берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилади.

Бошқарув объекти – бошқарув субъекти таъсир этадиган ва тартибга келтирадиган ишлаб чиқариш ва хўжалик тизимлари, социал-иқтисодий жараёнлар, уларда қатнашаётган жисмоний ва юридик шахслар.



**4.1.1-чизма. Саноат корхоналарини бошқариш элементлари.**

Бошқарув фаолияти – бошқарувчи шахс ёки орган томонидан бошқарув амалларини бевосита ва билвосита командалар (буйруқ, тавсия ва кўрсатмалар) шаклида ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир.

Бошқарув амаллари – ишлаб чиқариш жараёнининг якунланиши учун моддий шарт-шароит вазифасини бажаради.

Айтиш мумкинки, бошқарув амаллари бошқарув фаолияти ва натижалари ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади.

Саноат корхоналарини бошқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишда – ишлаб чиқаришнинг алоҳида элементлари ва бўғинлари ўртасида юзага келувчи бошқарув муносабатлари муҳим ўрин эгаллайди.

Бу бошқарувнинг ҳар бир элементи ёки бўғини томонидан маълум бир вазифани бажаришни кўзда тутувчи бир-бирига бўйсунувчанлик тизимида намоён бўлади.

Саноат корхоналарини бошқариш – ижтимоий ишлаб чиқаришда амал қиладиган қонун ва қоидаларга бўйсунди. Шу сабабдан ҳам саноат корхоналарини бошқариш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркибий ва ажралмас қисми ҳисобланади.

Бошқарув – даврий ва айна пайтда узлуксиз жараёндир. Бошқарув даври – мақсаднинг аниқланишидан унга эришилгунгача бўлган вақтни ўз ичига олади.

Бошқарув даврининг асосий босқичлари қуйидагилардир:

- мақсадни шакллантириш (белгилаш);
- мақсадни режалаштириш ва башорат қилиш;
- қабул қилинган қарорлар ёки мақсадли вазифаларни мувофиқлаштириш;
- эришилган натижаларни таҳлил этиш ва баҳолаш;
- янги бошқарув тизимини танлаб олиш ва аниқлаш.

Бошқарув даврининг босқичлари орасида – бошқарув тизими муҳим ҳисобланади.

Бошқарув тизими – бу маълум бир мақсадга эришишда, назоратда бўлган объект ҳақида маълумотлар тўплаш ва унинг хатти-ҳаракатига таъсир ўтказувчи тизимдир.



**4.1.2-чизма. Саноат корхоналари бошқарув тизими.**

Бошқарув тизимининг самарали бўлишини таъминлаш учун зарур бўлган асосий шартлар қуйидагилар ҳисобланади:

- бошқаришнинг субъекти ва объекти бошқарувчи ва бошқарилувчи қуйи тизимлар сифатида бир-бири билан сабабли-натижавий боғлиқ бўлиши;

- бошқарувчининг қуйи тизимни аниқ бошқариш бўйича мақсади бўлиши;

- бошқарувчи қу

- йи тизим бошқарув объектининг аҳволи, унинг фаолияти натижалари, атроф-муҳитнинг имкониятлари тўғрисидаги ахборотни қабул қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- бошқарув объекти бошқармавий таъсирларни қабул эта оладиган бўлиши ва уларнинг мазмунига мос келадиган ишларни бажара олиши.

Юқорида қайд этилган шартларга риоя қилиш бошқарув-чанликни, яъни бошқарув тизимининг ишчанлигини таъминлайди. Бошқарувнинг объекти қанчалик мураккаб бўлса, бошқарув аппаратининг ишчанлик қобилияти ҳам шунчалик юқори бўлиши лозим.

Бошқарув жараёни узлуксиз, у доимий равишда бошқарув даврларини ўз ичига олади. Улар биринчи ўринда бошқарув объектининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Бошқарув даври:

- бошқарув тажрибаси;

- мақсадларни белгилаш ва қўйиш;

- қарорларни қабул қилиш;

- маълумотларни тўплаш ва уларни қайта ишлаш;

- қарорларни амалга ошириш;
- қарорлар натижасини баҳолаш;
- натижалар.

Шуни таъкидлаш лозимки, бошқарув даврида эришилиши лозим бўлган мақсад ва вазифаларнинг удаланиши корхона учун муайян самара олиб келади.

Эришилган натижалар тўғрисида олинган ахборотлар асосида янги вазифалар белгиланади ва бошқарув даври қайтадан бошланади. Айрим ҳолларда турли хил сабабларга кўра, саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятида белгиланган параметрлардан четга оғиш сабабли бошқарув қўйилган мақсадга эришмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда тезкор тартибга солиш йўли билан четга оғишлар олиб ташланади ва ишлаб чиқариш жараёнининг меъёрий тарзда фаолият юритиши таъминланади.

Саноат корхоналари фаолиятида рўй бераётган жараёнларни олдиндан кўра билиш – самарали бошқаришнинг муҳим жиҳатидир. Барча жараёнларни кузатиш орқали, уларда кечаётган ўзгаришларга қараб маҳсулот ишлаб чиқариш бошқарилиб турилади.

Маълумки, маҳсулотларга бўлган талабнинг, нарх-навонинг, техника ва технологияларнинг ўзгариши ҳамда ходимларнинг иш ҳақи ва уларни социал ҳимоя қилишнинг ҳолати корхона фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун вазиятга қараб корхона фаолиятига таъсир этувчи ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда зудлик билан тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш керак бўлади.

Бошқарувнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш кўп жиҳатдан қарорларнинг тўғри қабул қилинишига боғлиқ бўлади. Самарали бошқарув қарорининг қабул қилиниши – корхона раҳбарининг тўплаган тажрибаси, билими ва фикрлаш доирасининг чуқурлигига боғлиқ бўлади.

Бошқарув қарори – бу:

- бошқарув фаолияти технологиясидаги муҳим бўғин;
- корхона раҳбарлари томонидан амалга оширилувчи мантиқий-фикрий фаолият;
- эмоционал-психологик ҳатти-ҳаракат;
- ишлаб чиқариш жараёнида одамлар ўртасида юзага келувчи муносабатлардир.

Бошқарув қарорлари қуйидаги белгилар бўйича таснифланади:

- компетентлик ва масъулият бўйича – якка тарзда ёки коллегиял (жамоа) бошқарув қарорлари;
- мазмуни бўйича – илмий-техник, иқтисодий, ташкилий, социал бошқарув қарорлари;
- характери бўйича – оператив-тақсимловчи, хўжалик-рахбарлик ва меъёрий бошқарув қарорлари;
- таъсир кўрсатиш даражаси бўйича – бир ва кўп даражали бошқарув қарорлари;
- таъсир кўрсатиш йўналиши бўйича – ички ва ташқи;
- таъсир кўрсатиш миқёси бўйича – хусусий ва умумий (мажмуавий);
- таъсир кўрсатиш даври бўйича – бир марталик ва кўп марталик.

Бошқарув қарорларини амалга ошириш имкониятлари – ўз вақтида амалга ошириш, аниқлик, қонунийлик ва шу каби талабларга жавоб бериши лозим. Бажариш жараёнида энг кам ўзгартириш ва тузатишларга учрайдиган қарор энг яхши қарор ҳисобланади.

Маълумки, корхона очик тизим. У турли субъектлар билан мустақил иқтисодий ва социал муносабатлар ўрнатади. Шу сабабли, бошқарув тизимига (корхонада юзага келувчи ички муҳитдан ташқари) ташқи муҳит, аввало, аҳолининг турмуш тарзи, жамият қурилмаси, давлат сиёсати ва ҳоказолар таъсир кўрсатиши табиий ҳолдир. Бироқ, ҳар қандай шароитда ҳам бошқарув тизими – саноат корхонасининг рақобатчилик муҳитидаги иқтисодий барқарорлигига жавоб бериши лозим.

Бошқарув тизими ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш ва корхонанинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

#### **4.2. Саноат корхоналарини бошқаришнинг тамойиллари, мақсад ва вазифалари**

Бошқарув жараёнининг дастлабки босқичи – мақсадни шакллантириш, уни режалаштириш ва башорат қилишдан иборатдир. Саноат корхоналарида бошқарувнинг мақсади:

- маҳсулот ишлаб чиқаришни (бошқариладиган социал-иқтисодий тизим сифатида) исталган ва мумкин бўлган зарурий



ҳолатга олиб чиқиш орқали корхона фаолияти самарадорлигини ошириш;

- олдиндан ўйланган, мўлжалланган ва зарур бўлган натижага эришиш;

- истеъмолчилар талаб-эҳтиёжига мос бўлган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш орқали мўлжалланган фойдани олиш.

Белгиланган мақсад илмий ва амалий жиҳатдан асосланган, аниқ ва манзилли бўлиши зарур. Шунингдек, у – шарт ва шароитларни ҳисобга олинган ҳолда эришишли бўлиши керак.

Бошқарув мақсадига қўйиладиган асосий талаблар:

- аниқ ва бир маъноли бўлиши;
- реал, яни бажарилишининг мумкин бўлиши;
- миқдоран ўлчовга эга бўлиши;
- барча бажарувчиларга тушунарли бўлиши;
- бўлимлар ва масъуллар бўйича деталлаштирилган бўлиши;
- кўп қиррали (ҳар бир фаолият тури, ҳар бир масъул шахс бўйича батафсил тақсимланган) бўлиши керак.

Саноат корхоналарини бошқаришнинг мақсадларини қуйидаги турларга бўлиб таснифлаш мумкин:

- амалга ошириш муддатига кўра жорий ва истиқболли;
- аҳамият даражасига кўра асосий (стратегик) ва иккинчи даражали (тактик);
- бошқарув объекти муносабатига кўра яқка ва умумий;
- натижага эришиш даражасига кўра якуний ва оралиқ ёки босқичли.

Табиийки, қўйилган мақсадга эришиш учун маълум вазифаларни бажариш талаб қилинади.

Вазифа – бу:

- аввалдан аниқланган, белгиланган ва бажарилиши лозим бўлган иш (фаолият);
- амалга оширилиши, ҳал қилиниши лозим бўлган масала, кўзда тутилган ва эришилиши лозим бўлган мақсад.

Саноат корхоналари бошқарувининг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- келажакни аниқ кўрмоқ (истиқболни тўғри башорат қилиш ва унга монанд бўлган фаолият дастурини тузиш);

- ташкиллаштирмоқ (корхонанинг ички моддий ва социал тузилмасини барпо этиш);
- персонални идора қилмоқ (ходимларни ҳаракатга келтириш);
- келишиш (ҳаракат ва тиришқоқликни бир-бири билан уйғунлаштириш);
- назорат қилиш ва кузатиш (жорий этилган ва берилган буйруқ асосида ҳаракатнинг, яъни фаолиятнинг қандай тарзда бўлаётганини мушоҳада қилиш).

Бошқаришнинг дастлабки ва асосий вазифаси – бу режалаштиришдир. Унда бошқарувнинг мақсадлари ва вазифалари, уларни амалга ошириш муддатлари белгиланади ҳамда вазифаларни амалга ошириш усуллари ишлаб чиқилади ҳамда саноат корхоналарининг турли субъектлар билан иқтисодий-молиявий алоқалари (маҳсулотлар ҳажми белгиланганда, уни барча ресурслар билан таъминлаш ва уларни етказиб бериш масалалари) ўз аксини топади.

Саноат корхоналари фаолиятида бошқарувчининг ташкилотчилиги муҳим ўрин тутади. Бошқарувчининг ташкилотчилиги – бу:

- корхонада юз берадиган муаммоларни тез ҳал этиш билан боғлиқ бўлган фаолият;
- корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириб боришга шароит яратишда муҳим омил.

Саноат корхоналарини бошқаришда ходимларни фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар (мотивация) муҳим аҳамиятга эга. Ходимларни меҳнат натижаларига қараб рағбатлантириш, уларнинг манфаатлари йўлида ғамхўрлик қилиш – бошқарувчининг вазифаларидан биридир.

Бошқарувнинг яна бир муҳим вазифаси – бу корхонадаги бўлимлар ҳамда унда ишлайдиган ходимлар фаолиятини мувофиқлаштиришдир. Бу корхона бошқаруви белгиланган мақсадга элитувчи омиллардан биридир.

Саноат корхоналарининг юқори натижаларга эришишини таъминлаш учун цехлар, участкалар, бўлимлар ҳамда ходимлар томонидан барча топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилмоқ муҳим аҳамиятга эга.

Таъсирчан назоратни ташкил қилиш ҳар бир раҳбарнинг функционал ишидир. Мунтазам назорат йўқ жойда юксак пировард натижаларга эришиб бўлмайди.

Бошқарув жараёнининг амалга оширилиши тартиби қуйидагича:

- бошқариладиган объектнинг ҳолати маҳсулот ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатадиган омиллар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш;
- объектнинг ҳар хил ҳолатини тахмин қилиш ва муайян вазиятдаги энг яхши ҳолатини белгилаш;
- бошқаришга оид қарор ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва уларни бошқарувчига етказиш;
- берилган топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш.

Бошқарув тизимининг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг барқарорлигини таъминлаш;
- хўжалик таваккалчилигини камайтириши;
- сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кўмаклашиш;
- ходимларнинг ўз меҳнатлари натижасига қизиқиш даражасини ошириш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва йўқотишларга йўл қўймаслик;
- меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш.

Саноат корхоналарини бошқариш маълум бир тамойиллар асосида амалга оширилади. Тамойил махсус категория. У фақат инсонгагина хосдир. Алоҳида шахс ёки жамоа қарор қабул қилишда унга таянади. Унинг асосида маҳсулот ишлаб чиқариш қатнашчилари орасидаги келишувлар ўрнатилади, юзага келиши мумкин бўлган хатоларнинг олди олинади ва бошқарув меҳнатининг самарадорлиги ошади.

Саноат корхоналарини бошқариш тамойилларининг энг асосийлари:

- илмийлик;
- тизимлилик ва комплекслик;
- яқка бошқарув ва коллегиялик;
- тартиб ва адолат;

- ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш;
- тежамкорлик ва самарадорлик;
- ташаббускорлик ва корпоратив руҳият;
- ваколат ва мажбурият.

Бошқарувнинг илмийлик тамойили жамият ривожланишининг объектив қонунлари ва фан-техника ютуқларидан хабардор бўлишни талаб қилади. У ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг зарурий мутаносиблигини таъминлайди, бошқарув қарорларида хатоларга йўл қўйишнинг олдини олади, саноат корхона фаолиятида юқори сифат ва миқдор кўрсаткичларига эришишни таъминлайди.

Илмийлик тамойили маҳсулот ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилишда иқтисодий-математик усуллардан кенг фойдаланиш, бошқарувнинг мақсадли-дастурий усулларини амалга киритиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни кўзда тутати.

Бошқарувнинг тизимлилик ва комплекслилик тамойили илмийлик тамойилининг давоми сифатида бўлсада, ўзининг мустақил аҳамиятига эга. У маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бир маромда амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади ва ишлаб чиқариш учун қулай шароит яратади.

Тизимлилик ва комплекслилик тамойили бошқарилаётган тизимнинг вертикал ва горизонтал йўналишлари бўйича барча хусусиятларини қамраб олишни кўзда тутати

Бошқарувнинг якка бошқарув ва коллегиялик тамойили саноат корхоналарини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга. Бу тамойил, айниқса, акциядорлик жамиятларида яққол кўзга ташланади.

Якка бошқарув – ҳар бир корхона раҳбари ўз ваколати доирасидаги масалаларни ҳал қилишда қонун томонидан берилган ҳуқуқларга асосан бир ўзи (якка тарзда) қарор қабул қилишини ҳамда корхона фаолияти учун шахсан жавобгарлигини англатади. Шунингдек, якка бошқарув ходим буйруқларни фақат битта бевосита (тўғридан-тўғри) бошлиқдан олиши мумкин ёки шарт бўлган ҳолларни ҳам англатади.

Бошқарувнинг коллегиялик тамойили корхона жамоасининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишдаги фаол иштирокини ифодалайди. Замонавий бозор муносабатлари шароитида ушбу тамойилнинг имкониятлари кенгайиб боради.

Бошқарувнинг тартиб ва адолат тамойили кадрлар тез-тез алмашишининг олдини олади, корхона обрўсининг ўсишига ҳамда бунга корхона жамоасини қизиқтиришга хизмат қилади.

Тартиб – ҳар бир киши ва ҳамма нарса ўз жойида бўлишини, адолат эса раҳмдиллик ва одилликнинг уйғунлигини англатади. Шу тамойилга кўра корхона ва унинг раҳбарига тавсифнома берилади. Корхона раҳбари қанчалик билимли ва тажрибали, унинг касб маҳорати ва маданияти қанчалик юқори бўлса ҳамда у жамоа тўғрисида қанчалик кўп қайғурса, тартиб ва адолат кўрсаткичлари шунчалик юқори бўлади.

Бошқарувнинг ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тамойили меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим туртки ҳисобланади ва бошқарув тизимининг самарадорлигини акс эттиради.

Замонавий бозор муносабатлари шароитида ходимлар ўз хизматлари ва бажарган ишининг сифати ва миқдори учун адолатли тарзда ҳақ олишлари зарур. Ходимларни маънавий рағбатлантиришнинг аҳамияти моддий рағбатлантиришдан кам эмас.

Саноат корхоналари раҳбарларининг иқтидори – ходимларнинг ташаббус ва ютуқларини ўз вақтида муносиб баҳолаш, уларни ҳам моддий ҳам маънавий рағбатлантириш тизимини моҳирона қўллашида намоён бўлади

Тежамкорлик ва самарадорлик тамойилининг моҳияти – моддий ва меҳнат ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, энг кам харажатлар билан энг кўп натижаларга эришиш, ишлаб чиқариш захираларидан тўлиқ фойдаланишда ифодаланади. Саноат корхоналарида бу тамойилнинг амал қилиши – корхона раҳбари ва барча ходимлар (биринчи ўринда тайёр маҳсулот яратувчи ишчилар)нинг меҳнат қондасига риоя этишига боғлиқ.

Бошқарувнинг ташаббускорлик ва корпоратив руҳият тамойили корхонани муваффақиятларга элитувчи воситадир. Ташаббус-корлик, истиқболни кўра билиш ва ишга ижодий ёндашиш муваффақиятлар гаровидир. Корхонадаги корпоратив руҳият ташаббускорликни ва ишга ижодий ёндашишни таъминлайди (ҳар бир ходимга ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг турли хил дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қўшимча куч- қувват бахш этади).


Ваколат ва мажбурият тамойили – корхонада бошқарувнинг самарали ташкилий тизимининг шаклланишини, лавозимларга оид йўриқнома (рахбар ва барча ходимларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисидаги ҳужжат)ни ишлаб чиқишни, бажарилган иш учун моддий ва маънавий жавобгарликни белгилашни, буйруқ ва кўрсатмаларни ўз вақтида тайёрлашни талаб қилади. Ҳар бир лавозим эгаси (бўлим бошлиқларидан тортиб, то корхона раҳбаригача) бошқарув фаолиятидаги ўз ваколатларини оширмаслиги ва мажбуриятларини камайтирмаслиги, ўзи бажариши лозим бўлган ишларни унга бўйсунувчи шахсларнинг зиммасига юклармаслиги лозим.

Юқорида келтирилган бошқарув тамойиллари (биргаликда) бошқарув тизимининг ишончлилигига ва корхона раҳбари ҳамда ҳар бир бошқарув тузилмасининг обрўсини ўстиришга хизмат қилади. Уларнинг доимий равишда такомиллаштириб борилиши ҳамда замон руҳи ва хўжалик юритиш механизми талабларига жавоб берувчи янги тамойиллар билан тўлдирилиб борилиши долзарб масала ҳисобланади. Бу эса, табиийки, бошқарув тизими ва жараёнларининг янги шакл ва усулларини ривожлантиришга имконият туғдиради.

### **4.3. Саноат корхоналарида бошқарувнинг ташкилий тузилмалари ва функциялари**

Бошқарувнинг ташкилий тузилмаси:

- корхона бошқаруви функцияларини бажарувчи турли хил бўлим, хизмат ва бўлинмалар таркибидир (улар ўзаро муносабатда ва бир-бирига бўйсунди);
- бошқарув бўғинларининг маълум бир тартибини ва уларнинг бўйсунуш алоқаларини, вертикал ва горизонтал меҳнат тақсимотининг интеграциялашувини англатади;
- динамик тарзда бўлади (ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатларининг ривожланиши, бошқарув объектларининг қарама-қаршиликлари ва қонуниятлари ҳақидаги билимлар даражасининг ўсишига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради).




**4.3.1-чизма. Саноат корхоналари бошқарувининг ташкилий тузилмалари.**

Чизиқли тузилмада барча бошқарув функциялари раҳбар кўлида мужассамланади. Барча масалалар битта алоқа канали орқали ҳал этилади. Бошқарувнинг чизиқли тузилмаси ҳал қилинаётган масалалар кўлами унчалик катта бўлмаганида самаралироқ бўлади. Шу сабабли, бундай тузилмадан асосан кичик саноаткорхоналарини бошқаришда фойдаланилади.

Чизиқли тузилманинг афзалликлари:

- бошқарувнинг ҳар бир бўғини учун раҳбар тайинлашнинг нисбатан осонлиги;
- бошқарув қарорларини тайёрлаш ва бажаришнинг тезкор (оператив) амалга оширилиши;
- бошқарув функцияларини бажаришнинг нисбатан осонлиги.




**4.3.2-чизма. Саноат корхоналари бошқарувининг чизиқли тузилмаси.**

Чизиқли тузилманинг камчиликлари:

- горизонтал алоқаларнинг тарқоқлиги;
- бошқарувдаги ҳаддан ташқари қаттиқлик;

- ишлаб чиқаришнинг диверсификацияси шароитларидаги чекланган имкониятлар.




**4.3.3-чизма. Саноат корхоналари бошқарувининг функционал тузилмаси.**

Бошқарувнинг функционал тузилмасида бошқарув ва объект функциялари бўйича бошқарув ячейкалари шакллантирилади. Ячейкалар – бажарилиши шарт бўлган қарорларни бошқарувнинг қуйи поғонасига ёки бевосита ишлаб чиқариш бўғинларига етказилади.

Бунда бошқарув – функциялар бўйича тақсимланади ва функционал бўғинлар (бош иқтисодиётчи, бошбухгалтер ва ҳоказолар) томонидан амалга оширилади. Улар томонидан тайёрланувчи бошқарув қарорлари бажарувчиларга кесишувчан алоқа каналлари бўйича етказилади.

Чизиқли-функционал тузилмада бошқарув ҳам чизиқли, ҳам функционал раҳбарлар томонидан амалга оширилади.





#### **4.3.4-чизма. Саноат корхоналари бошқарувининг чизиқли-функционал тузилмаси**

Чизиқли-функционал тузилманинг афзалликлари:

- бошқарув фаолиятини ихтисослаштириш даражасининг юқорилиги;
- бошқарув фаолиятининг деярли барча соҳаларини ваколат доирасида қамраб олиш;
- ишлаб чиқариш диверсификациясининг турли талаб ва шарт-шароитларига мослашиш имкониятлари;
- бошқарув хизматлари ёки бўлимларига ходимлар танлашнинг нисбатан осонлиги.

Чизиқли-функционал тузилманинг камчиликлари:

- яккаҳоқимлик тамойилининг бузилиши;
- келишилган бошқарув қарорларини қабул қилиш ва бажариш ҳамда уларнинг комплекслигини таъминлаш қийинлиги;
- бошқарувнинг юқори поғоналари учун раҳбар танлашнинг мураккаблиги.

Бошқарувнинг у ёки бу ташкилий тузилмаси – тезкорлик, оптималлик, ишонччилик ва тежамкорлик каби асосий талабларга жавоб бера олиши зарур. Бу талаблар қанчалик тўлиқ ва яхши бажарилса, саноат корхонасини бошқариш тизимининг сифат кўрсаткичлари шунчалик юқори бўлади.

Саноат корхоналари бошқарувининг ташкилий тузилмасига таъсир этувчи омиллар:

- корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;
- корхонанинг ихтисослашуви ва кооперация алоқалари;
- корхонанинг мулкчилик шакли;
- корхонанинг жойлашган ҳудуди;
- корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмаси (меҳнат қуроллари ва технологияларнинг мураккаблиги – бошқарувнинг ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилмасига таъсир этади).

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, бошқарув объекти ва субъекти (бошқарув аппарати) ўртасидаги муносабатлар бошқарув функциялари ёрдамида тартибга солинади.

Бошқарув функциялари – зарур ва албатта қайтариловчи хатти-ҳаракатлар мажмуасидир. Улар бутун бошқарув жараёни давомида узлуксиз тарзда амалга оширилади ҳамда бошқарув қарорларини


қабул қилиш ва бажаришнинг турли босқичларида ҳар хил салмоққа эга бўлади.

Функция – лотинча сўз бўлиб, бирор кимса ёки нарсанинг иш, фаолият доираси, вазифаси деган маъноларни билдиради.

“Функция” тушунчаси “вазифа” тушунчасига нисбатан тор маънога эга. Зеро, функция фақат ўз фаолият доирасидаги вазифаларни ўз ичига олади. Масалан, маркетингнинг ишини бажариш корхона муҳандисининг функциясига кирмайди, чунки у шу бевосита маркетинг фаолияти доирасидаги юмушдир. “Вазифа” эса ўз фаолият доирасидан ташқарида ҳам бўлиши мумкин.

Вазифа – бу амалга оширилиши, ҳал қилиниши лозим бўлган масала, эришилиши лозим бўлган, кўзда тутилган мақсад ёки бирор бир топшириқ, хизмат, юмуш, хизмат лавозими, мансаб, амал.

Бошқариш функцияси деганда у ёки бу объектни бошқаришга оид аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган бир турдаги ишлар мажмуаси тушунилади (4.3.5-чизма).



#### 4.3.5 -чизма. Саноат корхоналарини бошқаришнинг муҳим функциялари.

Корхоналарни бошқариш функцияларининг мазмуни қуйидагича:

1.Режалаштириш – бошқаришнинг дастлабки ва асосий вазифасидир. Унда бошқарувнинг мақсадлари ва вазифалари, уларни амалга ошириш муддатлари белгиланади ҳамда вазифаларни амалга ошириш усуллари ишлаб чиқилади. Режаларда

корхоналарнинг турли субъектлар билан иқтисодий алоқалари ўз аксини топади.

2.Прогнозлаштириш – жорий фаолиятни самарали тарзда олиб бориш ҳамда истиқболни кўра олиш ва бошқарув тизимини истиқболга мослаштиришдир. Унинг режалаштиришдан фарқи – эҳтимоллик тавсифига эга эканлигида.

3.Тартибга солиш – ишлаб чиқаришни, жамоани бошқаришда белгиланган кўрсаткичлардан четга оғишларни тўғрилаб бориш.

4.Ташкил этиш – корхонада юз берадиган муаммоларни тез ҳал этиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдир.

5.Назорат – бу бошқарув объектида содир бўлаётган жараёнларни ўз вақтида тартибга солишдир. У бошқарув объектларининг ўрнатилган меъёрий ҳужжатлардан, режалардан оғишларини, уларнинг жойи, вақти, сабаби ва хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

6.Ҳисобга олиш – корхонанинг маълум бир вақт давомида бажарган ишларига яқун ясаш.

7.Мотивация – корхоналарни бошқаришда ходимларни фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар.

8.Таҳлил – маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда улардан бошқарувни асослаш ва бошқа вазифалари учун фойдаланиш.

Шуни таъкидлаш лозимки, бошқарув функциялари ўртасида қатъий чегара йўқ. Улар ўзаро чамбарчас боғланган. Айни пайтда, ҳар бир функция ўзига хос хусусиятларга эга. Уларни билиш ва амалда қўллай олиш раҳбарнинг профессионал даражасига боғлиқ.

#### **4.4. Саноат корхоналари бошқарувини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўллари**

Ўзбекистондаги кўпчилик кичик саноат корхоналарида, ҳозирги кунда соҳани тушунадиган, уни самарали бошқара оладиган кадрларнинг етарли даражада бўлмаслиги катта муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Айрим саноат корхоналари бошқарувчилари ҳозирги замон талабларига жавоб бераоладиган бошқарув анъаналарига эга эмаслар. Шунинг учун улар ташқи ва ички ўзгаришлар таъсири натижасида, бошқарув тизимини қўлдан чиқаришмоқда ва натижада молиявий зарар кўришмоқда.

Саноат корхоналари даромадлилигини оширишнинг асосий йўли – бу ишлаб чиқариш фаолиятдан олинадиган даромадларни максималлаштириш мақсадида фойдаланиладиган талабни прогнозлаштириш усулидир. Талабни прогнозлаштиришни билиш, саноат ишлаб чиқариш қувватлари орқали талабнинг максимал қондирилишини режалаштириш – бу замонавий менежментнинг вазифаларидан биридир.

Талабни прогнозлаштириш усулининг асосида мавжуд кузатувлар, иш тажрибаси ва ҳоказолар асосида талаб ва таклиф ўртасидаги фарқдан максимал фойдани олиш ётади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни юқори баҳоларда сотиш фойдали бўлсада, лекин амалиётда бундай бўлмайди.

Саноат корхоналарининг рақобат курашидаги мавқияларини кучайтириш, ҳозирги кунда бошқарув сифатига боғлиқ. Бошқарувни такомиллаштиришни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири сифатида қараш лозим. Янги бошқарув тафаккури ўз аксини турли хилдаги йўқотишлар билан доимий курашда, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги усуллари ва шакллари доимий равишда излашда топади.

Янги бошқарув тафаккури ишлаб чиқаришнинг барча технологик занжирларида сифатни умумий назорат қилинишини кўзда тутади.

Рақобат шароитида саноат корхоналари фаолиятини самарали бошқариш учун менежментнинг асосий тамойилларини пухта билиш муҳимдир. Уларни билмасдан туриб, самарали бошқарувни кутиш мумкин бўлмайди.

Самарали менежмент – бу бошқарувнинг профессионал тажрибасини эгаллашнинг тўхтовсиз жараёнидир. Менежер фаолияти ўз ичига нафақат бошқарувни, балки ўз касбий маҳоратини, ишчанлик жиҳатлари даражасини оширишни ҳам олади.

Менежмент – бу иқтисодиётнинг бозор механизмлари таъсирида шаклланадиган бошқарув тизимидир.

Замонавий бошқарувнинг қийин жараёнларида асосий эътибор мақсадларга қаратилади. У бошқарувнинг истиқболлилигини ва давомийлигини аниқлайди, корхонанинг ривожланиш стратегиясининг асосини ташкил этади.

Саноат корхоналарида самарали фаолиятининг асосий омили бўлиб, унинг ходимлари ҳисобланади. Ходимларни бошқариш – бу уларни тўғри танлаш, функциялар бўйича жойлаштириш, малакаларини ошириш, самарали ишга ундаш, яхши иш шароитларини таъминлашдир.

Яхши ташкил этилган бошқарув – ходимлар функцияларини тақсимлашнинг аниқлигида, ташкилий ишларнинг оддийлигида, масъулиятлиликда, ахборот билан таъминланганликда ва жамоанинг унумли ишга интилишида намоён бўлади.

Бошқарув – бу қарорлар қабул қилишдир. Лекин қарорни нафақат менежер, балки уни бажарувчилар ҳам қабул қилишади.

Саноат маҳсулотлари истеъмолчиларига қаратилган бошқарув – бу маркетинг. Бундай бошқарув истеъмолчилар ўзларини тутишларини, бозордаги талаб ва таклифни, рақобатчиларнинг кучли ва заиф томонларини тадқиқот қилишни кўзда тутди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш операцияларини бошқариш – бу ресурсларни тайёр маҳсулотга айлантириш жараёнларини бошқаришдир.

Бозор иқтисодиётининг ҳозирги шароитида маҳсулотларни сотишнинг асосий омили – уларнинг сифати ҳисобланади.

Социал-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган саноат ишлаб чиқаришида – менежмент доимий ривожланишда бўлади. Ривожланиш – бу келажакка интилишдир.

Ҳар қандай фаолият каби менежер иши маълум анжомлардан фойдаланишни кўзда тутди. Бошқарувда фойдаланиладиган анжомлар тизимини бошқарув механизми деб аташ мумкин.

Саноат корхоналарини бошқариш тизимини такомиллаштириб бориш долзарб масала ҳисобланади. Уни муваффақиятли ҳал қилиш – корхоналарда бошқарув тизимининг самарадорлигини оширишга, бошқарув харажатларини камайтиришга, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятининг иқтисодий кўрсаткич-ларини яхшилашга имконият яратади.

Саноат корхоналари бошқарув тизимини такомиллаштириш соҳасидаги тенденциялар:

- бошқарув фаолиятининг мақсадли тавсифини кучайтириш;
- бошқарувнинг мослашувчан тузилмаларини яратиш;
- бошқарув аппаратининг фаолиятини яхшилаш (жумладан, ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартириш ҳисобига);

- маҳсулот ишлаб чиқаришни бошқаришда жамоалар ролининг ўсиши ва уларнинг юқори натижаларга эришишга йўналтирилганлиги;

- меҳнат фаолияти социал шароитларининг яхшиланиши.

Саноат корхоналарининг бошқарув тузилмаларини такомиллаштириш йўналишлари асосида бир қатор сифат кўрсаткичлари ётади. Бу кўрсаткичлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Оптималлик – корхона бўлинмалари ўртасида энг кам бошқарув бўғинларига эга бўлган ҳолда ўзаро алоқаларни оқилона тарзда ўрнатишдир. Ҳозирда бошқарув тизимини такомиллаштириш олдига қўйилувчи асосий талаблардан бири – кўп бўғинлиликни қисқартириш ҳисобланади.

Тезкорлик (оперативлик) – бошқарув қарорларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун барча функционал бўлинмаларнинг ўзаро алоқаларида аниқликнинг бўлишлигини ва ишларнинг жадаллик билан бажарилишини таъминлаш. Тезкорлик бошқарув тизимининг самарадорлигида муҳим туртки ҳисобланади.

Ишончлилик – ахборотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш, уларни ўз вақтида олиш ва улар асосида қабул қилинган бошқарув қарорларини бажарувчиларга зудлик билан етказиш.

Тежамкорлик – бу бошқарув тизимида максимал самарага эришган ҳолда бошқарув аппарати ва унинг харажатларини камайтириш.

Корхонани бошқаришнинг самарадорлигини ошириш йўллари:

- мақсадларни шакллантириш ва амалга оширишга кам вақт сарфлаш;

- корхона раҳбари (менежери) ва бошқарув функцияларини бажаришга масъул бўлган бошқа шахсларнинг тажрибаси ва малакаси;

- бошқарув амалиёти ва иш тартибига сарфланувчи вақтнинг қисқартирилиши;

- бошқарув жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш;

- бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга оширишни оқилона ташкил қилиш бўйича ташкилий-техникавий чора-тадбирлар мажмуасини қўллаш;

- қабул қилинган қарорнинг оқибатида юзага келиши мумкин бўлган натижаларни олдиндан кўра билиш;

- ривожланиш истиқболларининг турли вариантларига тўғри баҳо бериш;

- истеъмолчилар талабига жавоб берувчи маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш;

- фаолият йўналишларини бугунги кун ва келажакдаги истиқболларини эътиборга олиб белгилаш;

- бошқарув қарорларининг янги йўналишларини излаш.

Ҳозирги пайтда саноат корхоналарини бошқаришни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида бошқарув тизимида – иш вақти йўқотилишининг олдини олиш, моддий, молиявий ва меҳнат ресурслардан оқилона фойдаланишга кўмаклашувчи компьютер техникасидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Саноат корхоналарини бошқаришда меҳнат жамоаларида зарур бўлган социал-психологик муҳитни шакллантириш катта аҳамиятга эга. Социал-психологик муҳит бошқарувни издан чиқаради ёки аксинча, бошқарув самара дорлигининг ошишига олиб келади.

Социал-психологик муҳит орқали зарур бўлган корпоратив руҳият шаклланади ва бошқарув функцияларининг муваффақиятли амалга оширилиши таъминланади.

**Таянч иборалар:** Бошқарув, меҳнат тақсимоли, бошқарув тизими, бошқарув объекти, бошқарув субъекти, бошқарув фаолияти, бевосита бошқарув, ўзини-ўзи бошқариш, бошқаришнинг мақсадлари, бошқарув цикли, бошқарув қарори, тамойил, ташкилий тузилма, бошқарув функциялари, оптималлик, тезкорлик, ишонччилик, тежамкорлик, социал- психологик муҳит.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. “Бошқарув” ва ишлаб чиқаришни бошқариш тушунчаларининг моҳиятини очиб беринг.

2. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда менежментнинг асосий

мақсади қандай?

3. Корхонада хўжалик юритиш механизми нимани англатади?

4. Корхона бошқарув органларининг асосий вазифаларини санаб беринг.

5. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг асосий техник қоидалари (талаблари) ва уларнинг замонавий босқичда қандай тарзда ўзгаришини тушунтириб беринг.

6. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг қандай стил ва усулларини биласиз?

7. Корхонада ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ҳар хил тузилмаларини тавсифлаб беринг.

8. Бошқарув органларининг корхоналардаги асосий функцияларини кўрсатиб беринг.



## **V БОБ. САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ПРОГНОЗЛАШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ**

### **5.1. Режалаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти**

Мамлакатимизни ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш ва иқтисодий барқарор ривожлантириш асосида фуқароларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини изчил юксалтириб боришга қаратилган давлатнинг иқтисодий стратегиясида бошқарув ва унинг энг муҳим функцияси бўлган режалаштириш алоҳида ўрин эгаллайди.

Режалаштириш – иқтисодийнинг барча даражалари ва соҳаларида қонуний жараён ҳисобланади. Жамиятда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган вазифалар унда ўз аксини топади.

Режалаштириш ёрдамида жамиятнинг меҳнат, моддий ва молиявий манбаларидан оқилона ҳамда самарали фойдаланишга шароит яратилади.

Режалаштириш – корхона томонидан бажарилувчи вазифалар белгиланган режаларда ўз аксини топади.

Режа – бу корхонанинг мақсадли функциялари ва уларни амалга ошириш йўллари белгилаб берувчи режалаштиришнинг моддийлашган шаклидир. У корхонанинг, маълум бир вақт мобайнида, амалга оширилувчи техник-иқтисодий кўрсаткичларни ўзида акс эттирувчи ҳужжат.

Режалаштириш – индикатив режа ёки прогноз каби режаларни ишлаб чиқиш жараёнидир.

Маълумки, корхонанинг самарали фаолият юритиши кўпчилик омилларга боғлиқ бўлади. Булар жумласига талаб ва таклиф асосида қанча, қайси сифатда ва қайси вақтда маҳсулот ишлаб чиқариш; оптимал технологияларни танлашни ташкил этиш; замонавий ва оқилона ресурс таъминоти; асосий ва айланма капи-тал миқдори; хизматларни тақдим этиш шакллари ва усуллари киради.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир саноат корхоналари ушбу омиллардан оптимал боғланган ҳолда фойдаланишга интилиши лозим. Бунга эса корхона хўжалик фаолиятини режалаштириш асосида эришиш мумкин.

Саноат корхоналари фаолиятини режалаштиришдан мақсад – мавжуд меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан самарали

фойдаланиш, хўжалик фаолиятини юритиш билан боғлиқ бўлган қулай шароитларни яратишдир.

Режалаштириш – қарор қабул қилишнинг узлуксиз бир жараёни. Бу жараён давомида корхона фаолияти ва ривожланишининг мақсад ва вазифалари атрофда рўй бераётган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда вақт бўйича аниқланади ва белгиланади ҳамда уларни амалга ошириш учун ресурслар аниқланади.

Режалаштиришнинг аҳамиятини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- саноат корхоналарининг ташкил қилиниши ва фаолият юритиши айнан режалаштиришдан бошланади;

- корхоналар маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда технологияларнинг оптимал вариантларини танлайди;

- ресурслар билан ўз вақтида таъминлаш вазифасини бажаради;

- асосий фондларга ва айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни белгилаб беради;

- маҳсулотни сотиш каналлари ҳамда усулларини аниқлайди;

- рақобатдаги устунликлардан максимал даражада фойдаланишга имконият яратади;

- иқтисодиётдаги янги оқимларни англаб олишга ёрдам беради;

- корхона фаолиятидаги камчиликларни йўқотиш ва турли хил таваккалчиликларни камайтиришга имкон беради;

- режалаштириш корхона фаолиятини тартибга солувчи жараён;

- ишлаб чиқаришнинг мақбул йўналишларини аниқлаш, фойдаланилмаган захира ва имкониятларни қўллаш, корхонанинг оқилона баҳо сиёсатини шакллантириш ҳамда хўжалик юритиш алоқаларининг самарали шакллари ўрнатишга кўмаклашади;

- ички ва ташқи бозордаги истеъмолчилар талаби аниқланади, корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти кучайтирилади.

Ривожланган давлатлардаги кўпчилик компаниялар тажрибаси шундан далолат берадики, бозордаги бешафқат рақобат шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режалаштириш – уларнинг жон сақлаши, иқтисодий ўсиши, гуллаб яшнаши ва янада

ривожланиши бўйича қабул қилинган стратегияларнинг муваффақиятли амалга оширилишининг муҳим шарти ҳисобланади. Агарда корхона стратегияси – уни келгусида ривожлантиришнинг принципал белгиланиши ҳисобланса, режалаштириш эса ишлаб чиқаришнинг оптимал йўллари аниқлашни кўзда тутди. Унда – ресурслар вақт мобайнида корхона салоҳиятининг ривожланиш мақсадларига боғланиши, уларга эришиш усуллари акс этади.

Режалаштириш – иқтисодий ривожланишнинг ноаниқлик шароитида, кучли рақобатчиларнинг мавжудлигида саноат корхоналари хўжалик-молиявий фаолиятини амалга оширишда, маълум барқарорликни таъминлашнинг ягона шарти бўлиб ҳисобланади. У корхонага мавжуд ички имкониятлар асосида хўжалик муҳитидаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда маҳсулотларни тақдим этилишини лойиҳалаштириш имконини беради.

Таъкидлаш лозимки, режалаштириш қуйидаги талабларга жавоб берган тақдирдагина ҳаракатчан бўлади:

Биринчидан, режалаштириш – нима, қачон ва қандай содир бўлиши мумкин деган саволга жавобни кўзда тутиши зарур.

Иккинчида, режалаштириш – қарор қабул қилишнинг тўхтовсиз жараёнидир, унда корхоналарни ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари белгиланади ҳамда ресурслар аниқланади.

Учинчидан, режалаштиришни шундай тамойил бўйича амалга ошириш лозимки, унга кўра саноат корхоналари даромад олсин ва рентабелли бўлсин, корхона таъсисчиларининг, давлатнинг ва ҳоказоларнинг манфаатдорлиги ортсин.

Шуни таъкидлаш лозимки, режалаштириш мутахассислар томонидан амалга оширилиши сабабли исталган режа ёки прогнознинг ҳаётга татбиқ этилиши кўп жиҳатдан уларнинг малакасига, режалаштиришнинг услубий асосларини яхши билишига, режаларнинг бозор талабларини ҳамда корхонанинг мўлжалланган даромадга эришишини ҳисобга олишига боғлиқдир.

## **5.2. Режалаштиришнинг услубий асослари ва тамойиллари**


Режалаштириш воситасида корхоналар нимани, ким учун, қачон ва қанча маҳсулот ишлаб чиқариш, қайси ҳамкорлар ёки шериклар билан шартнома тузиш, зарур бўлган моддий-товар бойликлари захирасини яратиш каби бир қатор масалаларни ҳал

қилади. Табиийки, бунда тегишли вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун турли услублардан фойдаланилади.

Режалаштириш услубияти – корхоналарни бошқаришда режаларни ишлаб чиқиш усуллари мажмуасидир.

Корхоналар фаолиятини режалаштириш – техник иқтисодий ҳисоб китоблар, илғор меъёр ва меъёрлашлар, иқтисодий таҳлил, муқобил вариантларни танлашга асосланади.

Режалаштиришнинг энг кўп тарқалган усуллари қаторига қуйидагиларни: баланс, меъёрлаш, иқтисодий-математик, статистик, омиллар бўйича, кўп вариантли ҳисоб-китоб усули кабиларни киритиш мумкин.



### 5.1.1-чизма. Режалаштиришнинг усуллари.

Режаларнинг асосланганлик даражасини оширувчи ва уларни тезда амалга оширилишига хизмат қилувчи, шунингдек, таваккалчилик ва вужудга келиши мумкин бўлган талофатларни камайтирувчи усул энг самарали усул ҳисобланади.

Баланс усули асосида саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш воситалари (асосий ва айланма фондлар), ишчи кучи, ишлаб чиқариш қувватига бўлган талаблари ва уларнинг манбалари аниқланади (моддий баланс, ишлаб чиқариш қувватлари баланси, ишчи кучи баланси, иш вақти баланси, қиймат баланси ва бошқалар).

Баланслар, қоидага кўра, эҳтиёжлар ва уларга мос келувчи ресурсларнинг мавжудлиги ёки манбаларини ўз ичига олувчи, ўзаро мослашувчи жадвал шаклида тузилади.

Баланс усули меъёрлаш усул билан биргаликда қўлланади. Меъёрлаш усулида ресурсларни сарфлашнинг йўл қўйиш мумкин бўлган энг юқори ва энг қуйи чегаралари аниқланади. Бунда маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш ва ташкил этишда меъёр ва меъёрлаш каби тушунчалардан фойдаланилади.

Меъёр – бу белгиланган сифатдаги маҳсулот бирлигини тайёрлаш учун сарфланувчи хом ашё, материал, ёқилғи, энергия ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган максимал ёки минимал чегарасидир. Агар ресурслардан фойдаланиш меъёрларини камайтириш маҳсулот сифатининг пасайишига ёки белгиланган стандартлар талабларининг бузилишига олиб келадиган бўлса, у ҳолда бу меъёрларни камайтириш мумкин эмас.

Меъёрлаш – бу нисбий катталиқ бўлиб, асосан фоизлар ёки коэффициентлар ёрдамида акс эттирилади. У меҳнат воситалари ва предметларидан фойдаланиш даражасини, уларнинг ҳар бир майдон бирлиги, ҳажм бирлигига сарфланишини тавсифлаб беради. Масалан, асосий фондларнинг бирлик қийматига маҳсулот ишлаб чиқариш (фонд қайтими), автомашинанинг босиб ўтган йўли, автомобиль шинасининг эксплуатацияси ва ҳоказо.

Меъёр ва меъёрлашлар илғор тавсифга эга бўлиши, яъни уларни ишлаб чиқишда замонавий фан, техника ва технология ривожланишининг даражаси, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ҳамда илғор корхоналарнинг тажрибаларини ҳисобга олиш зарур. Шунингдек, улар доимий равишда қайта кўриб чиқилиши, эскирган меъёр ва меъёрлашлар янги, хўжалиқ ҳаёти ва давр талабларига жавоб берувчи меъёр ва меъёрлашлар билан алмаштирилиши лозим.

Меъёр ва меъёрлашлар қуйидаги асосий гуруҳлар асосида ишлаб чиқилади:

- жонли меҳнат харажати меъёрлари (маҳсулот бирилигига сарфланувчи иш вақти меъёри, вақт бирилигида ишлаб чиқариш меъёри, хизмат кўрсатиш меъёри, миқдор меъёрлаши);
- моддий харажат меъёрлари (хом ашё, материал, ёқилғи, энергия, бутловчи қисмлар);
- ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг меъёрлашуви (ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқариш захиралари ва ҳоказо);

- меҳнат воситаларидан фойдаланиш меъёрлари (машиналар, асбоб-ускуналар, механизмлар, курилмалар);

- корхона, асбоб-ускуналарнинг лойиҳа қувватига чиқиш вақти меъёрлари.

Демак, режалаштириш жуда мураккаб ва катта меҳнат талаб қилувчи жараён бўлиб, корхона фаолиятининг ресурслар харажатини меъёрлаштиришдан то маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишгача барча кўрсаткичларини инобатга олади. Режалаштиришнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- мақсадни белгилаш;
- корхона фаолиятининг турли хил йўналишлари, айниқса, аҳоли учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини асослаб бериш;
- зарурий моддий-техника асосини шакллантириш;
- молиялаштириш манбаларини аниқлаш;
- якуний натижаларнинг ижобий бўлишига эришиш.

Бу вазифаларни биргина корхона раҳбари ёки иқтисодий-режалаш хизматининг ўзи бажармайди, уларни бажаришда бутун жамоа (айниқса, агар бу корхона акциядорлик жамияти шаклида фаолият кўрсатаётган бўлса) иштирок этиши зарур.

Амалиёт шундан далолат берадики, корхона муаммоларини ҳал қилишда барча ходимлар, жумладан, ишчиларнинг ҳам иштироки бўлган ҳолдагина бу корхона гуллаб-яшнаши мумкин.

Режалаштириш бозор муносабатларининг барча имкониятларидан фойдаланишга хизмат қилиши лозим. Саноат корхоналари фаолиятини умуман эмас, балки ҳар бир муайян ҳолдаги вазифаларни ҳал қилишга йўналтирган ҳолда режалаштириш зарур. Бунинг учун режалаштиришнинг илмийлик, комплекслилик, узлуксизлик, оптималлик, мослашув-чанлик каби тамойилларига таяниш зарур.

Саноат корхоналари, айниқса, агар улар йирик бўлса, асосий ва ёрдамчи бўлимлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири фақат ўзига хос бўлган вазифани бажаради ва шунга мос ҳолда фаолиятни режалаштириш ва тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятига эга бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда етакчи бўғинни ажратиб кўрсатиш режалаштиришнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Етакчи бўғинни ажратиб кўрсатиш саноат корхоналарининг барча бўлинмаларини биргаликда комплекс равишда ривожлантиришни кўзда тутди. Чунки бусиз режалаштириш бир томонлама бўлиб қолиши ҳамда саноат корхоналари фаолиятини ташкил этишда “тор жойлар” ва диспропорциянинг вужудга келишига олиб келиши мумкин. Бу ерда ҳам режалаштиришнинг баланс усули катта аҳамиятга эга.

Режалаштиришнинг яна бир муҳим тамойили илмийлик бўлиб, у аввало тайёрланаётган режалар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастурларига, шунингдек, фан-техника тараққиёти талаблари, рақобатчилик ва бозор талабларини ҳисобга олишга асосланади. Режалаштиришнинг илмийлиги, жонли меҳнат ва буюмлашган меҳнат харажатларининг энг кам миқдорида иложи борича юқори натижаларга эришишга, шунингдек, корхона ходимлари манфаатдорлигини оширишга кўмаклашади.

Пропорционаллик нафақат корхона фаолиятини – маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштиришда, балки бу жараёнларни бошқаришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зарур пропорцияларга амал қилиш ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучининг корхона бўлимлари ва иш жойлари бўйича ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш босқичларида тўғри тақсимланишига ва улардан тўғри фойдаланишга кўмаклашади. Пропорцияларга амал қилмаслик эса, аксинча, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг баъзи участкаларда кучайиб, бошқаларида пасайишига, яъни диспропорцияларнинг вужудга келишига ҳамда корхоналарнинг фаолият юритишига сабаб бўлади. Зарурий пропорционалликни таъминлашда маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишни техник-иктисодий меъёрлаштириш катта роль ўйнайди.

Режалаштиришнинг узлуксизлиги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва умуман, корхона фаолиятини ташкил этишнинг муҳим тамойили ҳисобланади. Бу тамойил амалда жорий режаларнинг истиқболдаги режалар билан, истиқболдаги режаларнинг эса башоратлар (прогноз) билан боғлиқ бўлишида ўз аксини топади. Бошқача қилиб айтганда, режалаштириш қисқа муддатли тавсифга эга бўлган индикатив режа табиатига мос келмовчи, январдан мартгача ёки мартдан декабргача, яъни “...дан” “...гача” тамойили асосида амалга оширилмаслиги лозим. Режалаштиришнинг “...дан” “...гача” тамойилини инкор қилганда

биз аввало вақт бўйича режалаштириш узилишининг олдини олишни кўзда тутамиз. Масалан, ўша индикатив режа ўз давомига эга бўлиши, яъни корхона ўз фаолиятини январь-март ойларига режалаштирганда кейинги даврларда юзага келиши мумкин бўлган вазифаларни ҳам, албатта, бозор конъюнктураси, истеъмолчилар манфаати ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатларининг ўзгаришини кўзда тутиши лозим. Бу вазифа асосан йил давомида амалга оширилувчи режаларни аниқлаштириш ва муайянлаштириш йўли билан бажарилади.

Оптималлик ҳам режалаштириш тамойиллари қаторига киради. Режалар барча ресурсларидан кенг фойдаланишни инobatга олган ҳолда иложи борича оқилона ва унумли фойдаланишни таъминлаши ҳамда юқори натижаларга эришиш учун энг самарали йўлларни танлаши керак.

Режалаштиришнинг оптималлигига иқтисодий-математик усуллар ва электрон ҳисоблаш машиналарини қўллаш, режаларнинг бир нечта вариантларини ишлаб чиқиш ёрдамида эришилади. Кўп вариантлилиқ энг тежамкор режа варианты ёки корхона фаолияти дастурини танлашга имкон яратади.

Мослашувчан (эгиловчан)лик режалаштиришнинг муҳим тамойили ҳисобланади. У корхонанинг фаолият юритиш муҳитидаги ўзгаришларга доимий мослашувчанликни кўзда тутди ҳамда ички ва ташқи муҳитдаги доимий ўзгаришларга кўра режани такомиллаштириши талаб этилади.

Мослашувчанлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш режаларига ўз вақтида ўзгартиришлар киритиш, истеъмолчилар ва харидорлар талабларини ҳисобга олиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ва инқирозларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Бироқ ҳеч қандай тамойил, жумладан, юқорида санаб ўтилган тамойиллар ҳам, ўзидан-ўзи, яъни шу тамойиллар учунгина керак эмас. Агар амалиётда қўлланмаса, бу тамойиллар фақат қоғозда қолиб кетиши ёки оддий чақириқ бўлиб қолиши мумкин. Шу сабабли корхона раҳбарининг режалаштириш жараёнини, аниқроғи, режанинг бажарилиши ҳамда режалаштиришнинг белгиланган ва бошқа тамойиллари қандай акс эттирилганлигини назорат қилиши муҳим аҳамият касб этади. Назорат керакли натижаларга эришиш, юзага келиши мумкин бўлган диспропорцияларни аниқлаш ва



уларнинг олдини олиш, шунингдек, захираларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш йўллари белгилашга имкон берди.

Амалиётда стратегик, узоқ муддатли, қисқа муддатли ва жорий режалаштириш қўлланилади. Уларнинг ҳар бири ўз шакли ва ресурслар билан боғланиш усуллари, мақсадга эришиш услублари ва кўрсаткичларни ҳисоблаш йўлларига эга.

### **5.3. Саноат корхоналарида режалаштириш ва башорат қилиш**

Режалаштириш – аҳолининг сифатли маҳсулотларга бўлган талабларини қондиришга қаратилган. У саноат корхоналари фойдасининг ўсиб боришига, уларнинг ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга, ходимларга меҳнат ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини, жамоа аъзоларини социал ҳимоялашни таъминлашга шароит яратади.

Режалаштириш корхона ва унинг бўлинмалари фаолиятини таҳлил қилишдан бошланади. Таҳлил давомида режанинг сифат, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари бўйича бажарилишига баҳо берилади. Корхонага етказилган зарар (йўқотиш)лар аниқланади ва корхона фаолиятини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Кўзда тутилган чора-тадбирлар ва янги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда жорий режалаштириш амалга оширилади ҳамда янги режа даврига корхона фаолияти режалари ишлаб чиқилади.

Режалаштириш, технологик нуқтаи назаридан қаралганда – бу маълум бир мақсадга эришишда кечадиган жараёнларнинг кетма-кетликда амалга ошиши.

Режалаштириш технологияси – бу саноат корхоналарининг режалаштирилаётган даврдаги мақсад ва вазифаларини аниқлаш, бажарувчиларга муайян вазифаларни белгилаш, вазифаларнинг тури, катталиги ва муддатига кўра аниқлаштириш, шунингдек, якуний натижага эришиш (фойда олиш)ни ўз ичига олади.

Саноат корхоналари фаолиятини режалаштириш жараёнида қуйидаги омиллар ҳисобга олинади:

- маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватининг мавжудлиги ва тузилмаси;
- ходимлар сони, ихтисос таркиби ва малакаси;
- молиявий ресурслар;
- айланма маблағлар мавжудлиги ва унга бўлган эҳтиёжлар, жумладан, моддий бойликлари захиралари;

- илмий-техник тадқиқотлар тузилмаси ва тайёрлик даражаси;
- маҳсулотни сотиш каналлари.
- Режалаштириш тизими қўйидаги талабларга жавоб берган тақдирда самарали ва ишончли бўлади:
  - режадаги вазифаларнинг аниқ ва ўз вақтида бажарилиши, яъни режанинг адреслилиги (манзиллилиги);
  - режалаштиришнинг ҳар бир элементи ва босқичи қатъий равишда асослаб берилиши;
  - режа бажарилишини доимий ва узлуксиз равишда ҳисобга олиш, назорат қилиш ва унга зарур ҳолларда ўзгартиришлар киритиш;
  - ички ва ташқи муҳитдаги ўзгаришларни ижобий қабул қилиш;
  - корхона фаолиятини рўй берган ўзгаришларга мос равишда, ўз вақтида қайта ташкил қилиш (режалаштиришнинг мослашувчанлиги);
  - ахборот тизимини яхши йўлга қўйиш ҳамда реклама фаолиятини ривожлантириш;
  - фан-техника тараққиёти ва хўжалик юритишнинг илғор тажрибаларига таяниш.

Режалаштиришда (моҳиятига кўра) корхона олдида турган маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги вазифалари ва корхонанинг истеъмолчилар талабига муносабатини тавсифловчи буюртмалар “портфели”ни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Янги маҳсулотлар ва технологияларни қўллаш лойиҳалари, шунингдек, инвестициялар ва қурилиш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларнинг бир қисми алоҳида режаларга киритилади. Улар чора-тадбирларни амалга оширишнинг бутун даврига тузилади.

Режалаштириш тизими мақбул йўлга қўйилганда режада белгиланган кўрсаткичларнинг рақамларда белгиланиши киритилган мутлақ катталиқ сифатида кўриб чиқилиши лозим. Режаларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш кўп ҳолларда четга оғишларга нисбатан юритилиб, улар таҳлил қилинади, четга оғишнинг сабаблари аниқланади ҳамда четга оғишлар салбий характерли бўлса, уларга нисбатан зарурий чоралар қўлланади.

Режалаштириш – тартибга солувчи жараён. У саноат корхоналари фаолиятини яқин ва узоқ истиқбол сари илгари суриш,

асослаб бериш, муайянлаштириш ва изоҳлаб беришни ифодалайди. Башорат қилиш – режалаштиришнинг бошланиши ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган давомидир. Режалаштириш ва прогнозлаштириш ўзаро алоқада бўлган иккита жараён ҳисобланади.

Башорат (прогноз) – бу режалаштиришнинг илмий асоси бўлиб, корхона, объект ёки ҳодисанинг келажакдаги аҳволи ва уларни амалга ошириш вариантлари ва муддати тўғрисидаги илмий жиҳатдан асосланган мулоҳаза ҳисобланади.

Башорат қилиш хўжалик фаолияти юритувчи субъектнинг истиқболда юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни илмий асослаган ҳолда аввалдан кўра билишини ифодалайди. У юзага келадиган ёки келажакда юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий, илмий-техник ва социал ҳолатларни баҳолаш ва таҳлил қилиш асосида яратилади ҳамда муқобил қарорларни танлашга имкон яратади.

Башорат қилиш режалаштириш тавсифида ўз аксини топади:

- корхона иқтисодий-социал ҳаётининг бошқа жиҳатларини стратегик режалаштириш – ўрта ва узоқ муддатли башоратлар;

- жорий режалаштириш – қисқа муддатли башоратлар.

- Башоратнинг мақсади – бозорга таъсир қилувчи қуйидаги омилларни аниқлаш ҳисобланади:

- хўжаликнинг умумий аҳволи;

- тузилмавий силжишлар;

- инвестицион фаоллик;

- фан-техника тараққиётининг истеъмолчи ва маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларга таъсир кўрсатиши;

- анъанавий маҳсулотлардан ташқари корxonанинг барқарорлиги ва рақобатбардошлигига олиб келувчи янги маҳсулот турларини ишлаб чиқиш истиқболида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларини белгилашдадир;

- жорий этиладиган янги маҳсулотлар тури ва миқдорининг ўзгаришини аввалдан аниқлаб беради.

Башоратнинг асосий вазифалари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ривожланиш мақсадларини белгилаш;

- оптимал йўналишлар ва уларга эришиш воситаларини излаб топиш;

- захираларни аниқлаш ва қўйилган вазифаларни бажариш муддат-ларини белгилаш;

- корхона ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган чеклашларни аниқлаш.

Назарияда ва амалиётда режалаштиришнинг қуйидаги турлари қайд этилади:

- жорий режалаштириш. Бунда чоракларга бўлинган йиллик режалар асос қилиб олинади. Ушбу режалар қоидага кўра, ўзгарувчан бўлиб, жорий йилнинг биринчи уч ойи учун қатъий, ҳаётий кўрсаткичлар белгиланиб, кейинги тўққиз ой давомида уларга тўғрилашлар (корректировка) киритилади;

- қисқа муддатли режалаштириш. бунда корхона фаолияти ва ривожланиши 1-3 йилга мўлжаллаб режалаштирилади. Унинг ўзига хослиги шундаки, биринчи йил кўрсаткичлари ҳар чоракда, иккинчи ва учинчи йил кўрсаткичлари эса ҳар ярим йил ёки бир йилда аниқлаштирилади ва тўғрилашлар киритилиб борилади;

- узоқ муддатли режалаштириш – стратегик режалаштириш асосида яқин 3-5 йилга мўлжалланган узоқ муддатли режалаштириш амалга оширилади. У корхона фаолиятининг ишлаб чиқариш, сотиш, харажатлар, молия каби турларини ўз ичига олади ҳамда ўз мазмуни ва мақсадли функцияларига кўра, стратегик режалаштиришдан фарқ қилмайди;

- стратегик режалаштириш – 10-15 йиллик даврни ўз ичига олади. У рақобат муҳитида хўжалик юритиш, ривожланишнинг устувор йўналишларини топиш ва бозорда юзага келиши мумкин бўлган талабни инобатга олган ҳолда ресурс билан таъминлашга қаратилган.

- техник-иқтисодий режалаштириш – корхона фаолиятининг барча (иқтисодий, техник, социал ва ҳоказо) жиҳатларини қамраб олувчи режалаштириш тури. У асосан бир йилга мўлжалланган иқтисодий ва социал ривожланиш режаси шаклида амалга оширилади. Унинг соддалаштирилган кўриниши кўпинча корхона фаолиятининг йиллик режаси деб аталади;

- тезкор-ишлаб чиқаришни режалаштириш – техник-иқтисодий режалаштиришнинг давоми ҳисобланади. У корхона фаолияти йиллик режасини янада қисқароқ муддатга - сутка, ўн кунлик, ойга бўлиб муайянлаштириш билан тавсифланади.

Режалаштиришда “корхона-муҳит-ҳолат” муносабатларига эътиборни сусайтирмаслик лозим:

- корхонанинг бозордаги барқарорлигини сақлаб қолиш;
- юзага келадиган ички ҳолат ва ташқи муҳитни ҳисобга олиш; анъанавий маҳсулотлардан ташқари, янги (ўхшаши бўлмаган) маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва уларни тезда сотиш;
- фан-техника тараққиёти соҳаларидаги рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларни ҳисобга олиш;
- корхонанинг маркетинг хизматини йўлга қўйиш;
- ходимлар малакасини узлуксиз ошириб бориш;
- мамлакатда ва чет элда ишлаб чиқарилаётган турли маҳсулотлар ҳақидаги илмий-техник маълумотлардан хабардор бўлиш ва ҳоказо.

#### **5.4. Саноат корхоналарини ривожлантириш режасининг асосий бўлимлари ва кўрсаткичлари**

Саноат корхоналарини ривожлантириш режаси қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- маҳсулотлар ишлаб чиқариш режаси;
- фан ва техникани ривожлантириш режаси;
- маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш режаси;
- капитал қўйилмалар ва капитал қурилиш режаси;
- моддий техника таъминоти режаси;
- меҳнат ва кадрлар бўйича режа;
- маҳсулотлар ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотларни сотиш бўйича режа;
- молиявий режа;
- корхона жамоасини социал ривожлантириш режаси;
- табиатни қўриқлаш ва табиат ресурслардан тежамли фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар режаси.

Саноат корхоналарини ривожлан тириш режасининг марказий бўлими бўлиб – маҳсулотларни ишлаб чиқариш режаси ҳисобланади. Унда натурал ва қиймат ифодасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича вазифалар белгиланади, келгусида маҳсулолар сифатини ошириш кўзда тутилади.

Саноат корхоналарини ривожлантириш режасининг муҳим қисми – фан ва техникани ривожлантириш режасидир. Унинг асосий белгиланиши фан-техника тараққиётини жадаллашти-ришдир. Шу сабабли у янги маҳсулотларни ўзлаштириш жараён-ларига илғор технологияларни жорий этиш, меҳнатни илмий ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни олади.

Фан ва техникани ривожлантириш режасига:

- маҳсулотлар ишлаб чиқаришда биринчи ўзлаштираётган маҳсулотлар;
- меҳнатни механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражаси;
- режалаштирилган даврда маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг техник даражасини оширувчи чора-тадбирлар ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотлар таннархини камайтириш ва бошқалар.

Саноат корхоналари ривожланишини таъминлашда, маҳсулотлар ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш режасининг ишлаб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Унда маҳсулотлар ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг умумлаштирилган кўрсаткичлари билан биргаликда жонли меҳнат асосий ва айланма фондлар, капитал қўйилмалар, моддий ресурслар самарадорлиги кўрсаткичлари акс эттирилади. Ушбу кўрсаткичлар жумласига: умумий рентабеллик, 1 сўмлик маҳсулот учун харажатлар; меҳнат унумдорлигини суръатлари, фондлар қайтими, маблағларнинг айланиш тезлиги каби кўрсаткичлар киради.

Капитал қурилиш режаси янги корхоналарни қуриш, ҳаракатдагиларни кенгайтириш ва қайта таъмирлашни, ҳаракатдаги ишлаб чиқаришни техник қуроллантиришни, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштиришни кўзда тутди.

Моддий техника таъминоти режаси муҳим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш, уларни сотиш режаларини акс эттирувчи материал ҳисоб китоблари тизимидан иборат бўлади.

Меҳнат ва кадрлар бўйича режани тузишда муҳим вазифа бўлиб, меҳнат унумдорлигини доимий равишда ошириш ҳисобланади.

Корхона режасининг барча бўлимлари ўзаро боғлиқдир.

Барча бўлимлар натижаларини ўзида акс эттирувчи умумлаштирилган кўрсаткич бўлиб, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар режаси ҳисобланади, уни тузишда хизматлар самарадорлигини ошириш, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан тежамли фойдаланиш вазифаси қўйилади.

Молиявий режада муҳим молиявий кўрсаткичлар белгиланади. Улар жумласига: ўз (хусусий) айланма маблағлар ҳисобкитоблари ва уларнинг айланишини тезлаштириш бўйича вазифалар; фойда бўйича вазифалар, кредит режаси киради.

Саноат корхоналари жамоаларини социал ривожлантириш режасида социал чора-тадбирларнинг маҳсулотлар ишлаб чиқариш-ни ривожлантиришга ва унинг самарадорлигини ошишига таъсири ошиши кўзда тутилади.

Табиатни қўриқлаш ва табиат ресурсларидан тежамли фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар режаси экологик муҳитни яхшилашни кўзда тутди. Улар табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини беради ва бу ўз навбатида атроф-муҳитга зарарни камайтиради.

### **5.5. Саноат корхоналари бизнес режаси**

Бизнес режа – саноат корхоналарини ташкил қилиш ва унинг фаолиятини юритиш ёки бирон бир тижорат лойиҳасини амалга ошириш учун мўлжалланаётган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олувчи ҳужжат. Унинг асосий вазифаси – саноат корхоналарига ўз имкониятларини баҳолаш, бозордаги истиқболни, зарурий харажатларни аниқлаш, корхона фаолиятининг биринчи йилларида “сув остидаги тошлар”ни аниқлаш ҳамда мазкур фаолият турининг фойдали ёки зарарли эканлигини баҳолаш кўрсаткичлари воситасида ҳисоблашга ёрдам бериш ҳисобланади.

Бизнес-режани тайёрлаш натижасида қуйидаги саволларга жавоб топилади:

- ишни нимадан бошлаш керак?
- самарали ишлаб чиқаришни қандай ташкил этиш лозим?
- биринчи фойда ёки даромад қачон олинади?
- инвесторлар ва кредиторлар билан қачон ҳисоб-китоб қилиш мумкин?

• юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарни қандай камайтириш мумкин?

• рақобатчилар билан курашда қандай чоралардан фойдаланиш мумкин?

Бизнес-режа тузишда эътибор қилинадиган шартлар қуйидагилар:

• бизнес-режа профессионал ва шу билан бир пайтда содда, бажариш учун тушунарли ва осон бўлиши лозим;

• бизнес-режа инвестор ёки бошқа манфаатдор шахс ўзига керакли маълумотларни қидириб топиши учун бўлимларга (бобларга) бўлиниши лозим;

• бизнес-режани тайёрлашда корхонанинг бош раҳбари албатта қатнашиши шарт, чунки инвестор, банк ёки бошқа молия идораси корхона раҳбари қатнашмаганлиги ёки бошқа шахсга топширилганлиги ҳақида хабар топса, бизнес-режанинг ишончлилигига шубҳа уйғониши мумкин;

• бизнес-режанинг объектив баҳоланишига эришиш керак, яъни унда хатолар ва нотўғри ҳисоб-китоблар бўлмаслиги лозим;

• бизнес-режанинг тарқатиб юборилмаслигини назорат қилиш зарур, чунки унда бизнес тўғрисидаги махфий маълумотлар жой олган бўлади.

Бизнес-режа кўрсаткичлари:

• ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ва ҳажми;

• маҳсулотни сотиш ҳажми;

• маҳсулот бирлигининг таннархи;

• фойда (даромад);

• категориялар бўйича ходимлар сони;

• меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва ўртача иш ҳақи даражаси;

• айланма маблағлар ҳажми – умумий ва гуруҳлар бўйича;

• капитал қўйилмалар ҳажми, жумладан, қўйилма объектлари ва йўналишлари бўйича;

• янги техника ва технологияга оид чора-тадбирлар;

• бошқа кўрсаткичлар (зарурлиги ва аниқланишига кўра).

Саноат корхоналари фаолиятининг хусусиятлари ва шароитларига боғлиқ ҳолда, яъни маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда турига кўра бизнес режанинг таркиби ва структураси кескин фарқ қилиши мумкин, аммо мазмунан бир хил бўлади.



Аксарият ҳолатларда бизнес режа қуйидаги бўлимлардан ташкил топади: резюме (қисқача шарҳ), маҳсулотлар таърифи, бозор таҳлили, рақобатчиларнинг баҳоланиши, маркетинг стратегияси, маҳсулотлар ишлаб чиқариш режаси, ташкилий ва молиявий режа.

Резюме (қисқача шарҳ). Одатда кўпчилик инвестор (кредитор)ларни бизнес режанинг қисқача шарҳи қизиқтиради. Бу бўлимда бизнес лойиҳанинг муҳим хусусиятлари ва афзалликлари кўрсатилиши зарур. Унинг мазмунига асосланган ҳолда инвестор – лойиҳани охиригача ўқиш учун вақт сарфлаш керакми ёки йўқми, деган хулосага келади. Шу сабабли, таклиф этилаётган лойиҳанинг асосий жойларини аниқ ва ишончли изоҳлаш, инвестор (кредитор)ларнинг ушбу бизнес режани муваффақиятли амалга оширган тақдирда қандай натижа олиши ва улар томонидан киритилган маблағнинг йўқотилиш хавф-хатари даражаси қандай эканлиги хусусидаги саволларга жавоб олиш имконини беради.

Бизнес режанинг ушбу бўлимида барча йўналишлар ва бизнес кўлами аниқланади. Фаолият кўламининг чегаралари бўлиб – ишлаб чиқарладиган маҳсулот ҳажми, мавжуд бозор сегментлари ва корxonанинг технологик имкониятлари хизмат қилади. Кўлам ва фаолият йўналишлари аниқлангандан сўнг, уларнинг ҳар бири учун корхона ўзи интилаётган мақсадларни белгилайди. Ушбу мақсадларга – корxonанинг мавжуд бозорлардаги ҳиссасини ошириш, сотиш ҳажмларини ошириш, соф даромадни ошириш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш, шунингдек, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш муддатини камайтириш, янги бозорларга ўзлаштириш кабилар киради.

Резюме (қисқача шарҳ)нинг охирида лойиҳада келгусида кутилаётган молиявий натижалар ҳам акс эттирилади. Ушбу бўлимнинг ҳажми 2 саҳифадан ошмаслиги лозим.

Маҳсулот таърифи. Ҳар қандай бизнес режанинг биринчи бўлими – бу корхона ишлаб чиқармоқчи ёки тақдим этмоқчи бўлаётган маҳсулот таърифидир. Ушбу бўлимда корхона маҳсулоти қайси эҳтиёжларни қондиришга қаратилганлиги ва уларнинг рақобатчилар маҳсулотларидан нима билан фарқ қилиниши ҳамда қандай даромад (фойда) олиш мумкинлиги баён этилади.

Маълумки, саноат корxonалари маҳсулотларининг истеъмолчилар томонидан харид қилиниши корхонага фойдали самара олиш имконини беради. Харид жараёнида харидор учун иккита элемент,

яъни маҳсулотнинг истеъмол хусусиятлари ва баҳоси муҳим ҳисобланади.

Ушбу бўлимда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий жиҳатларини тавсифлаб бериш лозим бўлади. Шунингдек, унда маҳсулот нархини чамалаб кўриш ва уни ишлаб чиқариш учун харажатларни аниқлаш аҳамиятлидир. Бу кўзда тутилаётган фойдани аниқлаш имконини беради.

Бизнес режанинг иккинчи бўлими – маҳсулотлар бозорини ўрганиш. Бозор ва мумкин бўлган харидорларни, уларнинг диди, талаблари ҳамда тўлов қобиляти (даромадлари) хусусида тўлиқ маълумотларга асосланган таҳлилларнинг йўқлиги – бизнесда тез учраб турадиган муваффақиятсизликларга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам бизнесни бошлаш ёки уни кенгайтиришдан олдин, бозорни тўлиқ ўрганиш лозим. Бу истеъмолчилар доирасини, маҳсулот бозори сифимини ва тегишли равишда уларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини, улар учун зарур ресурсларини аниқлаш имконини беради.

Рақобатчиларни баҳолаш бўлими. Бу бўлим рақобатчиларни таҳлил этишга бағишланади. Унда рақобатчилар ва улардаги иш ҳолати (барқарор ривожланаётганлиги ёки фаолиятининг сустлашаётганлиги), саноат корхоналари маҳсулотининг рақобатчиларнинг худди шундай маҳсулотларидан фарқланиши, янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиш эҳтимолининг борлиги ва ҳоказолар ўз аксини топади.

Ушбу бўлимнинг мақсади – рақобат курашининг тўғри тактикасини танлашни енгиллаштириш ва корхонани бошқа хатоларидан сақлаш ҳисобланади. Учрайдиган хатолар ичида тўйинган бозорга кириб боришни келтириш мумкин. Рақобатчилар ҳаракатининг деталлаштирилган таҳлили стратегияни алмаштиришга жорий фаолиятга ўзгартиришлар киритишга мажбур қилади, мақсад рақибларга муносиб қарши туриш. Бундай таҳлилни доимо ўтказиш лозим, чунки бозор доимий ўзгаришда бўлади.

Маркетинг стратегияси. Умумий ҳолда маркетинг икки томонлама ўзаро алоқаларидан иборат бўлади:

- бозорни ва мумкин бўлган харидорини чуқур ўрганиш;
- маҳсулотни ҳар томонлама солиштириш ва мумкин бўлган харидорга сотиладиган нарсани ишлаб чиқариш.

Шуни таъкидлаш лозимки, харидорлар талабига мос маҳсулот ишлаб чиқариш – бу ярим ишдир. Саноат корхоналарининг маҳсулотларини мумкин бўлган харидорга етказиш ва эҳтиёжнинг реал талабга айланиши учун шароит яратиш зарур.

Саноат корхоналарининг тижорат муваффақияти, кўпчилик ҳолатда, маҳсулотнинг муомала соҳасидаги ҳаракатини оқилона ташкил этилишига боғлиқ. Маркетологларнинг фикрига кўра товар ҳаракати маҳсулот сифати кейинги иккинчи муҳим омил ҳисобланади.

Бу ерда асосий элементлар қуйидагилар:

- саноат маҳсулотни тақсимлаш, яъни тарқатиш тизими (мустақил, улгуржи ташкилотлар орқали, савдо шаҳобчалари ва ҳоказолар);

- нархни шакллантириш – саноат маҳсулот нархи фойда олиш учун қайси миқдорда бўлиши ёки қайси даражагача нархни пасайтирган ҳолда фойда кўриш мумкинлигини белгилаш;

- рекламани қайси шаклда ва қайси воситаларда кўрсатиш имкониятлари ҳамда бунинг учун қанча малбағ ажратилиши;

- истеъмолчиларни рағбатлантириш усуллари: мижозларга кафолат ёки қўшимча хизматларни тақдим этиш ва ҳоказолар орқали янги харидорларни жалб қилиш, саноат маҳсулотларни сотиш ҳудудларини кенгайтириш, саноат маҳсулотни такомиллаштириш;

- корхона тўғрисида истеъмолчилар ўртасида яхши фикрни шакллантириш ва унинг барқарор обрўга эришиш.

Ишлаб чиқариш режаси – саноат корхоналари маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнини ўз ичига олади. Бунда потенциал харидорларга керакли ҳажмда саноат маҳсулотларни ўз вақтида ишлаб чиқариш имкониятининг мавжудлиги кўрсатилади. Режада қуйидагилар ўз аксини топади:

- янги ташкил қилинган ёки фаолият юритаётган саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш жойи;

- ишлаб чиқариш қувватлари ва уларнинг ўсиш истиқболлари;

- хомашё ва материал етказиб берувчилар;

- ишлаб чиқариш кооперацияси;

- ишлаб чиқариш оқимлари тизимини тузиш;

- сифатни назорат қилиш жараёни;

- фойдаланиладиган стандартлар;

- вужудга келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш харажатлари.

Ташкилий режа. Бунда тадбиркорнинг ушбу ишлаб чиқариш бизнесини кимлар билан ташкил этишни мўлжаллаётгани ва улар билан муваффақиятли фаолият юритиш имкониятлари тавсифланади.

Ушбу бўлимда қуйидагилар акс этирилади:

- муваффақиятли юритиш учун қандай матахассислар зарур;
- мутахассисларни жалб қилиш шароитлари – доимий ишга, контракт асосида, ўриндош сифатида;
- корxonанинг ҳар бир ходими меҳнатига ҳақ тўлаш усуллари, ва тамойиллари;
- ходимларни рағбатлантириш тартиби.

Шуни таъкидалаш лозимки, қўшимча ходимларни жалб қилиш фақат корхона даромадлилиги ошган тақдирдагина бўлиши мумкин. Янги ходимларни ишга олишдан олдин бу қанчалик асосланганлиги тўғрисида ўйлаш керак бўлади. Номзодни синчковлик билан танлаш кутилаётган натижа бериши мумкин.

Саноат соҳасида тадбиркорликнинг иккинчи муҳим муаммоси бўлиб ким билан ишлаш, кимларни шерик қилиб олиш масаласи ҳисобланади. Тажриба кўрсатадики, бизнесга кириш ўз ишини ташкил этишни фақат таниш инсонлар, ҳамфикрлар билан амалга ошириш мумкин. Бу корхона фаолиятининг муваффақият гаровидир.

Молиявий режа. У бизнес режанинг олдинги бўлимларида қабул қилинган қарорларнинг қиймат ифодасидаги мумкин бўлган натижаларини умумлаштиради.

Молиявий режа – ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган маблағлар ҳажми ҳисоб-китоблари ва уларни олиш манбаларини аниқлаш, сотиш ҳажми прогнози, пул харажатлари ва тушумлари баланси, даромадлар ва харажатлар жадвали, корхона активлари ва пасивларининг йиғма баланси, зарарсизликка эришиш жадвалини ўз ичига олади.

Ишни ташкил этиш учун саноат корхоналарининг ўз (хусусий) маблағи етишмаса, кредит олинади. Бу ерда қарзга олинadиган маблағларга талабни ўз вақтида қоплаш имкониятлари билан таққослаш лозим, ундан ташқари ҳозир кредит қисқа муддатга ва юқори фоизларда берилади.

Қарзга олиш ва ўз маблағларини жалб қилингандан сўнг, уларни ишлата олиш ва даромад кўриш йўлларини билиш лозим. Шунинг эътибордан қочирмаслик лозимки, кредитдан фойдаланишдан олинмайдиган фойда, уни жалб қилиш харажатларидан юқори бўлиши шарт.

Зарурий маблағларни жалб қилишнинг муҳим усули – у ёки бу капиталга (бино, асбоб-ускуна), ишга ўз пулини жалб қилмоқчи бўлган шерикни топишдир.

Саноат соҳасида тадбиркорлик фаолияти маълум бир даражада хавф-хатарлар билан боғлиқ бўлади (ёнғин, зилзила, солиқни бошқаришдаги ўзгаришлар ва валюта курсининг тебраниши). Тадбирнинг бу омилларни олдиндан ҳисоблаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш, яъни таваккалчилик ва зарарларни қисқартириш чоратадбирларини кўриш, шунингдек, таваккалчилик хавфидан суғурталаш дастурини амалга ошириш жуда ҳам аҳамиятлидир.

Иқтисодий фаолиятда рақобатчиликнинг кучайиши шароитида тадбиркорлик ва ташаббускорлик “руҳига” эга бўлган мутахассис ёки мансабдор шахслар саноат маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш, меҳнат сифатини кўтариш ва корxonанинг оладиган даромадларини кўпайтириш йўлларини излайдилар ва топадилар. Хуллас, тадбиркорлик — корxonалар хўжалик юритиш фаолиятининг узлуксиз қисми бўлиб, фойда (даромад) олиш ва уни кўпайтиришга қаратилган бўлади.

**Таянч иборалар:** Режа, режалаштириш, индикатив режа, прогноз, стратегик режалаштириш, жорий режалаштириш, режалаштириш услубияти, баланс усули, меъёрлаш усули, меъёр, меъёрлаш, режалаштириш тамойили, бизнес-режа.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Саноат корxonалари фаолиятининг самарадорлигини қандай омиллар белгилайди?
2. Режа, режалаштириш каби тушунчалар нимани англатади?
3. Режалаштиришнинг вазифалари ва аҳамияти.
4. Режалаштиришдан талаб қилинувчи асосий талабларни санаб ўтинг.

5. Режалаштиришнинг қайси таркибий элементлари сизга маълум?

6. Бизнес-режа нима ва унинг тузилмаси қандай?

7. Бизнес-режани тайёрлашнинг мақсад ва вазифаларини айтиб ўтинг.

8. Бизнес-режа бўлим ва кўрсаткичларига қисқача тавсиф беринг.

9. Режалаштириш усуллари ва уларнинг моҳияти.

10. “Меъёр”, “меъёрлаш”, “меъёрлаштириш” тушунчаларининг моҳиятини очиб беринг.

## **VI БОБ. САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНING ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ САМАРАДОРЛИГИ**

### **6.1. Самарадорлик – саноат корхоналари фаолиятида муҳим ўлчов бирлигидир**

Мамлакатнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, аҳолининг моддий ва маънавий неъматларга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ва келажакда ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш корхона, ташкилот ва муассасалар фаолияти самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқдир.

Шу сабабдан ҳам янги иқтисодий тизимга ўтиш даврининг бошидаёқ миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларида самарадорликга эришиш ва уни ошириб бориш масалалари биринчи ўринга қўйилди.

“Самарадорлик” тушунчаси кенгдир. У ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги, ўқиш ва ўқитиш самарадорлиги, даволаш ва даволаниш самарадорлиги, қабул қилинган қонун ва қоидалар ҳамда ечимларнинг самарадорлиги, шунингдек, даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигини ошириш, фонд қайтими, рентабеллик ва ҳоказо тушунчаларни ўз ичига олади.

Иқтисодий фаолиятда рақобатнинг авж олган пайтида ҳар бир корxonанинг асосий вазифаси – самарали фаолият юритиши ҳисобланади. У хўжалик юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Саноат корхоналарининг самарали фаолият юритиши – режалаштирилган (мўлжалланган) фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатларини ва йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилашни англатади.

Иқтисодий адабиётларда “самара”, “самарадорлик”, “социал-иқтисодий самарадорлик” каби тушунчаларни ёритишга етарлича эътибор қаратилган. Аммо, бу тушунчаларнинг орасидаги фарқни англаб олиш зарур.

Самара – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш

билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда ишлаб чиқариш самарасини, пул шаклида эса иқтисодий самарани тавсифлайди.


Самарадорлик, аввало, корхона фаолиятининг сифат жиҳатларини тавсифловчи тушунчадир. У “самара” тоифасидан келиб чиқади ҳамда унга қараганда мураккаб ва комплекс тавсифга эга.

Самарадорлик чора сифатида кўплаб техник, иқтисодий, лойиҳа ва хўжалик қарорларини аввалдан белгилаб беради. Корхона ўзининг хўжалик, илмий-техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади.

“Иқтисодий самара ишлаб чиқариш жараёнида яратилган иқтисодий неъматлар ҳажми билан ифодаланади. Иқтисодий самарадорликнинг мезони харажатлар билан эришилган иқтисодий неъматлар муносабатидир. ... Харажат билан натижани таққослаш орқали иқтисодий самарадорлик ифодаланади”<sup>34</sup>.

“Самара” ва “самарадорлик” ўзаро тушунчалар бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради. Айни пайтда, айтиш мумкинки “самарадорлик” тушунчаси ниҳоятда кенг. У олинган самаранинг сарфларга нисбатини акс эттиради.

Маълумки, иқтисодиёт натижалиликни, фойдалиликни тақазо қилади. Бунинг учун энг кам ресурс сарфлаб, кўп натижага эришиш зарур бўлади.



**6.1.1-чизма. Ишлаб чиқариш корхоналарида ресурслар тизими**

<sup>34</sup> Korxonа iqtisodiyoti. Darslik. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2013, 152 бет.



Бу ресурслардан оқилона фойдаланиб ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш мумкин.

Ишлаб чиқариш корхоналари маълум миқдорда харажат қилади ва маълум бир натижа (самара)га эришади. Самарадорликни аниқлашда эса олинган натижани, унга эришиш учун сарфланган харажатлар ёки ресурслар билан таққосланади. Демак, самарадорлик – бу ишлаб чиқариш натижаси билан унга эришиш учун сарфланган меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларнинг ўзаро нисбатидир.

Назарияда ва амалиётда корхоналар фаолияти самарадорлиги иқтисодий ва социал кўринишларга бўлинади. Бизнинг фикримизча, самарадорликни иқтисодий ва социал кўринишларга бўлиш рамзийдир. Чунки, корхоналар фаолияти натижасида эришиладиган самарани иқтисодий ва (маълум маънода) социал самара, дейилса мантиқга тўғри келади.

Маълумки, иқтисодиёт социал ҳаётдан ташқарида бўлмагани каби, социал ҳаёт ҳам иқтисодиётсиз бўлмайди. Шу сабабдан уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Амалга оширилган ҳар бир иш айни вақтда ҳам иқтисодий, ҳам социал самара келтиради. .

Ишлаб чиқариш корхоналарида иқтисодий самарадорлик – иқтисодий фаолиятининг натижасидир. Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори – бошқарув, янги техника ва технологияни жорий этиш, меҳнат сифатини ошириш ва ҳоказоларнинг натижасидир.

Социал самарадорлик инсоннинг меҳнат ва турмуш шароитларининг яхшиланишида ҳамда ҳар томонлама камол топишида акс этади. Шунингдек, социал самарадорлик аҳоли жон бошига истеъмол товар-маҳсулот ишлаб чиқариш, социал истеъмол фондларидан бериладиган нафақа ва имтиёзлар, кадрлар тайёрлаш учун сарфланаётган маблағларнинг ўсишида ҳам ўз ифодасини топади.

Саноат ишлаб чиқаришининг социал самарадорлигини ифодаловчи бир қанча кўрсаткичлар мавжуд, жумладан, маҳсулотларга талабнинг қондирилишини тавсифловчи кўрсаткичлар, меҳнат шароити ва табиатини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Маҳсулотларга истеъмолчилар талабининг қондирилишини тавсифловчи кўрсаткичларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

- маҳсулотлар таркибининг истеъмолчилар талабига мос келиш коэффиценти бу кўрсаткич товар-маҳсулот захираларида

туриб қолган (ўтмас) товар-маҳсулотларнинг ҳиссаси кўринишида тавсифланади;

- реклама воситасида маҳсулотларнинг мавжуд турлари билан истеъмолчиларни таништириш даражаси. Ҳозирги пайтда харидорни товар-маҳсулотларнинг хусусиятлари, сифати ва бошқа афзалликлари кўпроқ қизиқтиради. Бу масалаларда эса унга реклама ёрдам беради. Унинг товар-маҳсулотларни истеъмолчиларга таништириш даражасини ўрганишда турли шаклдаги реклама (телевидение, радио ва газета, спортчи)лардан фойдаланувчи саноат корхоналари ҳиссасини аниқлаш керак бўлади;

- истеъмол саватчаси доирасида истеъмолни таъминлаш коэффициенти ва бошқалар.

Саноат ишлаб чиқаришининг социал самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлар таркибида меҳнат шароити ва табиатини тавсифловчи кўрсаткичлар алоҳида ўрин эгаллайди. Улар, асосан, қуйидагилардан иборат:

- меҳнатни механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси;
- меҳнат жараёнларини роботлаштириш даражаси;
- ишлаб чиқаришда қўлланиладиган технологиялар, асбоб ускуналар ва механизмларнинг илғорлик (замонавийлик) даражаси;

- меҳнатни электрлаштириш даражаси;
- иситиш, совутиш, юклаш-тушириш ускуналари ва бошқа асбоблар билан ҳақиқий таъминланишнинг меъёрларга мослиги даражаси;

- бино ва иншоотларнинг давр талабларига жавоб бериш даражаси (уларнинг замонавий лойиҳа асосида қурилиши, уларда ишлаш ва дам олиш, тиббий ёрдам кўрсатиш учун шарт-шароитларнинг мавжудлиги);

- ўралган, қадоқланган ва идишларга солинган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилган жами маҳсулотлардаги ҳиссаси;

- корхоналарнинг соғломлаштириш, спорт ва мактабгача таълим муассасалари ва бошқалар билан таъминланганлик даражаси;

- корхоналарда ходимлар ва мутахассислар сафининг тўлдирилиши коэффициенти. Бу ҳақиқий ишловчи ходимлар сонининг белгиланган меъёр билан қиёслаш асосида аниқланади;

- ходимлар ва мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш даражаси;

- ишлаб чиқариш жараёнида ақлий меҳнат ҳиссасининг ва ижодкорларнинг ошиб бориши, меҳнат интизоми бузулиши ҳолатларининг камайиши, ходимлар қўнимсизлигини пасайтириш ва бошқалар.

Қайд этилган кўрсаткичлар социал самарадорликнинг алоҳида йўналишларини тавсифлайди. Улар биргаликда ҳисобланса ва социал самарадорликни баҳолашда биргаликда қўлланилса, ишлаб чиқаришнинг социал самарадорлигига тўлиқ баҳо бериш имкониятини туғдиради.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, иқтисодиётнинг бир тармоғидаги социал муаммонинг ечими бошқа тармоқ муаммоси билан боғлиқ. Маълумки, кишилиқ жамиятида инсонларни оғир ва машаққатли меҳнатдан холи бўлиш муаммоси доимо долзарб ҳисобланган. Бизнинг назаримизда, бугунги кунда ушбу муаммоларнинг ечими алоқа хизматлари билан боғлиқ, деб ҳисоблаймиз. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларининг шиддат билан кириб келиши, уларда фаолият юритаётган ходимларнинг мушқулини енгиллаштирди. Масалан, ишлаб чиқариш жараёни автоматлаштирилди, меҳнат шароити яхшиланди, ишчиларнинг иш вақти қисқарди, бўш вақти кўпайди ва ҳоказо. “Иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши натижасида меҳнат шароити ва табиатининг яхшиланиши – алоқа хизматлари социал самарадорлигининг моҳиятини ифодалайди”<sup>35</sup>.

Саноат ишлаб чиқаришининг социал ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари узвий боғлиқ. Улар бир-бирини тўлдиради. Социал самарадорликни оширмасдан туриб иқтисодий самарадорликни ўстириб бўлмайди ва аксинча. Бу аксиомадир.

Иқтисодий юксалиш корхонанинг социал муаммоларини ҳал қилишга ёрдамлашади. Фойданинг ўсиши, жамғармаларнинг ортиши корхонага социал вазифалар доирасини кенгайтириш ва уларни ҳал қилиш имконини беради. Ўз навбатида ишловчилар

---

<sup>35</sup> Ушбу муаллифлик таърифи СамИСИ мустақил тадқиқотчиси А.П.Ҳазратовнинг. илмий тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

меҳнат шароитининг яхшиланиши, улар билими ва малакасининг ошиши иқтисодий самарадорликка ижобий таъсир кўрсатади.

Иқтисодий самарадорликка жонли ва буюмлашган меҳнатдан унумли фойдаланиш орқали эришилади. Қолайверса, саноат корхоналарининг мақсади истеъмолчилар талаб-эҳтиёжини қондириш орқали фойда олишдир. Бунга эришиш учун улар барча ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳар бир бирлигига сарфланадиган харажатларни камайтириш керак бўлади. Яъни, иқтисодий самарага эришиш талаб қилинади.

Иқтисодий самара – бу моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежаш туфайли эришилган миқдор. У вақтни тежаш, таъмирлаш муддатларини қисқартириш, меҳнат сарфини тежаш, иш вақтининг беҳуда кетишини камайтириш, маблағлар айланишини тезлаштириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва бошқа натижаларни ўзида акс эттиради.

## **6.2. Хўжалик юритиш самарадорлигининг меъзони ва кўрсаткичлари**

Иқтисодий самарадорликнинг моҳияти, унинг меъзони ва кўрсаткичларида намоён бўлади. Меъзон – бу қиёслаш, таққослаш ёки баҳолаш учун ўлчов. Кўрсаткич эса – бирор нарсанинг ривожини, даражасини, ишнинг боришини, бажарилишини ва шу кабиларни билдирувчи белгидир.

Рақобат шароитида корхоналарнинг ишлаб чиқаришни замон талабига мувофиқ техник ва технологик жиҳатдан янгилашлари ҳамда амалдаги асосий фондларни реконструкция қилишлари билан боғлиқ капитал харажатларни амалга оширишларида, уларнинг турли вариантларидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун харажатларнинг қиёсий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичинини ҳисоблаш талаб қилинади.

Қиёсий иқтисодий самарадорлик турли вариантлар ўртасидаги жорий харажатлар фарқининг капитал харажатлар фарқига нисбати кўринишида ҳисобланади.

Қиёсий иқтисодий самарадорликнинг асосида харажат ва натижани солиштириш ётади. У қуйидагиларни ҳал этишда муҳимдир:

- капитал харажатларни талаб этувчи масаларни ҳал этишда энг қўлай вариантни танлашда;

- кўриб чиқиладиган вариантлардан энг қўлайини амалга ошириш шароитида солиштирилиб кўриладиган вариантнинг мавжуд бўлган бошқа вариантлардан ҳақиқатда энг яхшиси эканлигига ишонч ҳосил қилишда, капитал харажатнинг самарадорлигини баҳолашда.

Корхоналарда капитал харажатларни амалга оширишдан олдин инвестицион лойиҳаларнинг бир нечта варианты тузилади ва улар бир-бири билан қиёсланади. Шу асосида энг яхши вариант танланади, сарфланган харажатнинг минимумидан фойдаланиб, улар қуйидаги формула билан ифодаланади:

$H_{ж} + H_{ск} \times K1 = \text{минимум,}$

Бу ерда:

$K1$  – ҳар бир вариант бўйича капитал харажатлар;

$H_{ж}$  – шу вариант бўйича жорий харажатлар (таннарх);

$H_{ск}$  – капитал харажатларнинг норматив коэффициенти;

Келтирилган  $H_{ск} \times K1$  кўрсаткичлар биргаликда капитал харажатларнинг (ўзини қоплаш даврида) ўртача ҳар бир йилга тўғри келадиган суммасини ифода этади.

Иқтисодиёт бўйича капитал харажатларнинг норматив коэффициенти 0,12 ҳисобланиб, бу кўрсаткич тармоқлар бўйича табақалаштирилади.

Харажатларнинг норматив коэффициенти 0,12 бўлганда харажатларни қоплаш муддати 8,33 йилга тенг (1:0,12) га тенг бўлади.

Маълумки, ҳозирги кунда ишлаб чиқариш корхоналарининг машиналари, жиҳозлари ва асбоб ускуналари 4-5 йилда маънавий эскириб қолмоқда. Уларни янгилаш учун эса етарли миқдорда амортизация жамғармасини шакллантириш керак бўлади. Шу сабабдан ҳам айрим тармоқлар учун харажатларнинг норматив коэффициенти 0,12 дан юқорироқ қилиб белгиланиши мумкин.

Мисол. Корхона ишлаб чиқариш линиясини модернизация қилиш учун турли вариантларда тўртта инвестицион лойиҳа мавжуд. Улар бўйича капитал харажатлар ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархи қуйидагича (млрд.сўм):

Вариантлар	Капитал харажатлар	Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг йиллик таннархи
I	2,0	1,8
II	3,0	1,2
III	5,0	0,8
IV	7,5	0,6

Бундай шароитда турли вариантлар бўйича ўртача бир йилга тўғри келадиган харажатлар суммаси бўлади:

I вариантда  $1,8 + (0,12 \times 2) = 2,04$  млрд.сўм.

II вариантда  $1,2 + (0,12 \times 3) = 1,56$  млрд.сўм.

III вариантда  $0,8 + (0,12 \times 5) = 1,40$  млрд.сўм.

IV вариантда  $0,6 + (0,12 \times 7,5) = 1,50$  млрд.сўм.

Демак, энг мақул вариант – кам харажат талаб қиладиган III вариант ҳисобланади.

Режалаштиришда ва лойиҳалаштиришда харажатларнинг қиёсий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи билан бир қаторда уларнинг умумий иқтисодий самарадорлиги ҳам аниқланади. Умумий иқтисодий самарадорлик – олинadиган натижа (самара)ни капитал харажатларга нисбати кўринишида аниқланади.

Умумий ва қиёсий иқтисодий самарадорлик бир-бирини тўлдиради, уларнинг асосида харажат ва натижани солиштириш ётади.

Умумий самарадорлик коэффициенти режалаштириш даражасига боғлиқ турли формулалар билан ифодаланади.

Корхоналарда асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришнинг шакллари (техникавий қуроллантириш ва қайта қуроллантириш, реконструкциялаш, корхонани кенгайтириш) бўйича умумий иқтисодий самарадорлик кўпайган фойданинг (ишлаб чиқариш харажатларининг камайиши) ( $\Delta\Phi$ ), капитал харажатларнинг ( $K$ ) ўсган қисмига нисбати кўринишида бўлади.

$$C_{и.с.} = \frac{\Delta\Phi}{\Delta K};$$

Бу ерда:  $\Delta\Phi$  – фойданинг ўсган қисми;

Янгитдан курилаётган цехлар, корхоналар ва шу каби объектлар ва айрим чора-тадбирлар билан боғлиқ бўлган харажатларнинг умумий иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичи ( $C_{ич}$ ) аниқланганда фойдани капитал харажатлар (смета қиймати)га бўлган нисбати олинади.

$$C_{и.ч} = \frac{\Phi}{K} \text{ ёки } \frac{M - X_{ич}}{K};$$

Бу ерда:  $\Phi$  – фойда;

$M$  – лойиҳа бўйича йил давомида ишлаб чиқилган маҳсулот, корхона улгуржи нархи бўйича;

$X_{и.ч}$  – лойиҳа бўйича йиллик маҳсулотни ишлаб чиқишга кетган ишлаб чиқариш харажатлар (таннарх).

Шуни қайд этиш лозимки, айрим ҳолатларда харажатларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини меъёр (норматив)лар, ўтган даврдаги кўрсаткичлар ҳамда бошқа шу каби корхоналар ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари билан таққослаш мақсадга мувофиқдир.

Саноат корхонаси фаолиятини таҳлил қилганда, унинг истиқболини белгилаганда, фаолиятига баҳо берганда фақатгина харажатларнинг умумий иқтисодий самарадорлиги ҳақида ҳамда қиёсий самарадорлиги кўрсаткичларини ўрганиш билан чегараланмаслик керак. Корхона фаолияти самарадорлигини қўшимча кўрсаткичлар – меҳнат унумдорлиги, фондлар сифими, фондлар қайтими, капитал қўйилмалар, хом ашё материалларини, ёнилғи, энергия, ишлаб чиқариш харажатлари даражасининг пасайиши, ҳамда социал натижалари кўрсаткичлари орқали ўрганиш зарурдир.

Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигининг ошиши ходимлар малакасига, уларнинг тажрибасига, ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш даражасига боғлиқ. Меҳнатнинг фонд билан қуролланиш миқдори (айниқса сифати) унумдорликка сезиларли таъсир этади. Фонд билан қуролланиш ( $\Phi.K$ ) фондлар қийматининг ишчилар сонига нисбати кўринишида ўлчанади ва қуйидаги формулада ифодаланади:

$$\Phi\text{Қ} = \frac{\Phi}{\text{И.с.}}$$

Бу ерда:  $\Phi$  – асосий ишлаб чиқариш фондларнинг қиймати

И.с. – ишчилар сони

Иқтисодиёт нуқтаи назаридан қараганда меҳнат унумдорлигининг ҳар қандай ошиши эмас, балки жонли меҳнатни тежаш, унинг техника билан қуролланиш даражасининг ўсишига кетган қўшимча харажатларни мумкин қадар қисқа муддатларда қоплайдиган даражада ошишигина самаралидир.

Меҳнат унумдорлигининг яна бир кўрсаткичи меҳнат сиғимидир. Бу кўрсаткич яратилган маҳсулот қийматига тўғри келадиган меҳнат харажатлари тусида бўлади. Уни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$\text{МС} = \frac{\text{Мс}}{\text{Мх}};$$

Бу ерда:  $\text{Мс}$  – меҳнатнинг сарфи;

$\text{Мх}$  – маҳсулотни ҳажми, миқдори.

Бу кўрсаткич меҳнат унумдорлигининг тескариси бўлиб унинг ҳажми қанча юқори бўлса, натижанинг ёмонлашганлиги ва акси бўлса, (яъни, паст бўлса) натижанинг яхшиланганлигидан далолат беради. У асосан корхона даражасида аниқланади.

Саноат корхоналарида аниқланиши мумкин бўлган технологик меҳнат сиғимини, ишлаб чиқариш меҳнат сиғимининг тўлиқ меҳнат сиғимини фарқлаш ва англаш лозим.

Ижтимоий маҳсулот сиғими – бу кўрсаткич хом ашё материаллар, ёнилғи, энергия ва бошқа меҳнат предметларини харажатларнинг янги ижтимоий маҳсулотга бўлган нисбати билан аниқланади.

Корхоналарнинг маҳсулот сиғими шу маҳсулотни яратилиши учун кетган моддий харажатларнинг жами ишлаб чиқарилган маҳсулотга бўлган нисбати орқали аниқланади. Яъни:



$$M_{xS} = \frac{M_x}{I_m};$$

$M_{xS}$  – маҳсулот сифими турли ўлчовларда;

$M_x$  – моддий харажатларнинг умумий ҳажми;

$I_m$  – ишлаб чиқилган маҳсулот умумий ҳажми.

Корхона фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларидан яна бири маҳсулотнинг капитал сифимидир. Маълум бир даражада капитал сифими ҳамда фондлар сифими бир-бирига яқин кўрсаткичлардир.

Маҳсулотнинг капитал сифими одатда ишлаб чиқилган маҳсулотни кўпайган (ўсган) қисмининг капитал қўйилмалар нисбати билан аниқланади.

Бу кўрсаткични қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$K_0 = \frac{K}{\Delta O};$$

бу ерда:  $K_0$  – маҳсулотни капитал сифими;

$K$  – капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми;

$\Delta O$  – яратилган умумий маҳсулотнинг ўсган қисми.

Корхона даражасида фондларни самарадорлигини ҳисоблаганда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$F_c = \frac{F}{O};$$

бу ерда:  $F_c$  – фондлар сифими;

$F$  – асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача қиймати;

$O$  – яратилган маҳсулотнинг умумий ҳажми (одатда ялпи маҳсулот).

Фондлар сифимини худди капитал сифими сингари миллий даромадга нисбатида ҳам ҳисоблаш мумкин.

Миллий иқтисодиёт даражасида, унинг айрим тармоқларида, шу жумладан саноатда фондлар қайтими кўрсаткичи ҳисобланади. Бу фондлар сифими кўрсаткичининг аксидир.

Фонд унуми (ФУ) асосий ишлаб чиқариш фондлардан фойдаланиш самарадорлигини тавсифлайди. У асосий фондлар муайян миқдorigа тўғри келадиган маҳсулот миқдorigи билан ўлчанади.

$$\text{ФУ} = \frac{\text{ММ}}{\text{Ф}};$$

бу ерда: ММ – маҳсулот миқдorigи.

Фонд унуми, меҳнат унумдорлиги ва унинг фонд билан қуролланиши ўртасида алоқа мавжуд. У қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$\text{ФУ} = \frac{\text{МУ}}{\text{ФҚ}};$$

бу ерда: ФУ – фонд унуми;

МУ – меҳнат унумдорлиги.

ФҚ – меҳнатнинг фонд билан қуролланиши.

Бу боғлиқликдан шу нарса келиб чиқадики, меҳнат унумдорлиги меҳнатнинг фонд билан қуролланишига қараганда тезроқ ўсиб борган тақдирдагина фонд унуми ошади. Ва аксинча, агар меҳнат унумдорлиги ўсиши фонд билан қуролланишининг ўсишидан орқада қолса, фонд унуми пасаяди.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида корхона фаолиятига баҳо бериш меъзонларидан бири сифатида фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари ҳисобланади. Шу сабабли, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти асосан фойдани кўпайтиришга ва рентабеллик даражасини оширишга қаратилган бўлиши лозим. Бу, албатта маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш, мақсадсиз харажатларни камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги технологияни жорий этиш ва ҳоказолар ҳисобига эришилади.

Корхона фойда олиш учун энг аввало, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан тушган пул тушуми ҳисобидан қилинган харажатларни қоплаши зарур. Харажатларни ҳажми қанча паст

бўлса, фойда шунча кўп бўлиши ҳаммага аёндыр. Шундай экан, ҳар бир корхона, фаолиятида янгиликни жорий этиш ва инвестицияларни жалб қилиш зарурий жараёнга айланиб бориши керак. Зеро, янгиликни жорий этиш ва инвестиция киритиш ҳозирги иқтисодий шароитда корхоналарга янги саноат технологияларини киритишнинг энг қулай ва маъқул бўлган шакллари ҳисобланади.

Рақобат шароитида ишлаб чиқаришга инвестицияларни жалб этиш – корхона фаолиятига инновацияларни киритишга асос бўлиб ҳисобланади. Корхона фаолиятининг бозор талаби билан боғлиқлиги сабабли инновацияларни жорий этишнинг иқтисодий табиати бозор талаби орқали белгиланади: бозор муносабатларида рўй бераётган инновацияларнинг фан-техника инновацияларидан устунлиги сабабли у асосий омилга айланади. Корхонага, инвестиция ва инновацияларни жорий этишдаги бош мақсад – бозор талабини қондириш асосида юқори фойда олишдир.

Фан ва техниканинг шиддатли ривожланаётган ҳозирги шароитда замонавий ишлаб чиқариш воситаларини амалиётга татбиқ этиш иқтисодий самара билан бир қаторда оғир жисмоний меҳнатни машиналар меҳнати билан алмаштириш, ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликларини бартараф этиш, фондлар ва энергия билан таъминланиш даражасини ошириш, юқори малака талаб қиладиган ва манфаатдорликни оширадиган жозибали касбларга талабни ошириш, ҳамда мавжуд касбларга ёшларда рағбат ўйготиш ва бошқа социал муаммоларни ҳам ҳал этиши лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, жамият миқёсида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги меъзони сифатида ижтимоий меҳнат унумдорлигини ҳамда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсишини келтириш мумкин. Ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши ижтимоий ишлаб чиқариш харажатларининг пасайишига олиб келади, натижада, ижтимоий меҳнат сарфларининг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлади.

Ялпи ички маҳсулот – мамлакат иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичи. У мамлакат аҳолисининг фаровонлиги ва барқарор ривожланишининг моддий манбаидир. Шунинг учун ҳам уни оширишнинг барча воситалари ва йўллари ишга солинади.

### **6.3. Саноат корхоналарини иқтисодий инқироз ҳолатидан чиқариш ва улар фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари**

Ҳар қандай корхона истаса-истамаса турли тузилмалар билан узвий алоқада бўлади. У бошқа тузилмалар учун очик. Шу сабабли бу тузилмалар, яъни ташқи омиллар корхона фаолиятига таъсир кўрсатади. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- аҳоли истеъмолининг ҳажми ва тузилмаси;
- аҳоли даромадлари ва жамғармаларининг мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва давлатнинг уни таъминлашга қаратилган ички сиёсати;
- товар ишлаб чиқаришнинг таркибий қисми ҳисобланган ва унинг рақобатбардошлигини таъминлашда асосий омиллардан бири ҳисобланган фан ва техника тараққиёти;
- аҳолининг истеъмол маданияти (одатлари ва истеъмол меъёрлари, айрим товарларни хуш кўриши ва айримларини эса маъқул кўрмаслиги);
- халқаро рақобат (хорижий фирмаларнинг арзон иш кучидан ва мукамал технолгиялардан фойдаланишларини ҳисобга олиш).

Ташқи омиллар мураккаб ва ўзгарувчан. Корхоналар фаолияти жараёнида қутилмаган ташқи муҳитга дуч келиши ва айрим омиллар тўғрисида аниқ ахборотга эга бўлмаслиги сабабли самарали қарор қабул қилаолмаслиги мумкин.

Корхоналар фаолиятига ички омиллар ҳам таъсир кўрсатади:

- ишлаб чиқариш;
- маркетинг тадқиқотлари ва улардан фойдаланиш даражаси;
- молия;
- бухгалтерия ҳисоби;
- ходимлар;
- ходимлар ўртасидаги муносабатлар;
- ресурслар ва улардан фойдаланиш;
- ташкилий ва бошқарув тузилмалари.

Ташқи ва ички омиллар таъсири сабабли корхоналар инқирозга юз тутиши ва айрим ҳолларда ўз фаолиятини тўхтатиши мумкин.

Инқироз ҳолати — бу шундай ҳолатки, бунда иқтисодий ривожланиш бир маромда рўй бермайди ( авваламбор, унинг айрим бўлакларида), ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларида мувозанат

бузилади, ишлаб чиқариш кескин тушиб кетади (6.3.1-6.3.3 чизмалар).

Классик бозор иқтисодиётида корхоналар фаолиятидаги муваффақиятлар ва муваффақиятсизликларнинг 1/3 ташқи омилларга, 2/3 эса ички омилларга боғлиқ. Сиёсий ва иқтисодий нобарқарорлик, инфляция жараёнлар ва давлат молия механизмидаги бузилишлар, иновацион фаолият юртишда лаёқатчизлик корхоналарнинг инқироз ҳолатига тушишидаги асосий омиллар ҳисобланади.

Умуман олганда, инқирозга номақбул бўлган ҳолат, деб эмас (айрим корхоналар учун шундай бўлсада), балким — бозор иқтисодиётига хос бўлган умумий қонуният, деб қараш тўғри бўлади.

Корхонанинг молиявий ҳолатини диагностика қилиш ва яқинлашиб келаётган иқтисодий инқироз ҳолатини ўз вақтида бартараф этиш — корхона бошқарувининг бош вазифаси ҳисобланади.


Иқтисодий инқироз ҳолатини диагностика қилиш босқичлари қуйидагилардан иборат:

- корхона молиявий ҳолатини таҳлил этиш;
- бозордаги ҳолатни — товарларга бўлган талаб ва таклифнинг ўзгаришини башорат қилиш;
- иқтисодий инқироз сабабларини ва унинг ривожланиб кетишига олиб келувчи омилларни ўз вақтида аниқлаш;
- мутахассис бўлмаган киши кўзига кўринмайдиган, аммо, корхона фаолиятини инқироз ҳолатига келтирувчи белгиларни аниқлай олиш.


Миллий иқтисодиёт таркибида ёпиқ кўринишдаги тўловга қобилиятсиз корхоналар фаолият юритаётган бўлиши мумкин. Уларда ишлаб чиқариш даражаси тушиб кетади, иш ҳақи пасаяди, қисқартирилган иш куни ёки қисқартирилган ҳафтага ўтишади. Айрим корхоналар иш фаолиятини юритмасданок синиш ҳолатида бўлиши мумкин.

Инқироз ҳолатидан чиқиш учун корхонани соғломлаштириш бўйича кўриладиган шошилишч тадбирлар қуйидагилардан иборат бўлади:


- раҳбариятни алмаштириш;



**6.3.1-чизма. Корxonанинг инқирозга юз тутишининг дастлабки белгилари**



**6.3.2-чизма. Корxonанинг инқироз ҳолати босқичлари**



**6.3.3-чизма. Корxonанинг инқироз ҳолатини бошқаришда кенг қўлланиладиган тактика турлари**



- корхонанинг ташкилий тузилмасини ўзгартириш, бошқарув аппарати ходимларини қисқартириш, назорат ва режалаштириш функцияларни марказлаштириш;
- харажатларни қаттиқ назоратга олиш;
- ходимларни қайта тайёрлаш, руҳий нуқтаи назардан маълум томонга йўналтириб иш тутиш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат)лар номенклатурасини қисқартириш;
- маркетингни кучайтириш.

Кучли рақобат шароитида корхоналарни инқироз ҳолатидан сақлаш ва фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўли – инновацион асосда ривожланишдир. Бу, бугунги кунда, корхонанинг барча ходимлари, хусусан, бошқарув ходимларининг доимий вазифаси ҳисобланади.

Эндиликда, корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлашда ва ҳаётий давомлигини сақлаб қолишда инновацион ривожланишнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда шундай корхоналар пайдо бўлдики, улар бошқа корхоналардан 20-30 йил илгари юришади. Уларнинг бундай илдамликка эришишида инновацион технологияларнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Кучли рақобат шароитида – янги инновацияларни киритадиган ва малакали кадрларга эга бўлган корхоналаргина ўз ўрниларини топишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида мамлакатимиз замонавий юксалишга эришиш мақсадида инновацион ривожланиш босқичига кирганлигини эътироф этилган. “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни, айнан инновацион ғоялар асосида бошлашимиз керак. Инновацион ривожланиш ва рақамли иқтисодиёт йўлига ўтишимиз бежиз эмас. Чунки, замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”<sup>36</sup>.

Инновация – корхоналарларда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни, унинг моддий техника базасини янгилаш ҳамда ривожлантириш мақсадида янги ғоялар ва ишланмаларни яратиш,

<sup>36</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 23 декабрь 2017 йил

Ўзлаштириш ва татбиқ этишга қаратилган махсус фаолиятдир. Фаолият сифатида – инновацияларни инсоният меҳнат фаолиятининг барча жабҳаларида қўллаш мумкин. Бу фаолиятни юритиш – жамиятда фан-техника тараққиётига олиб келади.

Фан-техника тараққиёти – корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Шундай экан, биз фан-техника тараққиётини тадқиқ этишимизни тақозо этмоқда ва бунинг учун унга таъсир этувчи омилларни билишимиз, такомиллаштиришимиз ҳамда ўрганишимиз лозим.

Хусусан, фан-техника тараққиёти омилидан фойдаланиш йўллари:

- ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизациялаштириш, автоматлаштириш ҳамда комплекс равишдаги механизациялаштириш; (диверсификация қилиш, модернизация қилиш)

- асосий технологик жараёнларни роботлаштириш;

- прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;

- хом ашё ва материаллар (меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;

- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш;

- ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш.

Фикримизча, фан-техника тараққиёти ютуқларини (инновацияларни) ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш учун қуйидагилар талаб қилинади:

- фан-техника тараққиётининг айни пайтда зарур бўлган йўналишларини излаш ва аниқлаш;

- пул маблағларини ва бошқа зарур бўлган ресурслар (инвестициялар) излаб топиш;

- замонавий илмий-техникавий ишланмаларга ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик, технологик ва бошқа илмий муассасалар билан керакли алоқаларни “боғлаш”;

- ўз илмий-техникавий мақсадларининг самаралилигини ҳисоблаб чиқиш;

- ишлаб чиқариш бўлинма (цех, бўлим) ларни фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида қайта қуроллантириш;

- олимлар, конструкторлар, муҳандис ва ишчиларнинг ижодий руҳда меҳнат қилишлари учун иқтисодий ва социал манфаатдорликни яратиш;

- ижодий гуруҳлар, сифат гуруҳлари ташкил қилинган, яъни фан-техника тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлган олий ўқув юртлари, илмий марказ ва лабораториялар билан алоқаларни ривожлантириш.

Корхоналар инновацион фаолиятига ички ва ташқи омиллар таъсир этади. Ички омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ишлаб чиқариш базаси ривожланишининг моддий-техник базаси;

- корхона ихтисослиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг мақсади;

- бошқарув тури ва ташкилий тузилмаси;

- бошқарув услуби ва услубиёти;

- ишлаб чиқаришнинг янгилик даражаси;

- турли хил ходимларнинг талаб қилинган ва мавжуд малакавий даражаси;

- ходимларни рағбатлантириш тизими;

- ходимларнинг инновациявий фаоллиги даражаси;

- ташкилий маданият ва бошқалар.

Ташқи омиллар сирасига қуйидагилар киради:

- бозор тузилмалари;

- солиқ тизими;

- қонуний-ҳуқуқий тизим;

- молия-кредит тизими;

- умумиқтисодий, социал ва ташқи сиёсий характерга эга омиллар;

- тарихий ва миллий омиллар.

Юқорида келтирилга ички ва ташқи омиллар ишлаб чиқариш жараёнида замонавий технологияга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, корхоналар манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-

қувватлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда мамлакат экспорт ҳажмида инновацион маҳсулотлар улушини кўпайтиришга хизмат қилади.

Бу жараёнларда қуйидагиларга асосий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- инновацион фаолиятни ривожлантириш учун зарурий инфратузилмани шакллантириш;
- юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- юқори қўшилган қийматга эга экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш орқали юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жарёнларини чуқурлаштириш;
- инновацион корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни халқаро стандартлар бўйича лицензиялаш;
- ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ молиявий ва бошқа хатарларни суғурта қилишни таъминлаш;
- экспортёрларга ахборот-маслаҳат кўмагини ташкил қилиш ҳамда махсус имтиёзлар тизимини тақдим этиш;
- инновацион маҳсулотлар ярмаркаси ва кўрғазмаларини ўтказиш, рекламани ташкил қилиш ва хорижий давлатларда шерикларни топишга кўмаклашиш;
- рақамли технологиялар асосида ишлаб чиқариш жарёнига босқичма-босқич ўтиш;
- инновацион фаолиятни амалда қўллайдиган корхоналарга имтиёзли пакетларни тақдим этиш ва божхона имтиёзларини бериш;
- халқаро бозорларда миллий инновацион маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича шарт-шароитлар яратиш зарур.

Инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ушбу йўналиши – фаолияти юқори технологияга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг экспорт салоҳиятини оширишга ва уларнинг ташқи иқтисодий фаолияти самарадорлигини таъминлашга имкони беради.

Инновацион фаолият юритишда лаёқатсизлик – корхона иқтисодиётини ўта издан чиқариши ва уни инқироз ёқасига олиб келиши мумкин.

Инглиз тадқиқотчиларининг фикрича янги ташкил этилган фирмаларнинг 70-80 фоизи фаолият юритишларининг иккинчи йили охирига бориб тугаб кетади.

Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш учун бошқарув ходимлари қуйидаги омилларга эътибор қаратишлари керак:

- бозор талабларига жавоб берувчи юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажмини таъминловчи, энг қўлай ишлаб чиқариш жараёнини танлаш;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури ва сифатини ошириш ҳамда жаҳон стандартлари даражасига етказиш;

- ортиқча ишлаб чиқариш воситаларининг шаклланишига йўл қўймаслик, энг мақбул бўлган миқдорда ишлаб чиқариш захираларини яратиш;

- ишлаб чиқаришга техника ва технологияларнинг сўнгги авлодини жорий этиш асосида маҳсулот сифатини ошириш;

- мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти – асосий ва айланма фондлар ҳамда ишчи кучидан тежамкорлик асосида унумлироқ фойдаланиш;

- бошқарувда – бошқариш, режалаштириш, иқтисодий рағбатлантиришнинг усул ва шакллари, яъни корхона фаолиятининг бутун хўжалик механизмини такомиллаштириш;

- ишлаб чиқарувчи корхоналар иқтисодий фаолиятни яхши билувчи, саводли ва малакали мутахассисларни танлаш ва уларни жалб этиш.

Корхонанинг самарали фаолият юритишига тўсқинлик қилувчи негатив ҳолатлар:

- ҳаракатсизлик;

- фан-техника ютуқларини корхона фаолиятида қўлламамаслик;

- ўз имкониятлари ва ресурсларидан етарлича фойдаланмаслик

Корхонанинг самарали фаолият юритишида унга раҳбарлик қилаётган шахснинг билими, тажрибаси ва профессионал малакаси, иш юритиш стили ва усуллари фан-техника тараққиётига мос келиши зарур.

Бугун мамлакатимизда шундай амалий тажриба тўпландики, унга кўра, барча фаолият турларида тежамкорликка риоя этувчи, ўз салоҳиятидан унумлироқ фойдаланувчи, замонавий фан ва техника ютуқларига таянувчи, замон билан ҳамнафас ҳолда ҳаракат қилувчи корхоналар бозорларда ўз ўринларига эга бўлишмоқда ва келажакда юқори мавқега эришишлари учун замин яратишмоқда.

**Таянч иборалари:** самара, самарадорлик, маҳсулот, фойда, даромад, харажат, рентабеллик, мезон, инқироз, тўлов қобилияти, корхона “нархи”, хўжасизлик.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ишлаб чиқариши самарадорлигининг моҳияти нимада ва у корхона умумий фаолияти самарадорлигидан қандай фарқ қилади?
2. Самарадорликнинг қандай турларини биласиз? Самаранинг самарадорликдан фарқи нимада?
3. Корхона ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари мазмунини очиб беринг. Бу кўрсаткичларни ҳисоблаш усули қандай?
4. Сизнинг фикрингизча, қайси кўрсаткич корхона фаолияти самарадорлигини кўпроқ акс этитради?
5. Корхона фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари ва омилларини санаб беринг.
6. Самарадорликни иқтисодий кўрсаткич ҳамда тушунча сифатида қабул қилиш мумкинми?
7. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда асосий ўрин кимга тегишли: инсонларгами, ресурсларгами ёки фан-техника тараққиётигами?

## **VII БОБ. САНОАТДА ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ**

### **7.1. Фан-техника тараққиётининг социал-иқтисодий аҳамияти**

Фан-техника тараққиёти – жуда мураккаб ва кўп қиррали жараён дир. У мавжуд техникани такомиллаштиришни, янги, анча самарали техникани, технологияни, хом ашёни, материалларни яратиш ва жорий қилишни, шунингдек, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишни яхшилашни ўз ичига олади. Фан-техника тараққиёти – ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи йўналишларидан бири ҳисобланади.

Саноат ишлаб чиқаришида банд бўлган инсонларнинг умумий маълумотини, маҳоратини узлуксиз тизимли ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳам фан-техника тараққиётининг моҳияти ва аҳамияти билан чамбарчас боғлиқ дир.

Фан-техника тараққиётининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- меҳнатни енгиллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини осонлаштириш;
- меҳнатнинг жозибадорлигини ошириш ва мазмунини бойитиш;
- ишлаб чиқаришнинг социал ва иқтисодий самарадорлигини янада юқори даражага кўтариш;
- чегараланган ресурслар шароитида тежамли иқтисодиётни шакллантириш (вақтни, хом ашё ва материалларни, ёқилғи, электр энергия ва ҳоказоларни тежаш).

Мамлакат иқтисодиётининг тадрижий ўсишини таъминлаш илм-фансиз рўй бермайди. Шу сабабдан, иқтисодиётнинг барча соҳаларида, жумладан, ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларидан фойдаланиш доимо долзарб бўлган ва шундай бўлиб қолади.

Давлатининг фан-техника тараққиёти борасидаги сиёсати – иқтисодий, социал, ташкилий ва тарбиявий чора-тадбирлар тизими бўлиб, булар илм-фанни ривожлантириш учун, унинг ютуқларини янги техника ва технологияларда мужассамлаштириш ҳамда унинг негизда мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини сифат жиҳатидан оғишмай такомиллаштириб бориш учун қулай шароитлар яратишга

қаратилгандир. Мамлакатимизда фан-техника соҳасида олиб борилаётган сиёсатнинг моҳияти ана шундан иборат.

Ўзбекистонда илм-фан борасида юритилаётган сиёсат – умумдавлат сиёсати сифатида қаралади. Уни самарали амалга оширишда иштирок этувчиларнинг бутун фаолияти стратегик мақсадга – иқтисодиётни юксалтириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга бўйсундирилган.

Мамлакатда илм-фаннинг ривожланиш даражасини – бу борада ҳал этиладиган вазифаларнинг чуқур илмий асосланган йўналишлари ҳамда уларни амалга ошириш учун оптимал шарт-шароитларнинг мавжудлиги тавсифлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек: “Мамлакатимиз учун илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб олишимиз керак. Ҳеч бир давлат илм-фаннинг барча соҳаларини бир йўла тараққий эттираолмайди. Шунинг учун биз ҳам ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш тарафдоримиз.

...илм-фан ютуқларини электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозим. Ҳар бир Олий таълим ва илмий тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шарт.”<sup>37</sup>

Мамлакатимиз илм-фан соҳасида қудратли салоҳиятга эга. Фанлар академиясининг ихтисослашган институтлари, олий таълим муассасалари таркибидаги тажриба лабораториялари, юзлаб лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, синов тариқасидаги ишлаб чиқариш марказлари, илмий парклар, инновацион марказлар ва бошқалар тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Улар энг мукамал техника билан жиҳозланган ва юксак малакали илмий кадрлар билан шакллантирилган.

Республикаимизда илм-фанни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари бўлиб – Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги” Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27

---

<sup>37</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 25 январь 2020 йил.



апрелдаги “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-3682-сонли ҳамда 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисидаги” ПҚ-3698-сонли Қарорлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида илм-фан соҳасидаги устувор йўналишлар қуйидагилар ҳисобланади:

- илм-фан ва илмий фаолиятни ривожлантириш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигига ва самарадорлигига эришишни амалга ошириш;

- илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ҳамда ресурсларни мақсадли йўналтиришни йўлга қўйиш;

- илм-фан ва илмий фаолият соҳасида давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлашни кучайтириш;

- илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни узвий боғлиқлигини таъминлаш ва ундан олинадиган манфаатдорликни оширишга эришиш ва ҳоказо.

Республикада миллий инновацион тизимни ривожлантириш ҳамда фан-таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини шакллантиришда ҳамда республиканинг жаҳон бозоридаги ўрнини оширишда Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг<sup>38</sup> алоҳида ўрни мавжуд.

Фан ва инновациялар соҳасида ушбу вазирликнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини ошириш бўйича узоқ муддатли сценарийлари асосида келажак моделларини шакллантиришнинг стратегик режалаштириш тизимини яратиш ишларини амалга ошириш;

- ҳудудлар социал-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги юксалишини

---

<sup>38</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ-3416-сон Қарори Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон Фармони билан

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Инновацион ривожланиш вазирлиги бирлаштирилиб Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (ОТФИБ) ташкил этилди.

таъминлайдиган фан ва инновация фаолиятини ривожлантириш бўйича замонавий инфратузилмасини шакллантиришни кучайтириш;

- илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, иқтидорли ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун қулай шароитлар яратиш зарурлиги;

- иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларига замонавий ахборот-коммуникация, саноат ва бошқа инновацион технологияларни жадал жорий этиш;

- инновацион фаолият соҳасида илғор хорижий (халқаро) ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

- республикамиздаги илмий тадқиқот ва инновация фаолиятининг истиқболли ютуқларини тарғиб қилишни кучайтириш ва эришилган инновацион натижаларни жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш бўйича келгусидаги ишларни кучайтириш ва ҳоказо.

Маълумки, илмий тадқиқот ишлари ва инновацион фаолиятни молиялаштириш турли манбалар ҳисобидан амалга оширилади, жумладан, давлат бюджетидан. Кейинги йилларда фанни ривожлантириш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳажми сезиларли даражада ўсмоқда: 2015 йилдаги 216,7 млрд сўм, 2020 йилда эса 867,1 млрд сўм бўлган. Давлат бюджети харажатлари таркибида фан учун ажратилган маблағар ҳиссаси 0,60 фоизни ташкил этган.

“Бу йил илм-фан ва инновацияларга 1,5 триллион сўм йўналтирилди. Бу – 2017 йилга нисбатан қарийб 6 баробар кўп, дегани.

Олимларнинг иш ҳақи ҳам 4,5 баробар оширилди.

Буларнинг барчаси ҳисобидан нано ва биотехнологиялар, рақамли геология каби 18 та янги илмий йўналиш ташкил этилди.

Келгуси йили илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм ажратилади”<sup>39</sup>.

---

<sup>39</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси.// Халқ сўзи, 2022 йил 23 декабрь

Илм-фан ва инновацияларнинг мамлакат социал-иқтисодий ривожига ҳал қилувчи омил эканлигини англаган ҳолда фан-техника тараққиётини ташкил этиш ва бошқариш, маблағ билан таъминлаш ва рағбатлантириш борасида давлат сиёсатини юритиш долзаб ҳисобланади.

## **7.2. Ўзбекистонда фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари**

XXI асрда давлатларнинг иқтисодий ўсиши – кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини интеллектуаллаштириш ва фан-техника тараққиёти билан таъминланади. Шу сабабдан ҳам фан-техника тараққиёти мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларига тобора кенг ва чуқур кириб бормоқда.

Фан-техника тараққиёти жамиятда қуйдагиларни таъминлайди:

- меҳнат унумдорлигининг ўсиши, маҳсулот бирлигига меҳнат сарфининг камайиши ва ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар бир киши ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда бош омил вазифасини ўтайди;

- янги техника ва технология меҳнатни ва ишлаб чиқаришни илғор ташкил қилиш билан уйғунлашган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишга ёрдам беради, бу эса бутун жамиятнинг ва ҳар бир кишининг ортиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш имконини яратади;

- ишлаб чиқариш ускуналари ва бошқа моддий ресурслардан самарали фойдаланиш учун шароит яратади. Чунки, янги машиналар анча унумдоргина эмас, балки ишлатишда анча чидамли ва бошқарилиши осон ҳамдир;

- инновацион технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши маҳсулот бирлигига сарфланадиган хом ашё ва материаллар миқдорини қисқартиради, шунингдек, анча арзон хом ашёдан фойдаланиш имконини беради. Бу эса маҳсулот сермеҳнатлилигини камайтириш билан уйғунлашган ҳолда ишлаб чиқариш харажатларининг қисқартирилишига, корхоналар фойдасининг ортишига сабаб бўлади;

- ишлаб чиқаришни ташкил қилишга ижобий таъсир кўрсатади: замонавий техника ва технологиялар ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш шароитида энг кўп самара беради;

- меҳнатни энгилаштиради ва унинг жозибадорлигини оширади. Фан-техника тараққиёти асосида малакасиз қўл меҳнати ихтисослашган меҳнат томонидан сиқиб чиқарилади.

XXI аср ишчиси ўта мураккаб техниканинг нозик жиҳатларини билиб олган бўлиши, уни тез ўзлаштириб олиши ва ундан мавжуд барча имкониятлардан меҳнат унумдорлигини оширишда фойдаланиши керак. Бугунги кун ишчиси ўз профессионал, техникавий ва иқтисодий билимларини ҳамда умумий маданий даражасини доимо ошириб бориши зарур. Бу давр талаби.

Фан-техника тараққиётини тавсифловчи инновациялар хилма-хил бўлиб, улардан энг муҳимлари қуйидагилардир:

- энергия (қўёш, шамол энергияси ва бошқалар) янги турлари ва манбаларининг кашф этилиши;
- ишлаб чиқаришни роботлаштириш;
- ишлаб чиқаришда, бошқаришда, фанда ахборот-технологияларидан кенг фойдаланиш;
- табиатда мавжуд бўлмаган материалларни яратиш усуларининг кашф этилиши;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнатни илмий ташкил қилишнинг янги технологиялари ва усулларини жорий қилиш ва бошқалар.

Буларнинг барчаси иқтисодий ўсиш учун омил бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий ўсиш – бу ялпи маҳсулотнинг маълум вақт даврида сифат ва миқдор жиҳатидан такомиллашуви ва ўсиши, бунинг натижасида, ресурслар чекланганлиги билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ҳал бўлиши демакдир.

Иқтисодий ўсиш – мамлакат ва унда истиқомат қилувчи аҳоли иқтисодий қувватининг ўсишида ўз ифодасини топади. Бунда энг муҳим жиҳат, аҳоли жон бошига ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиши ҳисобланади. Чунки, бу кўрсаткич аҳоли турмуш даражасининг ўсишини англатади.

Демак, фан-техника тараққиётини ишлаб чиқаришга жорий қилишнинг ҳам иқтисодий, ҳам социал аҳамияти ниҳоятда катта экан.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришни электрлаштириш фан-техника тараққиётининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Электрлаштириш – электр энергиясини етарли миқдорда ишлаб

чиқариш, уни керакли жойларга узатиш ва ундан фойдаланиш жараёнидир.

Ҳозирги пайтда электр энергиясини узатиш мумкин бўлган масофа йилдан-йилга узайиб бормокда. Электр энергияни узок масофага узатиш мумкинлиги уни ёқилғининг бошқа турларига қараганда афзалроқ қилиб қўймоқда.

Электр энергияси турли станцияларда:

- иссиқлик электростанцияларида (ИЭС);
- сув билан ишлайдиган электр станцияларда (ГЭС);
- атом электростанцияларида;
- қуёш электростанцияларида;
- шамол ва бошқа электростанцияларда ишлаб чиқарилади.

Ҳозирги вақтда дунёда ишлаб чиқарилаётган ва истеъмол қилинаётган электр энергиянинг тахминан 70 фоизи органик ёқилғи ёқиш ҳисобига олинади ва 30 фоизи - сув, шамол, қуёш ва ядровий ёқилғилар ҳисобидан олинади.

Мамлакатимизда анъанавий табиий ресурсларга: табиий газ, кўмир, нефть, сланецлар, уран ва гидроэнергетика бой бўлиб, уран ва сланецлардан ташқари барча энергия ресурсларидан кенг фойдаланилмоқда

Электр энергия баланси таҳлили кўрсатишича уни ишлаб чиқариш учун 84-90 фоиз углеводород ёнилғи ва атиги 10-16 фоиз гидроэнергетика ресурсларига тўғри келади.

ИЭСларнинг асосий хом ашёси – углеводород ёқилғиси ҳисобланади. Улар анча тез ва арзон қурилади.

Аксарият ИЭСларда электр энергия билан бирга иссиқлик энергияси ҳам ишлаб чиқарилади. Бундай электр станциялар иссиқлик электр марказлари (ИЭМ) деб аталади. Уларда электр энергия ишлаб чиқариш вақтида исиган сувни иссиқхоналарни, биноларни иситишга ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига юборилади.

Айрим манбаларда келтирилишича Ўзбекистон углеводород ёнилғиси ресурсларининг салмоғи 2,2-5,1 млрд.тн.э. бўлиб, шу жумладан 82-245 млн.тн.э. нефть, 1476-1979 млн.тн.э. табиий газ ва 639-2851 млн.тн.э. кўмирни ташкил этади.

Иқтисодийнинг тараққийи натижасида, ушбу захиралар, экспертлар фикрича ўртача нефть 10-12, табиий газ – 28-30, кўмир эса – 50 йилдан кўпроқ муддатга етиши мумкин<sup>40</sup>.

Демак, келажакда мамлакатимиз электр энергия ишлаб чиқаришда муаммоларга дуч келиши тайин. Шу сабабдан, анъанавий углеводород ёқилғиси ўрнини боса оладиган муқобил энергия манбаиларини ишга тушириш зарур бўлади. Ҳар қандай энергия манбаи муқобил энергия воситаси бўлиши мумкин.

Сув билан ишлайдиган электр станцияларда (ГЭС) энергия ишлаб чиқариш – тўхтовсиз оқиб тушадиган сув оқими кучига асосланади. ГЭСлар сув оқими энергиясини электр энергияга айлантириб берадиган иншоотлар ва жихозлар мажмуидир. Уларда ишлаб чиқарилган электр энергиянинг таннари анча паст бўлади.

Ҳозирги пайтда ГЭСларнинг янги тури – гидроаккумулятив электр станциялар (ГАЭС) ҳам қурилмоқда. Уларни қуришга асосий сабаб иккита: биринчиси, энергия тизимларида электр энергиядан нотекис фойдаланиш бўлса, иккинчиси, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини яратиш беради.

ГАЭСлар бошқа ГЭСлар ишлаб чиқарган энергияни тўплайди (аккумуляция қилади). Улар ГЭСдан юқорида жойлашган хавзага сувни насослар билан кўтариш учун қурилган тизимлардаги ортиқча электр энергиясидан фойдаланади (масалан, тунда). Электр энергияга эҳтиёж ошган пайтда бу хавзадаги сув очиб юборилади ва ҳосил бўлган оқим кучи туфайли ГАЭСларда электр энергияси ҳосил қилинади.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш йўлларида яна бири – битта дарёнинг ўзида бир нечта электр станциялар (каскад)ни қуриш ҳисобланади. Масалан, Чирчиқ дарёсида 19 та электр станциялар (каскад) қурилган.

Дунёдаги гидроэнергетика ресурсларининг 65 фоизи ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади, аммо улардан фойдаланиш даражаси паст. Гидроэнергетика ресурсларидан фойдаланиш даражаси АҚШ, Россия ва Норвегияда жуда юқори. Норвегияда электр энергиянинг 99,5 фоизи ГЭС ларда ишлаб чиқарилади. Бу ерда ГЭСларнинг асосий қисми (200 дан ортиқроғи)

---

<sup>40</sup> Ёқилғи ва ёниш назарияси асослари. Иссиклик энергиясининг манбалари. <https://staff.tiame.uz › users › presentations>

ер тагида жойлашган. Жаҳонда ишлаб чиқариладиган электр энергиянинг 20 фоизи ГЭСларда ишлаб чиқарилади<sup>41</sup>.

Атом электро станция ( АЭС)лар ўзининг энергетика манбаи бўлмаган ва ёқилғи қиммат, аммо электр энергияга эҳтиёжи юқори бўлган млакатларда курилади. Унинг хом ашёси – уран ҳисобланади. Бу турдаги электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича АҚШ, Франция, Япония, Германия ва Россия етакчи давлат сирасига киради. Айрим манбаларда келтирилган маълумотларга кўра жаҳонда ишлаб чиқариладиган электр энергиянинг 15-17 фоизи АЭСларга тўғри келади.

Ўзбекистонда Россия билан ҳамкорликда атом электр станциясини куришга ҳаракат 2017 йилда бошланди. Бу лойиҳа мамлакатдаги энергия муаммосини ҳал қилиш учун муҳим омил сифатида тақдим этиляпти. Унинг лойиҳа қиймати тахминан 9 млрд доллар атрофида баҳоланган.

Маълумки, АЭС уран қайта ишлангач совитилиши керак. Бу эса сув орқали атроф-муҳитнинг зарарланиш эҳтимолини пайдо қилади. Бундай ҳолатлар амалиётда кузатилган.

Одатда АЭСлар аҳоли пунктларидан узоқда ва сув ҳавзаси мавжуд бўлган ҳудудларда жойлаштирилади. Станцияни куришда сув объектларига яқинлиги ҳисобга олинади. Шу нуқтаи назардан Айдаркўл – станция учун сув манба бўлади, деб қаралган.

Лондондаги “Марказий Осие Due Deligence” таҳлил маркази директори Алишер Илҳомовнинг фикрича, Ўзбекистонда АЭС курилиши бу сув ҳавзаси учун хавфни пайдо қилади. Ўзбекистонда станцияда ишланган уранни дезактивация қилиш нуқтайи назаридан бу жуда хавфли. Бундан ташқари АЭС хавфсизлиги тўлиқ кафолатланса ҳам авариялар, бахтсиз ҳолатлар эҳтимолини нолга тушириш имконсиз. Экспернинг хулосасига кўра, Ўзбекистонда АЭС куриш иқтисодий ва экологик нуқтаи назардан ҳеч қандай истиқболга эга эмас<sup>42</sup>.

Келажакда энергия тақчиллиги туфайли энергия масаласида Ўзбекистоннинг қайсидир давлатга боғлиқ бўлмасликнинг асосий йўналишлари куйидагилар ҳисобланади:

---

<sup>41</sup> Elektr enyergiyasi sanoati. <https://uz.wikipedia.org/wiki>

<sup>42</sup> “АЭСнинг истиқболи йўқ” – Алишер Илҳомов билан суҳбат. [https:// kun.uz](https://kun.uz) 12:52 /12.01.2023 6806  
Улашинг FacebookTwitterTelegram

- энергия ресурларидан (асосан углеводород ёнилғилар қўлланиладиган тизимларда илғор инновацион технологияларни қўллаш, иссиқлик машиналари термик фойдали иш коэффициентини ошириш, замонавий воситалар ва технологик қурилмалардан) самарали фойдаланиш;

- иккиламчи энергия ресурларидан – ишлатилган газлар иссиқлигидан, буғ турбиналари совутиш тизимида қўлланиладиган совутиш агентларидан ва бошқалардан фойдаланиш;

- қайта тикланувчи ва муқобил энергия ресурларидан самарали фойдаланиш.

Ўзбекистонда қайта тикланувчи ва муқобил энергия ресурлари асосан ноанъанавий энергия ресурслари туркумига киради:

- кичик гидроэнергетик ресурслар (10 МВт);
- геотермаль манбалар;
- қуёш энергияси;
- шамол энергияси;
- саноат ва хўжалик чиқиндилари;
- биомассалар ва бошқалар.

Миллий иқтисодиётнинг ҳамма тармоқларида, жумладан, саноат ишлаб чиқаришида химия соҳасидаги илм ютуқларидан кенг фойдаланиш доимо долзарб бўлган: хусусан, хом ашё ва материалларни қайта ишлашда химик усуллардан фойдаланиш. Химиялаштириш ёрдами билан олдиндан кутилган кўринишдаги материалларни тайёрлаш мумкин. Масалан, бўёқ ва лаклар, синтетик каучук, синтетик тола, пластмассалар ва ҳоказоларни.

Мамлакатимизда фан-техника тараққиётининг асосий йўналишларидан яна бири – ахборот технологияларидан иқтисодиётнинг барча соҳаларида фойдаланиш ҳисобланади. Бу ишлаб чиқаришда инсон меҳнатини камайтириш, бошқаришда тезкор ва сифатли ахборот воситаларига эга бўлиш учун, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш каби имкониятларни беради.

Ахборот технологиялари — иқтисодиётни ривожлантириш ва инсон ҳаётини яхшилаш борасидаги муҳим қадам ҳисобланади. У жамият ҳаётидаги социал-иқтисодий муаммоларни ечишга IT имкониятларини жалб этилишини, яъни интернет буюмлардан тортиб, электрон ҳукуматгача бўлган тизимларда ахборот



технологияларини қўллашни назарда тутди.

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида амалга оширилаётган ўзгаришлар мулк шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, аҳолининг барча қатламларига турли хизматлардан фойдаланишлари учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Ривожланган давлатлар тажрибаларининг кўрсатишича, бугунги кунда глобаллашув ва жамиятни ахборотлаштириш шароитида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва иқтисодий ўсиши, мамлакатнинг ички ва ташқи инвесторлар учун жозибадорлиги маълум даражада — ахборот инфратузилмаси ҳамда ахборот-коммуникация хизматларининг ривожланиш даражасига боғлиқ.

“Замонавий ахборот тизимлари улардан фойдаланадиган корхоналарга илгари ўзлари фойдалана олмаган бир қатор янги имкониятлар ва сифатларни бериши мумкин, хусусан ахборот тизими қуйидагиларга ёрдам бериши мумкин:

- математик усуллар ва интеллектуал тизимларни жорий этиш ҳисобига бошқарув масалаларини ҳал қилишнинг янада оқилона вариантларига эга бўлиш;

- автоматлаштириш ҳисобига ходимларни оғир меҳнатдан озод қилиш;

- ахборотнинг ишончлилигини таъминлаш;

- маълумотларни қоғоз ўрнига магнит дисклари ёки тасмаларида сақлаш (бу ахборотга компьютерда ишлов беришни анча оқилона ташкил этиш ва қоғозлардаги ҳужжат ҳажмини камайтиришга олиб келади);

- корхонада ахборот оқими тузилиши ва ҳужжатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш;

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга сарф-харажатларни камайтириш;

- истеъмолчиларга ноёб хизмат турларини кўрсатиш;

- янги бозорларни излаб топиш;

- харидор ва мол етказиб берувчиларга турли чегирмалар бериш ва хизматлар кўрсатиш ҳисобига уларни корхонага жалб этиш<sup>43</sup>.

---

<sup>43</sup> Қосимов С.С. Ахборот технологиялари. – Т.: “Алоқа”, 2006, 26 бет

Ўзбекистонда ахборот-коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий база шакллантирилган. Бу тармоқ хизматларидан саноат ишлаб чиқаришида кенг фойдаланиш, унинг самарадорлигини оширишга катта имкониятлар яратиб беради.

Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида – ишлаб чиқаришни роботлаштириш ва чиқиндисиз технологияларни қўллаш кун тартибида турган масалалар сирасига киради.

Ишлаб чиқаришни роботлаштириш – бу қўл меҳнатини камайтиришга асосланган бўлиб, ишлаб чиқариш маданияти ва сифатини ошириш учун хизмат қилади. Кейинги йиллардаги машинасозлик билан боғлиқ қурилаётган корхоналарнинг деярли ҳаммасида бу тадбир амалга оширилмоқда.

Чиқитсиз технологияни жорий қилиш – бу бозор шароитида табиий ресурслар чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда, кишилар эҳтиёжини кўпроқ қондириш имкониятини туғдиради.

Умуман олганда иқтисодиётнинг барча тармоқларида замонавий технологияларни қўллаш ижобий натижаларга олиб келиши мумкин. Шу сабабдан ҳам янги технологияни тадбиқ этиш – сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради, деган фикр доимо мавжуд. Аммо ҳар қандай янги технологияни ҳам ишлаб чиқаришга тадбиқ этавериш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлавермаслиги мумкин. Буни аниқлаш учун янги технологияни биронта ишлаб чиқариш корхонасида жорий этиш ва унинг натижасини ҳисоб-китоб қилиши керак бўлади.

Янги технология иқтисодий самара (фойда) берсагина, уни тезда жорий қилиш керак, акс ҳолда эса, янги технологияни жорий қилишдан ҳеч қандай наф бўлмайди. Иқтисодий самара (фойда) эса қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\text{ИСф} = (\text{ЯМ2} - \text{ЯМ1}) * \text{МХ},$$

Бу ерда:

ИСф – иқтисодий самара (фойда) сўм ҳисобида;

ЯМ1 – янги технологияни қўллашгача ялпи маҳсулотнинг таннархи.

ЯМ2 – янги технологияни қўллашдан кейинги даврдаги ялпи маҳсулотнинг таннархи.

МХ – ҳисобот даврдаги маҳсулот ҳажми.

Формулада  $\text{ЯМ2} > \text{ЯМ1}$  бўлсагина корхона (фирма) фаолиятида янги технологияни қўллаш мумкинлиги тушунилади.

Мамлакатимизда илм-фан бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиб бормоқда. Илмий изланишлар натижалари – иқтисодий муаммолар ечимига айланади, техника, технология ва материалларнинг янги турларини яратади. Бу, табиийки, иқтисодий ва социал муаммоларни ҳал этиш имкониятини туғдиради.

### 7.3. Инновациянинг иқтисодий мазмуни ва турлари

Кейинги йилларда “инновация”, “инновацион маҳсулот”, “инновацион фаолият” деган сўзлар кўп ишлатиляпти. Шу сабабдан, уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиш ўта муҳим ҳисобланади.

"Инновация" сўзи ўзбек тили лугатига хорижий тиллардан кириб келган. "Инновация" сўзи негизида "новация" сўзи ётади. Шу сабабдан ҳам лугатларда инглизча "innovation", русчасига "инновация" сўзи – "нововедение", "новаторство" сифатида шарҳланган. Бу сўзлар ўзбек тилига "янгилик киритиш", "янги усул", "киритилган янгилик" каби маъноларда ўгирилган ва изоҳланган.

Рус тилидаги лугатларда "новация" (лотинча "novatio") сўзи "изменение", "обновление", ўзбек тили лугатларида эса – "ўзгариш", "янгилашиш" маъносида изоҳланади.

“Инновация” атамасини, янги иқтисодий категория сифатида, фанга австриялик (кейинчалик америкалик) олим Йозеф Шумпетер XX асрнинг биринчи ўн йиллигида киритган. У ўзининг “Иқтисодий ривожланиш назарияси” номли асарида (1911 йил) илк бора ривожланишда ўзгаришларнинг янги комбинациялари масалаларини (яъни, инновация масалаларини) кўриб чиқган ва инновацион жараёнга тўлиқ тавсиф берган.

Й.Шумпетернинг фикрига кўра, инновация – бу истеъмол товарларининг янги турлари, янги ишлаб чиқариш ва транспорт воситалари, янги бозорлар ва саноат тармоғида янгиликларни жорий қилиш ва фойдаланиш мақсадидаги ўзгаришлардир.

Кўпгина иқтисодий адабиётларда Йозеф Шумпетерни биринчилардан бўлиб инновацион жараёнларнинг таърифни, турларини ва умуман инновацион фаолият назариясига муҳим ҳисса қўшган олим сифатида таъкидлашади. У ижод қилган даврда инновация ҳақида фикр юритилмаган, аммо иқтисодиётни ривожлантиришда “самарали усул”, “янгилик”, “таъсирли”, “қўллаш” каби тушунчалардан фойдаланилган.

Инновация муаммоси доирасида чет эллик ҳамда мамлакатимиз олимлари томонидан чоп этилган аксарият адабиётларда “инновация” атамасига “янгиликни яратиш”, “янги жараён, маҳсулот, хизматларни амалий ўзлаштириш натижаси”, “янги техника ёки технологияга, меҳнатни ташкил қилишга, хизмат кўрсатишга, бошқарувга ва бошқа мақсадларга киритилган капиталдан олинган моддий ҳамда номоддий мулк” каби мазмундаги изоҳлар келтирилган. Шунингдек, инновацияга янгиликни яратиш, ўзлаштириш ва тарқатиш жараёнлари, бу жараёнларни ўзнда мужассамлаштирувчи фаолият сифатида ҳам таърифлар берилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, инновацион фаолиятга киритилган капитал самараси, нафақат, моддийлашган, айти пайтда, номоддий кўринишда ҳам бўлади.

Айрим адабиётларда инновацион фаолиятга қилинган инвестициялар моддийлашган натижани бериши билан чегараланилади халос. Жумладан, И.Т.Балабановнинг фикрича: “Инновация – капитални янги техника ёки технологияга, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат, хизмат кўрсатиш ва бошқарувнинг янги шаклларида, жумладан, янги нazorat ва ҳисоб шакллари, режалаштириш ва таҳлил усулларига киритилган олинган, моддий тус олган натижадир”<sup>44</sup>.

С.Н.Хамраевнинг фикрига кўра: “Инновация – бу фан ютуқлари ва илғор тажрибадан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёнлари, янги истеъмол хусусиятларга эга бўлган маҳсулотларини (товар, маҳсулот, техника, технология, бошқа ташкилий шакл ва воситалар) шакллантириш, амалиётга жорий этишга асосланган инвестицион ва ижодий фаолиятнинг моддийлашган якуний натижаси бўлиб, бозор ва ижтимоий эҳтиёжларнинг қондирилишига кўмаклашади, харажатларни иқтисод қилади ва инсонларнинг турли хил ҳаёт ва фаолият соҳаларида турлича самара беришини таъминлайди”<sup>45</sup>.

Инновация – бу инсоннинг тасаввурида, ижодида “пишиб” етилган, ақлий меҳнатнинг якуний натижаси сифатида ихтиро

<sup>44</sup> Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент: Учеб. пособие для вузов. – СПб: Питер, 2001. – 304 стр.

<sup>45</sup> Хамраева С.Н. Қишлоқ инфратузилмасини инновацион ривожлантириш: Монография; – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2017. – 256 бет.

қилинган, жорий қилинган, киритилган, ишлаётган моддий ва номоддий кўринишдаги мулкни ифодаловчи тушунчадир.

Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида:

- инновация – фуқаролик муомаласига киритилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган, қўлланилиши амалиётда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлайдиган янги ишланма;

- янги ишланма – мавжуд ўхшаш интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан янги белгиларга эга бўлган, амалда қўллаш мумкин бўлган ва амалиётда ундан фойдаланганда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлай оладиган интеллектуал фаолият натижаси (ишлаб чиқариш, маъмурий, тижорат ёки бошқа хусусиятга эга янги ёки мукамал технология, хизмат ва ташкилий-техник ечим)” эканлиги қайд этилган<sup>46</sup>.

Инновация – иқтисодий категориядир. У ишлаб чиқариш ва янгиликларни амалга оширишнинг энг умумий хусусиятлари, белгилари, алоқаси ва муносабатларини ифодалайди. Инновациялар иқтисодий категория сифатида иккита асосий функция – такрор ишлаб чиқариш ва рағбатлантириш функциясини бажаради.

Инновациялар корхоналар рақобатбардошлигини оширишда алоҳида роль ўйнайди.

Иқтисодий адабиётларда инновацияларнинг баъзи бир муҳим турлари сифатида қуйидагилар келтирилади:

- технологияларга асосланган инновациялар
- эндоген ёки экзоген инновациялар

Технологик инновациялар деганда юридик шахснинг технологик янги маҳсулотлар ва жараёнларни, шунингдек, маҳсулотлар ва жараёнларда сезиларли даражада такомиллаштиришларни, технологик янги ва сезиларли даражада такомиллаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши (етказиб берилиши) бўйича янги ёки сезиларли даражада такомиллаштирилган усулларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ фаолияти назарда тутилади.

Технологик инновациялар юридик шахс томонидан биринчи маротаба ишлаб чиқилаётган маҳсулотлар, жараёнлар, хизматлар ва

---

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни, 2020 йил 24 июль.

усуллар шаклида (агар улар бошқа юридик шахслар томонидан қўлланилаётган бўлса ҳам) бўлиши мумкин.

Технологик инновацияларнинг иккита тури мавжуд. Булар: маҳсулотлар бўйича инновациялар ва жараёнлар бўйича инновациялар.

Саноат ишлаб чиқаришида маҳсулот бўйича инновациялар технологик янги ва такомиллаштирилган маҳсулотларни тайёрлаш ва жорий этишни ўз ичига олади. Технологик янги маҳсулот – технологик хусусиятлари (функционал белгилари, конструктив йўл билан бажарилиши, қўшимча операциялари, шунингдек қўлланиладиган таркибий қисмлар ва материаллар таркиби) ёки қўлланилиш мақсади принципиал жиҳатдан янги ёки юридик шахс томонидан илгари ишлаб чиқарилган шунга ўхшаш маҳсулотдан сезиларли даражада фарқ қилувчи маҳсулотдир. Бундай инновациялар принципиал жиҳатдан янги технологияларга ёки мавжуд технологиялардан, тадқиқот ва ишланмалар натижаларидан фойдаланишга асосланган бўлиши мумкин.

Технологик жиҳатдан такомиллаштирилган маҳсулот – бу юқорироқ самарали таркибий қисмлар ва материаллардан фойдаланиш, бир ёки ундан ортиқ техник таркибий қисмларини қисман ўзгартириш (комплекс маҳсулотларда) йўли билан ишлаб чиқарилишининг сифат бўйича хусусиятлари яхшиланадиган ва иқтисодий самарадорлиги ошадиган маҳсулотдир.

Жараёнлар бўйича инновациялар – технологик янги ёки технологик жиҳатдан сезиларли даражада такомиллаштирилган ишлаб чиқариш, шунингдек, маҳсулотларини етказиб бериш усулларини ишлаб чиқиш ёки жорий этишни ўз ичига олади. Бу турдаги инновациялар янги ишлаб чиқариш асбоб-ускуналаридан, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг янги усулларидан фойдаланишга ёки уларни биргаликда қўллашга, шунингдек, тадқиқот ва ишланмалар натижаларидан фойдаланишга асосланган бўлиши мумкин.

Бундай инновациялар, одатда, корхонада илгари мавжуд бўлган маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки етказиб беришнинг самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиши, шунингдек, одатдаги усуллар ёрдамида амалга ошириш имкони бўлмайдиган технологик жиҳатдан янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотларни

ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш учун мўлжалланган бўлиши мумкин.

Технологик инновацияларга қуйидагилар кирмайди:

- маҳсулотдаги эстетик (рангида, безатилишида) ўзгартиришлар;

- маҳсулотнинг конструктив вазифаларини ўзгартирмайдиган, унинг ёки таркибий қисми ҳисобланган материаллар ва компонентларнинг кўрсаткичларига, хусусиятларига, нархига етарлича сезиларли таъсир кўрсатмайдиган техник ва ташқи кўринишда сезиларсиз даражадаги ўзгартиришлар;

- вақтинчалик талабни ва корхонанинг даромадларини таъминлаш мақсадида илгари ишлаб чиқарилмаган, аммо маҳсулотлар бозорида етарлича маълум бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш (бошқа ихтисослик бўйича бўлиши ҳам мумкин) эвазига уларнинг турларини кўпайтириш. Масалан, машинасозлик заводида мавсумий талабдан фойдаланган ҳолда ёзги даврда бошқа ихтисослик бўйича маҳсулот, яъни мих ишлаб чиқарилиши;

- маълум моделдаги қўшимча дастгоҳларни ўрнатиш, ҳатто уларни шу моделнинг охириги модификацияга алмаштириш эвазига ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш;

- тўлалигича бошқа ташкилот томонидан ишлаб чиқарилган ва тайёрланган инновацион товарлар, ишлар, хизматларни сотиш;

- ташкилий ва бошқариш бўйича ўзгартиришлар.

“Эндоген” ва “экзоген” тушунчалари иқтисодиётнинг барча соҳаларида қўлланилади. Улар грек тилига мансуб бўлиб “endo“ – ичида + “genes“ – вужудга келадиган; “exo“ – ташқи, ташқарида + “genes“ – вужудга келадиган, деган маъноларни англатади. Ички омиллар натижасида пайдо бўладиган нарса (ҳолат)лар – эндогенлидир. Ташқи омиллар таъсири натижасида вужудга келадиган нарса (ҳолат)лар эса – экзогенли дейилади. Шу сабабдан ҳам инновацияларнинг пайдо бўлиши манбаларини ва сабабларини тавсифлаш учун “эндоген” ва “экзоген” атамаларидан фойдаланилади (7.3.1-чизма).



### 7.3.1-чизма. Инновацион жараёнда экзоген ва эндоген омиллар

7,3,1-чизмада келтирилган моделда, экзоген омилларнинг инновацион жараёнга таъсир этиши натижасида эндоген омилларнинг шаклланиши акс эттирилган..

Экзоген омиллар – бу олдиндан туртки берадиган ташқи омиллар бўлиб, инновацион жараёнга таъсир кўрсатади ва бу жараённинг амалга оширилишига боғлиқ бўлмайди. Аммо, улар янги маҳсулот ва янги жараёнга сабабчи бўлиши мумкин.

Эндоген омиллар – бу инновацион жараён ичида шаклланадиган ва инновацион маҳсулот олинадиган жараёнда мавжуд бўладиган омиллардир.

Кўпчилик иқтисодчилар қандай қилиб ҳукумат инновацион фаолият (жараёнлар)га таъсир қиладилар деб савол берадилар. Маълумки ҳукумат иқтисодиётда жуда катта имкониятга ва кучга эга бўлган субъект ҳисобланади, шунинг учун унинг ҳаракатлари катта аҳамиятга эга.

Ҳукумат иқтисодиётга турли хил йўллар билан таъсир қилиши мумкин ва бунга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- ҳукумат қонуний ҳужжатларни белгилашда кўмаклашади ва бу нарса ўз навбатда инновацион маҳсулот яратувчиларга катта имконият туғдиради. Агарда ҳукумат бундай шароитларни яратиб бераолмаса у ҳолда шу мамлакатда инновацион фаолият, деярли, амалга ошмаслиги мумкин;

- ихтиро, патент, саноат намуналари, товар белгилари ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этади. Бу билан у инновацион жараён иштирокчиларининг технологик мусобақада ғолиб бўлишлигини ҳамда манфаатдорлигини таъминлайди;

- ҳукумат инновацион фаолиятнинг юқори суръатларда ривожланишига турли хил воситалардан фойдаланган ҳолда (давлат бюджетидан молиялаштириш, имтиёзлар тақдим этиш ва ҳоказолар) орқали таъсир қилиши мумкин.




## 7.4. Инновацион фаолиятни ташкил этувчи жараёнлар

Инновацион фаолият – бу ишлаб чиқаришни, унинг моддий-техника базасини янгилашга ва ривожлантиришга имкон берувчи янги ғоялар ва ишланмаларни яратиш, ўзлаштириш ва татбиқ этишга қаратилган жараёнлар мажмуасидир.

Инновацион фаолиятнинг пировард натижаси бўлиб – инновацион маҳсулот ва технологиялар ҳисобланади. Инновацион маҳсулот ва технологиялар ўзининг ҳажми билан фарқланади, у янги технологияни жорий этилиши эвазига корхона ишлаб чиқариш имкониятларининг ўсишини ифодаловчи кўрсаткичларда ўз аксини топади.

Инновацион фаолият ўз ичига маълум босқичли жараёнларни олади. Ушбу босқичли жараёнлар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин (7.4.1-чизма).



**7.4.1-чизма. Инновацион фаолиятни ташкил этувчи жараёнлар**

Инновацион фаолиятни мазмун ва моҳиятига, пировард олинadиган натижасига кўра – корхоналар томонидан олиб бориладиган ички инвестиция фаолиятининг таркибий қисми, яъни унинг бир бўлаги деб ҳисоблаш мумкин. Инновацион фаолиятга сарфланган маблағлар жами капитал инвестициянинг янги ғоя, ишланмалар, жараёнлар, маҳсулот турларини яратиш, ўзлаштириш ва татбиқ этишга тааллуқли бўлган қисмидир.

Инновацион фаолият макон ва замонда юз берган ва бераётган, ўзининг моддий ва номоддий кўринишдаги ҳамда пулда баҳоланадиган мулк шаклидаги пировард маҳсулига эга бўлган, бунга эришиш учун маълум сарф-харажатларни талаб қиладиган хўжалик фаолиятининг бир тури ҳисобланади.

Инновацион фаолиятнинг объекти – бу инновацион маҳсулот ва технологиялар ҳисобланади

Инновацион фаолият субъектлари қуйидагилардан иборат:

- инновацион фаолият билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслар;

- инновацияларни амалга оширувчи турли мулкчилик шаклидаги инновацион корхоналар;

- инновацион фаолият жараёнида амалга ошириладиган интеллектуал мулк эгалари: корхоналар лойиҳалари, қурилмалар, саноат намуналари, технологик жараёнлар, “ноу-хау”, кашфиёт ва ихтиролар муаллифлари, дизайнерлар;

- инновацияларни амалга оширишга капитал киритувчи инвесторлар: банклар, фондлар, корпорациялар, лизинг фирмалари ва ҳоказолар;

- инновацион жараёнга хизмат кўрсатадиган ва унинг инфратузилмасини таъминлайдиган воситачилар: консалтинг ва инжиниринг фирмалари, технологик инкубаторлар, технопарклар, технополислар, ахборот марказлари ва бошқалар;

- инновацион фаолиятни бошқариш, мувофиқлаштириш ва тартибга солишда иштирок этадиган давлат органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари.

“Инновацион фаолият – янги ишланмаларни ташкил этиш, шунингдек ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг ўтказилиши ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича фаолият”дир<sup>47</sup>.

Инновацион фаолиятнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- инновацион фаолиятнинг эркинлиги;

- инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашдан тенг фойдаланилишини таъминлаш;

- инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ошқоралиги ва аниқ йўналтирилганлиги;

- рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш;

- ахборотни эркин алмашиш;

- инновацион фаолият натижасида яратилган интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш;

---

<sup>47</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни, 2020 йил 24 июль.

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарар етказмаслик<sup>48</sup>.

Корхонанинг инновация фаолияти илмий-техника изланишлари натижаларини янги маҳсулот ёки янги технологик жараён кўринишида ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилади.

Инновация жараёни қандайдир корхонанинг инновация фаолиятини англатади. Инновацион жараён – бу маълум кетма-кетликдаги ходисалар занжири бўлиб, унинг давомида янгилик ғоя шаклидан маълум бир маҳсулот, технология ёки хизматлар кўринишида “етилади” ва хўжалик амалиётида тарқалади.

Инновация жараёни ўз ичига етгита элементларни қамраб олган бўлиб, уларни ягона занжир сифатида кетма-кет бирлаштириш инновация жараёни таркибини ташкил этади.

Инновация жараёнининг элементларига киради:

- инновацияларни инициализация<sup>49</sup> қилиш;
- инновациялар маркетинги;
- инновацияларни ишлаб чиқиш;
- инновацияларни амалга ошириш;
- инновацияларни олдинга ҳаракат қилдириш;
- инновацияларнинг иқтисодий самарасини баҳолаш;
- инновацияларнинг диффузияси (тарқалиши).

Инновация жараёнининг боши бўлиб инициализация ҳисобланади. Бу ғояни материализация қилиш, яъни ғояни маҳсулотга (мулк, янги маҳсулот ва бошқаларга) айлантиришни билдиради.

Янги маҳсулотни асослашдан кейин тақдим қилинаётган инновацияни маркетинг изланишлари ўтказилади: янги маҳсулотга бозор талаби ўрганилади, ишлаб чиқариш хажми белгиланади, истеъмол хусусиятлари ва бозорга чиқиши мўлжалланаётган инновацион маҳсулотнинг тавсифлари аниқланади. Сўнгра эса инновацияни сотиш амалга оширилади, яъни бозорда инновациянинг кичик партияси пайдо бўлади, унинг ҳаракати, самарадорлиги ва тарқалиши (диффузияси) баҳоланади.

---

<sup>48</sup> <sup>48</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни, 2020 йил 24 июль.

<sup>49</sup> Инициализация – бу инновация мақсадини танлаш, инновация бажарадиган масаланинг қўйилиши, инновацион ғояни қидириш, уни техник-иқтисодий асослаш ва ғояни материализациялашни англатади.

Инновациянинг ҳаракати – инновацияни амалга оширишга қаратилган комплекс тадбирлар (реклама, савдо жараёнини ташкил қилиш ва бошқалар)дан иборат.

Инновациянинг ҳаракатланиш жараёнлари таҳлил қилинади ва эришилган натижалар асосида унинг иқтисодий самарадорлиги аниқланади.

Инновация жараёни – инновациянинг диффузияси<sup>50</sup> (тарқалиши) билан тугалланади, яъни инновацион маҳсулот ёки технология худудларга, бозорларга тарқалади.

Барча иқтисодий жараёнлар, инсон ҳаёти каби, вақт билан боғланган ҳолда кечади, яъни қачондир бошланади, олдинга ҳаракат қилади ва тугалланади. Инсонларнинг эҳтиёжлари ва ҳаракатлари ҳаётларининг бир этапидан бошқасига ўтганида ўзгариб боради. Худди шундай ҳар қандай маҳсулот бир қатор босқичдан ўтади ва бу босқичлар тўплами уларнинг ҳаётий цикллари ташкил қилади.

Инновацияларнинг ҳаётий цикли маълум бир вақт давридан иборат бўлиб, бу давр ичида инновация фаол ҳаётий кучга эга бўлади ва ишлаб чиқарувчига ёки сотувчига фойда келтиради, ёки бошқа ҳақиқий нафни таъминлайди.

Инновацион фаолиятнинг ривожланишига қандай омиллар қандай таъсир кўрсатишини олдиндан билиш муҳим ўрин эгаллайди (7.4.1- жадвалга қаранг).

### **7.5. Саноатда инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари**

Бугунги кунда жамият шу даражада тараккий этиб кетдики, унда ўз ўрнига эга бўлишни истаган ҳар қандай корхона рақобатга киришмоғи шарт бўлиб қолди. Бундай шароитда корхоналар ўз ҳаётлари давомийлигини таъминлаши ва бозорлардаги ўринларини сақлаб қолишлари учун инновацион ривожланиш йўлини танламоғи зарур бўлади.

Саноат корхоналарининг иқтисодий ривожланишда инновацияларнинг роли – технологик базани янгилаш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги бозорларни эгаллаш ва бу билан иқтисодий ўсишнинг янада юқори суръатларига эришишда ўз аксини топади.

---

<sup>50</sup> Диффузия (лот.diffusio) – тарқалиш, ёйилиб кетиш.

Корхоналарнинг янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва сотиш фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- янги ғояларни ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш, янги маҳсулотларнинг тажриба намуналарини яратиш;

- янги тур маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё ва материалларни танлаш;

- янги маҳсулотларни тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш;

- янгиликларни жорий этишга қаратилган янги ташкилий-бошқарув қарорларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- инновацион ахборот таъминотини ишлаб чиқиш ва олиш;

- илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш бўйича ходимларни тайёрлаш, ўқитиш ва малакасини ошириш;

- маҳсулотларнинг хоссаларини истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжларига мослаш;

- юқори даражадаги сифат кўрсаткичларига эришиш борасидаги тадқиқотлар олиб бориш;

- лицензиялаштириш, патентлаштириш ва ноу-хауларга эгаллик қилиш бўйича керакли ҳужжатларга эга бўлиш ва бошқалар.

Омиллар гурухи	Инновация фаолиятига қаршилик қилувчи омиллар	Инновация фаолиятига ёрдам қилувчи омиллар
Иқтисодий, технологик	Инновация лойихаларини молиялаштиришга воситаларнинг етишмасли, материал ва илмий-техника базасини кучсизлиги, захира қувватларининг йўқлиги, жорий ишлаб чиқариш манфаатларини кучлилиги.	Молиявий ва материал-техник воситалар-нинг захирасини, илғор технологияларни, зарур хўжалик ва илмий техника инфратузилмаларининг мавжудлиги
Сиёсий, ҳуқуқий	Монополияга қарши, солиқ, амортизация, патент-лицензия қонунчилиги томонидан белгиланган чегаралар.	Инновация фаолиятини рағбатлантирувчи қонуний чоралар, инновацияларни давлат томонидан қўллаб қувватлаш.
Социал-психологик, маданият	Ходимнинг статусини ўзгаришига, янги иш жойини ахтариш зарурати, янги иш жойини қайта қуриш, шаклланган фаолият усуллари қайта қуриш, стереотип бўлиб қолган хулқ –ахлоқ ва ананаларни бузилиши, ноаниқликлардан қўрқиш, мувофақиятсизликлар учун жазолашлардан хавфсирашларга олиб келувчи ўзгаришларга қаршилик қилиш	Инновация жараёнлари иштирокчиларини маънавий рағбатлантириш, жамият томонидан тан олиш, ўзи-ўзини қўллаб қувватлаш имкониятларини таъминлаш, ижодий меҳнатни эркинлаштириш, меҳнат коллективида нормал психологик климатни таъминлаш
Ташкилий-бошқарувчи	Компаниянинг шаклланган ташкилий таркиби, ортиқча марказлаштириш, бошқаришнинг авторитар стили, вертикал ахборотлар оқимининг устунлиги, маъмурий ўралашиб қолиш, тармоқлараро ва ташкилотлараро ўзоро муносабатларнинг қийинчилиги, режалаштиришдаги қийинчиликлар, мавжуд бозорларга йўналтирилганлиги, қисқа муддатда ўзини қоплашга йўналтирилганлиги, инновация жараёнлари иштирокчиларининг манфаатларини кўзлашнинг қийинчиликлари.	Ташкилий таркибларни мослашувчанлиги, бошқаришда демократик стил, горизонтал ахборот оқимларини устунлиги, ўзини ўзи режалаштириш, тузатишлар киритиш имкониятини яратиш, марказлаштиришни камайтириш, автономия, мақсадни кўзла-ган ишчи гуруҳларини шакллантириш.

#### 7.4.1-жадвал. Инновация жараёнларининг ривожланишига таъсир ўтказувчи омиллар

Корхоналарда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг таркибий қисмлари:

- ходимлар салоҳияти – ишчилар таркиби, ишчиларнинг малака даражаси, ходимларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими;

- молиявий иқтисодий салоҳият – молиявий барқарорлик, ликвидлилик, фойдалилик, корхона рентабеллиги, бозордаги мавқеи, инновацияларнинг фойдалилиги, асосий капитал, илмий тадқиқот ишларига инвестициялар, молиялаштириш манбалари;

- ишлаб чиқариш-технологик салоҳияти – ишлаб чиқариш фондларининг ҳолати ва технологик даражаси, ишлаб чиқаришнинг замонавий инновацион ва ахборот технологиялари, илғор ускуналар, материаллар, лаборатория ва офис жиҳозлари;

- илмий-техник салоҳият – илм талаб янги ишланмаларни ишлаб чиқиш тажрибаси, интеллектуал мулк объектлари (рўйхатга олинган ва жорий қилиш босқичигача олиб борилган);

- ташкилий бошқарув салоҳияти – ташкилий тузилма, инновацион инфратузилма, инновацион менежментнинг самарадорлиги, инновацияларни бошқаришнинг маркетинг стратегиялари, инновацияларни молиялаштиришни ташкил қилиш, интеллектуал мулк бўйича қонунчилик даражаси, интеллектуал мулкни бошқариш;

- инновацион фаоллик омиллари – корхонанинг мулк шакли ўлчамлари, тармоқ мансублиги, корхона ходимларининг инновацион фаолиятини амалга оширишга тайёрлиги ва қобилияти.

Инновацион фаолиятда салоҳият омили деганда, корхона инновацион ўсишининг жадаллиги ва тавсифига таъсир ўтказувчи шартлар, сабаб ва кўрсаткичларни тушунамиз. Бунда инновацион жараён, кўплаб омилларнинг ўзаро таъсири натижаси сифатида майдонга чиқади. Фақат шундагина инновацияларни яратиш ва улардан фойдаланиш имкониятини туғдиради.

Саноат корхонаси инновацион салоҳиятини ривожлантиришни фақатгина унинг таркибий қисмларини ривожлантириш орқалигина амалга ошириш мумкин.

Корхона инновацион салоҳиятининг шаклланиши ва амалга оширилиши – илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларидан то маҳсулотнинг оммавий ишлаб чиқариш ёки инновацион технологияларни қўлланилишигача, инновацион

жараёни жадаллаштирувчи омиллар ва шароитлар мажмуининг ўзаро тизимли таъсири билан боғлиқ.

Саноат корхоналари фаолиятида маркетинг инновацияларини қўллаш яхши самара беради. Маркетинг инновациялари деганда янги ёки сезиларли яхшилانган маркетинг услубларини жорий этиш тушунилади. Улар ўз ичига:

- маҳсулотларнинг дизайни ва қадоқланишида жиддий ўзгартиришлар;

- маҳсулотларни сотиш ва тақдироти бўйича, шунингдек, уларни бозорларга танитиш ва олға силжитиш бўйича янги услублардан фойдаланиш;

- янги нарх стратегияларини шакллантиришни олади.

Маркетинг услубларининг яхшиланиши – маҳсулот истеъмолчиларининг эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, сотиш ҳажмини кўпайтириш мақсадида маҳсулотлар истеъмолчиларининг таркибини кенгайтиришга йўналтирилган бўлади.

Маҳсулот дизайнидаги ўзгартиришлар – янги маркетинг концепциясининг бир қисми бўлиб, улар маҳсулотнинг шакли ва ташқи кўринишидаги ўзгартиришларни ўз ичига олади. Булар маҳсулотнинг функционал ва фойдаланиш хусусияларига таъсир кўрсатмайди. Шунингдек, бундай ўзгартиришларга қадоқланиши ташқи кўринишини таърифлаб берувчи истеъмол маҳсулотлари, ичимликлар, ювиш воситалари каби маҳсулотларнинг қадоғидаги ўзгартиришлар ҳам киради.

Янги маркетинг усулларида фойдаланиш янги бозорларни эгаллаш имкониятини беради

Инновацион маркетинг – янги маҳсулотлар, ускуналар, хизматлар ва янги технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни бозорда сотиш учун янги маркетинг усулларида фойдаланиш билан боғлиқ.

Корхоналар фаолиятини чуқур таҳлиliga асосан, маркетингда инновациялардан фойдаланиш – истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш ҳамда янги бозорларни эгаллаш имкониятини беради.

Ишлаб чиқариш корхоналарида маркетингнинг асосий тамойилари:

- истеъмолчиларга нима керак бўлса шу нарсани таклиф этиш;
- харидорлар мотивларини, уларнинг хулқ-атворларини таҳлил қилиш;



- рақобатчиларни, уларнинг стратегияси ва тактикасини ўрганиш;

- бозордаги рақобатнинг ўзини таҳлил қилиш;

- истеъмол моллари бозорини билиш, ҳар бир турдаги маҳсулотга харидорлар талабини ҳар томонлама ўрганиш, олинган ахборотдан хўжалик юритиш қарорларини қабул қилиш жараёнларида фойдаланиш;

- маҳсулотларни сотиш ва сервис жараёнини мақсадли бошқарилишини таъминлаш;

- маркетинг изланиши натижасида юзага келган масалаларни ҳал этилишига ижодкорлик билан ёндошишни ривожлантириш ва рағбатлантириш;

- янги, айниқса юқори сифатли маҳсулотларни истеъмолчиларга етказишдан кеч қолмаслик;

- корхона маҳсулотлари сотиладиган ҳудудларни гуруҳларга ажратиш (бозорни сегментлаштириш) ва корхонанинг имкониятига яраша иш юритиш;

- истеъмолчилар талаб-эҳтиёжини тадқиқ қилгандан сўнг маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- маркетинг концепцияси воситаларини қўллаш асосида маркетинг дастурини шакллантиришга олиб келувчи қўйилган мақсадларга эришиш учун комплекс ёндошиш ва мақсадли дастур услубини ишлатиш.

Корхоналар инновацион фаолиятга ички ва ташқи омиллар таъсир этади. Ички омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ишлаб чиқариш базаси ривожланишининг моддий-техник базаси;

- корхона ихтисослиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг мақсади;

- бошқарув тури ва ташкилий тузилмаси;

- бошқарув услуби ва услубиёти;

- ишлаб чиқаришнинг янгилик даражаси;

- ходимларнинг (талаб қилинган ва мавжуд) малакавий даражаси;

- ходимларни рағбатлантириш тизими;

- ходимларнинг инновациявий фаоллиги даражаси;

- ташкилий-маданият ва бошқалар.

Ташқи омиллар сирасига куйидагилар киради:

- бозор тузилмалари;
- солиқ тизими;
- қонуний-ҳуқуқий тизим;
- молия-кредит тизими;
- умумиқтисодий, социал ва ташқи сиёсий характерга эга омиллар;

- тарихий ва миллий омиллар.

Ҳозирда юқори технологияга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, корхоналар манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва мамлакат экспорт ҳажмида инновацион маҳсулотлар улушини кўпайтириш лозим.

Бу жараёнларда куйидагиларга асосий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- инновацион фаолиятни ривожлантириш учун зарурий инфратузилмани шакллантириш;
- юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- юқори қўшилган қийматга эга экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқиш;
- саноат кооперациясини ривожлантириш орқали юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жарёнларини чуқурлаштириш;
- инновацион корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни халқаро стандартлар бўйича лицензиялаш;
- ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ молиявий ва бошқа хатарларни суғурта қилишни таъминлаш;
- экспортёрларга ахборот-маслаҳат кўмагини ташкил қилиш ҳамда махсус имтиёзлар тизимини тақдим этиш;
- инновацион маҳсулотлар ярмаркаси ва кўрғазмаларини ўтказиш, рекламани ташкил қилиш ва хорижий давлатларда шерикларни топишга кўмаклашиш;
- халқаро бозорларда миллий инновацион маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича шарт-шароитлар яратиш зарур.

Инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ушбу йўналиши – фаолияти юқори технологияга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг экспорт салоҳиятини оширишга ва уларнинг ташқи иқтисодий фаолияти самарадорлигини таъминлашга имкони беради.

**Таянч иборалар:** Иқтисодиёт, фан, илм, билим, малака, техника, технология, тадқиқот, корхона, маҳсулот, лицензия, экспорт, ходимлар, салоҳият, стратегия, инновация, фаолият, жараён, самарадорлик.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Фан-техника тараққиётининг моҳияти ва аҳамияти нимада?
2. Техника ва технологиянинг тавсифи ва унинг турлари.
3. Фан-техника тараққиётининг йўналишлари
4. Инновация нима?
5. Инновацион маҳсулотнинг қандай турлари мавжуд?
6. Инновация объекти нималардан иборат киради?
7. Инновация субъектларини айтинг.
8. Инновацияларнинг қандай турларини биласиз?
9. Инновацион технологиялар ва улардан корхоналарда фойдаланиш заруриятини ёритинг.
10. Корхоналарда инновацион технологиялар салоҳиятини оширишга таъсир қилувчи омилларни айтинг.

## **VIII БОБ. Ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этиш**

### **8.1. Ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг асосий шакллари**


Аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш ва маданий турмуш даражасини кўтариш мамлакат иқтисодий стратегиясининг асосий мақсади ҳисобланади. Унинг руёбга чиқарилиши – фан-техника тараққиёти негизида иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлашни талаб қилади.

Иқтисодиёт тармоқларида, хусусан, саноатда барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш – фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқларини тезроқ ва кенгроқ жорий этиш, ишлаб турган ишлаб чиқариш қувватларидан, меҳнатдаи тўла ва оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришни техника билан қуроллантириш, меҳнат воситаларини модернизация қилиш ва янгилаш, шунингдек, моддий, молиявий ва энергетик ресурслар ва нш вақтидан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳамда хўжалик механизмини такомиллаштириш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқаришни юқори даражада жадаллаштириш ва сифатини яхшилашни кўзда туттади.

Саноат корхоналарини ривожлантиришнинг самаралн йўналишларидан бири – ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакллари янада такомиллаштириш зарурлигидир. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шаклларига: концентрациялаш, ихтисослаштириш, кооперациялаш ва комбинациялаш киради (8.1-чизма).

Концентрациялаш – бир хил, ўхшаш маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни йириклаштиришдир.

Ихтисослаштириш – бу алоҳида ишлаб чиқариш участкалари, цехлар, корхоналар, тармоқларни конструктив ва технологик жиҳатдан ўхшаш бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ёки жараёнларни бажаришга мужассамлаштиришдир.



**8.1.1-чизма. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклларининг тузилиши**

Кооперациялаш – маълум турдаги маҳсулотни ҳамкорликда тайёрлаш бўйича корхоналарнинг биргаликда фаолият кўрсатишидир.

Комбинациялаш – турли тармоқларга мансуб бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни ёки жараёнларни бир корхона миқёсида мужассамлаштиришдир.

Бу шакллар ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг энг илғор шаклларида ҳисобланиб, миллий иқтисодиётнинг ҳамма тармоқларида, шу жумладан саноатда ҳам қўлланилади.

Ҳозирги пайтда саноатни трансформациялашдаги асосий вазифаларидан биринчи – ишлаб чиқаришни ташкил қилиш

шакллари: ихтисослаштириш, концентрациялаш, кооперациялаш ва комбинациялашни такомиллаштиришдир .

Ўзбекистон саноатида ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг энг муҳим шаклларида ҳисобланган ихтисослаштириш ва кооперациялаш даражаси бир қатор ривожланган мамлакатлардагига қараганда бирмунча пастдир. Концентрациялаш даражаси юқори бўлишига қарамадан ҳали уни янада юқори даражага кўтариш учун имкониятлар бор. Комбинациялаш ҳозирги даврда саноатда кенг қўлланилмоқда.

Бу вазифаларнинг долзарблиги, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган: “Саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш<sup>51</sup> ҳамда трансформация<sup>52</sup> жараёнларини яқунлаш”<sup>53</sup> зарурияти билан изоҳланади.

## **8.2. Ишлаб чиқаришни концентрациялаштириш**

Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам корхоналар тегишли белгиларига кўра – йирик, ўрта ва кичик корхоналарга табақалашган. Ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес субъектлари йирик корхоналарга нисбатан юқори суръатлар билан ривожланмоқда. Кичик корхоналар ишлаб чиқаришни янги маҳсулотлар бўйича қайта қуришга, қўшимча иш ўринлари очишга ҳамда бандлик масаласини ҳал этишга яхши мослашган бўлади.

“Мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар таркибида кичик бизнес субъектлари салмоқли ҳиссани ташкил этаётган бўлсада, миллий иқтисодиётда йирик корхоналарнинг ҳам роли беқиёс. Чунки, кичик бизнес субъектларида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш воситалари (машина, ускуна ва ҳоказолар)нинг аксарият қисми йирик корхоналарда тайёрланади.

Йирик корхоналарда фан-техника ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш асосида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда янги маҳсулот турларини ихтиро этиш нуқтаи назаридан, илмий-қидирув лабораториялари фаолиятини йўлга қўйиш имконияти мавжуд. Бу

---

<sup>51</sup> Либераллаштириш – эркинлаштириш, демакдир.

<sup>52</sup> Трансформация – ўзгариш, ўзгартириш, бошқа ҳолга ўтиш, бир шаклдан иккинчи шаклга айлантириш (ўтиш).

<sup>53</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони (1-илова, 22-мақсад).

йўсиндаги ишлар, табиийки, мамлакатда фан-техника тараққиёти-нинг ривожланишига йўл очиб беради”<sup>54</sup>.

Шунингдек, йирик корхоналарда меҳнат анча унумлироқ бўлади. Бу эса, табиийки, ишлаб чиқаришни конциентациялашнинг самарадорлиги демакдир.

Ишлаб чиқаришни конциентациялаштириш — бу маҳсулот тайёрлаш, иш бажариш ёки хизмат кўрсатишни энг йирик корхоналарда тўплаш жараёнидир.

Конциентациялаш — ишлаб чиқаришни йириклаштириш, маҳсулот, ишчи кучлари ва меҳнат воситаларини асосан йирик, катта корхоналарда тўплаш билан тавсифланади.

Бироқ, ишлаб чиқаришнинг ўта йириклашуви ҳам, айрим пайтда, кутилган натижани бермаслиги мумкин. Шу сабабдан саноатнинг ҳар бир тармоғидаги корхоналар – ишлаб чиқариш ҳажми, хом ашёни етказиб келиш ва тайёр маҳсулотни ташиш бўйича оптимал миқдори белгилаб олишади.

Ишлаб чиқаришнинг оптимал миқдори – белгиланган муддатда кам харажат қилган ҳолда юқори самарага эришиб, шартнома шартларини бажарилишини англатади.

Ишлаб чиқаришини конциентациялаш ҳар хил шакллар орқали амалга оширилиши мумкин:

- бир хилдаги маҳсулотларни (ихтисослашган корхоналар шаклида) ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали;
- турли хилдаги маҳсулотларни (ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар шаклида) ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали;
- корхоналарни комбинациялаш асосида кенгайтириш орқали (корхона-комбинатлар шаклида);
- ишлаб чиқаришни диверсификациялаш асосида кенгайтириш орқали.

Конциентациялаш ишлаб чиқаришнинг қийин шакли бўлиб, унга:

- олдиндан мавжуд бўлган машина, технология, техник линияларни кўпайтириш;

---

<sup>54</sup>Шавқиев Э. Тадбиркорлик – аҳоли фаровонлигини оширишда асосий омил. //Хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш: муаммо ва ечимлар. Монография. Муаллифлар жамоаси – Т.: “Fan va technology”, 2019, 103-104 бетлар.

- катта қувватга эга бўлган машина ва ускуналарни қўллаш;
- ишлаб чиқариш корхоналарни янги замонавий услубдаги машина, ускуналар билан қуроллантириш;
- ўзаро боғлиқ корхоналарни комбинациялаш орқали эришиш мумкин.

Умуман олганда ишлаб чиқаришни концентрациялашнинг энг мақбул йўли – бу корхонага катта қувватдаги янги машина ва ускуналарни жалб қилишдир.

Ишлаб чиқаришни концентрациялаш жараёнини икки:

- абсолют концентрациялаш (корхоналарни бирлаштириш, йириклаштириш);
- нисбий концентрациялаш (тармоқ ёки саноат бўйича умумий ишлаб чиқариш ҳажмида йирик катта корхоналар ишлаб чиқариш ҳажми салмоғини ошириш) кўринишида тасвирлаш мумкин.

Абсолют қонтрациялаш қуйидаги асосий шаклларда ривожланади:

- агрегат<sup>55</sup> бўйича;
- технологик босқич бўйича;
- корхона бўйича;
- ташкилий-ҳўжалик бўйича.

Агрегат бўйича концентрациялаш – бу ҳар бир иш ўрнида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш демақдир.

Технологик босқич бўйича (корхона ичида) концентрациялаш корхонанинг ишлаб чиқариш бўлинмалари (участка, цехлар)да ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан тавсифланади. Бунда концентрациялаш – асосан технологик жараённи ёки унинг алоҳида бир қисмини бажаришга ихтисослашганлик даражаси бўйича амалга оширилади.

Корхона бўйича концентрациялаш – корхона ичида концентрациялаш даражасини ошириш ва бўлинмалар сонини кўпайтириш натижасида корхона ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни англатади.

Ташкилий-ҳўжалик бўйича концентрациялаш аввал мустақил бўлган бир нечта корхоналарни маъмурий бирлаштириш ва бир бутуи ишлаб чиқариш хўжалик комплексини — корпорацияни ташкил қилиш билан тавсифланади.

<sup>55</sup> Агрегат – бир турли ёки ҳартурли нарсаларнинг механик қўшилишидан ҳосил бўлган нарса.



Ишлаб чиқаришнинг концентрацияланиш даражаси – абсолют ва нисбий кўрсаткичлар орқали аниқланади. Ишлаб чиқариш корхоналарининг кенгайтириш тавсифловчи абсолют кўрсаткичлар қуйидагилар ҳисобланади:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;
- асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати;
- ходимларнинг ўртача йиллик сони.

Булардан энг фаоли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмидир.

Корхоналарнинг нисбий кенгайтириш – ҳар хил ўлчамдаги корхоналар ўртасида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг тақсимоли билан тавсифланади. Яъни, қандайдир маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни бозорда сотиш ҳажмида корхонанинг улуши ва ҳоказолар.

Демак, корхоналарнинг йириклашувини тавсифловчи кўрсаткичларга:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;
- ходимларнинг ўртача йиллик сони;
- асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати;
- фойдаланилган электр энергиясининг йиллик миқдори;
- бозорга олиб чиқилган умумий маҳсулотда корхонанинг улуши (фоизда) ва бошқалар киради.

Ҳозирги пайтда, Ўзбекистон саноатида ишлаб чиқаришни концентрациялаш: йирик корхоналар қуриш, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш; ишлаб турган корхоналарда йирик ихтисослаштирилган поток линияларини ташкил қилиш, кичик ва ўрта корхоналарни бирлаштириш йўллари билан амалга оширилиши мумкин.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ташкил қилишининг илғор ташкилий-ҳўжалик шакли – корпорацияларнинг ташкил қилиниши, саноатнинг янада ривожланишига ва самарадорлигини оширишга сабаб бўлиши тайин. Аммо, бу яқин келажакда рўй бериши эҳтимоли юқори бўлган ҳолатлардан биридир.

“Ўзбекистонда корпорациялар мулк структураси энди шаклланиш босқичида турибди, акциядорлик капиталини консолидациялаш жараёнлари ҳам давом этмоқда, шу боисдан

корпоратив бошқарув таркибининг у ёки бу классик моделига мойиллик ҳақида гапиришга ҳали эрта”<sup>56</sup>.

Ҳозирда мамлакатимизда бир қатор хорижий корпорациялар ўзларининг фаолиятларини юритишмоқда. “Дунёга машҳур Nike, ADIDAS, Apple брендлари, шунингдек, кийим-кечак ва уй-рўзғор буюмларини чакана сотиш бўйича етакчи – INDITEX каби дунё брендлари ўзининг ишлаб чиқариш корхоналарини Ўзбекистонда очмоқда.

Ўтган йили бир қатор жаҳонга машҳур компаниялар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун Ўзбекистонни танлади. Тез кунларда Тошкентда Apple офисининг очилиши кутилмоқда. Сўнгги бир ярим йил ичида эса бир нечта йирик корпорациялар Ўзбекистонда расмий равишда солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтди. Булар: Netflix, Google Commerce, Google Ireland, Google Voice, Samsung Electronics, Cleverbridge, Xsolla, Activision Blizzard International. Ушбу рўйхатга ўтган йилнинг апрель ойида “Apple Distribution International” ҳам қўшилди<sup>57</sup>.

### **8.3. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш**

Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини кенгроқ жорий қилиш, корхоналарни замонавий техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш ҳамда маҳсулот сифатини кескин ошириш – саноат ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг илғор ва энг муҳим шаклларида бири ҳисобланган ихтисослаштиришни янада ривожлантиришни талаб қилади.

Ихтисослаштирилган корхоналарнинг кенгайиши, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашнинг асосий йўналишларидан биридир.

Ихтисослаштириш – меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг шундай шакли-ки, бунда ҳар хил турдаги буюмлар ва улар бўлақларини тайёрлаш ёки технологик жараёнлар босқичларини уларнинг технологик жиҳатдан бир хиллигига қараб

---

<sup>56</sup> Остонақулова Г.М., Одилова С.С. Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарувнинг миллий моделини ривожлантириш истиқболлари. //“Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, апрель, 2013 йил

<sup>57</sup> Нега дунё брендлари Марказий Осиёдан Ўзбекистонни танламоқда, Қозоғистонни эмас? Олам – 23 ФЕВРАЛЬ 2021 visibility17610 <https://qalampir.uz> > news > n.

алоҳида корхона ёки унинг бўлинмаларида амалга ошириш демакдир.

Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви – корхона ходимлари меҳнатининг ихтисослашувини ҳам англатади. Меҳнатнинг ихтисослашуви – моҳиятан худдн техниканинг ривожланиши сингари чегарасиздир. Муайян маҳсулотнинг бирон қисмини тайёрлашга сарф бўладиган ишчи меҳнатининг унумдорлигини ошириш учун, шу қисмни ишлаб чиқариш – ихтисослашмоғи ва тегишли техник восита (машина, ускуна ва ҳоказо)лари билан жиҳозланмоғи зарур. Фақат шундагина, ишлаб чиқариш – кўплаб маҳсулот чиқарашга имкон берадиган махсус ишлаб чиқарнишга айланади.

Ихтисослаштириш – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишнинг бирдан-бир йўлидир, чунки ихтисослаштириш даражаси юқори бўлган корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари бирмунча юқоридир.

Саноат ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш уч шаклда: буюм бўйича, буюм деталлари бўйича ва технологик босқич бўйича амалга оширилади.

Буюм бўйича ихтисослаштиришда корхонани ёки унинг бўлинмаларини бир хил турдаги буюм тайёрлашга ихтисослаштириш тушунилади.

Буюм деталлари бўйича ихтисослаштириш – буюмнинг айрим бир детал(қисм)лариини тайёрлашни алоҳида корхона ёки унинг бўлинмаларида ихтисослаштириши тавсифлайди.

Технологик босқич бўйича ихтисослаштириш – алоҳида корхона ёки унинг алоҳида бўлинмалари маълум технологик жараён ёки айрим иш жараёнларини бажаришга йўналтирилган бўлади.

Корхона цехлари ҳам корхона каби юқорида келтирилган шакллар каби ихтисослаштирилади.

Мамлакатимиз саноат корхоналарида буюм бўйича ихтисослаштириш кенг ривожлаиган. Буни тикувчилик саноатида кузатиш мумкин.

Ихтисослаштиришнинг иккинчи шакли – деталли ихтисослаштириш, яъни буюмнинг бир қисмини, узел<sup>58</sup> деталлини (масалан, моторга поршень, клапан(қопқоқ), карбюратор ва ҳоказоларни) ишлаб чиқариш ҳисобланади.

---

<sup>58</sup> Узел – машина ёки аппаратнинг ўзаро бириккан бир қанча содда деталларидан ташкил топган яхлит бир қисми.

Деталли ихтисослаштиришга икки усулни қўллаш мумкин:

- ихтисослаштирилган корхонада;
- йирик корхоналарнинг ихтисослаштирилган цехларида.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг бир қатор саноат корхоналарида буюм деталларини тайёрлаш иккинчи усул билан, яъни корхонанинг ҳамма цехларини таъминловчи махсус ихтисослаштирилган участкалар (цехлар)да амалга оширилади.

Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришини трансформациялаш шароитида буюмларнинг айрим деталларини тайёрлаш учун ихтисослаштирилган корхоналар ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бу йўсиндаги корхоналарнинг ташкил қилиниши – маҳсулот ассортиментини бойитиш, аҳолининг сифатли буюмларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, ишлаб чиқариш жараёнларини замонавий техника билан қуроллантириш ҳамда комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш, илғор технологик жараёнларни қўллаш, асосий фондлардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун имконият яратди.

Саноат ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришнинг учинчи шакли, яъни технологик босқич бўйича ихтисослаштириш икки усулда амалга оширилиши мумкин:

- ишлаб чиқаришга тайёрлаш;
- буюмларни тайёрлаш.

Ихтисослаштиришнинг бу шакли – тикувчилик саноати корхоналари ичида кенг тарқалган. Уларда тайёрлаш, бичиш, тикиш ва пардозлаш жараёнлари технологик ихтисослаштирилган цехларда бажарилади. Фақат моделлаштириш ва конструкциялаш ҳамда техник хужжатларни тайёрлаш ишлари ишлаб чиқариш жараёнларининг маълум босқичи сифатида модалар уйида марказлаштирилган. Тикувчилик саноати тараққий этган давлатлардаги илғор корхоналар амалиёти далолат берадики, ихтисослаштирилган тайёрлаш-бичиш корхоналарининг ташкил қилиниши – тармоқнинг янада ривожланишига ва самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Технологик босқич бўйича ихтисослаштирилган корхоналарнинг ташкил қилиниши – юкларни ортиш ва тушнриш, омбор ишлари ва бошқа ёрдамчи ишларда қўлда бажариладиган жисмоний

меҳнатни камайтириш, комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш учун имконият яратади.

Хулоса шуки, ихтисослаштириш – ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техник даражасини ошириш, юқори унумли ва қимматбаҳо техникани жорий қилиш ва ундан унумли фойдаланиш, илгор технологик жараёнларни ва технологияни қўллаш, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни оқилона ташкил қилиш ва уни концентрациялаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини кўтариш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун устувор йўналиш ҳисобланади.

#### **8.4. Ишлаб чиқаришни кооперациялаш**

Саноат ишлаб чиқаришини ташкил қилишнинг кооперациялаш шакли, муайян маҳсулотни биргаликда тайёрловчи корхоналар ўртасида узоқ давом этадиган ишлаб чиқариш алоқаларини англатади.

Ишлаб чиқаришнинг кооперациялашуви қандай ҳолатларда бўлиши мумкин? Агарда, корхоналар ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқалари доимий ва узоқ муддатга асосланса, буюртмачи корхона талабларининг қондирилиши, таъминловчи корхонанинг асосий мажбуриятига ва ишлаб чиқариш фаолиятининг таркибий қисмига айлансагина – ишлаб чиқариш кооперацияси шаклланган бўлади.

Саноатнинг аксарият тармоқларида тайёр маҳсулот, маҳсулотга деталь ва узеллар тайёрловчи мустақил корхоналар ўртасида, асосий материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар билан таъминловчи саноатнинг ўзаро боғланган корхоналари (масалан, тўқимачилик ва тикувчилик саноати корхоналари) ўртасида, ҳар хил материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқалар етказиб берувчи саноат корхоналари (масалан, машинасозлик ва тикувчилик саноати корхоналари) ўртасида ишлаб чиқариш алоқалари ўрнатилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги алоқаларнинг тўғри ва оқилона ташкил этилиши – уларнинг бир маромда (бетўхтов) ишлаши, ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва пировард натижада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун шарт-шаронглар яратиш беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперациялашуви ўзаро боғлиқ. Биринчиси

қанчалик кенг тараққий этса, иккинчиси шунчалик чуқурроқ ривожланади.

Амалиётда, ишлаб чиқариш кооперациясининг учта шакли мавжуд: буюм, деталлар ва технологик босқич бўйича.

Буюм бўйича кооперациялаштириш деганда, ўзаро боғланган корхоналарнинг тайёр маҳсулоти (буюми)нинг маълум турларини етказиб бериши бўйича ўзаро ишлаб чиқариш алоқалари тушунилади. Бундай алоқалар, масалан енгил саноатнинг тикувчилик ва тўқимачилик корхоналари орасида мавжуд.

Деталлар бўйича кооперациялаштириш – истеъмол учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар билан, шу тайёр маҳсулотни тайёрлашда ишлатиладиган ҳар хил деталь ва узелларни тайёрлашга ихтисослаштирилган корхоналар ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқаларини англатади. Деталлар бўйича кооперациялаштиришнинг ривожланиши корхоналар ишлаб чиқариш жараёнлари тузилишининг ўзгаришига олиб келади.

Технологик босқич бўйича кооперациялаштириш – маълум технологик жараёнларни бажаришга ихтисослаштирилган корхоналарда ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаб етказиб бериш бўйича корхоналар ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқаларини тавсифлайди. Мамлакатимиз саноат ишлаб чиқаришида ихтисослаштиришнинг учинчи шакли – технологик босқич бўйича ихтисослаштиришни автомобил саноатида кузатиш мумкин.

Кооперациялаштириш тармоқ белгиларига кўра: тармоқ ичидаги (бир тармоқдаги корхоналар бўйича) ва тармоқлараро (ҳар хил тармоқдаги корхоналар бўйича) кооперациялаштиришга бўлинади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, яқин келажакда саноат тармоғида ихтисослаштиришнинг илғор шакллари янада ривожланса

ҳамда асосий ишлаб чиқариш жараёнларига хизмат кўрсатувчи ёрдамчи корхоналар ташкил қилинса – корхоналар ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқаларининг янада кенгайишига ва ривожланишига, ишлаб чиқариш тузилмаларининг такомиллашувига ҳамда аҳолининг хилма-хил, айти пайтда, сифатли истеъмол маҳсулотларига талаб-эҳтиёжининг тўлароқ қондирилишига сабаб бўлади.

## 8.5. Ишлаб чиқаришни комбинациялаш

Комбинациялаш<sup>59</sup> – бу бнр-бнри бнлан техник-иқтисодий ва технологик жиҳатдан боғлиқ бўлган тармоқ корхоналарининг бир комбинатда қўшилувини тавсифловчи ишлаб чиқариш шаклидир.

Ишлаб чиқаришнинг бу шаклида саноат тармоқларн бир корхонада бирлашади: масалан, рудадан чўян қуйиш ва чўянни пўлатга айлантириш, сўнгра, эҳтимол, пўлатдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун, шунингдек, бири иккинчисига нисбатан ёрдамчи роль ўйновчи – чиқиндиларни қайта ишлаш ёки қўшимча маҳсулотни ишлаш, упаковка буюмлари ишлаб чиқариш ва ҳоказолар бўйича.

Комбинатлаштирилган ишлаб чиқаришда бир корхонанинг тайёр маҳсулотидан иккинчи корхона хомашё сифатида фойдаланади. Ишлаб чиқаришнинг бу шаклида:

- ҳар хил турдаги ишлаб чиқаришнинг бирлашуви;
- улар орасидаги мутаносиблик;
- ишлаб чиқариш орасидаги техник-иқтисодий бирлик;
- ягона энергия таъминоти;
- хизмат кўрсатиш ва ёрдамчи соҳаларнинг ягоналиги мавжуд бўлади.

Саноатда ишлаб чиқаришни комбинатлаштиришдан кўзланган мақсадлар қуйидагича:

- биринчидан, хом ашё ва чиқиндилардан оқилона фойдаланиш, бошқарув аппарати ва ярим тайёр маҳсулотларни ташиш харажатларини камайтириш, маҳсулот таннархини пасайтириш;

- иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксиз даражасини ошириш ва уни тезлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, меҳнат воситаларн ва ишчи кучидан итеисив фойдаланиш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш;

- учинчидан, хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар захираларини камайтириш, капитал маблағларини тежаш ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш.

Саноат ишлаб чиқаришида комбинатлаштиришнинг учта шакли қўлланилмоқда:

---

<sup>59</sup> Комбинациялаш – бир мақсадни кўзлаб қилинган бир неча ҳаракатлар, усуллар мажмуи, бирлиги.

- ишлаб чиқаришнинг кетма-кет босқичлари асосида комбинациялаштириш;
- чиқиндилардан қўшимча маҳсулот тайёрлаш асосида комбинациялаштириш;
- хом ашёни комплекс қайта ишлашга асосланган комбинациялаштириш.

Комбинатлаштиришнинг биринчи шакли металлургия, тўқимачилик, чарм-поябзал, муйна саноатида қўлланилади.

Комбинатлаштириш натижасида ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тўлиқ фойдаланиш имконияти яратилади. Бу эса саноатнинг хом ашё манбаини кенгайтириш демакдир.

Комбинатлаштиришнинг учинчи шакли – хом ашёни комплекс қайта ишлашга асосланган комбинатлаштириш энг ривожланган ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Комбинатлаштиришнинг бу шаклида хом ашё, материаллар ва чиқиндилардан тўла-тўқис фойдаланиш мумкин бўлади. Масалан, Оҳангарон кони рудаларининг кўп қисми комплекс, полиметаллик тавсифга эга бўлиб, улардан баъзи бир элементларнинг қиймати мис қийматидан 9-10 баробар юқоридир. Бу ерда замонавий техника ва технологияси ёрдамида мис билан бирга олтингугурт, қалай, қўрғошин, олтин, селен, теллур ва бошқа бир қатор нодир металлар олинмоқда

Хусусан, 2022 йилда Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан : мис катоди – 148 516 тонна, металл рух – 90,05 минг тонна ва олтингугурт кислотаси – 815,0 минг тонна, шунингдек нодир металлар: молибден – 1 177,2 тонна, вольфрам – 33,8 тонна, селен – 34,5 тонна, теллур – 2,8 тонна ҳамда палладий – 92,5 кг маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

Комбинатда қимматбаҳо металлардан олтин ва кумуш ҳам ишлаб чиқарилади.

2022 йилда Комбинат томонидан бюджетга 18,6 трлн сўм, социал жамғармаларга 240,3 млрд сўм тўловлар амалга оширилди”<sup>60</sup>.

Саноатда комбинатлашув жараёнини тавсифловчи кўрсаткичлар қуйидагилар:

- комбинатларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши;
- ходимларнинг ўртача йиллик сони;

<sup>60</sup> Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг 2022 йил кўрсаткичлари./ <https://kun.uz> 17:57 / 10.01.2023 1574 Улашинг FacebookTwitterTelegram



- асосий фондларни ўртача йиллик қиймати;
- комбинатларнинг ўртача йиллик сони;
- хом ашё таркибида фойдали элементларнинг улуши (фоизда).

Миллий иқтисодиётда комбинатлашнинг ривожланиш даражасини аниқлаш учун эса қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- умумий ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмидан ишлаб чиқаришни комбинациялаш натижасида олинган маҳсулот миқдори;
- хом ашё чиқиндилардан ажратилган фойдали компонентлар даражаси ва хоказолар.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни комбинатлаштириш даражаси ортиб бормоқда. Ҳозирда комбинатлаштириш жараёни металлургия, кимё ва озиқ-овқат саноатида рўй бермоқда. Саноат тармоқларига тааллуқли йирик, дунё миқёсида тан олинган комбинатлар фаолият кўрсатмоқда: Навоий кон-металлургия комбинати, Олмалик кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон металлургия комбинати, Чирчиқ электр-кимё комбинати, Тошкент ёғ-мой комбинати ва бошқалар.

**Таянч иборалар:** Ишлаб чиқариш, трансформация, концентрациялашув, ихтисослашув, комбинациялашув, кооперациялашув, ихтисослашув, шакл, предмет, буюм, деталь, технологик, тармоқ, тармоқлараро.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш шакллари.
2. Ишлаб чиқариш концентрациясининг моҳияти, аҳамияти, мазмуни, шакллари, кўрсаткичлари нималардан иборат?
3. Маҳаллийлаштиришнинг моҳияти ва аҳамиятини ёритинг.
4. Саноатда ихтисослашув ва кооперациялашувнинг аҳамияти нимада?
5. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш нимани англатади?
6. Ишлаб чиқаришни комбинатлаштириш ва унинг аҳамияти нималардан иборат. Ўзбекистондаги қандай йирик комбинатларни биласиз?

## **IX БОБ. Саноатда кадрлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш**

### **9.1. Корхонанинг кадрлар салоҳияти**

Иқтисодий фаолиятда ишлаб чиқариш воситалари билан бир қаторда меҳнатнинг иштироки зарур бўлади. Улар ҳамма даромадлар манбаидир. Даромадлар ишлаб чиқариш воситалари эгалари ва меҳнат соҳиблари ўртасида тақсимланади.

- меҳнат – бу ҳар бир шахс ва умуман жамият эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўладиган моддий ва маънавий неъматлар яратиш соҳасидаги мақсадга мувофиқ фаолиятдир;

- меҳнат – бу инсон билан табиат ўртасидаги содир бўладиган жараён (унда инсон ўз фаолияти билан ўзи ва табиат ўртасидаги моддалар алмашинувини бевосита ифодалайди, тартибга солади ва назорат қилади);

- меҳнат – бу инсонда мавжуд онг (маънавий қудрат) билан унинг жисмоний имкониятларининг бирлашиши;

- меҳнат – бу иш кучининг функцияси;

- меҳнат соҳиблари – бу моддий ва номоддий неъматлар яратиш қобилиятига эга шахслар.

Иқтисодиётга оид адабиётларнинг аксариятида корхоналар фаолиятига боғлиқ масалалар хусусида фикр юритилганда, албатта “меҳнат” атамаси билан бир қаторда “ишчи кучи”, “меҳнат ресурслари”, “кадрлар”, “кадрлар салоҳияти”, “меҳнат салоҳияти”, деб номланувчи бир қатор тушунчалар ишлатилади ва улардан бир хилда фойдаланилади. Бу тушунчалар қанчалик яқин бўлсада, уларни фарқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

- ишчи кучи — бу инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилиятларининг йиғиндиси;

- ишчи кучи – бу меҳнат бозорида олди-сотди объекти;

- ишчи кучи – махсус товар (у оддий товар эмас);

- ишчи кучи – ишлаб чиқаришнинг муҳим воситаси (уни жалб қилмасдан бирон-бир ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш мумкин эмас);

- ишчи кучи – ишлаб чиқаришда ўз қийматидан ортиқ бўлган қиймат яратади (унинг бошқа товарлардан фарқи шунда);

- ишчи кучи – бу ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмаган инсоннинг товар кўринишидаги “меҳнатга қобилияти”;

- ишчи кучи – бу меҳнат ресурсларидир.

Корхоналар, ўз фаолиятларини юритишларида ишчи кучига бўлган эҳтиёжнинг қондирилишига ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёниларида улардан қандай фойдаланишга бефарқ бўлмайди. Уларнинг хўжалик юритиш иқтисодиёти, жумладан, асосий фондлар ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш даражаси, кўп жиҳатдан ишчи кучига боғлиқ.

Корхоналарнинг ишчи кучи билан таъминланганлик даражаси меҳнат бозорида рўй бераётган муносабатларга (хусусан, таклифга) боғлиқ.


Ишчи кучининг бошқа товарлардан фарқи:

- ўз қийматига қараганда кўпроқ қийматни яратиши;
- унингсиз ҳеч қандай ишлаб чиқариш жараёнининг рўй бермаслиги;
- иқтисодий фаолият (жумладан, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги) унинг билан боғлиқлиги.
- корхонанинг ишчи (ходим)лари;
- корхонада меҳнат билан банд бўлган ҳамда корхона шахсий таркибига кирувчи турли касбий-малакавий гуруҳлардаги ходимлар мажмуасидир.

Кадрлар – корхоналар фаолиятида катта аҳамиятга эга. Улар ишлаб чиқаришни бошқариб, жорий ва истиқболдаги режалаштиришни амалга оширадилар ҳамда ишлаб чиқариш воситаларини фойдаланишга киритадилар. Уларнинг касбий малакаси қанчалик юқори бўлса, корхоналарнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари шунчалик яхши бўлади (9.1.1-чизма).

Корхонанинг кадрлар салоҳияти:

- меҳнат ресурси (имконияти);
- меҳнат ресурсларининг умумий сони ва таркиби, жинси, ёши, маълумоти, касбий кўникмалари;
- корхонанинг у ёки бу бўғинларида ва жамоатчилик ишлаб чиқаришида қатнашиши билан ифодаланувчи меҳнат ресурслари ёки имкониятлари;
- жамият меҳнат салоҳиятининг таркибий қисми.



### 9.1.1-чизма. Корхона ходимларининг касбий ва малакавий даражаси (сифати)ни тавсифловчи кўрсаткичлар

Корхона меҳнат салоҳияти — бу бирор кўзда тутилган ишни (фаолиятни) маълум бир вақтда бажаришга қодир бўлган турли малакага эга барча ишчи ва хизматчилар мажмуасидир.

Корхона ходимлари (персонали) – доимий ва ёлланиб ишловчи, малакали ва малакасиз барча ходимлардан иборат бўлган шахсий таркиб (9.1.2-чизма).

Корхонанинг иқтисодий-молиявий фаолияти режалаштирилаёт-ган пайтда, унда ишловчи ходимлар сони, таркиби ва сифати ҳисобга олинади.

Ходимлар сони ва улар таркиби корхона фаолиятининг йўналиши ҳамда унинг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ.


Ходимлар сони – бу корхонада банд бўлган барча ишчи ва хизматчиларнинг умумий сони. У икки кўринишда бўлади:

- рўйхатдаги ходимлар сони – корхона рўйхатига киритилган доимий, мавсумий ва вақтинчалик ишлайдиган ҳамда шу корхонадан маош оладиган барча ходимлардир.

- ишга келган ходимлар сони – бир тақвим кунида фақат ишга келган ходимлардан иборатдир. Агар шу корxonанинг рўйхатида бўлсада, у ёки бу сабаб билан ишга келмаса, ишга келган ходимлар сонига қўшилмайди

Корхона ходимларининг асосий ва кўп сонли қисмини ишчилар ташкил қилиб, улар маҳсулот ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ускуналарга хизмат кўрсатишда қатнашадилар, меҳнат предметларини ташиш ва маҳсулот тайёрлашни амалга оширадилар, қурилиш-таъмирлаш ишларини бажарадилар.

Корхона ходимлари сони ва таркиби тахлил қилинаётганда – ўртача рўйхатдаги ходимлар сони деган кўрсаткич ишлатилади. У корxonанинг меҳнат унумдорлигини аниқлашда қўлланилади. Уни аниқлашда рўйхатдаги ходимлар сонининг ҳар бир кунлигини қўшиб, ҳисобланаётган даврдаги тақвим кунлари сонига бўлинади. Бу кўрсаткич бир ойга, бир чоракка, ярим йилга, тўққиз ойга ва бир йилга ҳисобланиши мумкин.



**Чизма-9.1.2. Корхона ходимлари (персонали)нинг гуруҳларга ажратилиши**

Корхоналарда ишчи кучи (кадрлар салоҳияти)дан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар:

- ходимларнинг моддий манфаатдорлиги;
- атроф-муҳит, ақлий, жисмоний ва асаблар кучланиши;
- бошқариш усуллари;
- меҳнат учун социал шароитлар яратиш ва ҳоказолар.

Корхона ходимларининг миқдорий, сифат ва тузилмавий ҳолатлари ҳақидаги кўрсаткичлар ишлаб чиқаришни бошқариш, мавжуд меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

## **9.2. Корхонанинг кадрлар сиёсати**

Ишлаб чиқариш корхоналарининг стратегик вазифаларини бажаришда кадрлар салоҳияти асосий омил ҳисобланади. Бу эса корхоналар ходимларининг меҳнат фаолиятини кучайтириш, янги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш, мутахассис ва ўрта қатлам раҳбарлари ваколатлари ва жавобгарликларини кенгайтириш пухта ўйланган кадрлар сиёсатини амалга оширишни тақозо этади.

Кадрлар сиёсати – корхонанинг стратегик вазифаларини ҳал қилишга қодир бўлган профессионал кадрлар жамоасини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасидир.

Кадрлар сиёсати корхоналар фаолиятинининг юксак натижалари билан пухта билим ва тажрибага эга бўлган ҳамда манфаатли ходимларнинг самарали жамоасини шакллантиришнинг ўзаро боғлиқлик тамойиллари асосида қурилади. Бу эса корхоналарнинг муҳим жорий ва келгуси вазифаларини ҳал этишда муваффақиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Рақобат шароитида кадрлар сиёсати шундай ташкил этилиши керак-ки, у корхонанинг ички ва ташқи иқтисодий омилларнинг ўзгаришларига тез ва самарали равишда мослашишини, зарур ўзгаришлар ва инновацион ғояларни ишлаб чиқаришга самарали татбиқ этишни таъминлашга қодир бўлиши лозим.

Кадрлар сиёсатини амалга оширишда корхоналар – мотивациянинг янги турлари ва манбааларини таклиф этган ҳолда, ходимларнинг профессионал, ишбилармонлик ҳамда шахсий хусусиятлари (корпоратив маданияти)ни ҳар томонлама ривожлантиришга, уларнинг ишга бўлган новаторлик ёндашувларини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиши керак.

Корхоналарда кадрлар сиёсати ишлаб чиқаришнинг хусусиятларига ҳамда жамиятда меҳнат бозори (ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талаб)нинг қай даражада ташкил этилганлигига қараб шакллантирилади.

Корхоналарда кадрлар сиёсатининг йўналишлари:

- ишчи кучига бўлган эҳтиёжни ҳам миқдорий, ҳам профессиональ- квалитацион нуқтаи назаридан аниқлаш;
- ишчи кучини жалб этиш шакллари;
- кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш (малакасини ошириш, рағбатлантириш, хизмат лавозимларига кўтариш ва ҳоказо).

Корхона кадрлар сиёсати қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ишчи кучини ёллаш, жойлаштириш ва режалаштириш;
- ходимларни ўқитиш, тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- кадрларни хизмат лавозимлари бўйича юқори поғонага кўтариш;
- ёллаш шартлари, меҳнат ва унга ҳақ тўлаш шароитлари;
- меҳнат жамоасида қулай руҳий (психологик) муҳитни яратиш.

Корхона кадрлар сиёсатига баҳо бериш мезони — ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши ҳисобланади.

Кадрлар сиёсатини рўёбга чиқариш (жумладан, кадрларни танлаш ва жойлаштириш)да корхона раҳбари, бўлим ва хизмат бошлиқлари, кадрлар бўлими, иқтисодий ва ишлаб чиқариш бўлими, меҳнат ва ҳақ тўлаш бўлими, техник бўлим ва бошқалар иштирок этади.

Корхонада кадрлар сиёсатини юритишда нималарга эътибор қаратилиши лозим?

- соғлом ва меҳнат қобилиятига эга бўлган жамоани шакллантириш;
- кадрларни жинси ва ёши ҳамда малакасига қараб, уларни ишлаб чиқаришда тўғри жойлаштириш;
- ишлаб чиқариш ва меҳнат шароитларининг ўзгариб боришини ҳисобга олиш;
- фан ва техниканинг янги, илғор ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш;
- ходимларнинг меҳнат унумдорлигини оширишни рағбатлантириш;



- ходимларнинг ишлаб чиқариш ва турмушдаги янги ахлоқини шакллантириш;

- ходимларнинг новаторлик ва юқори меҳнат унумдорлигига мафаатдорлигини ривожлантириш.

Корхоналарнинг кадрлар сиёсатида – бандлик соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариш борасида қуйидагилар ҳам кўзда тутилади:

- фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи ва касб танлаш эркинликларини амалга оширишда бир хил имкониятларга эга бўлишини таъминлаш;

- фуқароларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишлаб чиқариш қобилиятларини ривожлантиришга бандлик соҳасидаги фаолиятни иқтисодий ва социал фаолиятнинг бошқа йўналишлари билан уйғунлаштириш орқали кўмаклашиш ;

- меҳнат фаолияти даврида ва нафақага чиққандан сўнг ҳам ходимларнинг социал муҳофазасини таъминлаш;

- аҳоли бандлиги муаммоларини ечишда, қўшма корхоналар тузиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш йўли билан халқаро ҳамкорлик юритиш ва бошқалар.

Рақобат шароитида кадрлар сиёсати – корхоналарнинг муваффақиятли фаолият юритишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу сабабдан ҳар бир корхона, миллий иқтисодиётимизнинг ҳамда хорижий мамлакатларнинг илғор корхоналари тажрибалари ва ютуқларини ўзлаштириш асосида ўз кадрлар сиёсатини такомиллаштириб бориши мақсадга мувофиқдир.

### **9.3. Корхона меҳнат салоҳиятининг ҳолатини ва таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлар**

Ишлаб чиқариш корхоналари меҳнат салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Улар корхоналар меҳнат салоҳиятининг у ёки бу жиҳатларини ифодалайди.

Корхона меҳнат салоҳиятини баҳолаш кўрсаткичлари иқтисодий мазмунга қараб уч гуруҳга бўлинади:

- меҳнат салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар – меҳнат салоҳияти қандай ҳолатда эканлигини, унинг умумий миқдори, таркиби каби ҳолатларни ифодалайди;

- меҳнат салоҳияти билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар – меҳнат салоҳияти билан корxonанинг штат жадвали, асосий ва айланма маблағлари қайси даражада таъминланганлигини, меҳнатнинг сиғими кабиларни ифодалайди;

- меҳнат салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар – меҳнат салоҳияти қандай самара бераётганлигини ифода этувчи, унинг фойдалилиги, даромадлилигини аниқловчи кўрсаткичлардир.

Меҳнат салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими:

- меҳнат салоҳиятининг ўртача сони;
- меҳнат салоҳиятининг таркиби;
- меҳнат салоҳиятининг обороти;
- меҳнат салоҳиятининг қўнимсизлиги;
- меҳнат салоҳиятининг турғунлиги.

Меҳнат салоҳиятининг ўртача сони таҳлил қилинаётган ҳисобот даврида аниқланади. Буни ҳисоблаш учун меҳнат салоҳиятининг давр бошидаги (Мс.дб) ва охиридаги (Мс.до) сони қўшилиб, иккига бўлинади:

$$M_c = \frac{M_{c.дб} + M_{c.до}}{2} .$$

Агар ҳисобат даврида меҳнат салоҳияти тўғрисидаги маълумот бир қанча вақтларда ифодаланган бўлса, у ҳолда барча кўрсаткичлар қўшилиб унинг сонига бўлинади:

$$M_c = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n M_{ci} .$$

Меҳнат салоҳияти таркибини таҳлил қилганда ходимларни алоҳида категориялари бўйича аниқлаш лозим. Масалан, умумий меҳнат салоҳиятида олий маълумотли ходимлар (Омх) улушини ёки ўрта махсус маълумотли ходимлар (Умх) улуши каби кўрсаткичларни аниқлаш мумкин.

$$M_{c.T} = \frac{U_{мх}}{M_c} \times 100 \qquad M_{c.T} = \frac{O_{мх}}{M_c}$$

Булардан ташқари, умумий меҳнат салоҳиятида бошқарув ходимлари улуши, муҳандис-техник ходимлар улуши каби кўрсаткичларни ҳам аниқлаш мумкин.

$$M_{ci} \\ M_{c.t} = \frac{M_{ci}}{M_c}$$

бу ерда:

$M_{ci}$ - меҳнат салоҳиятининг алоҳида гуруҳлари.

Меҳнат салоҳияти оборотини таҳлил қилиш ҳам ҳозирги даврда катта аҳамиятга эга. ушбу кўрсаткични аниқлаш учун барча ишга қабул қилинган ходимларга ( $M_{c.k}$ ) ишдан бўшатишган ходимларни ( $M_{c.б}$ ) қўшиб, умумий меҳнат салоҳияти сонига бўламиз.

$$M_{c.об} = (M_{c.k} + M_{c.б}) / M_c$$

Ушбу кўрсаткични алоҳида ишга қабул қилинган ва ишдан бўшатишган ходимлар бўйича ҳам аниқлаш мумкин:

$$M_{c.обк} = M_{c.k} / M_c ; \quad M_{c.об.б} = M_{c.б} / M_c$$

Меҳнат салоҳиятининг кўнимсизлиги умумий меҳнат салоҳиятида салбий оқибатлар натижасида ишдан бўшатишган ходимларнинг улушини ифодалайди. Салбий сабаблар билан ишдан бўшаганлар таркибига ўз аризаси билан бўшаганлар ҳам киради. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$M_{c.кун} = M_{c.салб} / M_c$$

Меҳнат салоҳиятининг турғунлиги ҳам унинг ҳолатини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир. Буни шу корхонада (фирмада, компанияда) уч йилдан ортиқ ишлаган ходимлар сонини ( $M_{c3й}$ ) меҳнат салоҳиятининг умумий миқорига бўлиш йўли билан аниқлаш мумкин:

$$M_{c.тур} = M_{c3й} / M_c$$

Меҳнат салоҳияти билан таъминланганлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар:

- меҳнат салоҳияти билан штат жадвалининг таъминланганлиги;
- меҳнат салоҳияти сифими;
- меҳнат салоҳиятининг қуролланганлиги;
- айланма маблағларнинг меҳнат салоҳияти билан таъминланганлиги.

Меҳнат салоҳияти билан штат жадвалининг таъминланганлигини  $(M_{с.шж.там})$  аниқлаш учун бир қанча ҳисоб-китоблар қилиш мумкин. Энг аввало бу бўйича умумий кўрсаткични аниқлаш лозим. Бунинг учун меҳнат салоҳиятининг ҳақиқий миқдори  $(M_{с.х})$  унинг штат жадвалидаги миқдorigа  $(M_{с.шж})$  бўлинади:

$$M_{с.шж.там} = M_{с.х}/M_{с.шж.}$$

Меҳнат салоҳиятининг сигими  $(M_{с.сг})$  ҳам ушбу гуруҳга кирувчи муҳим кўрсаткичлардан бири. Унинг аниқлаш учун меҳнат салоҳияти миқдорини  $(M_{с})$  яратилган (сотилган) маҳсулот ҳажмининг  $(Q)$  миқдorigа бўлинади:

$$M_{с.сг} = M_{с}/Q$$

Меҳнат салоҳиятининг қуролланганлиги ёки асосий воситалар фаол қисмининг меҳнат салоҳияти билан таъминланганлиги ифодаловчи кўрсаткични аниқлаш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки жаҳонда илмий-техника тараққиёти жадал ривожланаётган ҳозирги пайтда Ўзбекистон ҳам орқада қолмаслиги, шу ютуқ томон интилиб яшаши лозим. Бу эса меҳнатнинг энг илғор техника ва технология билан қуролланишини тақозо қилади. Шу туфайли ушбу кўрсаткични ҳар бир корхонада аниқлаш ва таҳлил қилиш лозим. Буни аниқлаш учун асосий воситаларнинг фаол қисми  $(A_{в.ф})$  меҳнат салоҳияти миқдorigа  $(M_{с})$  бўлинади ёки тескариси:

$$M_{с.к} = A_{в.ф}/M_{с} \quad \text{ёки} \quad M_{с.т} = M_{с}/A_{в.ф.}$$

Айланма маблағларнинг меҳнат салоҳияти билан таъминланганлиги  $(A_{йм.Мс})$  ҳам меҳнат салоҳиятини таҳлил қилишда ва бошқа кўрсаткичларни ўзганишида шу билан боғлиқ омилларнинг таъсирини аниқлашда қўлланилади. Буни аниқлаш учун меҳнат салоҳияти миқдорини  $(M_{с})$  айланма маблағлар ҳажмига  $(A_{йм})$  бўлиш лозим:

$$A_{йм.Мс} = M_{с}/A_{йм.}$$

#### **9.4. Корхона меҳнат салоҳияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

Барча социал-иқтисодий тузумлар (маъмурий-буйруқбозликка асосланган, аралаш мулкчиликка асосланган ва бошқалар)да корхоналар меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш долзарб масалалардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. У ҳеч эскирмайдиган масаладир.

Шуни таъкидлаш лозимки, корхона меҳнат салоҳияти самарадорлиги мезони унинг кўрсаткичларидан фарқ қилади. Самарадорлик мезони – бу моҳият жиҳатидан ишлаб чиқарувчи, мулк эгаси ва давлатнинг моддий манфаатдорлигини ифодаловчи ва объектив баҳо берадиган ўлчов бирлигидир.

Мулкдор нуқтаи назаридан қаралганда меҳнат салоҳиятининг самарадорлиги мезони – мулкдорга қанча моддий манфаат (фойда) келтирилиши билан ифодаланади. Агарда ишчи (ишчилар) нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, меҳнат салоҳияти самарадорлиги мезони – шу ишчи (ишчилар)га бир иш вақти бирлигида қандай манфаат келтириши билан ифодаланади. Шу сабабли ҳам меҳнат салоҳияти самарадорлигини оширишда мулкдор ва ходимлар ўртасида манфаатдорликнинг мос келишини таъминлаш лозим бўлади.

Корхоналарда меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самарали бўлган тақдирда, уларнинг иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлади.

Корхона меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самаралигини баҳолаш кўрсаткичлари:

- меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги;
- меҳнат салоҳиятининг рентабеллиги;
- меҳнат салоҳиятининг даромадлилиги.

Меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги ( $M_{c.n}$ ) натижанинг меҳнат салоҳиятига нисбати билан аниқланади. Агар натижани «Q» деб белгиласак, унинг меҳнат салоҳиятига ( $M_c$ ) нисбати, яъни меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги қуйидагича аниқланади:

$$M_{c.n}=Q/M_c.$$

Бу кўрсаткич 1 сўм меҳнат салоҳиятига қанча сўм миқдорида натижа (махсулот, юк обороти кабилар) тўғри келганлигини ифодалайди. Буни бошқача сўз билан меҳнат унумдорлиги деб ҳам аташ мумкин. Ушбу кўрсаткич қанча кўп бўлса, меҳнат салоҳиятининг самарадорлиги шунча юқори эканлигидан далолат беради.

Меҳнат салоҳиятининг рентабеллиги ( $M_{c.p}$ ) ҳар бир меҳнат салоҳияти бирлигига тўғри келадиган фойда ( $\Phi$ ) миқдорини ифодалайди. Уни аниқлаш учун фойда суммасининг меҳнат салоҳиятига ( $M_c$ ) нисбати олинади:

$$M_{c.p}=\Phi/M_c.$$

Бу кўрсаткичнинг миқдори ҳам қанча кўп бўлса, самарадорлик кўрсаткичи шунча юқори эканлигидан далолат беради.

Меҳнат салоҳиятининг даромадлилиги (Мс.д) ҳам унинг самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир. Уни аниқлаш учун ялпи даромад суммасини (Д) меҳнат салоҳияти миқдори (Мс) бўлинади:

$$Мс.д=Д/Мс.$$

Бу кўрсаткичнинг миқдори ҳам қанча кўп бўлса самарадорлик шунча юқори деган хулосага келиш мумкин. Чунки ҳар бир меҳнат салоҳиятига тўғри келадиган даромад миқдори юқори бўлади.

### 9.5. Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш

Меҳнат ҳақи – бу ...

- меҳнатнинг пул шаклидаги нархи;
- ҳар бир ходимнинг сарфлаган меҳнати миқдори ва сифатига мос равишда тақсимланувчи миллий даромаднинг бир қисмидир;
- меҳнат учун мукофотдир;
- корхона ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун сарфланувчи харажатларининг бир қисмидир.

Меҳнат ҳақи қуйидаги вазифаларни ҳал этиши лозим:

- ҳар бир ходимнинг ўз меҳнати самарадорлиги резервларини аниқлаш ва фойдаланишдан манфаатдорлигини ошириш, ишламасдан пул маблағларига эга бўлиш имкониятларига барҳам бериш;

- меҳнатга ҳақ тўлашда текисчилик ҳолларини бартараф этиш, иш ҳақининг ҳам яқка тартибдаги, ҳам жамоа меҳнати натижаларига бевосита боғлиқлигига эришиш;

- турли тоифадаги ва касб-малакали гуруҳларига мансуб бўлган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш нисбатларини оптималлаштириш (яъни, бажариладиган ишларнинг мураккаблигини, касбларнинг ноёблигини, меҳнат шароитларини, шунингдек, пировард натижаларга эришишга интилаётган турли ходимлар манфаатларини ҳисобга олиш).

Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашни оқилона ташкил этиш – ходимлар фаолиятини рағбатлантиради, корxonанинг товар бозоридаги рақобатбардошлигини ва товар-маҳсулотларнинг даромадлилигини таъминлайди.

Меҳнат ҳақининг моҳияти у бажарадиган функцияларда намоён бўлади.

Меҳнат ҳақининг функциялари:

- ишчи кучини такрор ҳосил қилиш;
- меҳнатни рағбатлантириш;
- яратилган қўшимча қийматнинг иш берувчи ва ишчи ўртасида тақсимланишида ўлчов воситасини бажариш;
- меҳнат ресурсларини жалб этиш ва жойлаштириш;
- аҳолининг тўловга қобилиятли талабини шакллантириш.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги тамойилларга риоя қилиниши талаб қилинади

- ишлаб чиқариш ва меҳнат самарадорлиги юксалиб борган сари реал иш ҳақининг ортиб бориши;

- меҳнат унумдорлиги ўсишини ўртача иш ҳақининг ўсиш суръатларидан илгарилловчи суръатларини таъминлаш, (ёки маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари суръатининг истеъмол фондлари ўсиши суръатларидан ортиб кетиши);

- ходимнинг корхона фаолияти натижаларига қўшган меҳнат ҳиссасига, меҳнат мазмуни ва шароитларига, корхона жойлашган минтақага, унинг қайси тармоққа мансублигига қараб иш ҳақини табақалаштириш;

- тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш;
- меҳнатга ҳақ тўлашни давлат йўли билан бошқариш ва тартибга солиб туриш;
- меҳнат бозорининг таъсирини ҳисобга олиш;
- меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларининг оддийлиги, мантиқийлиги ва қулай бўлишлилиги.

Корхоналарда меҳнат ҳақи соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни ташкил этишда қуйидаги тамойилларни инобатга олиш зарур:

- адолатлилик, яъни бир хил меҳнат учун бир хил ҳақ тўлаш;
- бажарилаётган ишнинг мураккаблиги ва меҳнат малакаси даражасини ҳисобга олиш;

- меҳнатнинг зарарли шароитлари ва оғир жисмоний меҳнатни ҳисобга олиш;

- сифатли, сидиқидилдан меҳнат қилишни рағбатлантириш, йўл қўйилган йўқотишлар ёки ўз мажбуриятларига масъулиятсиз ёндашишни моддий жазолаш;

- меҳнат унумдорлиги суръатини ўртача иш ҳақининг ўсиш суръатларига нисбатан тезроқ ўстириш;

- иш ҳақи миқдорини инфляция суръатларига мос равишда мувофиқлаштириш;

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг корхона эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берувчи илғор шакл ва тизимларини қўллаш.

Ишлаб чиқариш корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кўп тарқалган шакл ва тизимлари қуйидагилар ҳисобланади.

- меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш – бу ишлаб чиқарилган маҳсулот учун тўланадиган ҳақ;

- меҳнатга ишбай-мукофотли ҳақ тўлаш. Бунда ишчи бажарган ишига ҳақ олишдан ташқари, мукофотга ҳам эга бўлади;

- меҳнатга вақтбай ҳақ тўлаш – бу тариф тизимида кўзда тутилувчи ишлаб берилган вақт-календарь вақт эмас, балки норматив вақт учун тўланадиган ҳақ;

- вақтбай-мукофотли ҳақ тўлаш. Бунда ишчи ишлаб берган вақтига ҳақ олишдан ташқари, ушбу иш ҳақига маълум бир фоиз ҳисобида мукофот ҳам олади;

- меҳнатга аккорд ҳақ тўлаш тизими. Бунда меҳнат ҳақи хар бир бажарилган ишга алоҳида эмас, балки бажарилган жами (комплекс) ишга тайинланади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг бу тизимида бажарилиши керак бўлган ишлар ҳажми ҳамда муддати тегишли ҳужжат (наряд)да кўрсатилган бўлади ва унга кўра бажарилган иш баҳоланади.

Корхонада қуйидаги ҳолларда аккорд ҳақ тўлаш тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади

- корхона бирон-бир буюртмани ўз вақтида бажара олмаса ва бунинг учун шартномага асосан йирик миқдорда жарима тўлайдиган бўлса;

- корхонанинг тўхтаб қолишига сабаб бўлувчи фавқулодда вазиятлар (ёнғин, сел, zilзила, сув тошқини ёки жиддий сабабларга кўра асосий технологик линияларнинг ишдан чиқиш ҳоллари) рўй берганда;

- алоҳида ишларни бажаришга ўта зарурат туғилганда ёки корхонада янги асбоб-ускуналар ишга туширилганда.

Ҳозирги кунда аксарият корхоналар ишчиларга меҳнат ҳақини ҳисоблашда анъанавий тариф тизимидан фойдаланиб келишмоқда.

Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишнинг асосий элементлари:

➤ Меҳнатни меъёрлаштириш — бу илмий асосланган меҳнат харажатлари ва унинг натижаларини вақт меъёрлари, сони, хизмат кўрсатишнинг бошқарилиши, маҳсулот ишлаб чиқариш



меъёрларини аниқлашдир. Буларсиз меҳнат миқдорини, ҳар бир ходимнинг умумий натижаларга қўшган алоҳида ҳиссасини аниқлаш мумкин бўлмайди.

➤ Иш ҳақининг шакллари ва тизимлари – бу меҳнатнинг миқдор натижалари ва сифатига (унинг мураккаблиги, интенсивлиги, шарт- шароитларига) боғлиқ равишда иш ҳақини белгилаш механизмидир.

➤ Тариф тизими – турли норматив материаллар мажмуидан иборат бўлиб, улар ёрдамида корхонадаги ходимлар иш ҳақи даражаси уларнинг малакаси, ишларнинг мураккаблиги, меҳнат шароитлари, корхоналарнинг жўғрофик жойи ва бошқа тармоқ хусусиятларига қараб белгиланади.

➤ Тариф ставкалари – разрядлар шкаласидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирига ўз тариф коэффициенти берилган ва ҳар қандай разряднинг тариф ставкаси биринчи разряддан неча марта кўплигини кўрсатиб туради.

➤ Тариф-малака маълумотлари – норматив ҳужжатлардан иборат бўлиб, улар ёрдамида иш разряди ва ишчининг разряди белгиланади.

Тариф тизимининг асосий элементлари:

- тариф сеткалари;
- тариф ставкалари;
- тариф-малака маълумотномалари;
- лавозим маошлари;
- хизматчилар лавозимларининг тариф маълумотномалари;
- тариф ставкаларига устама ва қўшимча ҳақлар;
- иш ҳақига доир минтақавий малака коэффициентлари.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 сентябрдаги “Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 775-сонли қарори билан тасдиқланган тариф коэффициентлари амал қилмоқда (9.5.1-жадвал).

Шуни таъкидлаш лозимки, корхоналарда бошқарув меҳнати ходимлари ҳисобланувчи хизматчилар учун штат-маош тизими татбиқ этилади. Бу тизимнинг хусусияти шундаки, корхонада мавжуд бўлган лавозимлар рўйхати, ҳар бир лавозим бўйича ходимлар сони ва маош миқдори штат-жадвалида кўрсатилган бўлади.

## 9.5.1-жадвал

### Ўзбекистонда қўлланилаётган тариф сеткаси

Меҳнатга ҳақ тўлаш разряди	Тариф коэффиценти	Меҳнатга ҳақ тўлаш разряди	Тариф коэффиценти
1	1,000	13	2,284
2	1,053	14	2,421
3	1,106	15	2,561
4	1,158	16	2,704
5	1,269	17	2,847
6	1,384	18	2,993
7	1,505	19	3,141
8	1,630	20	3,292
9	1,755	21	3,444
10	1,883	22	3,597
11	2,014		
12	2,148		

Меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди.

Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади. Меҳнатга ҳақ, қоида тариқасида, пул шаклида тўланади. Меҳнат ҳақини натура шаклида тўлаш тақиқланади, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминладиган муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек, давлат корхоналарининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларининг энг кам даражаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Табиий-иқлим ва турмуш шароитлари ноқулай бўлган жойларда меҳнат ҳақига район коэффициентлари ва устамалар белгиланади.

Район коэффициентлари ва устамалар жорий қилинадиган жойларнинг рўйхати, шунингдек уларни қўлланиш тартиби ва миқдори Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади<sup>61</sup>.

Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт.

Меҳнат шартномасининг тарафлари келишуви билан белгиланган меҳнат ҳақи миқдори жамоа шартномаси ёки келишувида ўрнатилган миқдордан кам бўлиши мумкин эмас<sup>62</sup>.

Муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

Меҳнат ҳақининг энг кам миқдорига қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар, нормал иш вақтидан четга чиққан ҳолда бажарилган ишлар учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақлар, шунингдек, район коэффициентлари қўшилмайди<sup>63</sup>.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қайси тартибда ўрнатилган бўлса, ўша тартибда ўзгартирилади<sup>64</sup>.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг якка шартларини ходим учун ноқулай томонга ўзгартиришга унинг розилигисиз йўл қўйилмайди. Истисно тариқасида бундай ўзгартишга:

- технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда ўзгаришлар юз берган тақдирда, башарти меҳнатга ҳақ тўлашнинг аввалги шартларини сақлаб қолиш мумкин бўлмаса;
- қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда йўл қўйилиши мумкин.

Бўлажак ўзгартириш ҳақида ходим камида икки ой олдин огоҳлантирилиши лозим<sup>65</sup>.

Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорига ҳақ

---

<sup>61</sup> Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат кодекси”нинг 153-моддаси.

<sup>62</sup> Ўша манба, 154-модда.

<sup>63</sup> Ўша манба, 155-модда.

<sup>64</sup> Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат кодекси”нинг 153-моддаси.

<sup>65</sup> Ўша манба, 156-модда.

тўланади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса – иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Байрам ёки дам олиш кунидаги иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш куни (отгул) бериш билан қопланиши мумкин. Ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари иш учун белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда отгул берилиши ҳам мумкин. Байрам ёки дам олиш кунидаги иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш куни берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тўланади<sup>66</sup>.

Тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим барабар миқдорда ҳақ тўланади.

Тунги вақтдаги иш учун оширилган миқдорда тўланган ҳақ тариф ставкаларига (мансаб маошларига) қўшилмайди.

Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса – иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб, кечки сменадаги иш учун оширилган миқдорда ҳақ тўлаш назарда тутилиши мумкин. Бевосита тунги сменадан олдингиси кечки смена деб ҳисобланади<sup>67</sup>.

Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал меъёрий ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Ходимларнинг айрим тоифалари учун алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан иш ҳақи тўлашнинг бошқа муддатлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Ҳақ тўланадиган кун дам олиш куни ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга тегишли барча суммаларни тўлаш Меҳнат Кодексининг 110-моддасига мувофиқ равишда амалга оширилади.

---

<sup>66</sup> Ўша манба, 157 модда.

<sup>67</sup> Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат кодекси”нинг 158 моддаси.

Жамоа шартномасида иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик назарда тутилиши мумкин<sup>68</sup>.

Корхоналарда меҳнатнинг самарали бўлиши учун уни рағбатлантириб бориш керак бўлади. Меҳнатнинг рағбатлантирилиши – бу меҳнатнинг содир бўлишини таъминловчи ва унинг фаоллигини оширувчи моддий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатлар мажмуасидир.

Ходимлар меҳнатининг замирида бирорта манфаатни қондирадиган мақсад ётади. Улар энг аввало, моддий рағбатлантиришни талаб қилади. Чунки, улар ўзининг ва оила аъзоларининг яхши яшаши учун етарли даражада моддий неъматларга эга бўлиши зарур бўлади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнатни рағбатлантиришнинг учта ўлчови мавжуд – иш вақти, иш натижаси ва унинг сифати. Ходимларнинг барчаси бир хил вақт сарф қилишсада, улар бир иш вақтида турли натижаларга эришишлари, шунингдек, иш натижалари сифати фарқ қилиши мумкин. Бунинг асосий сабаби – ҳамма бир хил меҳнат қила олмаслигида. Шунинг учун ҳам ходимлар бир хил рағбатлантирилмайди.

Ходимлар меҳнати самарадорлигини таъминлашда маънавий рағбатлантиришнинг таъсир кучи моддий рағбатлантиришдан кам эмас. Яхши ишлаётган ходимларнинг меҳнат натижаларини корхона жамоаси олдида қайд этиш, уларга маъмурият буйруғи билан ташаккур эълон қилиш ижобий самара бериши табиий ҳолдир.

**Таянч иборалар:** Кадрлар, кадрлар салоҳияти, меҳнат ресурслари, корхона ходимлари, ишчи кучи, касб, малака, кадрлар сиёсати, иш ҳақи, тариф сеткаси, тариф ставкаси.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Корхона кадрлар сиёсатини қай тарзда тасаввур қиласиз?
2. Кадрлар тузилмаси деганда нима тушунилади ва уни белгилаб берувчи омиллар қандай?
3. Реал иш ҳақи номинал иш ҳақидан нимаси билан фарқ қилади?
4. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг қандай тизим ва шакллари биласиз?

---

<sup>68</sup> Ўша манба, 161 модда.

5.Қайси ҳолларда вақтбай ва ишбай ҳақ тўлашдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади?

6.Нима сабабли корхонада меҳнат унумдорлиги суръатлари ўртача иш ҳақи суръатларидан ортиқ бўлиши лозим?

7.Меҳнат унумдорлиги нима?

8.Корхонада меҳнат унумдорлигининг ўсиш қандай аҳамият касб этади?

9.Корхонада меҳнат унумдорлигини аниқлашнинг қандай усуларини биласиз?

10.Меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақини режалаштириш моҳияти нимада?

11.Қайси омиллар корхонада ишлаб чиқаришнинг ўсишини белгилаб беради?

## **Х БОБ. Саноат ишлаб чиқаришининг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватлари**

### **10.1. Асосий фондаларнинг иқтисодий моҳияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида “Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли” эканлиги, 65-моддасида эса “Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши ...”<sup>69</sup> қайд этилган. Мулк – меҳнатнинг маҳсули ҳисобланади. У иқтисодий категория сифатида ҳар қандай жамиятда ишлаб чиқариш муноса-батларининг асосини ташкил этади ва уларнинг хусусиятларини белгилаб беради.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тузуми турли мулкчиликка асосланган. Бунинг ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги қонуннинг кириш қисмида: “Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг самарали амал қилишига ва халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига руҳсат берилади”<sup>70</sup>, деб таъкидланган.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги мулк турли субъектларга — давлатга, юридик ва жисмоний шахсларга тегишлидир.

Юридик шахс сифатида корхоналарнинг асосий белгиси уларнинг ўзларига тегишли мулкнинг мавжудлигидир. Айнан шу нарса корхоналарнинг моддий-техник имкониятларини белгилаб беради ҳамда уларнинг иқтисодий эркинлиги ва келажагини тامينлайди. Муайян мулкдан фойдаланмасдан ҳеч бир корхона ўзининг хўжалик фаолиятини амалга ошира олмайди.

Корхоналар эгалик қиладиган мулк кўчмас ва кўчириб бўладиган мулкларга ажралади.

Кўчмас мулкка ер участкалари, ер ости бойликлари, махсус сув объектлари ва умуман ер билан боғлиқ бўлган бузилмас нарсалар, шу жумладан, ўрмонлар, кўп йиллик дарахтлар, иншоотлар, бинолар киради.


<sup>69</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. – Т.: Ўзбекистон, 2023.

<sup>70</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги қонуни, 1990 йил 31 октябрь.

Кўчириб бўладиган мулкка кўчмас мулкка кирмайдиган нарсалар ҳамда пул маблағлари ва қимматли қоғозлар киради.

Корхона мулки узоқ муддатли ва жорий активларга ажратилади. Иқтисодий адабиётларда улар ишлаб чиқариш фондлари<sup>71</sup> деб номланади. Бунда корхона мулкининг нафақат ижтимоий кўриниши балки ишлаб чиқариш жараёнидаги роли, аҳамияти ва корхона иқтисодиётига таъсири ҳам ҳисобга олинган.

Узоқ муддатли активлар йирик ва ўрта корхоналар мулкининг 65-85 фоизини ташкил қилади. Унинг тузилиши 10.1.1-чизмада келтирилган.



### 10.1.1-чизма. Узоқ муддатли активларнинг тузилиши

Узоқ муддатли активлар корхона хўжалик фаолиятида узоқ муддат мобайнида қатнашади. Бу амортизация жараёнининг давомийлиги ва айланма тезлигининг секинлиги билан боғлиқ. Шунинг учун улар узоқ муддатли ёки секин айланадиган активлар, деб аталади.

Корхоналарда узоқ муддатли активларнинг тузилиши ва таркиби бир-биридан жиддий фарқ қилади. Бироқ, барча корхоналар узоқ муддатли активлари таркибида асосий фондлар салмоқли ҳиссани ташкил этади.

Асосий фондлар – бу корхоналар томонидан хўжалик фаолиятини юритишда узоқ муддат давомида маҳсулотларни ишлаб чиқариш, шунингдек, маъмурий ва социал-маданий функцияларни бажариш учун ишлатиладиган моддий активлардир.

<sup>71</sup> Амалиётда “фонд” сўзи турли маъноларда ишлатилади. У лотин тилидан олинган бўлиб, биринчидан, давлатнинг, корхоналарнинг ва шу кабиларнинг бирор мақсад учун ажратган пул маблағини, иккинчидан, айрим субъектлар тасарруфидаги моддий нарса (масалан, уруғлик фонди, музей фонди, китоб фонди)ни, учинчидан, социал-иқтисодий соҳаларда фаолият юритаётган субъектлар (Халқаро Валюта Фонди, Жамоат Фонди, Ўзбекистон Тикланиш ва Тараққиёт Фонди кабилар)нинг юридик мақомини ифодалайди. Шу сабабли, мазкур ишда узоқ муддатли активлар таркибидаги асосий воситаларга нисбатан (моддий нарса, моддий мулк нуқтаи назаридан) синоним сифатида “асосий фондлар” тушунчаси ишлатилади. Маълумки, восита — бу иш, ҳаракат қуроли.



Асосий фондлар – бу ўз қийматга эга ва хизмат муддати давомида корхонага даромад келтирадиган моддий активлардир.

Асосий фондлар – бу моддий бойлик бўлиб, ўзининг табиий кўринишини узоқ вақт мобайнида (фойдали хизмат муддати давомида) ўзгартирмайди ва қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматига қисмлаб ўтказди. Улар янги қийматни яратишда иштирок этадилар.

Асосий фондларнинг фойдали хизмат муддати, деганда уларнинг техник ҳужатларида кўрсатилган фойдаланиш муддати ёки бундай ҳужжат мавжуд бўлмаган ҳолатларда уларни қабул қилиш комиссияси томонидан ёки корхона раҳбари томонидан белгиланган фойдаланиш муддати (йил, ой) тушунилади. Уларнинг фойдалилиги белгиланган муддатда ишлаб чиқилган маҳсулотлар ҳажми билан ўлчанади.

Асосий фондлар жамият моддий бойлигининг асосий қисмини ташкил этади. Уларнинг 65 фоиздан кўпроғи асосий ишлаб чиқариш фондларига тўғри келади.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари умумий ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базаси ҳисобланади. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш учун шароит яратадилар, меҳнат буюмлари ва тайёр маҳсулотларни сақлаш ҳамда уларни бир жойдан иккинчи жойга ташиш каби ишларни бажариш учун хизмат қиладилар.

Демак, асосий ишлаб чиқариш фондлари (меҳнат қуролилари сифатида) инсон билан меҳнат предметлари ўртасида туради. Ишчи кучи меҳнат қуролиларини ҳаракатга келтириб, улар воситасида меҳнат предметларига ишлов берилади, натижада, истеъмол учун маҳсулот яратилади, иш бажарилади ва хизмат кўрсатилади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, меҳнатнинг қуролланганлик даражаси асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳажмига боғлиқ. Асосий фондларнинг ва меҳнатнинг қуролланганлик даражасининг ошиши меҳнатга ижодий характер бағишлайди ва жамоанинг маданий-техник даражасини оширади.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида асосий фондлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи, иқтисодий ўсишни таъминловчи барча омиллар ичида асосий ўринни эгалайди. Улар фойдали хизмат муддати давомида ўзларининг қийматини тўлиқ қоплашлари ва корхонага қўшимча даромад келтиришлари лозим.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан асосий ишлаб чиқариш фондларининг миқдорий ўсишига эмас, балки улардан олинадиган самарани оширишга, яъни ишлаб турган асосий фондларнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга боғлиқ.

Асосий фондларнинг сифат жиҳатдан ўсиши ва такомиллашиб бориши ишлаб чиқаришнинг юксак техника даражасини таъминлайди ва унинг самарадорлигини оширади. Шу сабабли ҳам, мамлакатимизда миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини, жумладан, саноат тармоғини модернизация қилишга, техник ва технолагик қайта жиҳозлашга устувор йўналиш деб қаралмоқда.

Амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳатлар, иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва модернизациялаш жараёнлари корхоналардаги мавжуд асосий фондлар қийматининг ўсишига ҳамда таркибининг ўзгариб, сифат жиҳатидан такомиллашиб боришига ижобий таъсир кўрсатади.

## **10.2. Асосий фондларнинг турлари ва таркиби**

Фойдаланилиши нуқтаи назаридан асосий фондлар ҳаракатдаги, захирадаги ва фойдаланилмайдиган объектларга, корхонага тегишлилиги нуқтаи назаридан – корхонанинг ўзига қарашли ва ижарага олинган объектларга бўлинади.

Асосий фондлар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришдаги иштирокига кўра ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондларига бўлинади.

Ишлаб чиқариш асосий фондлари моддий ишлаб чиқариш соҳасида қатнашади. У ўзининг амал қилиш цикли давомида ишлаб чиқариш жараёнида бир неча марта ишлатилади. Ишлаб чиқариш асосий фондлари босқичма- босқич эскириб, ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга қисмлаб ўтказиб боради.

Ноишлаб чиқариш асосий фондларига корхона балансида турган, ходимларга хизмат қиладиган турар жойлар, боғча, спорт муассасалари ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатувчи объектлар киради. Ишлаб чиқариш фондларидан фарқли ўларок, улар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмайди ва ўзининг қийматини маҳсулотга ўтказмайди. Уларнинг қиймати истеъмолда йўқ бўлиб кетади. Уларнинг ўрни тўлдирилмайди. Улар корхона фойдаси ҳисобига такрор ишлаб чиқарилади.

Ноишлаб чиқариш асосий фондлари ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигига бевосита таъсир ўтказмасда ишчилар турмуш шароити билан боғлиқ ҳолда албатта корхонанинг хўжалик фаолияти натижасига таъсир қилади.

Корхоналар асосий ишлаб чиқариш фондлари иқтисодий ўхшашлигига қарамасдан умумий мақсади ва хизмат қилиш муддати билан фарқланувчи меҳнат воситаларининг асосий қисмини ташкил этади. Шунинг учун уларни алоҳида хусусиятлари бўйича муайян гуруҳларга ажратиш зарурати туғилади.

Корхона асосий ишлаб чиқариш фондлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- бинолар (цех, омбор, лаборатория, идора, гараж, ва шу каби меҳнат шароитини яратиб берувчи, товар-моддий бойликлар бутлигини таъминловчи объектлар. Бинолар таркибига уларни нормал эксплуатация қилиш учун зарур бўлган барча коммуникациялар, яъни иситиш, вентиляция, сув ва газ таъминоти, лифт, ёнғинга қарши ва сигнализация қурилмалари, телефон алоқаси симлари тузумлари ҳам киритилади);

- иншоатлар (очик айвонлар, деворлар, сув миноралари, темир йўл шаҳобчалари, асфальтланган йўллар ва йўлқалар);

- узатиш қурилмалари (электр линиялар, газ, сув, буғ ўтказувчи қувурлар ва бошқалар);

- машина ва ускуналар (иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқарувчи генераторлар, двигател ва трансформаторлар, станоклар, иссиқлик печлари, тикув, йиғув, дазмоллаш, саралаш машиналари, кранлар, компрессорлар, ўлчов тарозилари);

- ҳисоблаш техникаси (компьютерлар ва уларга ўрнатиладиган периферия қурилмалари — принтер, сканер, модем ва бошқалар );

- транспорт воситалари (юк ва одам ташувчи автомашиналар, автобуслар, прицеплар);

- ускуналар (прессловчи, қисувчи ва бошқа технологик функцияларни бажарувчи асбоб- ускуналар);

- ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари (иш столлари, дастгоҳлар, баклар, сандиқлар ва бошқалар);

- офис мебели ва жиҳозлари (шкафлар, стол ва стуллар комплекти, доскалар, сейфлар, ёзув машинкалари, факс, нусха кўчириш аппаратлари, уяли алоқа воситалари ва бошқалар);

- ишчи ва наслдор ҳайвонлар (отлар, туялар, хўкизлар, сизирлар, бўқалар, кўйлар, эчкилар, чўчқалар ва бошқа ишчи сифатида ишлатиладиган ва насл берадиган ҳайвонлар);

- кўп йиллик ўсимликлар (боғлар ва бошқалар);

- кутубхона фонди (бадий-адабий, техник, иқтисодий ва бошқа турдаги адабиётлар);

- ерни ва бошқа асосий воситаларни ободонлаштиришга сарфланган маблағлар (ер участкаларини кадастрини тузиш, кўкаламзорлаштириш, решёткалар ўрнатиш, сув ҳавза ва омборларини тозалаш ва бошқа ишларга сарфланган капитал қуйилмалар);

- бошқалар (юқоридаги гуруҳларга кирмай қолган асосий фонд — музей экспонатлари, лизингга олинган асосий воситаларга қилинган капитал сарфлар, турли намуналар ва бошқалар).

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ айрим меҳнат воситалари асосий фондлар жумласига киритилмайди. Улар қуйидагилардир:

- хизмат муддати бир йилдан кам бўлган меҳнат воситалари (уларнинг қийматидан қатъий назар);

- махсус кийимлар, пойафзал, кўрпа-ёстиклар (қийматидан қатъий назар);

- девонхона буюмлари (калькуляторлар, стол усти приборлари ва бошқалар);

- кўчатхоналарда экиш учун ўстириладиган кўчатлар ва бошқалар.

Асосий фондларнинг алоҳида гуруҳлари ўртасидаги нисбат, асосий фондларнинг қайси гуруҳи учун маблағ сарфланиши жамият учун аҳмиятсиз эмас. Чунки, корхоналарни ишлаб чиқаришда асосий ўрин эгалайдиган ва уларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини характерлайдиган асосий фондларнинг актив қисми — машина ва жиҳозларнинг кўпайиши қизиқтиради.

Асосий фондлар актив қисмининг нормал ишлашини таъминлайдиган бинолар, иншоотлар, инвентарлар асосий фондларнинг пассив қисмига киради.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматида жиҳозлар ҳиссасининг ошиши бошқа тенг шароитларда ишлаб чиқаришнинг ўсишига ва фондлар қайтимининг ошишига олиб келади.

Шунинг учун асосий фондлар тузилишини тўғри ташкил этиш ишлаб чиқаришнинг ўсишига, таннархнинг пасайишига ва корхона пул маблағларининг ортишга олиб келувчи шарт сифатида қаралади.

Саноатнинг турли тармоқларига тегишли корхоналарда асосий ишлаб чиқариш фондлари тузилиши бир хил бўлмайди. Масалан, енгил ва озиқ – овқат саноатида бинолар асосий ўрин эгалайди (44-46 фоиз), ёқилғи саноатида иншоотлар (17-19 фоиз), электр энергетика саноати корхоналарида узатиш қурилмалари (30-33 фоиз), машинасозлик корхоналарида машина ва жиҳозлар асосий ўрин эгаллайди.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари тузилишига асосий таъсир қилувчи омиллар бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот характери, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, механизация ва автоматлаштирилганлик даражаси ҳамда корхонанинг иқлим ва географик жойлашиши ва хусусиятлари ҳисобланади.

Биринчи омил биноларнинг қиймати ва ўлчамига, транспорт воситалари ва ўтказиш қурилмаларининг ҳиссасига таъсир қилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши маҳсус ишчи машина ва жиҳозлари ҳиссасининг ошишига олиб келади. Худди шундай учинчи ва тўртинчи омиллар ҳам асосий фондлар тузулишига таъсир кўрсатади. Асосий фондлар таркибидаги бино ва иншоотлар ҳиссаси иқлим шароити билан ҳам боғлиқ.

Қуйидагилар асосий ишлаб чиқариш фондлари тузилишининг яхшиланишга олиб келади:

- ускуналарни яхшилаш ва замонавийлаштириш;
- ускуналар, хусусан, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган станоклар, автоматлаштирилган ва ярим автоматлаштирилган станоклар, универсал ва мураккаб станоклар, автоматик линиялар ҳамда ҳисоблаш дастурлаш станоклари тузилишини такомиллаштириш;
- бино ва иншоотлардан оптимал фойдаланиш, бўш турган жойларга қўшимча ускуналар ўрнатиш;
- корхонанинг қурилиш лойиҳаларини тўғри тузиш ва қурилиш режасини сифатли қилиб амалга ошириш;
- ортиқча ва кам фойдаланиладиган ускуналарни тугатиш.

Асосий фондларни ҳисобга олиш ва режалаштириш натурал ва пул шаклида олиб борилади. Асосий фондларни баҳолашдан олдин машиналар сони, уларнинг унумдорлиги, қуввати, ишлаб чиқариш

майдонининг ўлчами ва бошқа натурал шаклдаги миқдорий кўрсаткичлар аниқланади. Бу маълумотлар тармоқ ва корхона ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблашда, ишлаб чиқариш дастурини режалаштиришда, ускуналар балансини тузишда фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичлар асосида ускуналар инвентаризация қилинади ва уларни ҳисобдан чиқариш, ҳисобга киритиш амалга оширилади.

### **10.3. Асосий фондларни баҳолаш, эскириши ва таъмирлаш**

Асосий фондларни пул (қиймат) шаклида баҳолаш асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқаришини режалаштириш, эскириш меъёрини ва амортизация ажратмалари миқдорини ҳамда хусусийлаштириш ҳажмини аниқлаш учун зарур ҳисобланади.

Асосий фондларни баҳолашнинг бошланғич, қайта тикланиш ва қолдиқ қиймат кўринишлари фарқланади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг бошланғич қиймати асосий фондни яратиш ёки сотиб олиш учун кетган ҳамда уни ўрнатиш, монтаж учун кетган жами харажатлар суммасидан иборат. Бундан амортизация нормаси ва амортизация ажратмалари кўламини аниқлашда, корхона фойдаси ва рентабеллигини ҳисоблашда фойдаланилади.

Фан-техник тараққиёти натижасида асосий фондларни ишлаб чиқариш шартлари ва омиллари ҳам ўзгариб бормоқда, бинобарин, жорий бозор баҳолари ва тарифлари билан боғлиқ равишда уларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ҳам ўзгариб бормоқда. Ҳозирги кунда асосий фондлар жорий баҳолари ва тарифларига биринчи даражали таъсир қилувчи омил бўлиб инфляция ҳисобланади.

Корхона балансида асосий фондлар вақт ўтиши билан турли хил қийматда акс этиб қолади. Яъни, хўжалик юритишнинг ҳозирги шароитида асосий фондларни фақат уларнинг бошланғич қиймати бўйича ҳақиқий баҳолаб бўлмайди ва шунинг учун уларни қайта баҳолаш ва бир хил қийматга ўтказиш зарурати тўғилади.

Тикланган қиймати — бу асосий фондларнинг қайта баҳолаш, кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилингандан кейинги қиймати. Бу қиймат вақтинчалик бўлиб, қўшимча қилинган харажатлар ва қайта баҳолаш натижаси асосий фондлар қийматига киритилгач бошланғич қиймат бўлиб қолаверади.

Асосий фондлар ишлатилиши жараёнида эскириб боради ва ўзининг бошланғич қийматини босқичма-босқич йўқотиб боради. Уларнинг реал қийматини аниқлаш учун эскирган қисмининг

қийматини аниқлаш зарурати туғилади. Уларнинг бошланғич ёки тикланиш қийматидан эскириш суммаси айрилиб асосий фондларнинг қолдиқ қиймати аниқланади. Бу қийматни баланс қиймати ҳам, деб атайдилар. Чунки, айнан шу қийматда асосий фондлар корхонанинг балансида акс эттирилади.

Сотиш қиймати – бу асосий фондларнинг сотилиши вақтида сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида келишилган шартномавий қиймат.

Эскиришнинг жисмоний ва маънавий кўринишлари фарқланади.

Жисмоний эскириш, деганда асосий фондларнинг бошланғич истеъмол қийматининг босқичма-босқич йўқолиб бориши тушунилади. Бунда нафақат уларнинг ишлаш жараёнидаги эскириши, балки бекор туриши натижасида ҳам эскирганлиги киради. Асосий фондларнинг физик эскириши — асосий фондларнинг сифатига, техник такомиллашганлигига, ишлаш вақтига, ташқи таъсирлардан ҳимояланганлигига, парвариш қилинишига, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари хусусиятларига ҳамда уларга хизмат кўрсатиш даражасига боғлиқ.

Асосий фондларнинг жисмоний эскириши, ҳатто уларнинг бир хил элементларида ҳам ҳар хил бўлади. Асосий фондларнинг тўлиқ ва қисман эскириши фарқланади. Тўлиқ эскирганда ишлаб турган асосий фондлар йўқотилади ва жойига янгиси (капитал қурилиш ёки эскирган асосий фондларни жорий алмаштириш воситасида) келтиради. Қисман эскириш таъмирлаш йўли билан қопланади.

Асосий фондларнинг жисмоний эскириши ҳақиқий хизмат қилган даврни нормативдаги даврга бўлиш ва 100 га кўпайтириш йўли билан ҳисобланиши мумкин. Нисбатан тўғри усул бу объектнинг табиий ҳолатини текширишдир.

Маънавий эскириш – машина ва ускуналар қийматининг, уларни такрор ишлаб чиқариш учун кетадиган умумий, зарурий харажатларининг қисқариши, янги ва унумдор машина ва ускуналарнинг жорий қилиниши таъсирида пасайишидир. Ушбу омиллар таъсирида асосий фондлар ўзининг техник тавсифи ва иқтисодий самарадорлиги жиҳатдан қоқоқ бўлиб қолади, яъни маънавий эскиради.

Маънавий эскирган асосий фонд хали ишлаб чиқаришга яроқли бўлсада, ундан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлади. Бу тусдаги эскиришнинг бош омили илмий техника тараққиёти

ҳисобланади ва асосий фондлар ишлаб чиқарувчи соҳада меҳнат унумдорлигини ўсиши ҳисобланади.

Илмий техника тараққиёти негизда меҳнат воситаларини ишлаб чиқарувчи тармоқларда меҳнат унумдорлигининг ортиши, шу турдаги воситалар баҳосининг пасайишига олиб келади.

Бу ҳолатдаги маънавий эскиришнинг миқдори объект бошланғич қийматига нисбатан фоизларда аниқланади ва қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$I_M = \frac{(\Phi_\delta - \Phi_m) \cdot 100\%}{\Phi_\delta}$$

бу ерда:  $I_M$  - маънавий эскириш миқдори;  
 $\Phi_\delta$  - объектнинг бошланғич қиймати;  
 $\Phi_m$  - объектни тиклаш қиймати.

Бундан ташқари илмий техника тараққиёти таъсирида остида меҳнат восита (машина ва қурилма)ларининг янги авлоди юзага келади. Улар олдингиларига нисбатан юқори унумли, такомиллашган ва тежамкорлиги билан фарқ қилади. У қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$I_{M_2} = \Phi_{II} - \left( \frac{\Phi_{II}}{II T_H} - \frac{\Phi_{II}^1}{II^1 T_H^1} \right) \cdot T_0 \cdot II$$

бу ерда:

$\Phi_{II}$  ва  $\Phi_H$  - эски ва янги меҳнат воситаси (техника)нинг бошланғич қиймати, сўм.

$II$  ва  $II^1$  - эски ва янги меҳнат воситаси (техника)нинг йиллик меҳнат унумдорлиги.

$T_H$  ва  $T_H^1$  - эски ва янги меҳнат воситаси (техника)нинг хизмат қилиш нормаси, йил.

$T_0$  - эски меҳнат воситаси (техника)нинг қолган хизмат муддати, йил.

Умумий кўринишида маънавий эскириш қуйидаги формула орқали ифодаланиши мумкин:

$$I_M = \frac{\Phi_{II} - \frac{\Phi_B^1 II}{II^1} \cdot 100}{\Phi_{II}}$$

бу ерда:

$\Phi_B^1$  - янги меҳнат воситаси (техника)нинг тикланишқиймати.



Ҳозирги шароитда маънавий эскиришни ҳисобга олишнинг аҳамияти ортиб боради. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун ҳали тўлиқ жисмоний эскирмаган, лекин маънавий эскирган асосий фондларни янгиси билан алмаштириш керак бўлади. Маънавий эскирган техникани ўз вақтида замонавийлари билан алмаштирмаслик маҳсулот таннархини пасайтиришга, сифатини яхшилашга имконият бермайди. Бундай маҳсулотлар билан рақобатга киришиб бўлмайди.

Маълумки, ишлаб чиқариш жараёнида асосий фондлардан фойдаланиш оқибатида, уларнинг техник ҳолати бошланғич даврдагига нисбатан йўқолиб боради. Шунинг учун уларни ишчи ҳолатда ушлаб туриш учун таъмирлаш лозим бўлади.

Асосий фондларни таъмирлаш икки турга бўлинади: жорий ва капитал.

Жорий таъмирлаш – бу асосий фондларни вақтидан олдин иш лаёқатини йўқотмаслик учун вужудга келган кичик хажмдаги техник бузилишлар ва лат ейишларни тузатиш бўйича доимий ва ўз вақтида ўтказилган профилактик характерга эга булган таъмирлаш ишларидир.

Одатда, жорий таъмирлаш муддати бир йилдан ошмайди. Бундай таъмирлашда асосий фонднинг у ёки бу қисми алмаштирилмайди. Жорий таъмирлаш ишлари жорий таъмирлаш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Ушбу далолатномада қилинган ишларнинг турлари, сарфланган материалларнинг қиймати, кетган меҳнат вақти ва қиймати, шунингдек, бошқа харажатлар кўрсатилади. Далолатнома жорий таъмирлашга маъсул шахслар томонидан имзоланади, корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

Капитал таъмирлаш – бу маълум бир вақтдан кейин ( одатда, бир йилдан кейин ) асосий фондларни тўлиқ қисмларга ажратиш, керак бўлганда у ёки бу лаёқатсиз бўлиб қолган қисмларни тўлиқ алмаштириш бўйича бажарилган таъмирлаш ишлари тушунилади. Капитал таъмирлаш хажми, мураккаблиги ва қиймати бўйича жорий таъмирлашдан катта фарк килади. Капитал таъмирлаш ишлари махсус капитал таъмирлаш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга, жумладан, Солик Кодексига ва Вазирлар Маҳкамаининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш,хизмат)ни ишлаб чиқариш ва

сотиш бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ корхоналар жорий ва капитал таъмирлашни маблағ билан таъминлашни қуйидаги икки усулнинг бирида амалга оширишлари керак. Ва танланган усулни ўзларининг ҳисоб сиёсатларида белгилаб олишлари лозим :

- таъмирлаш учун махсус захира ташкил этиш ва барча харажатларни ушбу резерв ҳисобидан коплаш усули;
- таъмирлаш ишлари қийматини захира ташкил этмасдан харажатларга бевосита олиб бориш усули.

Биринчи усулда корхона таъмирлаш ишлари учун ҳар ойда ўзи белгилаб қўйган меъёрларда махсус захирага ажратмалар қилиб боради. Жорий ва капитал таъмирлаш ишлари якунланган ойда уларнинг қиймати тегишли тасдиқланган далолатномалар асосида захира эвазига ҳисобдан чиқарилади. Йил охирида таъмирлаш учун ташкил этилган захиранинг ишлатилмай қолинган қисми келгуси йилга (солиқ базасига қайта киритиш шарти билан) ўтказилади.

Иккинчи усулда “Маҳсулот (иш,хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари таъмирланган асосий фондларнинг ишлатилиш мақсадига кўра ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига, шунингдек, илмий тадқиқот ишлари ва тажриба конструкторлик ишланмалари, шунингдек, келгусида ишга туширилишга мўлжалланган технологик линияларга доир асосий фондларни таъмирлаш харажатлари (агар ИТИ ва ТКИ якунлари бўйича моддий бойликлар олинган бўлса) ушбу бойликлар таннархига киритилади

Амалиётда шундай ҳолатлар юзага келадикки, маълум бир миқдорда асосий фондлар ишлаб чиқаришга жорий этилса, уларнинг маълум бир миқдор чиқариб ташланади. Шунинг учун улар қиймати қуйидагича ҳисобга олиб борилади:

- йил бошига асосий фондлар қиймати;
- йил охирига асосий фондлар қиймати;
- ўртача йиллик асосий фондлар қиймати.

Корхоналарнинг асосий фондларини оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун инвестициялар киритиш талаб

қилинади. Бунда асосий манбалардан бири бўлиб – амортизация ажратмалари ҳисобланади.

#### **10.4. Амортизация ажратмалари – асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим манбаи**

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида тижорат корхонларида асосий фондларни янгилашга кетадиган харажатларни қоплашнинг асосий манбаи, уларнинг ўз маблағлари ҳисобланади. Бу маблағ асосий фонддан фойдаланиш мобайнида амортизация ажратмаси шаклида жамғарилади.

Амортизация – бу асосий фонд эскириб боришига қараб, унинг қийматини аста-секин ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига қисмлаб ўтказиш, асосий фондни кейинчалик қайта тиклаш мақсадларида маҳсулотнинг амортизация миқдориغا тенг қисмини ажратиб бориш жараёнидир.

Амортизация истеъмол қилинган меҳнат воситалари қийматини, уларнинг эскиришига мувофиқ равишда маҳсулот таннархига ўтказиш, истеъмол қилинган меҳнат воситаларининг ўрнини қоплаш мақсадида пул маблағини жамғариш жараёнини акс эттиради.

Амортизация ажратмалари белгиланган амортизация норма (меъёр)лари асосида ажратилиб борилади.

• Амортизация ҳисобланадиган мулк таркибига Ўзбекистон Республикасини қонунчилигига кўра корхона хўжалик фаолиятида бир йилдан ортиқ вақт мобайнида ўзининг физик кўринишини ўзгартирмасдан фойдаланиладиган активлар киради. Ер участкалари, қазилма бойликлар, ўрмонлар ва молиявий активлар бунга кирмайди. Амортизация ажратмаси суммаси асосий фонднинг қийматига, ундан фойдаланиш муддатига ва модернизация харажатларига боғлиқ.

• Корхоналарнинг асосий фондлари амортизация ҳисобланадиган ва амортизация ҳисобланмайдиган турларга бўлинади.

• Солиқ кодексининг 306 моддасига кўра қуйидаги активлар амортизация қилинмайди:

• ер ва табиатдан фойдаланишга доир бошқа объектлар (сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар);

• маҳсулдор чорва моллари;

• ахборот-кутубхона фонди;

- музей ашёлари;
- моддий маданий мерос объектлари;
- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, йўлкалар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган ободонлаштириш иншоотлари;

- консервация даври учун — қонунчиликда белгиланган тартибда консервация қилинган амортизация қилинадиган актив ва бошқалар.

Асосий фондларнинг қолган турлари бўйича амортизация ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига мувофиқ асосий воситалар амортизация нормалари бўйича қўйидаги олтита гуруҳга бўлинади<sup>72</sup> (10.4.1-жадвал).

Амортизация нормаси даражаси асосий фондларнинг эскирган қисмини қайта тиклаш учун зарур бўлган ресурслар ҳажмини ифодалайди. Унинг ёрдамида асосий фондларнинг айланма тезлиги ва уларни такрор ишлаб чиқариш жараёнини моделлаштириш назорат қилинади.

#### 10.4.1-жадвал.

#### Ўзбекистон Республикасида асосий воситалар бўйича амортизация нормалари

Гуруҳлар тартиб рақами	Амортизация гуруҳларининг (кичик гуруҳларининг) номи	Амортизациянинг нормаси, фоизларда
I	Бинолар ва иншоотлар:	
	-бинолар	5
	-иншоотлар	10
II	Қувурлар, электр узатиш ва телекоммуникациялар линиялари	15
III	Машиналар ва ускуналар (транспорт ускуналаридан ташқари)	20
IV	Транспорт ускуналари:	

<sup>72</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, 2019 йил 30 декабрь, 306 модда.

	-ҳаво ва космик учиш аппаратлари ва улар билан боғлиқ ускуналар, кемалар ва қайиқлар, локомотивлар ва ҳаракатдаги таркиб (темир йўл таркиби)	10
	-автотранспорт воситалари, автомобиль кузовлари (корпуслари), тиркамалар ва ярим тиркамалар, бошқа транспорт ускуналари	20
V	Компьютерлар ва периферия ускуналари	40
VI	Бошқа гуруҳларга киритилмаган амортизация қилинадиган активлар	15

Амортизация ажратмалари миқдори бир неча усулда ҳисобланиши мумкин:

- бир маромда ҳисоблаш;
- бажарилган иш ҳажмига пропорционал ҳисоблаш;
- хизмат йиллари йиғиндисига пропорционал ҳисоблаш (кумулятив усул);
- камайиб борувчи қолдиқ қийматдан ҳисоблаш.

Амортизация ажратмалари миқдорини бир маромли усулда ҳисоблаш асосий фондларнинг бир маромда жисмоний ва маънавий эскиришига мўлжалланган (10.4.2-жадвал).

#### 10.4.2-жадвал.

#### Амортизация ажратмалари миқдорини бир маромли усулда ҳисоблаш

Асосий фондлар кўринишлари	Ўртача баланс қиймати, млн. сўм	Амортизация ажратмаларининг йиллик нормаси, %	Амортизация ажратмаларининг йиллик миқдори, млн.сўм (гр.2хгр.3)
1	2	3	4
Юк автомашинаси	60,0	20	12,0
Бинолар	350,0	5	17,5
Компьютерлар	7,0	40	2,8
Жами:			32,3

Корхоналар амортизацияни ҳисоблашнинг у ёки бу усулини доимий тарзда танлаб олиш ёки ҳар тўртта усулни бир вақтнинг ўзида у ёки бу асосий фондлар бўйича белгилаб олиш мумкин. Амортизацияни ҳисоблашнинг бу усулларни қўллашда амортизация суммаси турлича бўлиши ва у Солиқ Кодексида кўзда тутилган бир маромда ҳисоблаб чиқилган миқдордан кам ёки кўп бўлиши мумкин.

Асосий фондларнинг маънавий эскириши кўп ҳолларда жадал кечади. Шунинг учун корхона бошқарувчиси амортизация ажратмасини тез маънавий эскираётган асосий фондларнинг ўрнини қоплаб оладиган даражада белгилаши лозим. Бу муаммони тезлаштирилган амортизация усули ёрдамида ҳал қилиш мумкин.

Ҳозирги кунда ускуналар қийматининг катта қисмини дастлабки йиллардаёқ ишлаб чиқариш харажатларига ўтказишни таъминлайдиган нотекис амортизация кенг қўлланилмоқда. Масалан, биринчи йил – 50 фоиз, иккинчи йил – 30 фоиз, учинчи йил – 20 фоиз ўтказилади. Бу корхоналарга инфляция шароитида қилинган харажатларни тезроқ қоплаш ва ускуналарни янгилаш имконини беради.

Ривожланган мамлакатларда амортизация ажратмалари капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шу сабабли ҳам уларда давлат кўпинча фирмаларга жадаллаштирилган, яъни юқори амортизация нормаларини қўллашга рухсат беради. Амортизация ажратмаларининг юқори нормаларини қўллаш асосий фондлар қийматини нисбатан қисқароқ вақт ичида рўйхатдан чиқариш имконини беради. Жадаллаштирилган амортизация нормалари, одатда, асосий фондларнинг актив (бевосита ишлаб чиқаришда қатнашадиган) қисмига нисбатан қўллашга рухсат берилади.

Табиийки, жадаллаштирилган амортизация нормаларини қўллаш маҳсулот таннархига қўшиладиган амортизация ажратмалари ишлаб чиқариш харажатларининг ошиб кетишига ва корхона соф фойдаси миқдорининг камайишига олиб келади. Бироқ, жадаллаштирилган амортизация нормаларининг қўлланилиши асосий фондларнинг тезроқ янгилинишига молиявий шароит яратади.

Саноат корхоналарида амортизация ажратмалари суммаси мустақил равишда корхонанинг асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш ва такомиллаштиришга сарфланади.

Асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришнинг турли шакллари мавжуд. Оддий такрор ишлаб чиқариш шакли – бу эскирган меҳнат воситаларини капитал таъмирлаш. Бунда, таъмирлаш харажатлари бевосита маҳсулот таннархига қўшилади. Ноишлаб чиқариш фондларини таъмирлаш учун харажатлар фойда ҳисобига қопланади.

Асосий фондларни кенгайтирилган шаклда такрор ишлаб чиқариш, деганда янги қурилишни амалга ошириш, корхона фаолиятини кенгайтириш, уни реконструкция қилиш, техник қайта қуролланиш ҳамда ускуналарни модернизация қилиш тушунилади.

Бу шаклларнинг ҳар бири аниқ вазифани бажаради, ўзига яраша устунлик ва камчиликлари бор. Янги қурилиш ҳисобига асосий фондларининг барча элементлари замон талабига жавоб бера оладиган корхоналар юзага келади. Бироқ, ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришнинг сусайиши билан кўпчилик корхоналар маблағ етишмаслиги сабабли фаолиятини тўхтатадилар.

Реконструкция қилишда капитал харажатларнинг асосий қисми эски ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларидан фойдаланиш даврида фондларнинг актив қисмини такомиллаштиришга йўналтирилади. Ускуналарга қилинаётган харажатлар ҳиссасининг ортиши меҳнат унумдорлигининг ортишига, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига ва маҳсулот таннархининг пасайишига олиб келади.

Ускуналарни модернизациялаш – бу ускуналардаги маънавий эскиришни тўлиқ ёки қисман бартараф қилиш ва ишлаб чиқаришга нисбатан замонавий конструкцияларни жорий қилишдир.

Ускуналарни модернизациялаш бир неча йўналишларда олиб борилиши мумкин:

- ишлаётган машиналарнинг конструкциясини, уларнинг техник имкониятларини оширадиган қилиб такомиллаштириш;
- станок ва механизмларни автоматлаштириш ва механизациялаш;
- ускуналарни дастурий бошқаришга ўтказиш.

Ускуналарни модернизация қилиш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб, меҳнат унумдорлиги ва йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини оширади, маҳсулот таннархини камайишига олиб келади. Агар фойданинг ўсиши модернизация харажатлари туфайли асосий фондлар қийматининг ўсишидан юқори бўлса рентабеллик ошган бўлади. Шу сабабли ҳам корхоналарда ишлаб чиқариш технология-

ларини ва меҳнат куролларини модернизациялаш доимо долзарб масалалардан ҳисобланиб келинган.

### **10.5. Корxonанинг ишлаб чиқариш қуввати ва асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш йўллари**

Ишлаб чиқариш корxonалари фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларида бири – мавжуд асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилашдир. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигининг ошиши, аввало, қўшимча капитал маблағ сарфламасдан туриб маҳсулот ҳажмини кўпайтиришда ўз ифодасини топади. Бу корxonаларнинг ўз ишлаб чиқариш имкониятларидан, яъни ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланишини англатади.

Корxonанинг ишлаб чиқариш қуввати муайян даврда (йил, смена, кун) корxона тасарруфидаги меҳнат воситаларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда белгиланган ассортименда (мумкин бўлган) энг юқори миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришни ифодалайди.

Корxonанинг ишлаб чиқариш қуввати ҳар бир маҳсулотнинг табиий ўлчов бирликларида (тонна, метр, дона) ва қийматларида акс этиши мумкин .

Корxonанинг ишлаб чиқариш қуввати етакчи цехлар, участкалар, шунингдек, айрим линиялар, агрегатлар бўйича белгиланиши мумкин.

Корxonанинг ишлаб чиқариш қуввати (унинг ишлаб чиқариш хусусиятини эътиборга олган ҳолда) қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$Q = N * P * T$$

бу ерда: Q - корxonанинг ишлаб чиқариш қуввати;

N - ўрнатилган машиналар сони, дона;

P - бир машина унумдорлиги;

T - йиллик хизмат қилиш муддати.

Бир тармоқ ичидаги корxonаларнинг ишлаб чиқариш қувватлар йиғиндиси, шу тармоқнинг ишлаб чиқариш қувватини белгилайди. Ишлаб чиқариш қувватлари баланси тахминан қуйидагича бўлади:

1) Йил бошидаги ишлаб чиқариш қуввати.

2) Режалаштирилган давр мобайнида ишлаб чиқариш қувватларининг ўсиши, жумладан:

- ташкилий-техникавий тадбирлар ҳисобига;



- реконструкция ва модернизация ҳисобига;
- янги қурилиш ҳисобига.

3) Ишлаб чиқариш қувватларининг ишлаб чиқаришдан чиқиб кетиши.

4) Йил охиридаги ишлаб чиқариш қувватлари.

5) ўртача йиллик ишлаб чиқариш қуввати.

Ўртача йиллик ишлаб чиқарув қувватидан фойдаланиш коэффициенти ( $K_{им}$ ):

$$K_{им} = \frac{TM}{M_{урта}}$$

бу ерда:

$TM$  – жорий йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот(сўм);

$M_{урта}$  – ўртача йиллик қувват (сўм).

Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини режалаштиришда ўртача йиллик қувват алоҳида, жорий йилга алоҳида, келгуси давр (узоқ муддат)га алоҳида ҳисобланади.

Жорий режалаштиришда ўртача йиллик қувват қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$M_{урт.йил} = M_{й.б} + \left( \frac{M_{уc} \cdot n}{12} - \frac{M_{к} \cdot n}{12} \right)$$

бу ерда:

$M_{урт.йил}$  – ўртача йиллик қувват хажми;

$M_{й.б}$  – йил бошига қувват хажми;

$M_{уc}$  – йил давомида қувватнинг ўсиши;

$M_{к}$  – йил давомида қувватнинг камайиши;

$n$  – қувват жорий этилгандан ёки чиқариб ташлангандан сўнги қолган ойлар сони.

Узоқ муддатга (стратегик) режалаштиришда корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$M_{й.о} = M_{й.б} + M_{тех} + M_{рек} + M_{кенг} + M_{ян.к} \pm M_{хн.у} - M_{л}$$

бу ерда:

$M_{тех}$  – техник қайта қуроллантириш ҳисобига қувватнинг ортиши.

$M_{рек}$  – реконструкция қилиш ҳисобига қувватнинг ортиши.

$M_{кенг}$  – кенгайтириш ҳисобига қувватнинг ортиши.

$M_{ян.к.}$  – янги қурилиши ҳисобига қувватнинг ортиши.

$M_{х.н.у.}$  — маҳсулот хажми ва номенклатураси ўзгариши ҳисобига қувватнинг ортиши ёки камайиши.

$M_{л}$  — ликвидация қиймати.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, унинг техник даражаси, кадрлар малакаси, хом ашёларнинг сифати, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ассортименти, кадрларнинг малакасига қараб ўзгариб боради.

Асосий фондлар тузилишининг ва техник даражасининг — маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ошишига ҳамда маҳсулот таннархининг камайишига таъсири, улардан фойдаланиш даражасига боғлиқ.

Асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичларини қуйидаги уч гуруҳга бирлаштириш мумкин:

- асосий фондлардан экстенсив фойдаланиш кўрсаткичлари. Бу кўрсаткичлар муддат бўйича улардан фойдаланиш даражасини ифодалайди;

- асосий фондлардан интенсив фойдаланиш кўрсаткичлари. Бу кўрсаткичлар уларнинг қувватидан фойдаланиш даражасини ифодалайди;

- асосий ишлаб чиқариш фондларидан интеграл фойдаланиш кўрсаткичлари. Бу кўрсаткичлар барча омиллар — экстенсив ва интенсив омиллар таъсирини ифодалайди.

Биринчи гуруҳ кўрсаткичларига ускуналардан экстенсив фойдаланиш коэффициенти, ускуналардан фойдаланишнинг сменалилик коэффициенти, ускуналарнинг иш билан таъминланганлик коэффициенти, ускуна ишлаш вақти режимининг сменали коэффициенти.

Ускуналардан экстенсив фойдаланиш коэффициенти ускуналардан ҳақиқатда фойдаланилган соатлар миқдорини режадаги соатлар миқдорига бўлиш йўли билан топилади:

$$K_{\text{экт}} = T_{\text{ҳак.ф.}} : T_{\text{меер.ф.}}$$

бу ерда:

$T_{\text{ҳак.ф.}}$  — ускуналардан ҳақиқий фойдаланилган вақт, соат;

$T_{\text{меер.ф.}}$  — ускуналарнинг норма бўйича ишлаш муддати, соат.

Мисол. Агар сменанинг давомийлик вақти 8 соат бўлса, режа бўйича таъмирлаш ишларига 1 соат сарфланса, станокларнинг ҳақиқий ишлаш вақти 6 соатни ташкил этса, унда ускуналардан

экстенсив фойдаланиш коэффициенти  $0,86 \cdot [6:(8-1)]$  га тенг бўлади. Бу станоклардан реждаги фойдаланиш керак бўлган вақтнинг атиги 86 фоиздангина фойдаланилаётганлигини билдиради.

Ускунарлардан экстенсив фойдаланиш сменалик коэффициенти кўрсаткичи билан ҳам тавсифланади. Бу кўрсаткич кун мобайнида, барча сменаларда ишлатилган ускуналар миқдорини энг катта сменада ишлатиладиган станоклар миқдорига бўлиш билан аниқланади. Ускуналарнинг ҳар бир бирлиги йилда нечта сменада ишлатилишини ҳисоблашнинг соддалаштирилган усули қуйидагича: цехга 150 бирлик станок ўрнатилган, шулардан биринчи сменада 100 бирлик станок, иккинчи сменада 90 бирлиги ишлатилди.

Сменалик коэффициенти:

$$\frac{100 + 90}{150} = 1,33 \text{ ни ташкил этади.}$$

Корхоналарда сменалик коэффициентини оширишга интилиш керак. Чунки, у қанчалик юқори бўлса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам ортади.

Ускуналар ишининг сменалилигини оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- ишчи ўринларининг ихтисослашганлик даражасини ошириш. Бу ишлаб чиқаришнинг сериялилигини ва ускуналарнинг иш билан таъминланганлигини оширади;

- ишларнинг ритмлигини ошириш;
- бекор туриб қолишларни камайтириш;
- таъмирлаш ишларини самарали йўлга қўйиш;
- асосий ва махсус ёрдамчи ишчилар меҳнатини механизациялаш. Бу қўшимча ишчи кучини озод қилиш ва уларни огир ёрдамчи ишларга ёки учинчи сменага ўтказиш имконини беради.

Ускуналарнинг иш билан таъминланганлик коэффициенти ҳам ускуналардан вақт бўйича фойдаланишни характерлайди. Бу кўрсаткич асосий ишлаб чиқаришдаги жами машина парклари учун ҳисобланади. Бу кўрсаткич мавжуд ускуналар билан барча маҳсулотларни тайёрлаш меҳнат сифимининг, унинг ишлаш вақти фондига нисбати сифатида аниқланади. Амалиётда ускуналарнинг иш билан таъминланганлик коэффициенти сменалик

коэффициентидан икки баробар (агар 2 сменали режим бўлса) ёки уч баробар (агар 3 сменали режим бўлса) кам қийматда қабул қилади.

Бизнинг мисолларимизда:

$$K_{\text{юкланганлик}} = 1,33 : 2 = 0,67$$

Ускуналар ишининг сменалик кўрсаткичи асосида ускуна ишлаш вақти режимнинг сменалик фойдаланиши коэффициенти ҳам ҳисобланади. Бу кўрсаткич ускуналар ишининг сменалик коэффициенти ушбу корхонада ўрнатилган сменанинг давомийлик вақтига бўлиш йўли билан аниқланади. Агар корхонада сменанинг давомийлиги вақти 8 соат бўлса, унда бу кўрсаткич:

$$K_{\text{см.и.}} = 1,33 : 8 = 0,17 \text{ га тенг бўлади.}$$

Бироқ ускуналардан фойдаланиш жараёнининг бошқа томонлари ҳам бор. Смена орасида вақтинча кун мобайнида бекор туриб қолишларни билишдан ташқари ускуналардан ҳақиқатдан иш билан таъминланган вақтларида қанчалик даражада самарали фойдаланилаётганлигини ҳам аниқлаш керак. Ускуналар тўлиқ иш билан таъминланмаган пайтда умуман маҳсулот чиқармаслиги мумкин. Бундай ҳолларда биз ускуналардан экстенсив фойдаланиш кўрсаткичларини ҳисоблаш билан чеклансак юқори натижа олгандай бўламиз. Лекин, юқорида кўрганимиздек, ускуналардан самарали фойдаланиш самарадорлиги ҳақида тўлиқ хулоса чиқаришга кифоя қилмайди.

Олинган натижаларни иккинчи гуруҳга тааллуқли бўлган, асосий фондлар унумдорлиги акс эттирувчи асосий фондлардан интенсив фойдаланиш кўрсаткичлари билан бойитиш керак. Буларнинг ичида энг муҳим кўрсаткич — ускуналардан интенсив фойдаланиш коэффициенти кўрсаткичидир.

Бу кўрсаткични аниқлаш учун асосий техник ускуналар ҳақиқий унумдорлигини унинг нормтивдаги унумдорлигига бўлиш йўли билан аниқланади. Буни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$K_{\text{инт}} = M_x : M_{\text{меёрий}}$$

бу ерда:

$M_{\text{ҳақиқий}}$  — ускуналар билан вақт бирлиги ичида ҳақиқатдаги маҳсулот ишлаб чиқариш;

$M_{\text{меёрий}}$  — ускуналар билан вақт бирлиги ичида техник асосланган маҳсулот ишлаб чиқариш.

Мисол. Смена мобайнида станок ҳақиқатда 6 соат ишлатилган. Бўш турган вақти 2 соат. Станоклар соатига 120 бирлик маҳсулот ишлаб чиқариши керак, Лекин улар 6 соатлик иш вақтида соатига 90 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бунда  $K_{\text{инт}} = 90 : 120 = 0,75$  бўлади. Бу ускуналар қувватининг атиги 75 фоиздан фойдаланилганлигини билдиради.

Асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичларининг учунчи гуруҳига:

- ускуналардан интеграл фойдаланиш коэффиценти;
- ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти;
- маҳсулотларнинг фондлар қайтими ва фондлар сифими кўрсаткичлари киради.

Ускуналардан интеграл фойдаланиш коэффиценти ускуналардан экстенсив ва интенсив фойдаланиш коэффицентлари кўпайтмаси сифатида аниқланади. Бу кўрсаткич ускуналардан фойдаланишни вақт ва қуввати бўйича тавсифлайди. Юқорида келтирилган мисолда  $K_{\text{экт}} = 0,86$ .  $K_{\text{инт}} = 0,75$ . Шунга кўра ускуналардан интеграл фойдаланиш коэффиценти

$$K_{\text{интег.фойд.}} = 0,86 \times 0,75 = 0,65 \text{ га тенг бўлади.}$$

Бу кўрсаткич ускуналардан ҳам экстенсив ҳам интенсив фойдаланишдаги камчиликларни биргаликда аниқлайди. Ушбу икки омил таъсири натижасида станоклар соатига 0,65 фоиз ишлатилган.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг умумлашган кўрсаткичлари — фонд қайтими, фонд сифими, фонд рентабеллиги кабилардир.

Асосий фондлардан самарали фойдаланиш ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига олиб келади. Шунинг учун асосий фондлар самарадорлиги кўрсаткичини аниқлашда маҳсулот ишлаб чиқарилишида қатнашган барча асосий фондлар қийматини ҳисобга олиш лозим. Бу кўрсаткич асосий фондларнинг 1 сўмига қанча ишлаб чиқарилган маҳсулот тўғри келишини, яъни фондлар қайтимини ифодалайди. Уни ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$\Phi_k = M : \Phi ,$$

бу ерда:

$\Phi_k$  – фонд қайтими, сўм;

$M$  – сотилган маҳсулот ҳажми, сўм;

$\Phi$  – корхона асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати, сўм.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг йиллик ўртача қиймати қуйидагича аниқланади:

$$\Phi = \Phi_1 + \frac{\Phi_{\text{ит.}} \times T_1}{12}; \quad \frac{\Phi_{\text{ич.}} \times T_2}{12},$$

бу ерда:

$\Phi_1$  – асосий ишлаб чиқариш фондларининг йил бошидаги қиймати, сўм;

$\Phi_{\text{ит.}}$ ;  $\Phi_{\text{ич.}}$  – йил мобайнида ишга туширилган (ҳисобдан чиқарилган) асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати, сўм;

$T_1$ ,  $T_2$  – ишга туширилган (ҳисобдан чиқарилган) вақтдан кейинги тўлиқ ойлар сони.

Фондлар қайтими асосий фондлардан фойдаланишни ифодаловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Мамалакат бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фондлар қайтимини ошириш миллий иқтисодиётнинг муҳим вазифаси ҳисобланади (10.5.1-чизма).

Маҳсулотларнинг фондлар сифими кўрсаткичи фондлар қийматига тесқари кўрсаткич ҳисобланади. Бу ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳар бир сўмига қанча асосий фондлар тўғри келишини ифодалайди. Агар фондлар қайтими ўсиш тенденциясига эга бўлса, унда фондлар сифими камайиб боради.

$$\Phi_c = \frac{\Phi}{M}$$

Фонд рентабеллиги кўрсаткичи корхонанинг йиллик соф фойдасининг асосий фонд қийматига нисбати кўринишида қуйидаги усулда ҳисобланади:


$$\Phi_p = \frac{C_\phi}{\Phi} \times 100,$$

бу ерда:

$\Phi_p$  – асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати, сўм;

$C_\phi$  – корхонанинг йиллик соф фойдаси, сўм;

$\Phi$  – корхона асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати, сўм.



### 10.5.1-чизма. Фондлар қийматини оширувчи омиллар

Асосий фондларнинг пассив қисмидан, жумладан, биноларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш даражаси ишлаб чиқариш майдонининг ҳар бир квадрат метрига тўғри келадиган маҳсулот миқдорига кўра аниқланади. У қуйидаги формула билан топилади:

$$M_m = \frac{M_y}{I_m},$$

бунда:

$M_m$  –  $1\text{м}^2$  майдонда ишлаб чиқарилган маҳсулот, сўм;

$M_y$  – ялпи маҳсулот миқдори, сўм;

$I_m$  – ишлаб чиқариш майдони,  $\text{м}^2$ .

Корхона ишлаб чиқариш майдонидан фойдаланиш кўрсаткичи, нафақат, асосий фондларнинг пассив қисмидан фойдаланишни ифодалайди, айти пайтда, у асбоб-ускуналардан ҳам фойдаланиш даражасини ҳам акс эттиради.

Ҳар бир  $m^2$  майдондан олинадиган маҳсулот миқдори қанча кўп бўлса, майдонлардан ва ўрнатилган ускуналардан самарали фойдаланилаётганликдан далолат беради.

Амалиётда ишлаб чиқариш корхоналари хусусиятини ҳисобга олган ҳолда қиймат кўрсаткичларидан ташқари бир қанча натурал кўрсаткичлар ҳам ишлатилади:

- металлургия саноатида домна печларидан фойдаланиш даражасини аниқлашда бир тонна чўян ишлаб чиқариш учун домна печининг  $1 m^3$  даги фойдали ҳажмидан фойдаланиш коэффициенти;

- машинасозликда битта машинанинг натура бирлигидаги унумдорлиги ёки  $1 m^2$  ишлаб чиқариш майдонидан олинадиган маҳсулот ҳажми (соат, смена, сутка ёки бир йилга);

- цемент саноатида (вақт бирлиги ичида) цемент печлари ва тегирмонларининг тонна ҳисобидаги унумдорлиги ва ҳоказо.

Саноат корхоналарининг натурал ишлаб чиқариш кўрсаткичларига қуйидаги омиллар таъсир этади:

- дастгоҳлар унумдорлигининг ўсиши;

- машина ва механизмларнинг бекорга туриб қолиш вақтини бартараф этиш;

- машина ва механизмларнинг ишлатилиш даражаси, техникавий такомиллаштириш ва бошқалар.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини миллий иқтисодиёт миқёсида баҳолаш қийин. Бу муаммонинг ечими маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ошишига, аҳоли истемолини тўлароқ қондирилишига, мамлакатда ускуналар балансининг ошишига, маҳсулот таннархининг камайишига, ишлаб чиқариш рентабеллигининг ошишига олиб келади.

Асосий фондлардан нисбатан тўлароқ фойдаланиш — янги қувватларни жалб қилиш каби эҳтиёжларнинг камайишида муҳим омил ҳисобланади. Асосий фондлардан фойдаланишнинг яхшиланиши, уларнинг айланиш тезлигининг ошганлигини ҳам билдиради.

Хуллас, асосий фондлардан самарали фойдаланиш иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим вазифаси ҳисобланган — ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатининг ошиши, рақобат шароитида уларнинг тез реализация қилиниши билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Асосий фондлардан самарали фойдаланиш, уларнинг самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи интенсив ва экстенсив



омиллардан қанчалик тўлиқ фойдаланилаётганлигига боғлиқ. Асосий фондлардан фойдаланишнинг экстенсив ўсиши, бир томонидан, календар даврда ускуналардан фойдаланиш вақтини оширишни тақозо қилса, иккинчи томондан, ускуналарнинг умумий қийматида ишлаётган ускуналар ҳиссасини оширишни тақозо қилади.

Ускуналардан фойдаланиш вақтини оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- смена ўртасида бўш туриб қолишларни камайтириш мақсадида ускуналарни таъмирлаш сифатини ошириш, ўз вақтида асосий ишлаб чиқаришни ишчи кучи билан, хом-ашё билан, ёқилғи ва ярим фабрикатлар билан таъминлаб туриш;

- кун мобайнида ускуналарнинг бекор туриб қолишини қисқартириш, уларнинг ишини сменалик коэффициентини ошириш.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўли ортиқча ускуналар миқдорини камайтириш ва ўрнатилмаган ускуналарни ишлаб чиқаришга тезроқ жалб этиш ҳисобланади.

Меҳнат воситалари катта қисмининг бекор туриши ишлаб чиқаришни ўстириш имкониятларининг қисқаришига, ускуналарнинг бекордан бекор жисмоний эскиришига ва узоқ вақт ишламасдан сақланиш натижасида, уларнинг яроқсиз аҳволга келиб қолишига сабаб бўлади. Вақт ўтиши билан яхши сақланган ускуналар ҳам маънавий эскириш натижасида жисмоний эскирган ускуналар қаторига қўшилиб қолади.

Асосий фондлардан фойдаланишнинг интенсив ўсиши вақт бирлигида ускуналарнинг иш билан таъминланганлик даражасини оширишни тақозо қилади.

Ускуналарнинг интенсив иш билан таъминланганлигини ошириш учун ишлаётган машина ва механизмларни модернизациялаш, улар ишининг оптимал режимини ўрнатиш лозим. Технологик жараёнларнинг оптимал режимда ишлаш ишчилар сони ва асосий фондларни кўпайтирмай туриб маҳсулот ишлаб чиқаришни оширади ва маҳсулот бирлигига сарфланадиган моддий ресурс харажатларни камайтиради.

Асосий фондлардан фойдаланиш интенсивлигини ошириш қуйидагиларни талаб қилади: ишлаб чиқариш технологияларини ва меҳнат қуролларини такомиллаштириш; меҳнатни илмий ташкил этишни ва бошқаришни такомиллаштириш; ишчиларнинг

профессионалиги ва билимини ошириш; ишлаб чиқариш жараёнидаги нуқсонларни бартараф қилиш.

Техника ривожланиши ва шу билан боғлиқ равишда жараёнларни интенсивлаштириш чегараланмаган. Шунинг учун асосий фондлардан фойдаланишни интенсив ошириш имкониятлари ҳам чегараланмаган.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларида бири унинг тузилишини такомиллаштириш ҳисобланади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қанчалик ўсиши асосий цехларга боғлиқ. Шунинг учун уларнинг асосий фондлар умумий қийматидаги ҳиссасини ошириш лозим.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги асосий фондларнинг ортиши маҳсулотлар фонд сифимининг ошишига олиб келади, лекин бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ортишига олиб келмайди. Бироқ ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг пропорционал равишда ривожланишисиз асосий цехлар тўлиқ қувват билан ишлай олмайди. Шунинг учун асосий фондларнинг оптимал ишлаб чиқариш тузилишини аниқлаш улардан фойдаланишни оширувчи асосий йўналиш ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда, асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш асосида акционерлик жамиятларини ҳамда бошқа турдаги хусусий корхоналарни шакллантириш муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Бунда мулк эгалари ишлаб чиқариш воситаларини бошқаришда, асосий фондларнинг ишлаб чиқариш тузилишини шакллантиришда, шунингдек, корхона фойдасини бошқаришда мустақил бўлишади. Мавжуд асосий фондлардан самарали фойдаланишда уларнинг масъулияти ошади. Бу мақсадли инвестициялашни оширишга ҳам ёрдам беради.

**Таянч иборалар:** мулк, активлар, асосий фонд, асосий восита, жисмоний эскириш, маънавий эскириш, жорий таъмирлаш, капитал таъмирлаш, амортизация, ишлаб чиқариш қуввати, модернизация.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Корхоналар мулкининг асосий фондга мансуб эканлиги қанақанги мезонларга кўра аниқланади?
2. Асосий ишлаб чиқариш фондига тушунча беринг.

3. Асосий ишлаб чиқариш фондлари қанақанги кўринишларда баҳоланади?
4. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг жисмоний ва маънавий эскириши мазмунини ва уларга таъсир этувчи омилларни ёритинг.
5. Асосий фондларни жорий ва капитал таъмирлаш манбаларини айтинг.
6. Асосий ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқариш манбаларини айтинг.
7. Амортизациянинг моҳиятини ва кейинги йилларда амортизация сиёсатида қанақанги ўзгаришлар рўй берганини ёритинг.
8. Корхона ишлаб чиқариш қувватига тушунча беринг.
9. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг самарали ишлатилиши қайси кўрсаткичлар билан ифодаланади?
10. Корхоналар асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишини яхшилашнинг муҳим ва реал йўлларини айтинг.

## **XI БОБ. Ўзбекистон саноатининг хом ашё манбалари**

### **11.1. Саноатда хом ашё, унинг хусусиятлари ва туркумланиши**

Хом ашё – ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи муҳим элементлардан бири ҳисобланади. Чунки, хом ашёсиз ҳеч қандай маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эмас.

Ҳар қандай хом ашё – меҳнат буюмидир. Аммо, ҳар ҳар қандай меҳнат буюми – хом ашё бўлавермайди. Меҳнат буюми – меҳнат воситаси билан маълум даражада ўзгаргандан кейингина хом ашёга айланади. Ер қаридаги фойдали қазилмалар, ёввойи ҳайвонлар, дарахтлар ва ҳоказолар хом ашё бўлмай, балки потенциал табиий бойликлардир.

Бироқ, меҳнат воситаси ёрдамида овланган ҳайвонлар, қазиб олинган маъданлар, кесилган дарахтлар ва бошқалар хом ашё ҳисобланади.

“Хом ашё – конлардан олинган фойдали қазилмалар ва бошқа табиий ресурслар, улардан ишлаб чиқарилган ва яна ишлов талаб этадиган маҳсулотлар. Кенг маънода хом ашё меҳнат таъсирида ўзгарган ва янада ишланилиши лозим бўлган *меҳнат предмети*ни англатади”<sup>73</sup>.

Демак, хом ашё – қазиб олиш ёки ишлаб чиқариш учун маълум даражада меҳнат сарфланган ва унинг натижасида бир қадар ўзгарган меҳнат буюми ҳисобланади. У табиатда тайёр ҳолда учраши ёки олдинги даврдаги меҳнат маҳсули бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш жараёнида хом ашё – тайёр маҳсулот ёки ярим фабрикат ҳосил қилади. Ярим фабрикат – хом ашёни ишлаб чиқариш жараёнида бир ёки бир неча босқичда қайта ишлаш натижасида олинган, аммо, тайёр маҳсулот сифатида истеъмол қилинмайдиган чала маҳсулотдир.


Унинг тўла қиймати товар шаклини олган маҳсулотга ўтади.

Саноат ишлаб чиқаришида айрим маҳсулотларни олиш учун хом ашё бошқаларига қараганда кўпроқ сарфланади. Шу сабабдан, бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар мумкин қадар хом ашё мавжуд ҳудудларга яқин жойлаштирилади. Хом ашё бўлмаган ҳудудларда саноат ривожланмайди. Шунинг учун ҳам саноат корхоналарининг жойлашуви бевосита фойдали қазилмалар ёки табиий бойликлар мавжуд ҳудудлар билан боғлиқ. Улар

<sup>73</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси 9-жилд. Таҳрир ҳаяти А.Азизхўжаев, Б.Алимов, М.Аминов ва б. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005, 458 бет.

айрим саноат корхоналарининг ривожланишини жадаллаштиришга ва аксинча, секинлашишига олиб келади.

Хом ашёлар ишлаб чиқариш жараёнида қай тарзда қатнашишига қараб, асосий ва ёрдамчи материалларга бўлинади. Масалан, нефть ёқилғи сифатида ёрдамчи материал бўлса, бензин ёки керосин ишлаб чиқаришда эса хом ашёдир.



**11.1.1-чизма. Саноат ишлаб чиқаришида қатнашадиган асосий ва ёрдамчи материаллар мазмуни.**

Хом ашё – истеъмол буюмлари ҳамда ишлаб чиқариш маҳсулотлари олиш учун ишлатиладиган материаллардан иборат. У қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- миқдори жиҳатидан етарли бўлиши;
- қазиб олиш арзон ва осон бўлиши;
- технологик жараёнлар осон бориши керак.

Иқтисодий адабиётларда “хом ашё” атамаси билан бир қаторда “хом ашё ресурслари” тушунчаси ҳам ишлатилади. Иккинчисига мамлакатдаги табиий бойликлар: фойдали қазилма конлари, ўрмон майдонлари, уй ҳайвонлари ва шу кабилар киради, улар қазиб чиқарилган ёки ишлаб чиқариш учун меҳнат сарфланганидан сўнг “хом ашё” тусини олади.

Хом ашёлар қуйидаги турларга бўлинади:

- саноат хом ашёси;
- ўрмончилик хом ашёси;
- балиқчилик хом ашёси;
- қишлоқ хўжалиги хом ашёси.

Ўрмончилик, балиқчилик ва қишлоқ хўжалиги хом ашёлари – дарахтлар, ўсимликлар, балиқлар ва ҳайвонлардан олинади. Уларга ёғоч, зиғир, каноп, ёғлар, ўсимлик мойлари, ҳайвонот терилари ва

шунга ўхшашлар киради. Булар ишлатилишига кўра – озуқабоп ва техник хом ашёларга бўлинади.



### **11.1.2-чизма. Саноат хом ашёсининг ўзига хос бўлган белгиларига кўра туркумлиниши**

Ўрмончилик, балиқчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг озуқа сифатида ишлатиладиган бирикмалари – озуқабоп хом ашёлардир. Олдинда келтирилган тармоқларининг озик учун ярамайдиган маҳсулотлари эса – техник хом ашё ҳисобланади. Улардан, механик ва кимёвий қайта ишлаш орқали, кундалик турмушда ва саноат ишлаб чиқаришида ишлатиладиган хом ашёлар олинади.

Бугунги кунда илм-фан, техника ва технологиянинг жадаллик билан ривожланиши – янги хом ашё материалларини қидириб топиш масаласи долзарблашиб бормоқда. Бу масалани ҳал этишда қуйидаги йўллар қўл келади:

- мумкин қадар арзон хом ашёларни қидириб топиш ва ишлатиш;
- хом ашёдан комплекс фойдаланиш;
- концентрланган хом ашё ва маҳсулотлар ишлатиш;
- жуда тоза маҳсулотлар ишлатиш;
- техник мақсадлари учун ишлатиладиган озуқабоп хом ашёларни ноозуқабоп хом ашё билан алмаштириш;
- имкон қадар маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш.

Ҳозирги замон ишлаб чиқариши ва энг аввало саноатда маҳсулотлар ишлаб чиқариш асосан ер ости бойликларига асосланади. Бу борада мамлакатимиз катта салоҳиятга эга.

Бу салоҳиятдан оқилона фойдаланиш ва фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг иқтисодий самарали усулларини қўллаш учун конлар захирасининг миқдорини иқтисодий жиҳатдан тўғри аниқлаш ва

саноат кўламида эксплуатация қилиш тартибини белгилаш алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз ер ости бойликлари заҳираларини ўрганиш ва аниқлаш геология-қидирув ишлари – давлат режаси асосида олиб борилади. Саноат ишлаб чиқаришининг минерал хом ашёларга бўлган талабини аниқлашда конларнинг ўрганилганлик даражаси муҳим аҳамият касб этади.

Минерал хом ашё заҳираларни қидириш ва саноат эксплуатациясига тайёрлик даражалари бир неча тоифаларга бўлинади. Улар, маълум бир давр учун техник-иқтисодий жиҳатидан фойдаланиш мумкинлиги даражасига қараб, балансдаги ва балансдан ташқаридаги заҳираларга бўлинади.

Биринчисига саноат талабларига ва фойдаланишнинг техник шартларига жавоб берувчи ва ҳозирги кунда уларни қазиб чиқариш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган заҳиралар киради. Иккинчисига эса, таркибида фойдали компонентлари, қазилмалар миқдори кам бўлган ёки эксплуатация шароитлари оғир бўлган, хом ашёсини саноат усуллари билан қайта ишлаш ҳозирча мумкин бўлмаган заҳиралар киради.

Маълумки, саноат корхоналари фаолиятини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва режалаштириш – ишлаб чиқариш ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш турли меъёрлар ва меъёрлаштириш асосида амалга оширилади. Айнан, меъёрлар ва меъёрлаштириш асосида ишлаб чиқаришга керакли хом ашё ва материаллар, жиҳоз ва асбоб-ускуналар миқдори аниқланади, ходимлар жалб қилинади ва ишлаб чиқариш ресурсларининг заҳиралари режалаштирилади. Маҳсулот сифатига қўйиладиган талаблар ҳам меъёрларнинг бир тури ҳисобланади.

## **11.2. Саноат ишлаб чиқаришнинг минерал хом ашё манбалари**

Ер қаридан қазиб олинадиган минерал бирикмалар – минерал хом ашёлар дейилади. Улар уч турга бўлинади.



### **11.2.1-чизма. Саноат минерал хом ашёсининг турлари**

Минерал хом ашёларнинг аксарияти қаттиқ ҳолда бўлади. Суюқ минерал бойликларга фақат нефть ҳамда туз эритмалари, газ ҳолдагисига эса – табиий газ киради.

Рудали минерал хом ашёлар – қаттиқ жинслардир. Улар металлар олиш учун асосий манба ҳисобланади. Рудасиз минерал хом ашёлар ҳам тоғ жинсларидир. Бироқ, улардан металл олиш учун фойдаланилмайди. Улар ишлаб чиқаришда, тўғридан-тўғри хом ашё сифатида ишлатилади. Рудасиз минерал хом ашёлар (шартли равишда) қуйидаги турларга бўлинади:

- қурилиш материаллари – тўғридан-тўғри ёки физик-кимёвий қайта ишлангандан сўнг қурилиш ишларида ишлатиладиган минерал хом ашёлар;
- индустрия хом ашёлари – кимёвий қайта ишланмасдан саноатнинг турли тармоқларида ишлатиладиган хом ашёлар;
- кимёвий минерал хом ашёлар – кимёвий қайта ишлаш учун ишлатиладиган минераллар;
- қимматбаҳо ва рудасиз минераллар – табиий ҳолда ёки механик қайта ишлангандан сўнг безак учун ишлатиладиган минераллар.

Ёнувчи минерал хом ашёлар – ёқилғи сифатида ишлатиладиган фойдали қазилма бойликлардир. Уларга тошкўмир ва кўнғир кўмир, торф, ёнувчи сланецлар, нефть ҳамда табиий ёнувчи газлар киради. Булар, нафақат, энг арзон ҳамда фойдаланиш учун қулай ёқилғигина бўлмай, балки кимё саноатида қимматбаҳо хом ашё ҳамдир.

Республикада 3000 дан ортиқ фойдали қазилма кони аниқланган бўлиб, уларнинг 1100 таси қазиб олишга тайёр, хусусан олганда, уларнинг 50 таси асл, 41 таси рангли, нодир радиоактив ва қора металлар, 187 таси ёқилғи-энергетика, 19 таси кон-кимё, 45 таси кончилик хом ашёси, шунингдек, қурилиш материаллари, ер ости сувлари ва бошқа фойдали қазилма конларидан иборат.

Мамлакатимиз ер ости бойликларининг истиқболи жуда улкан. Ҳозирда юртимиз ҳудудининг фақат 20-25 фоиз майдонида геологик қидирув ишлари олиб борилган.

Республика ҳудудида саноат аҳамиятига эга 90 га яқин нефть конлари очилган бўлиб, улардан 36 таси нефть, 24 таси нефть-газ ва газ-нефть, 26 таси нефть-газ конденсат конлари тоифасига киради. Мамлакатда нефть ва газ Фарғона, Сурхондарё, Ҳисор, Бухоро, Хива ва Орол-Устюрт регионларида топилган.



Ер ости бойликлари тўғрисида сўз юритилганда, Ўзбекистоннинг олтин захиралари тўғрисида алоҳида тўхтаб ўтиш ўринли. Олтин мамлакатимизнинг энг асосий бойликларидан бири бўлиб, миллий иқтисодиётнинг ишончли негизидир. Зеро, барча давлатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларида олтин жаҳон валютаси вазифасини ўтайди.

Қимматбаҳо (асл) металлларга олтин, кумуш, рутений, радийпалладий, осмий, иридий ва платиналар киради. Улардан фақат олтин ва кумуш тоза ҳолда қазиб олинади, бошқалари эса турли рудалардан ажратиб олинади.

Ўзбекистонда олтиннинг 50 дан ортиқ конлари қидириб топилган.

Олтин қазиб чиқаришда Мурунтов мамлакатнинг асосий маркази ҳисобланади. Унинг рудаси таркибида олтин миқдори юқори ҳисобланади. Бундан ташқари Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Наманган вилоятларида ҳам олтин конлари мавжуд. Улар қаторига Маржонбулоқ, Кўкпатас, Зармитон, Кўчбулоқ, Қайрағоч, Пирмуроб каби олтин конлари ҳам киради.

Республикада ҳозиргача қидириб топилган олтин захиралари 4 минг тоннадан ошади.

Юртимизда умуман олганда 26 та кумуш кони аниқланган. Улар асосан Қизилқум ва Чотқол-Қурама регионларида тўпланган.

Ўзбекистонда рангли металлларнинг энг муҳим турларидан бири ҳисобланган ураннинг 30 та кони мавжуд. Унинг қидириб топилган захираси 50-60 йил давомида фойдаланишга етарли. Уран билан йўлдош рений, скандий ва бошқа металллар учрайди. Шунингдек, мис, кўрғошин, қалай, вольфрам ва литий каби муҳим стратегик аҳамиятга эга нодир ва рангли металлларнинг йирик конлари бор.

Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида мис конлари топилган. Жумладан, Тошкент вилоятининг Олмалик атрофида мис конлари мавжуд. Улар орасида Қалмоққир мис кони ноёб ҳисобланади. Бу коннинг рудасини қайта ишлаш мамлакатдаги энг йирик корхоналардан бири Олмалик кон-металлургия комбинатида амалга оширилади. Шунингдек, бу саноат ҳудудида (Дальний конида) мис, молибден, олтин, кумуш, рений, теллур, селен ва бошқа катта захиралари мавжуд. Бугунги кунда Олмалик шахри рангли металлургия саноати марказига айланган.

Республикамизда ҳар йили 8 минг тонна мис ишлаб чиқарилади. Амалдаги ишлаб турган конлар мисни яна 40-50 йил, қўрғошин ва қалайни 100 йил мобайнида ишлаб чиқаришни таъминлашга қодир.

Ўзбекистон худудида 500 дан зиёд ғишт, цемент, гипс, аҳоқтош, бетон тўлдирувчиликлари ва бошқа қурилиш материаллари конлари разведка қилинган.

Республика худудида 100 дан ортиқ қўрғошин ва рух кони мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари Олмаликдаги Қўрғошинкон, Жиззах вилоятидаги Учқулоч ва Сурхондарё вилоятидаги Хондиза конларидир. Бу конларда яна йўлдош металллар – мис, кумуш, камдий, селен, олтин ва индий ҳам учрайди. Юртимизда молибденли формациялар ҳам бор. Чотқол-Қурама тоғлари висмутга бой. Жанубий Фарғона белбоғининг ўзидан 100 дан ортиқ симоб ва 10 дан ортиқ сурьма рудаланишлар аниқланган.

Ўзбекистонда нодир металлларнинг энг муҳим тури ҳисобланадиган вольфрамнинг 7 та кони ва 200 дан зиёд руда белгилари мавжуд ерлар бор. Вольфрам объектлари Тошкент олди, Самарқанд ва Қизилқум регистонларида тўпланган.

Қора металлдан энг кўп тарқалганлари темир, титан, марганец, магний, хром ва бошқалардир. Темирнинг бир неча конлари ва руда кўринишлари аниқланган. Улар орасида муҳими Қорақалпоғистон Республикасида Тебинбулоқ титан-магний кони ҳисобланади. Марганец конлари Зарафшон, Қоратепа, Лолабулоқ ва бошқа жойларда мавжуд. Магматик хром Қизилқумда, Фарғонада, айникса, Томдитов ва Султон Увайсда кўплаб учрайди.

Ўзбекистонда нометалл хом ашё – глауконит, дала шпати, валластонит, графит, асбест, тальк, тальк тоши, абразивлар, қимматбаҳо ва ишлов бериладиган тошлар конлари кўп. Волластонитнинг 5 га яқин кўриниши ва конлари аниқланган. Графитнинг 30 дан ортиқ руда – рудаланиши ва конлари маълум. Қимматбаҳо ва ишлов бериладиган тошлардан топаз, феруза, аметист, тоғ хрустали, халцедон, яшма, нефрит, лазурит, амазонит, родонит, агальматалит, мрамор оникси ва бошқаларнинг анча йирик захиралари қайд этилган.

Бухоро-Қарши, Сурхондарё, Устюрт ва Фарғона артезиан ҳавзасининг ер ости сувларида йод, бром, литий, цезий, странций ва бошқа саноат концентрациялари аниқланган. Ҳозирда Крук конида йод олинмоқда.

Республикада табиий газ, нефть, кўмир конлари ҳам мавжуд. Мамлакатимиз ҳудудида аниқланган табиий газ захираси 2 трл. м3, кўмир захираси эса 2 млрд. тоннадан ортиқни ташкил этади. Қашқадарё ва Бухоро ҳудудлари газга энг бой ҳудудлари ҳисобланади. Табиий газ ёқилғи сифатидагина эмас, муҳим кимёвий хом ашё сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган табиий газ ва нефтнинг ўндан тўққиз қисми Қашқадарё вилоятига тўғри келади. Муборак газни қайта ишлаш заводи, Кўкдумалоқ нефть кони мамлакатимиз ёқилғи энергетикаси мажмуасида муҳим ўрин тутади.

Республикага кўп йиллар нефть ва нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида уни ташқаридан олиб келинар эди. Бугунги кунда эса Ўзбекистон нефть чиқариш соҳасида катта истиқболларга эга.

Мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланишида кўмирнинг аҳамияти ҳам жуда катта. Бу борада Ангрен қўнғир кўмир кони етакчи ўринни эгаллайди. Сурхондарё вилоятида Шарғун, Бойсун тошкўмир конлари бор. Улар табиат инъом этган буюк неъматлардан биридир. Бироқ, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш минтақалар экологик вазиятини соғлом ҳолда сақлаш билан биргаликда олиб борилиши керак.

Шуни аниқ айтиш мумкинки, табиий бойликлар жамият ёки бирон-бир алоҳида олинган ҳудуд ҳаётига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Шу сабабдан ҳам, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “... социал-иқтисодий жихатдан жадал ривожланиш, аҳолининг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал ва хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва меҳнат меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш”<sup>74</sup> вазифалардан бири этиб белгилаб олинган.

### **11.3. Саноатнинг хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг йўллари**

Хом ашё – саноат корхоналарининг ишлаб чиқариши ҳажмига ва молиявий ҳолатига катта таъсир кўрсатади. Қайта ишловчи саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатлари таркибида хом ашё ва ёқилғи харажатлари энг катта салмоққа эгадир. Айрим

<sup>74</sup> Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. –Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2022, 170 бет

манбаларда келтирилишича бутун саноат бўйича маҳсулот таннархида хом ашё ва ёқилғи харажатлари ўртача 70 фоизни ташкил этади. Шу сабабдан саноат корхоналари фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари кўп жиҳатдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган хом ашё ва ёқилғи харажатлари даражасига боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнида кўп миқдорда хом ашё ишлатиладиган корхоналарда, ундан оқилона фойдаланиш маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосий манбаидир. Шунингдек, машина ва ускуналарнинг унумли ишлаши ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун вақтнинг сарфланиш даражаси хом ашё сифати ва унинг турига боғлиқ.

Саноат корхоналарида хом ашёдан тежамли фойдаланиш, нафақат, маҳсулот таннархининг пасайишига, айни пайтда, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишда ва ходимлар меҳнатининг унумдорлигини оширишда катта роль ўйнайди.

Амалиёт, шунингдек, илмий изланишлар натижалари далолат берадики, хом ашё харажатларини камайтиришнинг асосий йўли – улардан тежамли фойдаланиш ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида қайси маҳсулотни, қанча ва қимга ишлаб чиқаришига эмас, шу билан бирга бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга қанча маблағ талаб қилинишини аниқлаш, ҳар бир корхона учун асосий масалага айланди. Бу, табиийки, ҳар бир корхонани бир томондан, истеъмолчилар талабни қондириш, иккинчи томондан эса, ресурслар харажатининг кам чиқимли йўллари ахтаришга ундайди.

Хом ашёдан оқилона фойдаланиш – саноат хом ашё базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг муҳим манбаидир. Иқтисодий нуқтаи назардан хом ашёдан мақсадга мувофиқ ва оқилона фойдаланишда кўп жиҳатдан қайта ишловчи саноат корхонаси учун хом ашёни тўғри танлаш аҳамиятлидир.

Ҳозирги пайтда ҳар бир саноат корхонасида бир неча турдаги хом ашёлардан фойдаланилади. Корхона учун қайси хом ашё маъқул эканлигини аниқлаш учун турли хом ашёларни қуйидаги кўрсаткичлар бўйича солиштирма мақсадга мувофиқдир:

- солиштирма капитал харажатлари;
- меҳнат унумдорлиги;
- маҳсулот таннархи;
- маҳсулот сифати;

- маҳаллий хом ашёдан максимал фойдаланиш;
- камёб бўлмаган хом ашёдан фойдаланиш;
- ишлатилмайдиган чиқиндилардан фойдаланиш мумкинлиги;
- сунъий материаллардан фойдаланиш мумкинлиги;
- хом ашёнинг прогрессив технология талабларига жавоб бериши;
- хом ашёнинг бўлғуси тайёр маҳсулот сифат кўрсаткичларига жавоб бериши;
- маълум даврда муайян тармоқда қўллашнинг миллий иқтисодиёт нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқлиги;
- айрим ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- айрим тармоқлардаги техника тараққиёти ва инновацион фаолият.

Чекланган ресурслар шароитида, хом ашё ва материалларни тежашнинг муҳим бир йўли, улардан қайта фойдаланишдир. Масалан, емирилган машиналар, бинолар ва эски техникаларнинг металл қисмлари, қоғоз материаллари ва бошқалардан саноатда қайта фойдаланиш мумкин. Шунингдек, хом ашёнинг турли қисмларидан турли хил маҳсулотлар олиш учун ундан комплекс фойдаланмоқ зарур.

Саноат ишлаб чиқариши самарадорлигани оширишда, айниқса, кўп материал истеъмол қилувчи саноат корхоналарида моддий харажатларни тежаш катта аҳамиятга эга. Маҳсулот бирлигига кетадиган хом ашё миқдорини (ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати, чидамлилиги зарар етказмасдан) камайтириш, бир хил миқдордаги хом ашёдан кўпроқ маҳсулот олиш ва тармоқлараро ишлаб чиқариш алоқаларини такомиллаштириш имконини беради.

Хом ашёларни тежаш учун қилинадиган интилиш, янги техникани жорий қилиш ва технологияни такомиллаштиришга шароит яратади, ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш эса, ўз навбатида, бошқа иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга шароит яратади.

Шунингдек, маҳсулот бирлигига сарфланадиган хом ашёлар миқдорининг камайиши – ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, демакдир. Чунки, хом ашёлар таркибидаги моддийлаштирилган меҳнатни ҳамда хом ашёларни ташиш, ортиш, тушириш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган “жонли” меҳнат миқдорини камайтириш имконини беради. Шу билан бирга асосий ишчилар

сарфлайдиган меҳнат миқдори камаяди, чунки кам хом ашёни қайта ишлашга тўғри келади.

Хом ашёларни тежаш маҳсулот таннархини камайтиришнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб, унинг асосий маибалари қуйидагилардан иборат:

- машина ва бошқа маҳсулотлар сифати ошгани ҳолда оғирлигининг камайиши;
- ишлаб чиқариш йўқотишлари ва чиқиндиларини ҳар тарафлама камайтириш;
- хом ашёлардан комплекс фойдаланиш;
- хом ашёнинг қимматбаҳо камёб турлари ўрнига тежамли, янги материаллар қўллаш;
- хом ашёдан қайта фойдаланиш.

Табиийки, хом ашёларни тежаш тадбирларини амалга ошириш қўшимча пул харажатлари билан боғлиқ. Бундай харажатлар икки хил хусусиятга эга:

- капитал харажатлари сифатида – хом ашёлар харажатини камайтиришни қоплаш учун зарур бўлган янги ускуналарни ўрнатиш учун;
- хом ашёлар сифатини ошириш учун сарфланадиган харажатлар сифатида.

Ушбу қўшимча пул харажатлари моддий ресурсларнинг тежалишига ва пировардда маҳсулот таннархининг пасайишига сабаб бўлади. Хом ашёларни тежаш, шунингдек, ускуналардан фойдаланишни яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради. Шунинг учун харажатлар самарадорлигини аниқлашда фақатгина хом ашё тежаминигина эмас, балки ускуна ва иш ҳақидан олинган тежамни ҳам аниқлаш керак .

Хом ашёлардан фойдаланишда тежамкорлик тамойилидан тўла-тўқис фойдаланиш энг муҳим муаммо ҳисобланади. Бу муаммони ечиш учун тежамкорликнинг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиш керак. Хом ашёдан оқилона фойдаланиш мақсадида, уни қайта ишлаш тегишли саноат корхонаси учун мақсадга мувофиқлигини аниқлаш, хом ашёларни дастлабки қайта ишлаш ва бойитиш, хом ашёдан комплекс фойдаланиш, улардан иккинчи марта фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Бунга эришишда фан-техника тараққиёти, айниқса, кимёлаштириш ва янги технологияларни жорий этиш асосий роль ўйнайди.

Иқтисодий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш учун даставвал фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш керак. Эски техникани янги техника билан алмаштириш, айниқса, ривожланган хорижий мамлакатлар технологиясини жорий этиш зарур.

“Бугун ҳеч бир соҳада илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни амалиётда қўллагандан туриб тараққиётга эришиб бўлмайди. Бу эса кенг ва замонавий билимга эга кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш каби долзарб вазифаларни олдимизга қўймоқда”.<sup>75</sup> Бу борада республикада анчагина ишлар амалга оширилмоқда. АҚШ, Германия, Япония, Франция, Жанубий Корея, Туркия, Италия ва бошқа бир қатор давлатлар билан ҳамкорликда саноат корхоналари техник ва технологик жиҳатдан яхшиланмоқда, ишлаб чиқариш жараёнини компьютерлаштириш кучаймоқда, машина-механизмлар модернизация қилинмоқда, ишлаб чиқариш жараёнлари такомиллашмоқда. Табиийки, бу жараёнлар, корхоналарда ишловчилар малакасининг ошишига таъсир кўрсатмоқда, пировардида саноат маҳсулоти бирлигига сарфланаётган буюмлашган ва жонли меҳнат камаймоқда.

Хом ашёларни тежаш саноат корхоналарининг сезиларли даражада ривожланишига таъсир этади. Шунинг учун ҳам, ҳар бир корхона хом ашёлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоғи лозим.

Саноат ишлаб чиқаришида хом ашёларни тежашнинг асосий йўллари қуйидагилардан иборат:

- машина ва маҳсулотлар конструкциясини яхшилаш;
- янги техника ва прогрессив технологияни жорий этиш;
- технологик жараёнларни яхшилаш;
- хом ашёни комплекс қайта ишлаш усулларини ривожлантириш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш.

Саноат хом ашё базаси ривожининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- янги хом ашё манбаларини аниқлаш бўйича геологик-қидирув ишларини кенгайтириш;

---

<sup>75</sup> Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. –Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2022, 161 бет

- ундирувчи саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг саноат учун етарли даражада маҳсулот етиштиришини ва унинг товардорлик қобилятини кучайтириш;
- сунъий материаллар ва улар ўрнини босувчи турли хил буюмлари яратиш ва ҳоказолар.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши мамлакатнинг хом ашё ресурсларини кўпайтиришга ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланишга кенг йўл очди. Давлатнинг мамлакат саноати хом ашё базаси борасидаги юритаётган сиёсати қайта ишловчи саноат корхоналарининг юқори суръатлар билан тараққий этишини таъминловчи хом ашё ресурсларининг жадаллаштирилган ривожланишини таъминлашдир.

**Таянч иборалар:** саноат, табиий бойлик, хом ашё, захира, қидирув, кон, ресурс, маҳсулот, технология, тежамкорлик,

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Хом ашё тушунчаси ва унинг туркумланиши.
2. Ўзбекистон саноатининг хом ашё базаси ва унинг ривожи.
3. Сунъий материаллар ишлаб чиқаришнинг ривожи.
4. Саноат хом ашёсидан фойдаланишнинг оқилона усуллари нималар?
5. Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида тежамкорлик тамойили ва унинг талаблари нималар?
6. Саноат хом ашё базасини мустаҳкамлашда хорижий ҳамкорликнинг роли.



## **ХII БОБ. САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ**

### **12.1. Айланма маблағларнинг иқтисодий моҳияти ва корхона фаолиятидаги роли**

Корхоналарда ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этиши учун узок муддатли активлар билан бир қаторда айланма (жорий) активлар ҳам зарур бўлади. Айланма активлар ҳам корхона мулки ҳисобланади. Ишлаб чиқариш корхоналарида уларнинг таркибига моддий захиралар, дебиторлик қарзлари ва пул маблағлари киради.

Моддий захиралар – ишлаб чиқаришнинг моддий шароитларидан бири ҳисобланади. Амалиётда улар меҳнат предметлари ҳам деб аталади.

Меҳнат предметлари меҳнат воситалари билан биргаликда меҳнат маҳсулотини, унинг истеъмол қийматини яратишда ва қийматнинг шаклланишида қатнашади.

Меҳнат предметлари ишлаб чиқаришнинг бир циклидагина қатнашади ва ўзининг натурал шаклини ўзгартиради, қийматини янгитдан яратилган маҳсулот қийматига тўлиқ ўтказилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилганидан кейин, уларни ишлаб чиқариш учун сарфланган маблағлар корхонага қайтади ва доимо оборотда қатнашади. Корхонанинг маблағлари доиравий айланишнинг турли босқичларида: пул, ишлаб чиқариш воситаси ва тайёр маҳсулот (товар) шаклида бўлади.

Корхоналар маблағларининг доиравий айланиши жараёнида, албатта, дебиторлик қарзлари пайдо бўлади. Бу табиий ҳол.

Дебиторлик қарзлари – бу харидорлар ва буюртмачиларнинг сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун, шунингдек, турли юридик ва жисмоний шахсларнинг маълум мақсадларда олган маблағлари учун корхона олдидаги мажбуриятидир.

Дебиторлик қарзлари – корхонага тегишли бўлган маблағларнинг хўжалик оборотидан чиқиб кетиши ва уларнинг вақтинчалик бошқа субъектлар тассаруфида бўлишлигини англатади.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган тартибга биноан 90 кунгача олинмаган маблағлар муддати ўтмаган, 90 кундан ортиқ муддатда тўланмаган маблағлар тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз қонунчилигига мувофиқ 90 кундан тўлов муддати ошиб кетган дебиторлик қарзларига йўл қўйганлиги учун корхоналарнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари маъмурий ва молиявий жаъзога тортилади.

Тўлов муддати 3 йилдан ошмаган қарзлар даъво муддати ўтмаган дебиторлик қарзлари, тўлов муддати 3 йилдан ошиб кетган қарзлар эса даъво муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари ҳисобланади.

Корхоналарнинг айланма активлари ишлаб чиқариш ва муомала доирасига ажратилган бўлиб, шунга мувофиқ, улар айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондларини ҳосил қилади.

Айланма ишлаб чиқариш фондларига ишлаб чиқариш захиралари (хом ашё, эҳтиёт қисмлар, нефт маҳсулотлари ва бошқа моддий бойликларнинг қолдиқлари, хўжалик инвентарлари), тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати ва келгуси давр аражатлари киради.

Муомала фондларига – омбордаги мавжуд тайёр маҳсулотлар; юкланган, аммо, ҳали ҳақ тўланмаган маҳсулот; захираларни тўлдириш, ишчи ва ходимлар билан ҳисоб китоб қилиш учун зарур бўлган пул маблағлари; ҳисоб китобдаги маблағлар киради.

Саноат корхоналарида айланма ишлаб чиқариш фондларининг ахамияти катта. Уларсиз айрим ҳолларда маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш имконияти чекланади, айрим ҳолларда эса умуман мумкин эмас. Чунончи, меҳнат предмети ҳисобланган металллар, электр кувватлари ва бошқалар мавжуд бўлмаса маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ҳам чекланади.

Корхоналар айланма активларининг асосий қисми ишлаб чиқариш доирасида – хом ашё, ишлаб чиқариш харажатларида ва озгина қисми товар маҳсулотларининг захираларида ва муомала доирасида иштирок этади.

Айланма активлар такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксиз бўлишлигини таъминлайдилар. Уларнинг миқдори ва таркиби нафақат ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжи, шу билан биргаликда муомала эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Ишлаб чиқариш ва муомала фондлари захираларини шакллантириш учун мўлжалланган пул маблағлари корхоналарнинг айланма маблағлари дейилади.

Айланма маблағлар – бу айланма ишлаб чиқариш ва муомала фондларининг пулдаги ифодасидир.

Айланма активларнинг узлуксиз ҳаракати – уларнинг доиравий айланишини ифодалайди ва ишлаб чиқариш вақтини ҳамда муомала вақтини ўз ичига олиб айланма маблағларнинг тўлиқ айланиш даврини ҳосил қилади.

Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш катта аҳамиятга эгадир. У кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун қўшимча моддий ва молиявий ресурсларни ҳосил қилади. Бу эса ишлаб чиқариш учун қўшимча маблағларни четдан жалб қилишдан корхоналарни холос қилади.

Айланма маблағларнинг доиравий айланишини тезлаштириш давлат бюджетининг даромадини оширишга ҳам ёрдам беради. Чунки, бунда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни сотиш учун вақт қисқаради. Бу эса ўз навбатида қўшилган қийматдан солиқ ва бошқа солиқларнинг тезроқ бюджетга келиб тушишига олиб келади.

Демак, айланма маблағларнинг доиравий айланишини тезлаштириш кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш суръатини кўтаришга ҳамда давлатнинг марказлашган пул фонд маблағини тўлиқ шакллантиришга имконият яратилади.

Иқтисодиётда рақобатлашувнинг кучайиши шароитида корхоналар асосий максадига эришиш учун ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришга, жумладан, ишлаб чиқариш захираларидан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор берадилар. Чунки, шунинг натижасида улар ўз фойдаларини кўпайтиришга, оқибат натижада фойдалилик даражасини оширишга эришадилар.

Ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб чиқариш захираларига бўлган талабини мустакил равишда режалаштирадилар. Улар бозор талабларини, ҳамкорларнинг имкониятларини ўрганиш, нарх-навонинг ўзгариш тўғрисидаги ахборот асосида ўз ишлаб чиқаришининг таъминотини, бозорлардаги (товарлар, хизматлар, молия бозорларида) талабларни назарда тутган ҳолда бевосита ёки воситачи орқали олди-сотдини мустакил амалга оширади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, таннархнинг пасайиши, фойда ва рентабелликнинг ошиши, корхонани ишлаб чиқариш захиралари билан белгиланган ассортиментни ва сифати буйича таъминланишига боғлиқ..

Шу сабабли ҳам корхоналар ўз ишлаб чиқаришини бир маромда самарали ривожланишини таъминлаш максадида узоқ муддатга мўлжалланган бизнес режаларига асосланган ҳолда ишлаб

чиқариш захиралари билан таъминлашга алоҳида эътибор берадилар. Ишлаб чиқариш захиралари (меҳнат предметлари)нинг ўз вақтида олиб келинмаганлиги ёки йўқлиги корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг тўхтаб қолиши олиб келиши мумкин.

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш захиралари билан ўз вақтида, зарурий миқдорларда, белгиланган сифатда ҳамда бир маъромда таъминланиши шу билан биргаликда улардан оқилона фойдаланиш пировардида унинг иқтисодий ривожланиши ва тараққий этиши учун ҳар томонлама таъсир этади.

Корхоналарнинг ривожланиши, тараққий этиши ҳамда иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиши, мустақил республикамизнинг иқтисодиётини барқарорлаштиришига замин яратади. Халқимиз турмуш даражасининг янада юксалишига ҳар томонлама ўз таъсирини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш хажмларининг ошиши, ўз навбатида, айланма маблағлардан фойдаланиш кўламининг ҳам кенгайишига олиб келади. Шунинг учун айланма маблағлардан тежаб, тергаб фойдаланиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги даврда айланма маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлаш учун замонавий янги техникалардан унумли фойдаланиш, шунингдек, самарали технологияларни ишлаб чиқаришга тезкорлик билан татбиқ этиш талаб қилинади. Улар ёрдамида айланма маблағларнинг ишлаб чиқаришга сарф қилиниши, тежалиши таъминланади.

Ҳозирги замон бозор муносабатлари шароитида (мавжуд айланма маблағлардан тежамли фойдаланиш учун) ишлаб чиқариш корхоналари қуйидаги вазифаларни бажаришлари зарур бўлади:

- моддий захиралар ҳаракати билан боғлиқ ўзгаришларни ўз вақтида тегишли ҳужжатларда расмийлаштириш;
- моддий захиралар тўғри сақланиши устидан назорат олиб бориш;
- моддий ресурслар таъминоти режасининг бажарилиши устидан назорат олиб бориш;
- материалларнинг ишлаб чиқаришга тўғри берилиши ва уларни сарфлаш нормасига риоя қилиш устидан назорат олиб бориш;

- ички ресурсларни ишга солиш мақсадида ортиқча ва фойдаланилмаётган материалларни аниқлаш ва сотиш ва бошқалар.

Рақобат шароитида айланма маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, хўжасизликка қарши курашиш, маҳсулот таннархида моддий харажатларнинг улушини камайтириб бориш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Мавжуд моддий ва молиявий ресурслардан тўғри, тежамли фойдаланиш миллий иқтисодиётни янада ривожлантиришда, аҳолининг моддий фаровонлигини оширишда муҳим омилдир.

## **12.2. Айланма фонднинг таркиби, тузилиши ва шаклланиш манбалари**

Айланма маблағларга ишлаб чиқариш заҳираларини шакллантириш, таъминотчилар ва бошқа турли субъектлар (жумладан, бюджет) билан ҳисоб-китоб қилиш ҳамда иш ҳақини тўлаш учун корхонага зарур бўлган пул маблағлари киради.

Айланма маблағлар таркиби ва тузилишини бир-биридан фарқламоқ керак. Айланма маблағлар таркиби, дейилганда айланма активларни ташкил этадиган элементлар йиғиндиси тушунилади.

Айланма активларнинг айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондларига бўлиниши маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш соҳаларида улардан фойдаланиш ва тақсимлаш хусусиятлари билан белгиланади.

Ишлаб чиқаришда банд бўлган айланма активлар миқдори асосан маҳсулот ишлаб чиқариш шакллариининг давомийлиги, техника ривожланиш даражаси, технология мукамаллиги ва меҳнатнинг ташкил этилганлиги билан аниқланади.

Корхонанинг айланма ишлаб чиқариш фондлари уч қисмдан иборат:

- ишлаб чиқариш заҳиралари;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ўзи тайёрлаган ярим тайёр маҳсулотлар;
- келгуси давр харажатлари.

Ишлаб чиқариш заҳиралари – бу ишлаб чиқариш жараёнига киритиш учун тайёрланган меҳнат предметларидир. Улар хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар, идиш ва идиш материаллари, асосий фондларни жорий таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлари ва

хўжалик инвентарларидан иборат. Тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ўзи тайёрлаган ярим тайёр маҳсулотлар – бу ишлаб чиқариш жараёнига кирган меҳнат предметлари: материаллар, деталлар, ишлов ёки йиғиш жараёнидаги буюмлар, шунингдек, корхонанинг бир цехида охиргача ишлаб чиқарилмаган ва кейинчалик шу корхонанинг бошқа цехларида ишланиши лозим бўлган ярим тайёр маҳсулотлар.

Келгуси давр харажатлари – бу айланма фондларнинг номоддий элементлари бўлиб, улар жорий даврда амалга ошириладиган, лекин келгуси давр маҳсулотига тааллуқли бўлган янги маҳсулотни тайёрлаш ва ўрганиш харажатларини, газета ва журналларга обуна тўловларини ҳамда шуларга ўхшаш бошқа харажатларни ўз ичига олади.

Корхоналарда муомала жараёнига хизмат кўрсатадиган айланма маблағлар – муомала фондларини ифодалайди. Муомала фонлари миқдори, асосан, маҳсулотни сотиш шарт-шароитлари ва маҳсулотнинг таъминот ва сотиш тузумини ташкил этиш даражасига боғлиқ. Уларга корхона омборларидаги сотишга тайёр маҳсулот, жўнатишган, лекин истеъмолчилар томонидан тўланмаган маҳсулот, корхона пул маблағлари, ҳисоб-китобдаги маблағлар киради.

Айланма маблағларнинг алоҳида элементлари ўртасидаги нисбат айланма маблағлар тузилиши дейилади. Саноат тармоқлари айланма маблағлари тузилишидаги фарқ кўпгина омиллар билан асосланади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш хусусиятлари, таъминот ва сотиш шароитлари, таъминотчи ва истеъмолчилар жойлашиши, ишлаб чиқариш харажатлари тузилиши.

Саноат корхоналари айланма активларининг кўп қисмини айланма ишлаб чиқариш фондлари ташкил этади. Уларнинг улуши 75-87 фоиз. Турли тармоқлар бўйича айланма ишлаб чиқариш фондлари тузилиши ҳам турличадир. Ишлаб чиқариш заҳираларининг энг катта салмоқли улуши енгил саноат корхоналарида (хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар устунлик қилади – 70 фоиз. Кимё саноатида келгуси давр харажатлари улуши юқори – 9 фоиз. Машинасозлик саноатида ишлаб чиқариш заҳиралари улуши нисбатан кам, ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш улуши эса — юқори. Бунга сабаб машинасозликда саноатнинг бошқа тармоқларига нисбатан ишлаб чиқариш цикли узунроқдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, турли ишлаб чиқариш корхоналарида хом-ашё ва материаллар тузилиши ҳам ҳар хилдир. Айрим корхоналарда уларнинг тузилиши йил мобайнида кескин ўзгаради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарда хом ашёнинг ҳиссаси куз пайтида юқори бўлади. Нон ва нон маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда эса хом-ашё ва материаллар тузилиши йил давомида ўзгаришсиз қолади.

Саноат корхоналари айланма маблағлари тузилишида ишлаб чиқариш соҳасига жойлаштирилган маблағлар умумий устунликга эга. Барча айланма маблағлар таркибида уларнинг ҳиссаси ўртача 70 фоизни ташкил қилади (11.2.1-чизма).


Корхоналар банклардан ва бошқа юридик шахслардан ўзларининг айланма маблағларини тўлдириш, молиявий-хўжалик фаолиятини ривожлантириш мақсадида қисқа муддатли ва бошқа мақсадлар учун узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар олишлари мумкин.

Кредит ва кредиторлик қарзлари — бу корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдидаги қарздорлигини билдиради.

Корхонанинг самарали иши — бу минимал харажатлар қилиб максимал натижаларга эришишдир. Харажатларни камайтириш — бу, аввалом бор, корхона айланма маблағларини шакллантириш манбалари тузилишини оптималлаштириш, яъни ўз маблағлари билан кредит ресурсларини оқилона уйғунлаштиришдир.

Корхона айланма маблағлари доимо ҳаракатда бўлади — муомала соҳасидан ишлаб чиқариш соҳасига ўтади ва ҳоказо. Айланма маблағлар айланиши корхона томонидан моддий ресурслар ва ишлаб чиқаришга зарур бошқа элементлар учун тўланган вақтдан бошланади ва бу маҳсулотни сотишдан олинган тушум кўринишида харажатлар қопланиши билан тугайди. Кейинчалик пул маблағлари яна корхона томонидан моддий ресурслар олиш ва уларни ишлаб чиқаришга киритиш учун ишлатилади.

Айланма маблағлар тўлиқ айланадиган, яъни ишлаб чиқариш ва муомала даврини ўтадиган вақт айланма маблағларнинг айланиш даври дейилади. Бу кўрсаткич корхонада маблағлар ҳаракатининг ўртача тезлигини тавсифлайди. У маълум турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш муддатига мос келмайди.



12.2.1-чизма. Саноат корхоналари айланма маблағлари тузилиши



Айланма маблағларни бошқариш энг кам миқдордаги айланма маблағлар билан маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашдан иборат. Бу корхона айланма маблағлари доиравий айланишнинг барча босқичлари бўйича мос шаклда ва минимал (лекин, етарли) миқдорда тақсимланиши лозимлигини билдиради. Айланма маблағлар ҳар доим бир вақтнинг ўзида доиравий айланишнинг барча босқичларида мавжуд бўлади — пул маблағлари, материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар кўринишида.

Корхоналарнинг, ўзини-ўзи молиялаштирадиган ҳозирги шароитда, айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

### **12.3. Айланма маблағларни нормалаштириш**

Корхонанинг нормал фаолиятини ташкил этиш учун зарур бўлган айланма маблағларнинг иқтисодий асосланган миқдорларини ишлаб чиқиш жараёни — айланма маблағларни нормалаштириш, дейилади. Айланма маблағларни нормалаштириш — доимий минимал ва шу билан биргаликда етарли бўлган моддий бойликлар захираларини, тугалланмаган ишлаб чиқариш захираларини ва бошқа айланма маблағларни шакллантириш учун зарур бўлган айланма маблағлар суммасини аниқлашдан иборат. Айланма маблағларни нормалаштириш ички захираларни аниқлаш, ишлаб чиқариш циклини (давомийлигини) қисқартириш ва тайёр маҳсулотнинг тезроқ сотилиши имконини беради.

Айланма маблағларни нормалаштириш — иқтисодий ва молиявий ишларнинг муҳим буғинларидан биридир. Бу ишларни бажаришда, аввало, айланма маблағларнинг ҳар бир элементлари бўйича нисбий кўрсаткичларда ифодаланадиган нормани аниқлаш, сўнгра эса абсолют суммаларда нормативлар белгилаш талаб қилинади.

Айланма маблағларни нормалаштириш орқали уларнинг доира-вий айланишини тўғри ва оқилона ишлатилиши таъминланади. Нормалаштириш корхоналарнинг айланма маблағларда қатнашаётган ўз маблағлари билан жалб қилинадиган маблағларни оптимал боғлашда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий жиҳатдан асосли қўйилган (белгиланган) нормативлар айланма маблағларни ташкил этишда муҳимдир. Чунки, уларда иштирок этаётган маблағларнинг ҳажмидан ишлаб чиқариш

корхоналарида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш боғлиқдир.

Нормалаштириш муаммоси – бу нормалаштириладиган айланма маблағларнинг ҳар бир элементига оптимал миқдорда норма қўйишдан иборатдир. Иқтисодий жиҳатдан асосланган нормалаштириш бўлмас экан хўжалик оборотида маблағлар оқилона жойлаштирилмайди. Айрим активларга кўпроқ, айримларига эса камроқ маблағлар қўйилиши мумкин. Оқибатда айланма маблағларнинг самарадорлиги пасайиб кетади.

Нормалаштиришда қуйидаги тамойилларга амал қилиниши керак:

- нормалаштириш корхоналарнинг ишлаб чиқариш дастурига асосланган бўлиши;
- нормалар узоқ муддатга мўлжалланган бўлиши;
- норма ва нормативларни белгилашда ҳамма етакчи мутахассисларнинг қатнашиши.

Шуни таъкидлаш лозимки, нормалар бир неча йилга ўзгармас қилиб белгиланса, нормативлар ҳар йили янгиланиб турилади. Дастлаб айланма маблағларнинг ҳар бир элементига норматив қўйилиб, у якка норматив, деб аталади. Бу якка нормативлар жамланиб умумий норматив аниқланади.

Нормалар ишлаб чиқариш корхоналарининг хом ашёлар, ёқилғи ва ҳоказолар билан таъминланишида, ишлаб чиқаришни ташкил этишда ва унинг технологиясида ўзгариш бўлганида қайтадан кўриб чиқилиши (аниқлик киритилиши) мумкин.

Ишлаб чиқариш захиралари бўйича нормалар одатда нисбий кўрсаткичларда (неча кунлик захира, истеъмолга нисбатан фоиз) белгиланади. Уларга асосланган ҳолда норматив қўйилади.

Айланма маблағларнинг нормативи – бу моддий бойликлар захираларининг пулдаги ифодасидир. Айланма маблағларнинг ҳар бир элементи бўйича нормативлар ҳар йили янгиланиб турилади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида нормалаштириладиган айланма маблағларга – ишлаб чиқариш захиралари, тугаланмаган ишлаб чиқариш, корхона омборларидаги тайёр маҳсулот қолдиқлари, келгуси давр харажатлари ва бошқалар киради.

Корхоналарда моддий характерга эга бўлмаган маблағларнинг айримлари бўйича нормативлар қўйилмайди. Улар жумласига ҳисоб китоб счётидаги маблағлар ва дебитор қарзлар киради.

Айланма маблағларни нормалаштириш ҳар бир корхонада улардан тўғри фойдаланиши устидан доимий равишда назорат қилиб туриш учун катта аҳамиятга эгадир. Уларни нормалаштириш тижорат ҳисобини мустаҳкамлашнинг ҳамда корхона молиявий аҳволининг барқарорлигини таъминлашнинг шартларидан биридир.

Айланма маблағларни нормалаштириш орқали маблағларнинг доиравий айланишини тўғри ташкил этишга, уларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда уларнинг ҳар бир элементида корхона ўз маблағининг оқилона жойлаштирилиши таъминланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш тармоқлари айланма маблағларини нормалаштиришда умумий принципларга таянилсада, ҳар бир тармоқ ичида айланма маблағларни нормалаштиришда ўзига хослик бор. Аммо, барча ишлаб чиқариш корхоналарида айланма маблағлар элементлари бўйича норматив кўйишда умумийлик мавжуд:

- хом ашё, материаллар ва ёқилғи бўйича норматив бир кунлик сарфларнинг белгиланган нормасига кўпайтириш йўли билан аниқланади;

- тайёр маҳсулот бўйича норматив товар маҳсулотнинг таннархдаги бир кунлик суммаси белгиланган нормага кўпайтириш йўли билан аниқланади;

- бошқа активлар (жумладан, хўжалик инвентарлари) бўйича нормативлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг минг ёки миллион сўмига қўйилган норма асосида, айрим ҳолатларда эса, бухгалтерия баланси маълумотлари асосида қўйилади.

Саноат корхоналарида хом ашё ва материаллар бўйича норма, уларнинг (шартнома асосида) неча кунда корхонага етказиб берилиши, омборга ташилиши, куритилиши ва навларга ажратилишига қанча вақт сарфланиши ҳамда суғурта захираси сифатида омборда сақланиш муддатига кўра белгиланади. Амалиётда, захира сифатида омборда сақланадиган хом ашё ва материаллар бўйича норматив (улар жорий захирасининг 50 фоизига тенг миқдорда) шакллантирилади.

$$H = P \times T,$$

бу ерда:

H – хом ашё ёки материал бўйича норматив суммаси;

P – ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ёки материалнинг бир кунлик сарфи, сўмда;

T – хом ашё ёки материал захираси бўйича норма, кунларда.

Мисол: Корхонага шартнома асосида, хом ашё транспорт воситасида ҳар 10 кунда етказиб берилади, уларни омборга ташиш, қуритиш, навларга ажратиш ва захира сифатида омборда сақлаш учун 5 кун талаб қилинади.

Корхона жорий йилнинг иккинчи чорагида ишлаб чиқариш учун 5045,0 млн. сўмлик хом ашё сарфланади. Хом ашёнинг бир кунлик сарфи 56,1 (5045,0 : 90) млн.сўм. Хом ашё (шартнома асосида) транспорт воситасида ҳар 10 кунда етказиб берилади.

Бунда:

- хом ашё бўйича жорий норматив 561,0 (56,1 x 10) млн. сўм;
- хом ашёнинг омборга ташилиши, қуритилиши ва навларга ажратилишига кўра қўйиладиган норматив — 280,5 (56,1 x 5) млн.сўм;
- суғурта захираси сифатида омборда сақланадиган хом ашё ва материаллар бўйича норматив — 28,1 (561,0 x 50 % :100) млн.сўм.

Демак, хом ашё бўйича умумий норматив 869,6 (561,0 + 280,5 + 28,1) млн. сўмга тенг бўлади.

Ёқилғи бўйича (газдан ташқари) норматив қўйишда хом ашё ва материалларга норматив қўйиш тартиби қўлланилади.

Тайёр маҳсулотларга норматив, уларнинг харидорларга жўнатиладиган пайтигача бўлган вақтга қараб аниқланади. Айтайлик, корхонада тайёр маҳсулотлар омборларда 8 кун сақланади. Уларнинг таннари 6375,9 млн. сўм.

$$H = (6375,9 \times 8) : 90 = 70,8 \text{ млн.сўм.}$$

Саноат корхоналарида тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича норматив ишлаб чиқариш циклида сарф бўладиган хом ашё ва меҳнат сарфлари ҳамда шу ишлаб чиқариш циклининг муддатига боғлиқ, яъни сарфланган хом ашёдан неча кундан сўнг тайёр маҳсулот олинишига боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш даврида материал ва меҳнат сарфлари доимо бир хил бўлмаслигини ҳисобга олган ҳолда нормативнинг аниқ бўлиши учун одатда тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳар бир маҳсулот бўйича ҳисобланади. Ва унинг асосида ишлаб чиқариш циклининг узунлиги ва сарфларнинг ўсиш коэффициенти аниқланади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш нормативи қуйидаги формулаларга асосланиб ҳисобланади:

$$1). H_n = \frac{C \times \Pi \times K}{D},$$

бу ерда,

$H_n$  – тугалланмаган ишлаб чиқариш нормативи;

$C$  – ишлаб чиқаришдаги сарфлар;

$\Pi$  – ишлаб чиқариш циклининг ўртача узунлиги;

$K$  – сарфлар ўчиши коэффициентини;

$D$  – режалаштирилган даврдаги кунлар сони.

$$2). K = \frac{z_n}{z_1} \times D,$$

бу ерда,

$K$  – сарфларнинг ўсиш коэффициентини;

$z_n$  – ишлаб чиқариш цикли давридаги сарфлар суммаси;

$z_1$  – бир кунлик сарф;

$D$  – ишлаб чиқариш циклининг ўртача муддати.

Мисол: Корхонанинг ишлаб чиқариш режасида жорий йилнинг IV-чорагида жами ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бўйича 6375,9 млн.сўмлик харажат қилиш кўзда тутилган.

### 11.3.1-жадвал

#### Тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисоби

Маҳсулотлар	Ишлаб чиқариш иш цикли даври (кунларда)	Бир кунлик сарф (млн.сўм)	Жами сарфлар (млн.сўм)
А	4	24,5	98,0
Б	5	15,8	79,0
В	3	23,833	71,5
Г	3,5	6,714	23,5
Жами	X	70,847	272,0

Ишлаб чиқариш циклининг ўртача муддати =

$$= \frac{(98,0 \times 4) + (79,0 \times 5) + (71,5 \times 3) + (23,5 \times 3,5)}{272,0} = 4 \text{ кун}$$

$$K = \frac{272000}{70847} \times 4 = 0,9.$$

Тугалланмаган ишлаб чиқариш нормативи:

$$H_n = \frac{6375,9 \times 4 \times 0,9}{90} = 255,0 \text{ млн. сўм.}$$

Тайёр маҳсулотлар нормативи уларнинг харидорларга жўнатилиши пайтига қараб аниқланади. Айтайлик, корхонада тайёр маҳсулотлар омборда 8 кун туриб қолади. Уларнинг ишлаб чиқариш таннари 6375,9 млн. сўм.

$$H_n = \frac{6375,9 \times 8}{90} = 70,8 \text{ млн. сўм.}$$

Келгуси давр харажатлари нормативи олдиндан тўланган ижара ҳақлари, келгуси йилга журналлар ва газеталарга обуна бўлиш ҳамда янги турдаги маҳсулотларнинг технологиясини яратиш харажатлари кабиларни ўз ичига олади. Олдиндан тўланадиган ижара ҳақлари, келгуси йилга журналлар ва газеталарга обуна харажатлар бир марта амалга оширилади ва улар фойдаланиш муддатида қисмларга бўлинган ҳолда турли харажатларга олиб борилади. Янги турдаги маҳсулотларнинг технологиясини яратиш бўйича харажатлар эса, илмий-тадқиқот ишлари яқунлангандан сўнг, корхона номоддий активи сифатида тан олинади.

Келгуси давр харажатлари нормативи (Н) қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$H = B_o + P_n - P_e,$$

$B_o$  — йил бошига келгуси давр харажатларига киритилган суммаси (бухгалтерия баланси маълумотлари бўйича);

$P_n$  — режалаштирилаётган даврда шу мақсад учун кўзда тутилган харажатлар;

$P_e$  — режалаштирилаётган йилда смета асосида корхона фойдаси ҳисобидан қопланадиган харажатлар.

Мисол: Корхона бухгалтерия баланси маълумотларига кўра йил бошига келгуси давр харажатлари қолдиғи — 609121,0 минг сўм. Унинг қуйидагиларни ўз ичига олади:

- журнал ва газеталарга обуна тўловлари 680,0 минг сўм;
- ижара тўловлари 144000,0 минг сўм;
- янги турдаги маҳсулотларнинг технологиясини яратиш харажатлари 464441,0 минг сўм.

Режалаштирилаётган йилда келгуси давр учун жами 137274,0 минг сўмлик харажат кўзда тутилган. Жумладан:

- журнал ва газеталарга обуна тўловларига 734,0 минг сўм;
- янги турдаги маҳсулотларнинг технологиясини яратишга 136540,0 минг сўм.

Режалаштирилаётган йилда келгуси давр харажатларининг 144680,0 минг сўми (680,0+144000,0) турли харажатларга олиб борилади. Журнал ва газеталарга обуна тўловлари бўйича харажатлар, пировард натижада, корхонанинг фойдаси ҳисобига қопланади.

Келгуси давр харажатлари нормативи:

$$H = 609121,0 + 137274,0 - 144680,0 = 601715,0 \text{ минг сўм.}$$

Барча якка нормативларнинг йиғиндиси корхона айланма маблағларининг умумий нормативини ташкил этади.

Саноат корхоналарида нафақат ишлаб чиқариш захиралари, айти пайтда, уларнинг сарфланиши бўйича ҳам нормативлар белгиланади.

Ишлаб чиқариш захиралари (моддий ресурс) сарфини нормалаштириш – бу белгиланган сифатда маҳсулот ишлаб чиқаришга ёки маълум бир миқдордаги ишни бажаришга кетган хом ашё, материал, ёқилғи, энергиянинг максимал йўл қўйиладиган сарфини кўрсатувчи режа миқдори. Моддий манбаларнинг сарф нормасини ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш характериға кўра асосий материаллар сарфи ва ёрдамчи материаллар сарфи аниқланади.

Асосий материал деб бевосита маҳсулот тайёрланадиган материалларға айтилади. Асосий материаллар сарфи нормаси ишлаб чиқариш технологиясининг мукамаллашиши даражасиға қараб белгиланади. Бу нормалар маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни бартараф этиш қийин бўлган чиқиндилар (масалан, бўяшдан кейин чўткада қолган бўёк)ни ҳисобға олган ҳолда тузилади.

Материалларни сарф қилишнинг назорати уларнинг доимий сарфи билан белгиланган ишлаб чиқариш нормаларини чоғиштириш асосида амалға оширилади.

Ёрдамчи материал деб ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган, лекин тайёр маҳсулотларға кирмайдиган (турли тозалаш материаллари, материалларни ишлаш учун кислоталар ва бошқалар) материалларға айтилади.

Саноат корхоналарида, шунингдек, технологик чиқиндилар ва йўқотишлар нормаси, ишлаб чиқаришда материаллардан фойдаланиш коэффиценти, дастлабки хом ашёдан фойдали компонентларни ажратиб олиш коэффиценти ва бошқалар ҳам қўлланилади.

#### **12.4. Айланма маблағлардан фойдаланишни яхшилаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари**

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг асосий вазифалардан бири – ресурсларни тежаш тамойилиға риоя қилган ҳолда ишлаб чиқаришни жадаллаштиришдир.

Тежамкорлик режимини таъминлаш буйича чора тадбирлар тизимида асосий ўринни моддий ресурсларни тежаш эгаллайди. Бу маҳсулот сифати, ишончилиги ва узоқ муддат хизмат қилишига зарар етказмаган ҳолда унга сарфланадиган хом ашё, материаллар, ёқилғи харажатларини камайтиришни билдиради.

Ҳозирги шароитда моддий ресурсларни тежашнинг иқтисодий аҳамияти куйидагича ифодаланади:

- хом ашё, материал, ёқилғи харажатларининг камайиши ишлаб чиқариш учун катта иқтисодий фойдани таъминлайди. Бу, аввалом бор, мавжуд моддий ресурслар миқдоридан кўпроқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради;

- моддий ресурсларни тежашга интилиш янги техникани жорий этиш ва технологик жараёнларни мукамаллаштиришга туртки беради;

- моддий ресурслар истеъмолидаги тежамкорлик ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилашга ва жонли меҳнат харажатларининг тежалишига ҳам олиб келади (материалларни ташиш; сақлашга сарфланадиган иш кучи камаяди);

- моддий ресурслар тежалиши саноат маҳсулоти таннархининг камайишига ёрдам беради. Ҳозирги вақтда моддий харажатлар ҳисобига барча ишлаб чиқариш харажатларининг 3/4 қисми тўғри келади. Кейинчалик, ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ўсиши билан маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича умумий харажатларда буюмлашган меҳнат улуши ошиб боради. Демак, меҳнат предметлари ва меҳнат воситаларидан фойдаланишни яхшилаш ижтимоий ишлаб чиқариш харажатларини тежашнинг асосий йўналиши бўлиб ҳисобланади;

- маҳсулот таннархининг камайишига таъсир қиладиган моддий ресурслар тежамкорлиги корxonанинг молиявий ҳолатига ҳам ижобий таъсир қилади.

Шундай қилиб, моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш ва тежамкорлигининг иқтисодий самарадорлиги корxonанинг барча ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида ҳар бир корxonаларнинг муҳим вазифаларидан бири моддий ресурсларни тежаш ҳисобланади, чунки моддий харажатлар фойдага бевосита боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш харажатларининг катта қисмини



ташқил этади. Фойда эса бозор иқтисодиёти шароитида корхона ҳаёт таъминотининг асосий манбаларидан биридир.

Иқтисодиётда тежаш (иқтисод қилиш) манбалари ва йўллари бир бирдан фарқланади.

Тежашнинг манбаси – бу нимани тежаш мумкинлигини билдирса, йўллари – қандай қилиб ёки қайси тадбирлар ҳисобига эришиш мумкинлигини билдиради.

Барча корхоналарда моддий ресурсларни тежаш заҳиралари мавжуд. Заҳира – бу ҳали фойдаланилмаган имкониятлардир.

Моддий ресурсларни тежаш, уларнинг юзага келиши ва фойдаланиши жараёнига қараб 3 гуруҳга бўлинади:

- умумиқтисодиёт (миллий иқтисодиёт) заҳиралари;
- умумсаноат-тармоқлараро заҳиралари;
- ички ишлаб чиқариш заҳиралари (цех, завод, тармоқ заҳиралари).

Моддий ресурсларни тежашнинг асосий йўналишлари: ишлаб чиқариш- техник ва ташкилий-иқтисодий гуруҳларга бўлинади.

Биринчи гуруҳ тадбирларига – хом ашёни сифатли тайёрлаш, машиналар тузилишини такомиллаштириш, хом ашёни тежамли турларидан фойдаланиш, илғор технологияни жорий этиш. Брак ва йўқотишни иложи борича камайтириш, иккиламчи хом ашёдан фойдаланиш ва ҳоказо.

Иккинчи гуруҳ – ташкилий-иқтисодий йўналишга материал манбаларни тежаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар киради:

- материал сифимини режалаштириш ва илмий даражасини ошириш;
- техник иқтисодий жиҳатдан асосланган меъёрлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- хом ашёнинг замонавий турларини яратиш;
- ёқилғи балансини такомиллаштириш ва бошқалар.

Материал манбаларни тежашнинг бош йўналиши – бу тайёр маҳсулот чиқиши даражасини оширишдир.

Саноат корхоналарида айланма маблағлардан самарали фойдаланишни учта асосий кўрсаткич тавсифлайди.

Айланувчанлик коэффиценти улгуржи нархларда маҳсулот сотилиши ҳажмини корхонада айланма маблағларнинг ўртача қолдиғига бўлиш йўли билан аниқланади:

$$K_{ам} = P_c : K_{ам},$$

бу ерда,

$K_{ам}$  – айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффиценти, айланмалар;

$P_c$  – сотилган маҳсулот ҳажми, сўм;

$K_{ам}$  – айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи, сўм.

Айланувчанлик коэффиценти маълум давр (йил, чорак) мобайнида корхона айланма маблағларининг доиравий айланишлари сонини ифодалайди ёки 1 сўм айланма маблағлар ҳисобига тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажмини кўрсатади. Формуладан кўриниб турибдики, айланма маблағлар миқдорининг кўпайиши 1 сўм айланма маблағлар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсишига олиб келади.

Айланма маблағлар бандлиги коэффицентининг катталиги айланувчанлик коэффицентига тескари миқдордир. У 1 сўм сотилган маҳсулотга сарфланган айланма маблағлар миқдорини тавсифлайди.

$$K_б = K_{ам} : P_c,$$

бу ерда,

$K_б$  – айланма маблағларнинг бандлиги коэффиценти;

Бир айланиш давомийлиги кун ҳисобида - даврдаги кунлар сонини айланувчанлик коэффицентига бўлиш билан топилади:

$$A_d = D_k : K_{ам},$$

бу ерда,

$D_k$  – даврдаги кунлар сони (360, 90).

Айланма маблағларнинг айланиш муддати қанча кам ёки сотилган маҳсулотнинг ўша ҳажмда айланишлар сони қанча кўп бўлса, айланма маблағлар шунча кам талаб қилинади. Ва аксинча айланма маблағлар қанча тез айланса, улар шунча самарали фойдаланилади.

Мисол: Корхонада сотилган маҳсулот ҳажми ўтган йили 600000,0 минг сўмни, ҳисобот йили эса 612000,0 минг сўмни ташкил этди. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қолдиғи мос равишда 120000,0 минг сўм ва 110500,0 минг сўмга тенг.

Бунда айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффиценти ўтган йилда 5,0 га (600000,0:120000,0) ва ҳисобот йилда 5,54 га (612000,0:110500,0) баробар бўлади. Айланма маблағларнинг бир айланиш давомийлиги ўтган йили 360:5=72 кунга ва ҳисобот йили эса 360:5,54=65 кунга тенг. Айланма маблағларнинг юкланиш

коэффициенти:  $120000,0:600000,0=0,2$  ва  $110500,0:612000,0=0,18$  сўм бўлади.

Айланма маблағлар айланувчанлигининг тезлашиши самараси улардан фойдаланишнинг яхшилангани туфайли уларга бўлган талабнинг камайишида, уларнинг бўшатилишда намоён бўлади.

Мутлоқ бўшатилиши айланма маблағларга бўлган талабнинг тўғридан-тўғри камайишини акс эттиради.

Корхонада айланма маблағларнинг мутлоқ бўшатилиши ҳисобот йилда ўтган йилга нисбатан  $9500,0(120000,0 - 110500,0)$  минг сўмни ташкил этади.

Нисбий бўшатилиш айланма маблағлар миқдорининг ўзгаришини, шунингдек сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини акс эттиради. Уни аниқлаш учун шу даврда сотилган маҳсулотга ҳақиқий айланишдан келиб чиққан ҳолда ҳисобот йили учун айланма маблағларга бўлган талабларни ва ўтган йил учун айланувчанликни ҳисоблаб чиқиш керак. Фарқ бўшалган маблағлар суммасини беради.

Юқорида келтирилган мисол маълумотлари асосида корхонада бўшатиш маблағлар қийматини ҳисоблаш мумкин.

Айланма маблағларнинг ўтган йилги ўртача қолдиғи –  $120000,0$  минг сўмни, ҳисобот йилда эса  $110500,0$  минг сўм ташкил этди. Айланма маблағларнинг тўлиқ айланиш давомийлиги, мос равишда,  $72$  кун ва  $65$  кунга тенг. Айланма маблағларга бўлган талаб ҳисобот йилда ўтган йилги айланувчанликда ва ўтган йилда сотилган маҳсулот ҳажмида:  $(612000,0 \times 72):360=122400,0$  минг сўмга тенг бўлади. Айланма маблағларнинг нисбий бўшатилиши  $11900,0$  минг сўмни ташкил этади  $(122400,0-110500,0)$ .

Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш корхона фаолиятини нормал таъминлашда, ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишда катта рол ўйнайди. Бироқ, айрим корхоналарнинг ўз молиявий ресурслари, нафақат кенгайтирилган, хатто оддий такрор ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ миқдорда таъминлашга етмайди. Корхонада зарур молиявий ресурсларнинг йўқлиги, тўловлар интизоми даражасининг пастлиги ўзаро тўламасликларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Айланма маблағлар айланувчанлигининг тезлашиши, ҳозирги шароитда, корхоналарнинг бирламчи вазифаси ҳисобланади ва қуйидаги йўллар билан эришилади:

- ишлаб чиқариш заҳираларини тузиш босқичида — иқтисодий асосланган заҳира нормаларини жорий этиш; хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар таъминотчиларни истеъмолчиларга яқинлаштириш; моддий-техник таъминотнинг омбор тизимини, шунингдек, материаллар ва ускуналар улгуржи савдосини кенгайтириш; омборлардаги ишларни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш.

- тугалланмаган ишлаб чиқариш босқичида – илмий-техник тараққиёт ютуқларини жорий этиш; саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклларини такомиллаштириш; хом-ашё ва ёқилги-энергетика ресурсларидан тежамли фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш.

- муомала босқичида – ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш; бевосита алоқалар асосида буюртмаларини бажариш: юқори талабга эга бўлган маҳсулот улушини кўпайтириш ва бошқалар.

**Таянч иборалар:** айланма активлар, жорий активлар, айланма маблағлар, ресурс, маблағнинг айланиши, тежамкорлик, норма, норматив.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Айланма ишлаб чиқариш фонди таркибини ёритинг.
2. Муомала фондларининг таркибини ёритинг.
3. Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш даражалари қайси кўрсаткичлар билан ифодаланади?
4. Айланма маблағларни нормалаштиришнинг аҳамиятини ёритинг.
5. Айланма маблағларни шакллантириш манбаларига тушунтириш беринг.
6. Корхоналарда айланма маблағлардан самарали фойдаланиш йўларини ёритинг.

## **ХШ БОБ. САНОАТ МАҲСУЛОТИНИНГ СИФАТИ ВА УНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ**

### **13.1. Маҳсулот сифати ва уни ошириш зарурияти**

Саноат – истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш, бозордаги зарурий мувозанатни таъминлаш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлашти-риш, бугунги кунда мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш каби муаммоларни самарали ечишда етакчи тармоқ бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонида қайд этилишича, мамлакатда 2022-2026 йиллар давомида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш<sup>76</sup> мулжалланган. Табиийки, бундай ўсиш жуда катта социал-иқтисодий аҳамиятга эга, аммо, микдор кўрсаткичларидан ҳам кўпроқ сифат, ассортимент масалалари, юқори истеъмол хоссаларига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ундан-да аҳамиятлидир. Маҳсулотлар сифати муаммосини ҳал қилмасдан – аҳолини истеъмол товарлари билан таъминлаш масаласини ҳал қилиб бўлмайди.

Маҳсулот сифати энг жиддий масала. Маҳсулот сифатини ошириш – бу, оқибат натижада, унинг микдори, ресурсларни тежаш, ижтимоий эҳтнёжларни тўлароқ қондириш масаласи ҳамдир.

Маҳсулотнинг сифати – бу, маҳсулотдан маълум мақсадда фойдаланиш учун унинг яроқлилик даражаси, маҳсулотнинг миллий иқтисодиёт эҳтиёжларини, истеъмолчиларнинг талаб ва дидларини қондириш қобилиятидир.

“Маҳсулот сифати” ва “маҳсулотнинг истеъмол қиймати” тушунчалари бир хил нарса бўлмасада, улар бир-бири билан бевосита боғлиқ. Сифат, иқтисодий категория нуқтаи назаридан, маҳсулотнинг нафақат фойдалилигини, балким, унинг истеъмол қийматининг микдорий томонини ҳам ифодалайди. Маҳсулотнинг истеъмол қиймати ва унинг сифати ўртасидаги иқтисодий боғлиқлик – маҳсулот истемол қилинганда юзага келади.

---

<sup>76</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 22-мақсад.

Маҳсулот сифати билан боғлиқ масала жамият тараққиётининг барча босқичларида энг долзарб масалаларда бири бўлиб келган, у келгусида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Сифатиинг самарадорлик билан алоқаси кўп қирралидир. Маҳсулотнинг сифати ҳар қандай ишлаб чиқариш жамоаси фаолиятининг пировард кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Маҳсулотнинг юксак сифати жамоа ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажараётганлигидан далолат беради.

Сифатли маҳсулот чиқараётган корхоналар яхши молиявий иктисодий кўрсаткичларга ҳам эга бўладилар. Қоида бўйича, юқори сифатли маҳсулотлар, юқори улгуржи нархда сотилади. Ва, аксинча, сифати паст бўлган маҳсулотлар паст улгуржи нархларда сотилади.

Маҳсулот сифатини оширишнинг муҳим шarti – яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартиш ёки муҳими уни бутунлай тугатишдир. Яроқсиз маҳсулот – бу фақат бузилган хом ашёгина эмас. Бу лойиҳачилар, инженерлар, ишчилар сарфлаган жонли меҳнатнинг, сарфланган энергиянинг ва ҳоказоларнинг йўқолиши ҳамдир.

Демак, маҳсулот сифати корхона фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан биридир. У корхона ишини акс эттирувчи ўзига хос кўзгу бўлиб, фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнат маданияти ва интизоми даражасини умумлаштирувчи кўрсаткичдир. Чунки, ишлаб чиқарилаётган сифатсиз маҳсулотнинг учдан икки қисми технология интизомини бузиш натижасида юз беради.

Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида технология интизомига риоя этиш – корхона ходимлари меҳнатининг сифатига боғлиқ бўлади. Меҳнат сифати, муайян меҳнат жараёнини тавсифлайди ва у ўз аҳамиятига кўра иш жараёнининг бажарилиш сифатини англатади.

Иш сифати – ишнинг натижасида, меҳнат предметидаги ўзгаришларда намоён бўлади. Иш жараёни таркибини бир қатор ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган жараёнлар ташкил этади. Ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир бочқичини эса у ёки бу ишчи бажаради. Иш сифати – бу иш давомида бир ёки бир нечта жараёнларнинг белгиланган талаблар, стандартлар ва меъёрларга риоя этилишига боғлиқ. Шу сабабдан ҳам корхоналарда маҳсулот

сифатини бошқариш, биринчи навбатда, иш сифатини бошқаришдан бошланиши керак.

Йирик саноат корхоналарида бутун ишлаб чиқариш жараёнида сифатни таъминлаш вазифасини маҳсулот сифатини яхлит бошқариш тизими амалга оширади.

Маҳсулот сифатини яхлит бошқариш тизими ишлаб чиқаришдан олдин, ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришдан кейинги фаолият босқичларини ўз ичига олади.

Юқори сифатли маҳсулот чиқариш учун амалга ошириладиган ҳамма ишларни бошқариш учун корхонанинг бошқариш тузулмасида маҳсулот сифатини бошқариш ва назорат қилиш бўлими ташкил қилинади.

Маҳсулот сифатини бошқариш бўлимининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- ишлаб чиқаришга тасдиқланган норматив-техник ҳужжатларни, стандартларни ва ҳоказоларни жорий қилиш (стандартлаштириш ва унификациялаш);

- бошка бўлим ва цехлар билан биргаликда янги стандартни жорий қилиш учун ташкилий-техник тадбирлар ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқилган ва тасдиқланган текшириш жадвалига биноан ишлаб чиқаришнинг ҳамма босқичларида стандартларга ва ҳоказоларга тўла риоя қилинишини назорат қилиш;

- аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирларини тузиш;

- норматив-техник ҳужжатларга ва бажариладиган иш усуллариغا (стандартлар талабларига асосан) ўзгартириш киритиш;

- янги буюм турларига техник шартлар тузиш, буюмларни унификациялаштиришни назорат қилиш;

- янги маҳсулот моделларини танлашда қатнашиш, хом ашёларнинг физик-механик хусусиятларини текширадиган лаборатория ишини назорат қилиш, янги маҳсулотнинг ялпи ишлаб чиқариш жараёнига тушишидан олдин экспериментал цехда тайёрланишида қатнашиш, янги маҳсулот бўйича материалларнинг қўлланилаётганини назорат қилиш, хом ашёларни сотиб олишда қатнашиш ва сифатини текшириш ишига бошчилик қилиш ва назорат қилиш ва ҳоказолардан иборатдир.

Шунингдек, маҳсулот сифатини бошқариш бўлими:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини доимий равишда назорат қилишни;
- нуқсонни келтириб чиқарган сабабларни бартараф қилишга доир тадбирлар ишлаб чиқишни;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бўлган талабни ўрганишни; тайёр буюмларни сақлаш, тамға босиш ва ўраб-жойлаш сифатини назорат қилишни;
- технологик жиҳозларнинг ишлашини назорат қилишни, эскирган жиҳозларни янгилаш ёки модернизация қилиш тадбирлари ва тавсияларини тайёрлашни ва ҳоказо ишларни амалга оширади.

Янги маҳсулот турларини яратиш ишлаб чиқариш корхоналари учун доимо муҳим аҳамиятли ҳисобланади. Бундай янги товарларни тайёрлаш, уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бозорга олиб чиқиш катта харажатлар сарфлашни талаб қилади ҳамда таваккал-чилик даражаси юқори бўлади. Бу эса корхоналар янги маҳсулотлар ишлаб чиқишни аксари ҳолларда мавжуд маҳсулотларни такомил-лаштириш ва модификациялаш билан боғлашларига асосий сабаб бўлади.

Янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва бозорга киритиш корхоналарнинг инновацион сиёсати асосида амалга оширилади.

### **13.2. Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари**

Рақобат шароитида корxonанинг муваффақият қозониши – ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг харидорлар талабини қаноатлантириш даражасига боғлиқдир. Корхона маҳсулотига барқарор талабнинг вужудга келиши, унинг фойда олишини кафолатлайди. Маҳсулотнинг истеъмолчилар талабларини қаноатлантириш даражаси, табиийки, унинг сифат кўрсаткичлари орқали аниқланади.

Маҳсулот сифати кўрсаткичлари – корxonанинг рақобатбардош бўлишида асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ғоят турли-туманлиги билан тавсифланади. Улар табиий хусусиятларига кўра – ҳар хил меъёр ва хилма-хил сифат кўрсаткичларига эга. Шу сабабдан саноат маҳсулотлари сифатини баҳолашда кўрсаткичлар икки гуруҳга: ягона ва комплекс (мураккаб) кўрсаткичларга ажратилиб қўлланилади.



Ягона сифат кўрсаткичлари маҳсулотнинг асосий хусусиятларидан бирини тавсифлайди:

1. Мустаҳкамлик кўрсаткичи – техниканинг маълум вақт давоми-да ишлатилиш хусусиятининг йўқотмаслигини билдиради. Техника ресурс сифатида ёки хизмат муддати бўйича баҳоланади.

2. Тўла қонли мустаҳкамлик кўрсаткичи – асбоб-ускуналарнинг тўлиқ жисмоний ёки маънавий эскириши ва темир-терсакка айланишига қадар хизмат қилиш муддатини англатади.

3. Даврий мустаҳкамлик кўрсаткичи – биринчи капитал таъмирга қадар техниканинг хизмат қилиш муддатини ифодалайди.

4. Ишончлилик кўрсаткичи – техниканинг маълум бир даврда, муайян иш шароитида белгиланган функцияларни бажара олиш қобилиятини акс эттиради. Техниканинг ишончлигининг умумий кўрсаткичи – ишончлилик коэффиценти ҳисобланади. Бу кўрсаткич техниканинг ишлаши ва тўхтаб қолиш вақтларининг умумий иш вақтидаги улушини кўрсатади. Техник қурилманинг умумий ишончлиги – алоҳида кўрсаткичлар кўпайтмаси ёки ишончлилик коэффиценти кўринишида аниқланади.

5. Технологик кўрсаткичлар – буюмни тайёрлаш ва таъмирлаш жараёнида юқори меҳнат унумдорлигини таъминлаш учун конструктор<sup>77</sup>-технологик ечимлар самарадорлигини ифодалайди. Самарали техника ва технология – ёрдамида минимал меҳнат ва материал харажатлар билан энг қисқа ишлаб чиқариш вақтида буюм (нарса)ларни серияли ишлаб чиқариш имконини беради.

6. Стандартлаштириш – ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар учун мажбурий бўлган турли хил меъёрий-техник ҳужжатларда ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти учун ягона қоидалар ва нормаларни белгилаш: стандартлар, техник шартлар, тавсиялар ва бошқалар.

7. Унификация<sup>78</sup> – маҳсулотлар, технологик жараёнлар, шакллар, ҳужжатлар ва бошқаларнинг асоссиз хилма-хиллигини камайтириш.

8. Эргономика<sup>79</sup> – маҳсулот сифатининг гигиеник, физиологик ва психологик талабларга мувофиқлиги.

9. Эстетик кўрсаткичлар – буюмларнинг бадиий-конструкторлик хусусиятларини ифодалайди. Улар буюмнинг товар

<sup>77</sup> Конструктор – нарсаларнинг (масалан, машина, механизм, иншоотлар) тузилиши.

<sup>78</sup> Унификация (лотин тили: unis ягона + facere қилиш, яратиш) ягона шаклга келтириш

<sup>79</sup> Эргономик (грек сўзи: ergo меҳнат + nomos қонун) кўлай меҳнат шароити

қиёфаси жонлилигини, шаклининг маъқуллигини, композициянинг<sup>80</sup> бутунлилигини, мукамал бажарилганлилигини ва барқарорлигини тавсифлайдилар.

10.Транспортабеллик кўрсаткичлари – маҳсулотнинг ташиш учун мослашганлигини ифюдалайди.

11.Патент<sup>81</sup>-ҳуқуқий кўрсаткичлар маҳсулотнинг патентли ҳимоясини ва патентли сархиллигини (асиллигини) тавсифлайди ва рақобатбордошлигини аниқлашда муҳим омил ҳисобланади. Патент-ҳуқуқий кўрсаткичларни аниқлашда буюмларда янги техник омиллар борлигини, шунингдек, мамлакатда патентлар билан ҳимояланган ечимларни ҳисобга олиш керак бўлади.

12.Экологик кўрсаткичлар атроф-муҳитга хавfli таъсир кўрсатиш даражаси. У маҳсулотни эксплуатация қилиш ёки истеъмол қилишда юзага келади. Масалан, зарарли қотишмаларнинг бўлиши, маҳсулотни сақлаш, ташиш ва истеъмол қилишда зарарли қисмлар, газлар ва нурларни чиқариш мумкинлиги.

13.Хавфсизлик кўрсаткичлари – харидор ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хавфсизлиги учун маҳсулот хусусиятларини тавсифлайди, яъни маҳсулотни монтаж қилиш, хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, сақлаш, ташиш, истеъмол қилишда хавфсизликни таъминлайдилар.

14.Иқтисодий кўрсаткичлар – муайян буюмни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда сифатни оширишнинг иқтисодий самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлардир.

Маҳсулот сифатининг комплекс кўрсаткичлари – маҳсулот (буюм)нинг бир нечта хусусиятларини тавсифлайди. Масалан, буюмнинг тайёрлик коэффиценти, уни бетўхтов ва зарурият туғилганда таъмирлаб ишлатиш мумкинлигини кўрсатади.

Комплекс кўрсаткичлар – буюмнинг қандай мақсадда ишлатилишидан қатъи назар, унинг сифатини баҳолашда қўлланилади. Бундай кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат: илғор-замонавий маҳсулотлар ҳажмининг, уларга ўхшаш маҳсулотлар гуруҳининг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши; маҳсулотларнинг навлар бўйича улуши ва ҳоказо.

<sup>80</sup> Композиция – буюмнинг тузилиши.

<sup>81</sup> Патент – ихтирочига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги “Интеллектуал мулк агентлиги” томонидан бериладиган, унинг ўз ихтиросига муаллифлиги ва мутлақ ҳуқуқини тасдиқлавчи ҳужжат.

Иқтисодий нуқтаи назардан сифатни ошириш тадбирлар самарадорлигини баҳолашда, қиёсий самарадорликни аниқлашда қўлланиладиган усулдан фойдаланилади. Яъни, сифатни яхшилаш учун қўлланилиши мумкин бўлган тадбирлар бир нечта вариантда бўлса, минимал харажатларни таъминлайдиган вариант энг фойдали деб тан олинади.

Иқтисодиёт тармоқларида, жумладан, саноатда ишлаб чиқарилаётган буюмлар пишиқ, эстетик жиҳатдан кўзни қамаштирадиган, қўлай ва тегишли вазифаларни яхши бажарадиган бўлиши лозим. Истеъмолчилар буюм сотиб олаётганда, унинг нархи билан сифатини доимо таққослайди. Маҳсулотлар нархи, улар сифатига муносиб бўлмоғи керак.

Хулоса қилиб айтганда, маҳсулот сифати – маҳсулот хусусиятлари мажмуи, унинг жамият ва шахс эҳтиёжларини қондириш даражаси билан белгиланади. Маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг рақобатбардошлини таъминлашнинг ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

### **13.3. Маҳсулот сифати, унинг рақобатбардошлигини таъминлашда бош омил**

Рақобат – ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиси, уни ривожлантириш воситаси ҳисобланади. Корхоналар ўртасидаги рақобат – маҳсулотларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашдан иборат. Бунда улар инновацион техника ва технологиялар асосида янги ва жозибадор маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ҳам курашади. Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат пировардида истеъмолчиларни ўзига жалб этиш учун курашни ҳам англатади.

Маълумки, рақобат ва рақобатбардошлик ўзаро боғлиқ тушунчалардир: иккичисининг мазмуни биринчисидан келиб чиқади. Рақобат корхоналарни рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ундайди.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлиги – истеъмолчининг аниқ эҳтиёжларини қондириш ва уни харид қилиш ҳамда кейинчалик ундан фойдаланиш учун сарфланадиган харажатлар даражалари бўйича уни, яъни маҳсулот бошқа шундай маҳсулотлардан ажралиб турадиган сифатлари йиғиндисини ифодалайди.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлиги – муайян бир корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг, рақобатчи корхона ишлаб чиқараётган айнан шундай маҳсулотга қараганда, яхшироқ истеъмол хусусиятларига ва техник-иқтисодий параметрларига эга бўлганлиги туфайли, истеъмолчилар наздида юқори туришидир.

Маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги айнан бозорда кузатилади. Бунда маҳсулотларнинг истеъмолчи талабига мувофиқ келиши солиштирилади ва текшириб кўрилади. Айнан шу пайтда, яъни истеъмолчи томонидан реал харидни амалга ошираётганда маҳсулотнинг сифат даражаси, унинг рақобатбардошлиги намоён бўлади.

Маҳсулот сифати – бошқариш объекти ҳисобланади. Уни бошқариш жараёнлари муҳандис-техник, ташкилий-технологик, назорат ва бошқаларнинг ўзаро боғлиқлигида олиб борилади.

Маҳсулот сифатини бошқариш қуйидаги жараёнлардан иборат:

- маҳсулот сифати даражасини белгилаш;
- маҳсулот сифатига таъсир кўрсатувчи буюм ва уни ишлаб
- чиқариш жараёнининг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ва ўрганиш;
- маҳсулот сифатини бошқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ва объектга таъсир кўрсатишга тайёрланиш;
- бошқарувга тегишли буйруқларни бериш;
- бошқариш натижасида маҳсулот сифатининг ўзгариши ҳақидаги ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш.

Маҳсулот сифатини бошқаришда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини узоқ муддатларга чамалаш;
- маҳсулот сифатини оширишни режалаштириш ва башорат қилиш;
- маҳсулот сифатини аттестация қилиш;
- маҳсулот лойиҳасини чизиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- маҳсулот сифатини моддий-техник томондан таъминлаш;
- ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш;
- маҳсулот сифатини ўлчашни ташкил этиш;
- мутахассисларни танлаш, жойлаштириш, ўқитиш ва тарбиялаш;

- сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш даражасини бир текисда олиб бориш;
- ишлаб чиқариш воситаларини сақлаш, таъмирлашни ташкил этиш;
- маҳсулот сифатини оширишни рағбатлантириш;
- маҳсулот сифатини назорат қилиш;
- стандартларга, ўлчаш воситаларига ва техник шартларга риоя қилиш;
- маҳсулот сифатини бошқариш ҳуқуқини таъминлаш.

Маҳсулот сифатини бошқариш – маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятлари, технологик жараёнларнинг ихтисослаштирилиш даражаси, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари ва усулларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

Маҳсулот сифатини яхшилашга оид чора-тадбирлар ишлаб чиқарилаётганда, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва амалга оширилиш имкониятлари техникавий-иқтисодий жиҳатдан асосланади.

Бунда қуйидагилар асос қилиб олинади:

- ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатига бўлган талаблар ва келгусида уни такомиллаштириш имкониятлари; .
- маҳсулотнинг сифат даражасини баҳолаш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотда учраган нуқсонларни юзага чиқариш ва таҳлил этиш;
- лабораториядан ўтказилган синов натижалари, истеъмолчилар томонидан юборилган норозилик ҳужжатлари, техникавий назорат ва маълумотлар;
- илғор корхоналарнинг маҳсулотлари билан таққослаш.

Маҳсулот сифатини яхшилашга оид чора-тадбирлар тўпламига қуйидагилар киради:

- маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган асосий тажриба ва лойиҳалаштириш ишлари ҳамда ташкилий-техникавий тадбирлар;
- ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини такомиллаштиришга оид тадбирлар;
- хомашё ва материаллар сифатини ошириш бўйича таъминловчиларга қўйиладиган талаблар;

- маҳсулот сифатини ошириш бўйича ўтказиладиган илмий-тадқиқот, тажриба ва лойиҳалаштириш юзасидан илмий-текшириш, лойиҳалаштириш ташкилотларига бериладиган топшириқлар;

- техникавий ҳужжатларни яхшилаш тадбирлари;

- технологик интизомга риоя қилишни текшириш шароити, ишлаб чиқаришни ўлчов асбоблари билан таъминлаш, уларнинг аниқ ишлашини кузатиб туриш тадбирлари;

- стандартларни ўзлаштириш, уларга риоя қилиш, буюмларни унификациялаштириш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, нуқсонларнинг олдини олиш ва истеъмолчилар томонидан бўладиган норозиликларни камайтириш бўйича тадбирлар.

Маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг тўла-тўқис амалга оширилиши учун уларнинг бажарилиш муддатлари, масъул кишилар, муайян харажатлар ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги, рақобатбардошлиги ҳамда бошқа кўрсаткичлар аниқланади.

Миллий маҳсулотларнинг сифатини оширишда мамлакатимизнинг ташқи бозорларга чиқиши ҳам жиддий таъсир кўрсатади. “Очиқ бозор маҳсулот сифатини ошириш, таннархни пасайтириш, янги технологиялар олиб келишга мажбур қилади, бозор ислохотларини жадал ривожлантиради. Содда қилиб айтсак, жаҳон ишлаб чиқариш тизимида, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлишимиз лозим. Мулоқот ва рақобатга тайёр бўлиш учун тармоқ раҳбарлари ўз устида тинимсиз ишлаши шарт”<sup>82</sup>.

### **13.4. Стандартлаштириш ва сертификатлаштириш – маҳсулот сифатини бошқаришнинг асоси**

Жамият тараққиёти – саноат маҳсулотлари истеъмолчиларининг иқтисодий имкониятларини кенгайтиради ва шунга яраша уларнинг дидларини ҳам кўтаради. Бу эса саноат корхоналари олдига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатни таъминлаш борасида янгидан-янги талабларни кўяди.

---

<sup>82</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //”Халқ сўзи” газетаси, 25 январь 2020 йил.

Маҳсулот сифати борасидаги муаммоларнинг ечими, асосан, стандартлаштириш<sup>83</sup> масаласи билан боғлиқ. У маҳсулот сифатини бошқаришнинг ташкилий ва меъёрий асоси ҳисобланади.

Стандартлаш – стандартларни белгилаш ҳамда уларни фан ва техника, миллий иқтисодиёт тармоқларида қўллаш жараёни. Стандартлаш фан-техника ва амалий тажрибаларнинг умумлаштирилган ютуқларига таянади.

Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонунига (3 ноябрь 2022 йил) биноан мамлакатимизда стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий ташкилий-техник қоидаларини тартибга солиб турувчи миллий стандартлаштириш тизими фаолият кўрсатади.

Стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни:

- Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги;

- стандартлаштириш бўйича миллий орган;
- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари;
- стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар амалга оширади.

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги – стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий қоидаларини, манфаатдор томонларнинг давлат бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари билан олиб борадиган ҳамкорликдаги ишининг шакл ва усулларини белгилайди.

Миллий идора – стандартлаштириш соҳасида дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқади ва амалга оширади (миллий стандартлаштириш дастурини амалга ошириш, замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали стандартлаштириш тизимини рақамлаштириш, стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар фаолиятини мувофиқлаштириш, стандартларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, бекор

---

<sup>83</sup> Стандарт инглизча “standart” сўздан олинган бўлиб, меъёр, намуна, ўлчам маъносини билдиради. У фаолиятнинг ҳар хил турларига ёки уларнинг натижаларига тааллуқли бўлган, умумий ва кўп марта фойдаланиш учун қоидаларни, умумий принципларни ёки тавсифларни белгилайдиган ҳамда муайян соҳада тартибга солишнинг энг мақбул даражасига эришишга қаратилган ҳужжатҳужжат. Стандарт инсон фаолиятининг барча соҳасига, илм-фанга, техникага, саноат, қишлоқ хўжалигига, қурилишга, транспорт ва алоқага, таълим ва бошқа соҳаларга тааллуқдир.

қилиш ва янгилаш, халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ифодалайди).

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида стандартларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва нашр этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси – давлат сиёсатини амалга ошириш, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, миллий стандартлаштириш тизими-ни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, ривожлантириш бўйича мнъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, мажбурийлик тусига эга бўлган стандартларни белгилаш, илмий-техникавий фаолиятни ташкил этиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлан-тиришни амалга оширади.

Стандартлаштириш бир қатор тамойилларга асосланади:

- қонунийлик;
- миллий стандартларни ишлаб чиқишда манфаатдор тарафларнинг ўзаро келишуви;
- холислик;
- стандартлардаги такрорланишларнинг ва зиддиятларнинг олдини олишга қаратилган ҳамжиҳатлик;
- маҳсулот келиб чиққан мамлакатдан ва (ёки) жойдан, шунингдек ишлаб чиқарувчининг мулк шаклидан қатъи назар, маҳсулотга нисбатан камситувчи муносабатга йўл қўймаслик;
- очиқлик ва шаффофлик.

Стандартлаштиришнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- фуқароларнинг ҳаётини, соғлиғини ва мол-мулкини муҳофаза қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- маҳсулотнинг сифати масалаларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;
- маҳсулотнинг ўзаро алмашувчанлигини ва мослашувчанлигини таъминлаш;
- аҳолининг ва иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун маҳсулотнинг сифатини ҳамда



рақобатбардошлилигини илм-фан ва технологияларнинг ривожланиш даражасига қараб ошириш;

- барча турдаги ресурсларни тежашга кўмаклашиш, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш;

- социал-иқтисодий ва илмий-техник дастурларни ҳамда лойиҳаларни рўёбга чиқариш чоғида амалий жиҳатдан кўмаклашиш;

- Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётини ривожлантиришга ва илмий-техник тараққиётига кўмаклашиш;

- ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг номенклатураси ва сифати тўғрисидаги ахборотнинг очиқлигини ҳамда ишончлилигини таъминлаш;

- мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хорижий бозорларга олиб чиқилишига кўмаклашиш;

- ўлчаш бирлигини таъминлаш.

Стандартлаш тизими – иқтисодиёт тармоқларини, корхоналардаги ишлаб чиқариш жараёнларини, меъёрий-техник ҳужжатларнинг жорий этилиши ва уларга амал қилинишини, хизмат кўрсатиш корхоналаридаги ўлчов воситаларини назорат қилиш ва бошқа ишларни ҳам ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришга доир қуйидаги тоифадаги меъёрий ҳужжатлар қўлланилади:

- халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари;
- ташкилотнинг стандартлари;
- хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари.

Стандартлаштиришга оид меъёрий ҳужжатлар жумласига, шунингдек стандартлаштириш қоидалари, нормалари, техник-иқтисодий ахборот классификаторлари ҳам киради. Ушбу ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тартиби Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан белгиланади.

Халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари, шунингдек, халқаро қоидалар ва меъёрлар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган шартнома ёки битимларга мувофиқ қўлланилади. Мазкур стандартлар, қоидалар ва меъёрларни мамлакатимиз ҳудудида қўллаш тартибини Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва давлат бошқарувининг бошқа органлари ўз ваколатлари доирасида белгилашади.

Стандартлаштиришга оид меъерий ҳужжатлар мамлакатимиз ҳамда чет эл фан ва техникасининг замонавий ютуқларига асосланган бўлиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ келиши зарур. Улар халқаро савдо-сотик учун ортиқча тўскинликларни пайдо қилмасликлари лозим.

Республикамизда меъерий ҳужжатларсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга йўл қўйилмайди. Сотишга мулжалланган товар-маҳсулотга тегишли стандартлар ҳамда уларга киритилган ўзгартишлар Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги органларида ҳақ олмасдан давлат рўйхатидан ўтказилади.

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги органларида рўйхатдан ўтказилган стандартлаштиришга оид меъерий ҳужжатлар – техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъерий ҳужжатларнинг давлат фондига киради.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари-да фаолият юритаётган субъектлар томонидан стандартларнинг мажбурий талабларига, стандартлаштиришга тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва уларнинг ҳудудий органлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, шунингдек бошқа махсус ваколатли давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Бугунги кунда саноат ишлаб чиқаришига халқаро стандартлар асосида сифат тизимини жорий этиш ўта муҳим зарурият ҳисобланади. Чунки, халқаро стандартлаштириш илмий-техника ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга катта имконият яратади. Улар халқаро алоқаларни кенгайтиришга, мавжудларини тшюмиллаштиришга ёрдам беради. Ҳозирги кунда жаҳонда 400 дан ортиқ Халқаро ва регионал (ҳудудий) ташкилотлар мавжуд (2000 йил).

Стандартлаштириш соҳасида йирик халқаро ташкилотлар — БМТга қарашли Европа иқтисодий комиссияси (ЕЭКООН), стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилот (ИСО) ишлаб турибди.

Маҳсулотларининг параметрлари ва хоссаларини инобатга олиб синаш, сифатни назорат қилиш ва текшириш усуллари ва

воситаларини танлаш ҳамда синов натижалари ишончлилигини таъминлаш билан бирга сертификатлаштирилиши муҳим ҳисобланади.

Маҳсулотни сертификатлаштириш унинг аниқ белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш усулларида бири ҳисобланади.

Маҳсулот ёки бажарилган ишнинг белгиланган талабларга мувофиқлигига оид фаолият учун бериладиган ҳужжат – “сертификат”<sup>84</sup> деб аталади.

Сертификатлаштириш:

- одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг молмулки ҳамда атроф муҳит учун хавfli бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш;

- маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қила олишини таъминлаш;

- мамлакат корхоналари, кўшма корхоналар ва тадбиркорлар халқаро миқёсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдосотикда иштирок этишлари учун шароит яратиш;

- истеъмолчини тайёрловчининг (сотувчининг, ижрочининг) виждонсизлигидан ҳимоя қилиш;

- маҳсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочиси) таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадларида амалга оширилади.

Мамлакатимизда сертификатлаштириш бўйича миллий орган: Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳисобланади. У амалдаги қонунчиликка биноан қуйидаги фаолиятларни бажаради:

- сертификатлаштириш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади, сертификатлаштириш ўтказиш юзасидан умумий қоидаларни белгилайди, улар тўғрисида расмий ахборотлар эълон қилиб боради;

- сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш дастурларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни Ҳукумат муҳокамасига тақдим этади;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда сертификатлаштиришнинг халқаро тизимларига қўшилиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, шунингдек

---

<sup>84</sup> Сертификат лотинча “sertificatis” сўзидан олинган бўлиб, тасдиқланган деган маънони билдиради.

сертификатлаштириш натижаларини ўзаро эътироф этиш тўғрисида битимлар тузади, сертификатлаштириш масалалари бўйича бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларда ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

- мажбурий равишда сертификатланадиган маҳсулотларнинг рўйхатини белгилайди ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига киритади;

- сертификатлаштирилган маҳсулотларнинг, аттестациядан ўтказилган сифат бўйича эксперт-аудиторларнинг давлат реестрларини юритади;

- мажбурий сертификатлаштириш талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

- сертификатлаштириш тўғрисидаги қонунчилик нормалари бузилганлиги учун мувофиқлик сертификатларининг ва мувофиқлик белгиларининг амал қилишини тўхтатиб туради ҳамда уларни бекор қилади.

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ўз вазифаларининг бир қисмини маҳсулотларни сертификатлаштириш органларига ва синов лабораторияларига (марказларига) ўтказишга ҳақлидир.

Маҳсулотларни сертификатлаштиришга аккредитация<sup>85</sup> қилинган органлар:

- маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимларини тузадилар ва уларнинг амал қилишини таъминлайдилар;

- сертификатлаштиришни ташкил этадилар ва ўтказадилар;

- миллий мувофиқлик сертификатларини расмийлаштирадилар, берадилар ёки чет эл мувофиқлик сертификатларини эътироф этадилар;

- сертификатланган маҳсулотлар устидан назоратни амалга оширадилар.

Тегишли сертификатлаштириш тизими белгилаган тартибда аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари) муайян маҳсулотларнинг синовини ёки муайян синов турини амалга оширадилар ҳамда сертификатлаштириш мақсадлари учун баённомалар берадилар.

---

<sup>85</sup> Аккредитация лотинча “accredo” сўзидан олинган бўлиб, ишонмоқ, ишонч билдирмоқ деган маъноларни билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонунида (28 декабрь 1993 йил) сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини, шунингдек, мажбуриятлар ва жавобгарликларни белгилаб қўйилган. Унда сертификатлаштириш фаолиятига доир умумий талаблар, маҳсулотларни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш, низоларни қараб чиқиш, сертификатлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарлик масалалари баён этилган.

**Таянч иборалар:** Маҳсулот, сифат, баҳолаш, стандартлаштириш, сертификациялаш, рақобат, лицензия, экспорт, салоҳият, стратегия.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Сифат категориясининг моҳияти ва аҳамияти.
2. Замонавий бозор иқтисодиёти ва сифат сиёсати.
3. Маҳсулот сифатини бошқариш.
4. Рақобатнинг моҳияти ва мақсадини тушунтириб беринг.
5. Стандартлаштириш қанақанги тамойилларга асосланади?
6. Сертификатлаштиришнинг моҳиятини тушунтиринг..
7. Мамлакатимизда сертификатлаштириш бўйича миллий органи қанқанги ваколатларга эга?

## **XIV БОБ. САНОАТДА ТАННАРХ, ФОЙДА ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕНТАБЕЛЛИГИ**

### **14.1. Харажатлар тушунчаси ва уларнинг иқтисодий мазмуни**

Ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритиш жараёнида моддий ва пул харажатларини амалга оширишади. Харажат – фойда кўришнинг асосий шартидир. Тадбиркор фойда бермайдиган ишга харажат қилмайди. Бу аксиома.

Корхонанинг умумий харажатлари ичида ишлаб чиқариш харажатлари энг катта салмоққа эга. Улар бўйича тўлиқ маълумотларга эга бўлиш – ишлаб чиқариш жараёнини самарали бошқаришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам тадбиркорлар ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида тўла маълумотларга эга бўлмасдан туриб ишлаб чиқаришни ташкил қилишмайди.

Маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларнинг иқтисодий мазмуни:

- харажат – бу ҳисобот даврида ишлаб чиқариш корхонаси активларининг камайиши ёки мажбуриятларининг кўпайишидир;
- корхонанинг умумий харажатлари ичида ишлаб чиқариш харажатлари энг катта салмоққа эга;
- тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетган моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ишлаб чиқариш воситаларининг амортизация харажатлари ва ушбу жараёнга тегишли бошқа харажатлар – ишлаб чиқариш харажатларидир;
- яратилган маҳсулот қийматига киритилган барча харажатлар – тайёр маҳсулотнинг таннархидир;
- ишлаб чиқариш харажатлари мажмуаси – корхонага маҳсулот ишлаб чиқариш қанчага тушишини (таннархини) акс эттиради.

Маҳсулот таннархини ташкил қилувчи харажатлар – моддий харажатлар, асосий фондлар амортизацияси, меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар, социал эҳтиёжларга мўлжалланган харажатлар ва бошқа харажатлардан таркиб топади.

Маҳсулот таннархи – бу:

- маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва корхона молиявий фаолияти бўйича барча харажатларининг пулдаги ифодаси;

- корхоналар хўжалик фаолиятини ифодаловчи сифат кўрсаткичи;

- корхоналар фаолиятининг ҳамма томонларини, яъни ишлаб чиқариш ва молиявий томонларини акс эттирувчи ва уларнинг иш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткич.

Маҳсулот таннархини арзонлаштириш – жонли меҳнат ҳамда буюмлашган меҳнатни тежалишини, фойданинг ортишини таъминлайди, улгуржи ва чакана нархларни арзонлаштириш имконини яратади.

Корхоналар харажатларининг моҳияти меъёрий ҳужжатларда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 05 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» да атрофлича очиб берилган.

Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва улар миқдорини белгиловчи омиллар:

- корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш лаёқатини белгилаб берувчи асосий омил – корхоналарнинг харажатлар қилаолиш қобилияти ҳисобланади;

- ҳар қандай маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун маълум сарф харажатлар талаб этилади;

- маҳсулот ишлаб чиқариш маълум нархга эга бўлган иқтисодий ресурс сарфларини талаб қилади;

- маҳсулот миқдори иқтисодий харажатлар (ресурс нархлари) даражасига, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва товарлар бозорида сотиладиган нархларга боғлиқ;

- маҳсулотларни сотиш нархлари асосан корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган ташқи шароитлар билан белгиланса, ишлаб чиқариш харажатлари корхонанинг ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотларни сотиш жараёнларини ташкил қилиш самарадорлиги даражасига боғлиқ.



#### 14.1.1-чизма. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари шакллари

Моддий харажатлар таркиби:

- хом ашё ва материаллар харажатлари;
- технологик мақсадлар ва хўжалик эҳтиёжлари учун сарфланувчи ёқилғи ва энергия;
- харид қилинувчи бутловчи қисмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;
- сотиб олинган қадоқлаш ва ўров материаллари харажатлари;
- машина ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар;
- бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ишлаб чиқариш хизматлари;
- хизмат даври бир йилгача бўлган кичик қийматли хўжалик инвентарлари қиймати;
- табиий хом ашёдан фойдаланиш билан боғлиқ солиқ, йиғим ва бошқа тўловлар;
- ишлаб чиқаришда бекор туриб қолиш ва сифатсиз (брак) маҳсулот туфайли юзага келадиган йўқотишлар;
- табиий йўқотишлар билан боғлиқ бўлган ёки айбдор шахслар мавжуд бўлмаган ҳолда юзага келадиган йўқотишлар.

Амортизация ажратмалари миқдорига тенг бўлган асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириши харажатларнинг йирик элементларидан бири ҳисобланади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар:

- корxonанинг асосий ишлаб чиқариш персонали меҳнатига ҳақ тўлашга сарфланадиган харажатлар;
- ишлаб чиқаришдаги юқори натижалар учун мукофотлар;



- рағбатлантирувчи ва компенсация тўловлари, жумладан, қонунчиликда белгиланган меъёрийлар чегарасида нархларнинг ўсиши ва индексация учун тўловлар;

- корхона ходимлари штатида бўлмаган, лекин асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар учун тўланувчи ҳақ.

- Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари элементлари қаторига қуйидагилар ҳам киритилади:

- амалда бажарилган иш учун тариф ставкалари, лавозим маошлари ва шу кабилар асосида тўланувчи иш ҳақи;

- ишлаб чиқаришдаги юқори натижалар учун берилувчи мукофот ва бошқа тўловлар;

- қонунчиликка асосан баъзи тармоқлардаги ходимларга бепул берилувчи кийим-кечак, озиқ-овқат, уй-жой, коммунал хизмат ва ҳоказолар қиймати;

- ҳар йиллик меҳнат ва ўқув таътили учун амалга оширилувчи тўловлар;

- корхонани қайта ташкил қилиш, штатлар қисқариши туфайли ишдан бўшатишган ходимларга тўланувчи маблағлар.

Маҳсулот таннархидаги бошқа харажатлар:

- социал тусдаги харажатлар ва солиқлар;

- йўл қўйиш мумкин бўлган миқдордаги чиқиндилар учун тўловлар;

- корхона мулкани мажбурий суғурталаш;

- рационализаторлик таклифлари учун мукофотлар;

- кредитлар бўйича тўловлар;

- маҳсулотни сертификатлаш учун бажарилган ишларга ҳақ тўлаш;

- хизмат сафарларига ҳақ тўлаш;

- ёнғинга қарши кураш ва қўриқлаш муассасаларига ҳақ тўлаш;

- кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш учун тўловлар;

- ходимлар танлашни ташкил қилиш ҳақ тўлаш;

- алоқа хизмати учун тўлов;

- ҳисоблаш марказлари хизмати учун тўлов;

- банклар хизматига ҳақ тўлаш;

- асосий ишлаб чиқариш фондларини ижарага олганлик учун ҳақ тўлаш;

- номоддий активларнинг эскириши ва ҳоказолар

Социал тусдаги харажатлар:

- пенсия жамғармасига ажратмалар;
- бандлик жамғармасига ажратмалар;


• касаба Уюшмалари Федерациясига ажратмалари ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш харажатларига, асосий ишлаб чиқариш фондларини ишга тайёр ҳолатда сақлаб туриш капитал, ўрта ва жорий таъмирлаш, машина ва асбоб ускуналарга қараш ва эксплуатация қилиш учун сарфланувчи барча харажатлар киради.

Асосий ишлаб чиқариш фондларини таъмирлаш бўйича мураккаб ишлар амалга оширилиб, харажатлар бир хилда тақсимланмаганда корхоналар (Молия Вазирлиги рухсати билан) маҳсулот таннархи ҳисобига асосий фондларни таъмирлаш учун захира(резерв) фондлари ташкил қилиши мумкин.

Хорижий валютадаги харажатлар Марказий банкнинг операциялар амалга оширилган кундаги курсига асосан сўмларда белгиланади.

Корхона ишлаб чиқариш харажатлари – маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қилинадиган барча сарфлардир (13.1.2-чизма).



**14.1.2-чизма. Корхона харажатларининг турлари**

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга қилинадиган харажатларнинг ўсишига таъсир этувчи ҳолатлар:

- хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асбоб-ускуналар нархининг ўсиши;

- транспорт хизмати тарифларининг юқорилиги;
- реклама ва вакиллик харажатларининг ўсиши;
- амортизация ажратмалари миқдорининг ўсиши;
- иш ҳақининг ошиши;

- пенсия ва аҳоли бандлик жамғармаларига ажратмаларининг ўсиши;

- турли хил компенсацион тўловларга ажратилувчи маблағлар миқдорининг ортиб бориши ва ҳоказо.

Маҳсулот таннархини арзонлаштиришнинг асосий йўллари:

- бошқарув усуллари, ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш;

- тижорат ҳисобини такомиллаштириш;

- ишлаб чиқариш асосий фондларидан фойдаланишни яхшилаш;

- моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш;

- ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш харажатларини камайтириш;

- импорт қилинадиган ресурслар нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш;

- материаллар сарфи меъёрларини пасайтириш;

- маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланиш даражасини ошириш;

- маҳсулот (иш ва хизмат)лар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш;

- фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватларни консервация қилиш;


- маъмурий бошқарув ходимлари сонини қисқартириш;

- хўжасизликка қарши курашиш.

## **14.2. Корхоналар харажатларининг таснифланиши**

Назарияда ва амалиётда иқтисодий категориялар, уларнинг ўзига ва хусусиятларига қараб тур, хил, туркум ва шу кабиларга ажратилади – таснифланади.

Корхоналар харажатларининг таснифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 05 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом”да келтирилган. Унга кўра маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари иккита гуруҳга ва олтита қуйи гуруҳга бўлинади (13.2.1-чизма).



**14.2.1-чизма. Корхона харажатлари**

Асосий фаолиятга доир харажатлар — бу корхона Уставида белгиланган асосий фаолият билан боғлиқ харажатлардир.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий фаолият билан боғлиқ харажатлар:

- сотиш таннархига киритилган харажатлар — сотилган маҳсулотлар таннархига киритилган харажатлардир;

- давр харажатлари — бу маълум ҳисобот даврида юз берадиган харажатлардир. Улар маҳсулотларни сотишга, корхонани маъмурий-бошқарувига ва бошқа операцион фаолиятига доир харажатлардан таркиб топади;

- келгуси давр харажатлари — бу корхонанинг келгуси асосий фаолиятига доир, лекинда ҳисобот даврида амалга оширилган харажатлардир (олдиндан тўланган ижара, хизмат ҳақлари ва бошқа бўнак сифатидаги тўловлар);

- муддати узайтирилган харажатлар – корхонанинг келгуси асосий фаолиятига доир (муддати бир йил ва ундан кўп муддатга узайтирилган) харажатлардир.

Асосий бўлмаган фаолиятга доир харажатлар – бу бевосита асосий фаолиятга тааллуқли бўлмаган фаолият турлари билан боғлиқ харажатлардир.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий бўлмаган фаолиятига доир харажатлар:

- молиявий фаолиятга доир харажатлар – қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш, валюта операциялари, кредит ва қарзларни олиш, узоқ муддатли ижарага доир ва бошқа молиявий фаолиятга тааллуқли харажатлардир (фоизлар, салбий курс фарқлари кўринишидаги харажатлар ва бошқалар);

- фавкулотдаги харажатлар – юз бериши доимий характерга эга бўлмаган, қутилмаган тасодиф ва ҳодисалар (давлат қонунларининг ўзгариши, табиий офатлар, революцион ўзгаришлар) натижасида вужудга келган зарарлардир.

Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлар;

- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган социал суғуртага ажратмалар;

- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар;

- ташқаридан сотиб олинган ишлаб чиқариладиган маҳсулот таркибига кириб, унинг асосини ташкил этадиган ёки маҳсулот тайёрлашда зарур компонент ҳисобланадиган хом ашё ва материаллар;

- маҳсулотни ўраш ҳамда бошқа ишлаб чиқариш заруриятлари учун сотиб олинган материаллар, таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, мосламалар ва бошқа меҳнат буюмлари;

- технологик мақсадлар, биноларни иситиш, барча турдаги энергияни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган, четдан сотиб олинган ёқилғининг ҳамма турлари;

- корхонанинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш, шунингдек, хўжалик заруриятларига сарфланадиган, сотиб олинадиган барча турдаги энергия;

- табиий камайишининг меъёр чегарасидаги моддий ресурсларнинг камомати ва бузилишларидан йўқотишлар.

- Ишлаб чиқаришдаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари:

- корхонада қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакл ва тизимларига мувофиқ ишбай ҳақлари, тариф ставкалари ва мансаб окладлари асосида ҳақиқий бажарилган ишлар учун ишлаб чиқаришдаги ҳисобланган иш ҳақи;

- амалдаги тартибларга кўра рағбатлантирувчи тўловлар, жумладан, ишлаб чиқариш натижалари учун мукофотлар (натурал мукофотларни қўшган ҳодда) таъриф ставкалари ва окладларга касб маҳорати учун қўшимча устама тўловлар, амалдаги қонунчиликка мувофиқ кўп йиллик хизматлари учун (шу хўжаликда бир ихтисосликдаги иш стажи учун) ишлаб чиқариш ходимларига бериладиган тақдирланишлар, мукофотлар, касб маҳорати учун таъриф ставкалар ва окладларга нисбатан) устама тўловлар, ҳаракатдаги қонунчиликка мувофиқ кўп йиллик хизматлари учун ишлаб чиқариш ходимларига бериладиган тақдирлашлар;

- иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ товон тўловлари, жумладан, тунги иш вақти, иш вақтидан сўнгги иш учун тўловлар.

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар:

- асосий ишлаб чиқариш фондларининг дастлабки (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси, лизинг бўйича ва белгиланган тартибда тасдиқланган нормалар, қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган жадаллаштирилган амортизация;

- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар (гудвилдан ташқари) эскириши ҳар ойда хўжалик юритувчи субъект томонидан дастлабки қиймати ва улардан фойдали фойдаланиш муддатидан келиб чиқиб ҳисобланадиган маҳсулот таннархига тегишли бўлади. Фойдали ишлатилиши

муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш нормаси беш йил ҳисобига белгиланади.


Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар:

- ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари;
- ишлаб чиқариш ходимларини белгиланган ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган хизмат сафарларига юбориш бўйича нормалар доирасида ва улардан ортиқча харажатлар;
- ишлаб чиқариш ходимларини ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш харажатлари;
- брак туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар;
- ишлаб чиқаришнинг ички сабабларига кўра бекор туришлар туфайли йўқотишлар;
- кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли тузатиш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари;
- маҳсулотларни мажбурий сертификация қилиш харажатлари;
- ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли меҳнат қобилияти йўқолиши муносабати билан тегшили ваколатли органларнинг қарорлари асосида ва қарорларисиз тўланадиган нафақалар;
- умумий фойдаланиладиган йўловчилар транспорти хизмат кўрсатмайдиган йўналишларда ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ харажатлар.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ корхоналар харажатларининг гуруҳланиши:

- маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар;
- ишлаб чиқариш таннархига қўшилмайдиган харажатлар, аммо давр харажатларига қўшиладиган харажатлар (асосий фаолиятдан кўрилган фойдани аниқлаш учун);
- корхонанинг умумхўжалик фаолиятдан кўрган фойда ёки зарарини аниқлашда ҳисобга олинандиган молиявий фаолият харажатлари;
- фавқулотда зарар (солиқ тўлашга қадар аниқланадиган фойдани ҳисоблашда иштирок этадиган).





#### 14.2.2-чизма. Корхоналарда ҳар бир гуруҳ харажатларнинг туркумланиши

Фавкулотда зарар (харажат)лар одатда туркумланмайди. Улар одатдан ташқари харажатлар моддалари ҳисобланади. У ёки бу модданинг фавкулотда зарарлар моддаси сифатида акс эттирилиши учун у қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

- корхонанинг одатдаги хўжалик фаолиятига хос эмаслик;
- бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак;
- бошқарув ходими томонидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ эмаслик.


Маҳсулот таннархини умумлаштирувчи кўрсаткичлар:

- бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажат;
- таққосланадиган маҳсулот таннархи;

- маҳсулот бирлигининг таннархи.

Саноат корхоналари фаолияти билан боғлиқ харажатлар – ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатларга ажратилади (13.2.2-чизма).

Маҳсулот таннархини ифодаловчи энг муҳим кўрсаткич – бир сўмлик товар маҳсулот учун қилинган харажатдир. Унинг орқали қилинган харажатларнинг самарадорлигини аниқлаш мумкин.



**14.2.2-чизма. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари.**

Бир сўмлик товар Ишлаб чиқариш таннархи  
маҳсулоти учун =  
қилинган харажат Товар маҳсулотининг улгуржи баҳоси  
(тийин)

Харажатларни элементлар бўйича гуруҳларга ажратган ҳолда, улар тузилмаси ва динамикасини таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил этишнинг услубий шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқ-ланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”да келтирилган.

Ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий элементлар бўйича туркумланиши:

- ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита меҳнат ҳақи харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тааллуқли меҳнат ҳақидан ажратмалар;
- асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси, эскириш харажатлари;
- ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатлар.

Харажатларни элементлар бўйича гуруҳларга ажратган ҳолда таҳлил этиш зарурияти:

- таҳлил натижаларига мувофиқ материал сиғими, меҳнат сиғими ва фонд сиғими даражалари бўйича таннархни пасайтириш имкониятларини аниқлаш мумкин;

• таҳлил этишда жами харажатдаги ҳар бир элементнинг тутган салмоғи аниқланиб, ўтган йилдагиси ҳамда сметадаги кўрсаткичлар билан таққосланиб, уларнинг ўзгариш сабаблари аниқланади;

• кўрсаткичларни таққослаш орқали жонли меҳнат билан бошқа харажат турларининг нисбати, ишлаб чиқариш захираларини нормалаштириш ва таҳлил этиш, айланма маблағларининг тезлигини аниқлаш ва миллий даромадни ҳисоблаш имконияти туғилади.

### **14.3. Корхона даромадлари ва фойдасининг шаклланиш манбалари**

Мамлакат ҳудудида фаолият юритаётган барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан (бир йил давомида) ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қийматининг йиғиндиси – мамлакат ялпи ички маҳсулотини ташкил этади.

Ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми иқтисодий ўсишнинг умумлашган ва пулда ифодаланган кўрсаткичи ҳисобланади. У ишлаб чиқаришнинг йил давомида ва пировард натижасида яратилган товарлар ва хизматлардир, яъни истеъмол учун тайёр ҳолда яратилган маҳсулот ва маҳсулотлар йиғиндисидир.

Ишлаб чиқариш жараёни – бу меҳнат воситалари ва ишчи кучи ёрдамида меҳнат предметларидан янги маҳсулотлар яратиш жараёнидир. У турли хил технологик операциялардан иборат бўлади. Ишлаб чиқариш жараёнининг пировард натижаси – бу тайёр маҳсулотдир.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотни истеъмолчиларга сотиш эвазига корхоналар даромадга эга бўлишади. Бу йўсинда эришиладиган даромад – ишлаб чиқариш корхоналари даромадининг асосий манбаи ҳисобланади.

Даромад – корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг муҳим кўрсаткичидир. Унинг мазмуни, таснифи ва тавсифи “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом”да ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ёритилган (13.3.1-чизма).

Ҳозирги замон бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг асосий мақсади — истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжини қондириш орқали юқори фойда олишдир.

Фойда нима, деган саволга қуйидагича жавоб берилса тўғри бўлади. Фойда – бу:

- муҳим иқтисодий категория;
- тадбиркорга тегадиган мукофот;
- маҳсулот(иш,хизмат) истеъмолчилари талаб-эҳтиёжининг тўлиқроқ қондирилишини ифодаловчи муҳим мезон;
- даромадларнинг корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлардан кўп бўлишини англатади;
- маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантирувчи омил;

- даромадларнинг корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлардан кўп бўлишини англатади;
- корхона фаолиятининг умумлашган кўрсаткичи;
- корхона фаолияти самарадорлигини ифода этувчи сифат кўрсаткичи;
- корхона фаолияти натижасида олинган иқтисодий самарани тавсифлайди.


- молиявий натижа бўлиш билан бирга корхона молиявий ресурсларининг асосий элементи;

- давлат бюджети даромадини шакллантирувчи муҳим манба.

Фойда – мураккаб иқтисодий категориялардан бири ҳисобланади. У асосан қўшимча қийматни яратиш ва ишлатиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Унинг асосий вазифаси – корхона фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини акс эттиришдир.

Фойда иқтисодий категория сифатида – даромадлар ҳисобидан харажатларни қоплаш ҳамда фойдадан солиқни тўлаш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни акс эттиради.

Иқтисодий категория сифатида фойда – моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган соф даромадни акс эттиради.



**14.3.1-чизма. Корхона даромадлари**

#### 14.4. Корхона фойдасини кўпайтириш йўллари

Корхона фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги – фойда миқдорининг кўпайишида, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган индивидуал харажатларнинг нисбатан пасайишида, маҳсулот баҳоси шаклидаги ижтимоий зарурий харажатларнинг ўсишида намоён бўлади.

Корхона фойдаси миқдори қуйидагиларга боғлиқ:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига;
- маҳсулот таннархи шаклидаги индивидуал харажатларга;
- маҳсулот нархига, яъни ижтимоий зарурий харажатларга.

Фойда муҳим рағбатлантирувчи воситаси сифатида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, ходимларнинг ўз корхонаси эришадиган юқори натижалардан моддий манфаатдорлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Корхоналар фойдаси турли хил фаолиятлар натижасидир. Унинг таркибий элементлари қуйидагилардан иборат:

- маҳсулотни сотишдан олинган фойда;
- асосий фондлар, шунингдек, корхонанинг бошқа мулки сотишдан олинган фойда;
- корхонанинг молиявий фаолияти орқали олинувчи фойда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 05 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом”га мувофиқ корхоналар фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг 5 та кўрсаткичлари билан тавсифланади.

- маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда (1):

$$\mathbf{ЯФ=ССТ-ИТ.}$$

бунда,

ЯФ - ялпи фойда;

ССТ- сотишдан олинган соф тушум;

ИТ - сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи.

- асосий фаолиятдан кўрилган фойда (2):

$$\mathbf{АФФ = ЯФ-ДХ+БД-БЗ,}$$

бунда,

АФФ-асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ-давр харажатлари;

БД-асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ-асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

- умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарар (3):

$$УФ = АФФ + МД - МХ,$$

бунда,

УФ - умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарар;

МД - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ - молиявий фаолият харажатлари.

- солиқ тўлангунгача олинган фойда (4):

$$СТФ = УФ + ФП - ФЗ,$$

бунда,

СТФ - солиқ тўлангунгача олинган фойда;

ФП - фавқулодда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ - фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар.

- йилнинг соф фойдаси (5):

$$СФ = СТФ - ДС - БС,$$

бунда,

СФ - соф фойда;

ДС - даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ;

БС - бошқа солиқлар ва тўловлар.

Ишлаб чиқариш корхоналарида фойда миқдори қуйидагиларга боғлиқ:


- корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йўналишини доимий равишда талаб даражаси юқори бўлган маҳсулотни танлашига;

- корхонанинг маҳсулотларини сотиш учун рақобатбардош шароитларни яратишига (баҳо, етказиб бериш муддати, харидорларга хизмат кўрсатиш, сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш ва ҳоказо);

- ишлаб чиқариш ҳажмига (ишлаб чиқариш ҳажми қанчалик катта бўлса, даромад миқдори шунчалик кўп бўлади);

- ишлаб чиқариш харажатларининг камайтирилишига.





**14.3.1-чизма. Маҳсулотни сотишдан олинадиган фойда миқдорига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар**

Ишлаб чиқариш корхоналарининг юқори миқдорда фойда олиш йўллари:

- корхонанинг маҳсулотнинг у ёки бу турини ишлаб чиқаришдаги монополь ҳолатга ёки маҳсулотнинг ноёблигига эришиш. Бу манбанинг сақланиши маҳсулотни доимий равишда янгилаб боришни кўзда тутлади;

- ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ. Ундан фойдаланиш самарадорлиги бозор конъюнктурасини билиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг ривожланишини, доимий равишда ўзгариб турувчи бозор конъюнктурасига мослаштириш қобилиятига боғлиқ бўлади;

- корхонанинг инновацион фаолиятини ривожлантириши. Ундан фойдаланиш доимий равишда технологияларни такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни янгилаш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, маҳсулот сотиш ҳажми ва фойда миқдорини оширишни англатади.

Корхона фойдасининг кўпайишига таъсир этувчи омиллар.

- маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ортиши;

- маҳсулотлар сифатининг яхшиланиши;
- мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш унумининг ортиши;
- маҳсулотларга талабнинг ўсиши;
- маҳсулотлар нархи.

Ишлаб чиқариш корхоналарида фойдани оширишнинг асосий йўллари:

- ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш (ишлаб чиқариш ҳажми қанчалик катта бўлса, даромад миқдори шунчалик кўп бўлади);

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш;
- маҳсулот бозорини кенгайтириш;
- маҳсулотнинг у ёки бу турини ишлаб чиқаришда монопол ҳолатга (маҳсулотнинг нодирлик ҳолатини сақлашга) эришиш;

- маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йўналишини тўғри танлаш (доимий равишда талаб даражаси юқори бўлган маҳсулотни танлаш);

- бозор конъюнктурасини билиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг ривожланишини, доимий равишда ўзгариб турувчи бозор конъюнктурасига мослаштириш (тадбиркорлик қобилияти);

- маҳсулотларини сотиш учун рақобатбардош шароитларни яратиш (нарх, етказиб бериш муддати, харидорларга хизмат кўрсатиш, сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш ва ҳоказо);

- инновацион фаолиятни доимий равишда ривожлантириб бориш (технологияларни такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни янгилаш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш);

- ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш;
- ортиқча асбоб-ускуналар ёки бошқа мулкни сотиб юбориш ёки ижарага бериш;

- моддий ресурслар, ишлаб чиқариш қувватлари ва майдонлари, ишчи кучи ва иш вақтидан унумлироқ фойдаланиш ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтириш;

- ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш.

Фойда муҳим иқтисодий кўрсаткич бўлсада, ягона ва универсал кўрсаткич эмас, у корхона фаолиятининг самарадорлигини тўла тавсифлаб бермайди. Шу сабабдан корхона фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун фойдани, унга эришиш учун сарфланган ресурслар билан таққослаш мақсадга мувофиқдир.

## 14.5. Рентабелликнинг моҳияти ва кўрсаткичлари

Корхона маҳсулотни сотиш натижасида ўз харажатларини қоплашдан ташқари фойда ҳам олган тақдирда рентабелли ҳисобланади.

Корхона фаолиятида рўй бераётган иқтисодий жараёнларнинг барча босқичларида (режалаштириш ва унга объектив баҳо бериш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ҳоказоларда) харажат ва натижаларни солиштириш кўрсаткичлари муҳим аҳамият касб этади.

Назарияда ва амалиётда ишлаб чиқариш ривожланишининг самарадорлиги ва интенсивлигини баҳолашда рентабелликнинг бир қатор кўрсаткичларидан фойдаланилади. Улар корхонанинг молиявий барқарорлигини аниқлаш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва корхонанинг бозордаги рақобатбардошлигини оширишга оид чора-тадбирлар белгилашда зарур бўлади.

Рентабеллик кўрсаткичлари корхона фаолияти қанчалик фойда келтиришини кўрсатади. Бу кўрсаткичлар молиявий ҳисоботнинг ички ва ташқи фойдаланувчиларда қизиқиш уйғотиб, корхона ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда унинг инвестицияларни жалб қилиш қобилиятини аниқлайди.

Рентабеллик – бу ...

- харажатларнинг ўзини оқлаганлиги, яъни иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқлиги, фойдалилик;
- корхона фаолияти қанчалик фойда келтириши;
- корхона фаолиятига киритилган капиталнинг иқтисодий самарадорлиги мезони;
- корхона фаолиятини баҳолашнинг синтетик кўрсаткичи;
- тижорат ҳисоби муносабатларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи дастак;
- тежамкорликга риоя этишни дават қилиш воситаси;
- корхона молиявий ҳисоботининг ички ва ташқи фойдаланувчиларида қизиқиш уйғотиш ва корхонага инвестицияларни жалб қилиш воситаси.

Корхона фаолиятининг самарадорлигини тавсифловчи рентабелликнинг асосий кўрсаткичлари:

➤ Активлар рентабеллиги ( $A_p$ ):

$$A_p = \text{СФ} : \text{ЖАйк}$$

бу ерда:

СФ – соф фойда;

ЖАйк – корхона жами активларининг ўртача йиллик қиймати.

- Сотиш рентабеллиги (Ср):

$$Cp = CФ : Mст$$

бу ерда:

Mст – маҳсулот сотишдан соф тушум.

- Хусусий капитал рентабеллиги (ХКр):

$$XKp = CФ : XK$$

бу ерда:

XK – хусусий капитал ўртача йиллик қиймати.

- Битта акция даромади (Ад):

$$Ad = CФ : Na$$

бу ерда:

Na – муомаладаги акциялар сони.

- Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги (МИЧр):

$$MИЧp = ЯФ : MИЧт$$

бу ерда:

ЯФ – ялпи фойда;

MИЧт – маҳсулот ишлаб чиқариш таннари.

- Қарз маблағлари рентабеллиги (ҚМр):

$$QMp = CФ : Qмаб$$

бу ерда:

Qмаб – қарз маблағлари жами.

Рентабеллик кўрсаткичларининг ҳар бири ўзига хос мазмунга эга.

- активлар рентабеллиги (Ар). Бу кўрсаткич корхонада 1 сўм фойда олиш учун қанча маблағ жалб қилиш талаб этилишини (бу маблағлар манбаидан қатъи назар) акс эттиради. Ушбу кўрсаткич корхона рақобатбардошлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади;

- сотиш рентабеллиги (Ср). Бу кўрсаткич сотилган маҳсулотнинг ҳар бир сўми қанча соф фойда келтирганини акс эттиради;

- хусусий капитал (ўз малағлари) рентабеллиги (ХКр). Корхона мулкдорлари, яъни эгалари киритган капиталдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш ва бу кўрсаткични худди шу маблағларни бошқа қимматбаҳо қоғозларга киритганда олиш мумкин бўлган фойда билан таққослаш имконини беради. Фарб

мамлакатларида бу кўрсаткич компания акцияларининг котировкасига сезиларли равишда таъсир кўрсатади;

- маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги (МИЧр). Бу айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларнинг бир сўмига олинган ялпи фойда ёки соф фойдани ифода қилади. Бу кўрсаткичдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг солиштирма самарадорлигини аниқлашда кенг фойдаланилади;

- қарз маблағлари рентабеллиги (ҚМр). Ушбу кўрсаткич корхона соф фойдасини қарзга олинган маблағларига нисбати асосида аниқланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик қарз маблағига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди;

- битта акция даромади (Ад). Битта акция келтирувчи фойда кўрсаткичи корхонанинг бозордаги фаолиятини тавсифловчи муҳим кўрсаткичдир.

Юқорида келтирилган рентабеллик кўрсаткичлари таҳлил жараёнида корхонанинг молиявий барқарорлигини аниқлаш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва корхонанинг бозордаги рақобатбардошлигини оширишга оид чора-тадбирлар белгилашга икониёт яратади.

Рентабелликка таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар:

- ички омиллар:
  - ноишлаб чиқариш омиллари – меҳнат ва сотиш шароитлари, корхонанинг тижорат, табиатни сақлаш ва шу каби фаолият турлари билан боғлиқ;
  - ишлаб чиқариш омиллари – фойданинг шаклланишида иштирок этувчи ишлаб чиқариш жараёнининг асосий элементлари (меҳнат предметлари ва воситалари ҳамда меҳнат)нинг мавжудлиги ва улардан фойдаланишни акс эттиради.
  - ташқи омиллар – бу корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган, бироқ ишлаб чиқариш рентабеллиги ва даромаднинг ўсиш суръатига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллардир.

#### **14.6. Корхона соф фойдасининг тақсимланиш тартиби**

Корхонада фойдани тақсимлаш ва ундан фойдаланиш тартиби унинг Низомида белгилаб қўйилади ҳамда ваколатли иқтисодий хизмат ходимлари томонидан тайёрланиб, корхона раҳбарияти томонидан тасдиқланувчи қоидалар ёрдамида аниқланади.

Корхоналар фойдасини тақсимлашда амал қилинадиган тамойиллар

- корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият натижасида оладиган фойдаси давлат ва корхона ўртасида хўжалик субъекти сифатида тақсимланади;

- фойданинг давлатга тўланувчи бир қисми солиқ ва йиғимлар кўринишида бюджетга келиб тушади. Солиқлар таркиби ва фоизи, уларни ҳисоблаш тартиби ва бюджетга тўланувчи бошқа тўловлар қонунчилик томонидан белгиланади;

- солиқлар тўлангандан сўнг корхона тасарруфида қолувчи фойда миқдори, унинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият натижаларини яхшилашдан манфаатдорлигини камайтирмаслиги лозим.

Корхоналар соф фойдасининг тақсимотида, уларнинг мулк шакли ўз ифодасини топади:

- акционерлик жамиятида дивидентлар тўлашга ва резерв капиталига ажратма қилинади. Унинг қолган қисми тақсимланмаган фойда кўринишида жамият ихтиёрида қолади ва корхона фаолиятини ривожлантиришда (асосий фондларни кенгайтиришда ва айланма маблағларни шакллантиришда) қатнашади;

- қўшма корхонада резерв капиталига ажратма қилинади, унинг уставига мувофиқ таъсисчилр ўртасида тақсимланади ёки таъсисчилар қарорига биноан корхона фаолиятини ривожлантиришга ишлатилади;

- хусусий корхоналарда резерв капиталига ажратма қилинади ва унинг қолган қисми тақсимланмаган фойда кўринишида корхона фаолиятини ривожлантиришда иштирок этади;

- давлат корхоналарида резерв фондига ажратма қилинади, қолган қисми эса Устав фондига қўшилади. Маълумки, корхона Устав фонди унинг асосий ва айланма фондларини шакллантиришда муҳим манба ҳисобланади.

Корхонада фойдани тақсимлаш ва ундан фойдаланиш тартиби унинг Низомида белгилаб қўйилади ҳамда ваколатли иқтисодий хизмат ходимлари томонидан тайёрланиб, корхона раҳбарияти томонидан тасдиқланувчи қоидалар ёрдамида аниқланади.

**Таянч иборалар:** Харажат, таннарх, маҳсулот, даромад, фойда, рентабеллик, дивидент, солиқ, акция, номоддий актив, мажбурий ажратма, бюджет.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Ишлаб чиқариш харажатларини таснифлаш.
3. Бошқа харажатлар таркибига нималар киради?
4. Фойда иқтисодий категория сифатида ҳамда унинг корхонанинг тижорат ва ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилишдаги аҳамияти.
5. Фойдани шакллантириш манбалари.
6. Фойдани тақсимлаш ва уни кўпайтириш йўллари.
7. Рентабелликнинг иқтисодий моҳияти.
8. Рентабеллик кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш услубияти.

## **XV БОБ. Саноат ишлаб чиқаришида нарх ва нархни шакллантириш**

### **15.1. Нарх ва уни белгилаш жараёни**

Иқтисодий адабиётларда ва ҳаётда кўпинча “товар”, “буюм”, “маҳсулот”, “предмет” ва ҳоказо сўзлар синоним сифатида ишлатилади. Аммо, “товар” тушунчаси ўзига хос мазмунга эга. У шахсий истеъмол учун эмас, балки унинг бошқалар томонидан ўзлаштирилиши учун, айирбошлаш учун, олди-сотди учун ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсулотидир.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг ҳаммаси ҳам товар бўлавермайди, фақат сотишга мулжалланганларигина товар бўлади. Чунки, саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бир қисми корxonанинг ўзида ҳам ашё сифатидада фойдаланиши мумкин. Шу сабабдан, корхоналар ишлаб чиқарилган барча маҳсулотларга эмас, фақат сотилишга мулжалланган товар-маҳсулотларгагина нарх белгилашади.

Нарх – ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатадиган муҳим иқтисодий дастаклардан бири ҳисобланади. У товар қийматининг пулдаги ифодаси, товар ишлаб чиқаришга сарфланган ижтимоий зарурий иш вақтини билвосита ўлчаш имконини берувчи иқтисодий категориядир.

Нарх – ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчини ўзаро боғловчи, талаб ва таклиф мувозанатни таъминловчи механизмдир. Уни корхоналарнинг ўзини-ўзи молиялаштириш устуни дейиш мумкин. Меҳнат жамоанинг ва айрим ходимнинг даромадлари (иқтисодий манфаатлари) нархнинг тўғри белгиланишига боғлиқ.

Корхоналар нарх борасида юритадиган сиёсати қуйидаги асосий тамойилларга таянади:

- маҳсулот бирлигига режалаштирилган рентабеллик даражасига эришиш;
- товарларни сотиш (талаб) барқарорлигини таъминлаш;
- таклифнинг ўсиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш;
- давлат қонунчилигига риоя қилиш.

Нарх белгилаш – товар нархини шакллантириш жараёнидир. Бунда корхоналар, авваламбор, ўзларининг мақсадларидан келиб чиқади. Мақсадлар сони бир нечта бўлиши мумкин. Улар орасида корxonанинг бозорларда ўз ўрнига эга бўлишини таъминлаш, товар



сотилишини максимал даражада ошириш, товарларни нуфузли нархларда сотиш эвазига фойдани кўпайтириш каби мақсадлар ажралиб туради.

Ушбу мақсадларга эришиш учун тадбиркор – корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотга бўлган талабни ўрганади. Талаб қанчалик кўп ҳаракатчан бўлса, корхона ўз маҳсулотига шунчалик юқори нарх белгилаши мумкин.

Тадбиркор нархни шакллантириш жараёнида, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини ҳисобга олади. Харажатлар – товар нархининг қуйи чегарасини ҳосил қилади.

Нархга – товарнинг сифати ва ташқи дизайн ҳам таъсир этади

Товарларга нарх белгилашда рақобатчиларнинг айнан шундай товарга қўйган нархларини таҳлил қилиш энг муҳим вазифалардан биридир. Муайян битимлар бўйича нархлар ҳақида ахборот кўпинча ишлаб чиқарувчининг тижорат сири ҳисобланиб, бундай маълумотни олиш қийинчилик туғдиради. Бундай шароитда, рақобатчилар сотувга чиқарган товарлар нархини харидорлар орқали ва кузатувлар асосида билиш имконияти доимо бор. Бу ерда энг муҳим нарса – рақобатчилар товарларининг истеъмолчилар томонидан харид қилинишига нима ёрдам беришини аниқлаш ҳисобланади.

Рақобатчилар товарларига қўйилган нархлар ўрганилганидан сўнг доимий фойдаланиладиган нарх белгилаш усулини танлаш мумкин бўлади. Товарлар нархини шакллантириш амалиётида энг кўп тарқалган усуллар бир нечта, жумладан, харажатлар усули, рақобатчига эргашиш усули ва бошқалар.

Товар нархи миқдорини белгилаш, унинг харидори билан олиб бориладиган музокаралар давомида амалга оширилади. Бунда, харидорлар учун ўзининг чегирмалар тизимини яратиш имконияти ҳамда инфляция жараёнлари ҳисобга олинади.

Шунингдек, товарлар нархини шакллантиришда – давлат томонидан ташқи иқтисодий алоқалар борасида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг корхона фаолиятига ижобий ёки салбий таъсир кўрсата олишини баҳолаш лозим. Агар товарларни чет элда сотиш кўзда тутиладиган бўлса, уларни сотиш режалаштирилган мамлакатларда товарларнинг патент тизими ҳақида маълумотлар зарур бўлади.

Товарлар нархига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади:

- жорий ишлаб чиқариш харажатлари;
- ресурслар нархи;

- талабнинг ўзгариши;
- талабни қондириш улушининг ўзгариши;
- мавсумийлик;
- давлатнинг солиқ сиёсати;
- товарларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириши мумкин бўлган турли хил имтиёзлар ва чегирмалар;
- инфляция;
- товарнинг ҳаётийлик даври.

Шуни таъкидлаш керакки, товарларнинг бозор нархи – бозордаги рақобат турига қараб ўзгартирилиши мумкин.

Эркин рақобат шароитида бозордаги нархлар унчалик ўзгармайди, чунки бозорнинг бу тури ишлаб чиқарувчиларнинг кўплиги ва етказиб бериладиган товарларнинг умумий қийматида, уларнинг ҳар бирининг улушининг кичиклиги билан тавсифланади.

Монополия шароитида бозорда бир турдаги маҳсулотлар таклиф қилиниши сабабли нарх устидан тўлиқ назорат амалга оширилади. Бунда монополист ишлаб чиқарувчиларнинг нарх белгилашдаги ҳукмронлиги, истеъмолчи даромадлари чекланганлиги билан тўқнаш келади. Ўрнини босувчи товарларнинг мавжудлиги ҳам уларнинг баҳо белгилашдаги мутлақ имкониятини чеклайди.

Олигополия қатъий нархларни ушлаб туради. Нархлар ўзгариши рақобатчилар билан келишилган бўлади.

Соф монополия шароитида, агар давлат томонидан тартибга солинмаса, нархларни ягона товар ишлаб чиқарувчиси белгилайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, нарх борасида сиёсат, нафақат, корхона даражасида, айти пайтда, давлат даражасида ҳам юритилади. Нарх сиёсати – давлатнинг иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмидир. Шу сабабли мамлакат социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда, тадбиркорларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлашда нарх белгилаш сиёсати алоҳида ўрин эгаллайди.

Нархлар давлат буюртмалари тизими орқали тартибга солинади, улар иқтисодий ва социал қарама-қаршиликларни алоҳида товарларга жорий нархларни сақлаш ёки ўзгартириш орқали бартараф этади. Масалан, нархларни тартибга солиш ёрдамида бозор иқтисодиёти учун норентабел бўлган корхонани даромадли ишлаб чиқаришга айлантириш мумкин. Бунинг учун буюртмалар узок муддатли илмий ва техник ишланмалар, армия учун техник

жиҳозлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқалар учун ишлатилади.

## 15.2. Нархнинг турлари

Товар – ишлаб чиқаришдан то охириг истеъмолчига етиб боргунча бир неча нархларга дуч келади. Дастлаб, улар улгуржи нархда сотилади. Улгуржи нарх ишлаб чиқарувчи томонидан катта миқдордаги товарларни бир йўла кўтарасига харид этувчига сотилган пайтда қулланиладиган нархдир. Саноат маҳсулотларининг улгуржи нархларини шакллантиришда – жорий ишлаб чиқариш харажатлари (таннархи), меъёрий фойда, қўшилган қиймат солиғи қўлланилади.

Чакана савдо нархи		
Корхонанинг сотиш нархи	Савдо ташкилотларининг жорий харажатлари ва фойдалари	ҚҚС* <sup>86</sup>
Корхонанинг улгуржи нархи	ҚҚС*	
Умумий бирлик нархи	Корхона фойдаси	

### 15.1.1-чизма. Саноат маҳсулотлари нархларининг шаклланиши

Улгуржи нархлар ишлаб чиқарувчи учун харажатларни қоплаш ва маълум миқдорда фойда кўришни таъминлаши керак. У, албатта, савдо уйларида ёки сотувчи билан харидорнинг бевосита алоқасида қўлланилади. Улар шартнома нарх шаклида бўлади. Шартнома нарх

<sup>86</sup> Ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида, шу жумладан товарларни сотишда яратилган қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга тўлаш шакли.

– хар икки томоннинг розилиги билан белгиланган ва уларнинг шартномасида қайд этилган нархдир. Бу нарх шартнома амал қилган даврда, одатда, ўзгармайди, чунки у олдин келишилган бўлади, унинг бузилиши икки томондан бирининг лабсизлигини билдиради. Мавзкур нархлар кўпинча мижоз фирмалар ўртасида ҳам миллий, ҳам ҳалқаро бозорда қулланилади. Айтайлик, Ўзбекистон АҚШ ёки Канада бугдойини олганда контракт нарх билан кўтарасига харид этади. Бу нарх халқаро бозор нархига яқин туради.

Корхона улгуржи нархи – корхонанинг ишлаб чиқариш харажатлари қопланишини ва фойдасини таъминловчи нарх.

Товарнинг сотиш нархини шакллантиришда “франко<sup>87</sup>-корхона”, “франко-жўнатиш станцияси”, “франко-етказиб бериш станцияси” каби шартлар ҳисобга олинади. Бу шартлар – транспорт харажатларининг тақсимланишини ҳамда таваккалчиликларни назарда тутди. Хусусан:

- “франко-корхона” – товарни юклаб ортиш ва ташиш бўйича барча харажатлар ва таваккалчиликлар харидор зиммасига юклатилади. У товарни бевосита ишлаб чиқарувчи корхонадан олади;

- “франко-жўнатиш станцияси” – товарни жўнатиш манзили (темир йўл станцияси, аэропорт)гача ташиш ва юклаш харажатлари ҳамда таваккалчиликлар сотувчи зиммасида бўлади;

- “франко-етказиб бериш станцияси” – товарни харидорга етказиб бериш харажатларини ҳамда таваккалчиликларни сотувчи ўз зиммасига олади.

Чакана нарх – бу савдо тармоғи орқали истеъмол товарлари ва айрим меҳнат қуроллари ва объектлари сотиладиган якуний нарх бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг барча босқичларида ижтимоий зарур харажатларнинг кўпайиши жараёнини акс эттиради.

Нархларнинг ошишининг яна бир сабаби ҚҚСнинг нархдаги улушининг кескин ошиши ҳисобланади, чунки бу турдаги солиқ барча технологик босқичларда иштирок этади<sup>88</sup>.

Улгуржи ёки чакана нархлар ишлаб чиқарувчи ва маҳсулотнинг харидори ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

<sup>87</sup> Франко (фр. franco) – савдо атамаси бўлиб, товарни олди-сотди шартномасида белгиланган жойгача етказиб беришни англатади.

<sup>88</sup> Бу ҳолат ягона ишлаб чиқариш жараёнининг юридик шахс мақомига эга бўлган мустақил ишлаб чиқаришга бўлинган шароитларга хосдир.

Бу нархлар давлат томонидан тартибга солинмайди ва товарларга бўлган талаб ва таклиф нисбатига боғлиқ. Шартнома нархининг юқори чегараси талаб ва таклиф қонуни билан тартибга солинади, пастки чегараси жорий харажатлар бўйича белгиланади.

Чакана нархлар билан истеъмол товарлари бевосита аҳолига сотилади. Чакана нархга улгуржи нарх, савдо қилувчи фирманинг зарар кўрмай ишлаши, фойда куришини таъминлаши зарур, акс ҳолда, фирманинг фаолияти, унинг ўзи учун нафсиз ишга айланади.

Давлатнинг нархларга аралашуви – лимитланган ёки чегараланган нархлар ва дотацияли нархларни пайдо қилади. Давлат нархларнинг юқори ва қуйи чегарасини белгилайди, улар шу доирада ўзгариши мумкин. Бундай нархлар ёрдамида давлат инфляцияни жиловлайди, нархларни назорат қилади.

Дотацияланган нарх – бу давлат бюджет ҳисобидан махсус арзонлаштирилган нархдир. У даромади паст оилалар, бева-бечоралар, ишсиз ва ногирон қабиларни минимал даражада таъминлаб туриш учун қўлланилади.

Давлат товарларни арзон сотган корхоналарга бюджетдан дотация беради. Махсус арзонлаштирилган, аммо дотацияли бўлмаган нархлар ҳам борки, уларни белгилашда корхоналар, ҳайрия-эҳсон ташкилотлари қатнашади. Мазкур ҳомийлар одатдаги нарх билан арзонлаштирилган нарх ўртасидаги фаркни ўз ҳисобидан коплайдилар.

Нархлар турли-туман бўлсаларда, улар ўзаро боғланган, чунки улар жамиятдаги моддий ва меҳнат ресурсларининг ишлатилиш самарасини кўрсатади.

Бозордан рақибларни суриб чиқариб, ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун корхоналар махсус нарх қўллайдилар, уни бозорга кириб олиш нархи ёки демпинг нархи деб аташади. Бу нарх рақибни синдиришга қаратилганлигидан давлат уни таъқиқлайди, шу сабабли фирмалар уни яширин қўллайдилар ва бу иш расмий нархнинг бир қисмини кечиб юбориш шаклида бўлади.

Нархлар борасида камчилик ва нуқсонларга барҳам бериш нарх белгилашнинг ягона тизимини яратиш зарурлигини ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрда “Товар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларациялаш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

239-сон Қарори қабул қилди. Натижада мамлакатда нарх белгилашнинг ягона тизими яратилди.

Савдо-сотикда прејскурант нархлар хам ишлатилади. Бу нархлар сотувчи учун мулжалланган нархни билдирса, харидор учун эса маълумот бериш ролини ўйнайди. У корхоналар прејскурантларида (нарх кўрсаткичларида) эълон қилинади ва товар нархининг қайси сумма атрофида бўлишини кўрсатади. Аммо ҳақиқий нарх прејскурант нархдан юкори ёки паст бўлиши мумкин.

Нархларни эркинлаштириш аҳолини ишончли иқтисодий ва социал ҳимоялаш тадбирлари билан бирга олиб борилди. Давлат томонидан турли компенсациялар, мақсадли жамгармалар тузилди, иш ҳақи, пенсия ва стипендияларнинг энг кам миқдори мунтазм суратда ошириб борилди, болалар учун нафақалар жорий этилди.

Нархларнинг пасайиши ва ўсишига таъсир этувчи омиллар:

- нарх динамикасининг пасайишига – ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, ишлаб чиқаришга фан-техника тараққиёти ютуқларининг жорий этилиши, ишлаб чиқариш бирлигига жорий харажатларнинг камайиши, буюмнинг меҳнат сиғими пасайиши, ишлаб чиқариш ва товарларнинг рақобатбардошлиги даражасининг пасайиши, солиқ сиёсати, ишлаб чиқариш кооперацияси;

- нарх динамикасининг ошишига – ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши, бозорнинг монополлашиши, муомаладаги пул массасининг ортиши, маҳсулот бирлиги рентабеллик даражасининг ошиши, маҳсулот рақобатбардошлиги даражасининг ошиши, иш ҳақининг ўсиши, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражасининг пасайиши, солиқ сиёсати, бозордаги иқтисодий вазиятнинг ўзгариши, талабнинг ортиши.

Саноат корхонаси иқтисодий фаолиятининг якуний натижаси фойда ҳисобланади. Фойда жорий ишлаб чиқариш харажатларига боғлиқ бўлганлиги сабабли, жорий харажатлар кичик хатолик билан ҳисобланиши керак, чунки жорий ишлаб чиқариш харажатлари қанчалик паст бўлса, фойда шунчалик кўп бўлади ва аксинча, харажатларнинг ошиши билан фойда камаяди.

### **15.3. Нархнинг функциялари**

Саноат корхонаси томонидан сотишга мулжалланган маҳсулотга, яъни товар-маҳсулотга қўядиган нархнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятини тўла англаш, унинг

функцияларини ўрганиш орқали янада чуқурлашади. Нарх бажарадиган асосий функциялар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Қиймат ва нафлиликни ўлчаш функцияси. Нарх – қийматининг пулдаги ифодасидир. Нарх орқали товар-маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар ва олинган натижалар (фойда ёки зарар) ҳисоб-китоб қилинади. Нарх асосида товар-маҳсулот учун харидор қанча миқдорда маблағ тўлаши, сотувчи эса қанча маблағ олиши мумкинлиги аниқланади. Шунингдек, нарх асосида корхонада ишлаб чиқарилаётган товар-маҳсулотлар қийматини солиштириш мумкин бўлади.

Нарх олди-сотди жараёнида, пулнинг тўлов воситаси функциясини амалга оширишга ва унинг миқдорини белгилашга имкон яратади. Нарх – сотилган товар-маҳсулотларнинг умумий суммасини аниқлаш ва кўпгина иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш, прогнозлаш ва режалаштириш имкониятини беради.

2. Тартибга солиш функцияси. Товар-маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг бозор билан алоқаси нарх орқали юз беради. Нархдаги ўзгариш бозор ҳолатини (конъюнктурасини) билдиради. Бу эса талаб-таклиф нисбатига боғлиқ. Талабнинг ортиши муайян товарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарурлигини билдиради ва аксинча,, товар таклифнинг кўплиги уни ишлаб чиқариш ортиқча бўлиб, қискартириш зарурлигини кўрсатади. Нарх – товар-маҳсулот ишлаб чиқаришга ўз-ўзидан эмас, балки унинг корхонага фойда (даромад) келтириши орқали таъсир этади. Муайян ишлаб чиқариш харажатлари сақланган ҳолда нарх юқори бўлса, фойда кўпаяди ва аксинча, нарх пасайса фойда ҳам камаяди.

Ишлаб чиқариш корхоналари айрим ҳолларда зарар ҳам кўриши мумкин. Фойда ёки зарар кўриш корхона ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этади. Фойда кўрган корхона ривож топади, зарар кўргани эса инқирозга учраб, ёпилиб кетади. Кучли рақобат шароитида омон қолиш учун корхона бозорлардаги нарх даражасига мослашиши лозим. Товар-маҳсулот нархи ошса – корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти кенгайтирилади, чунки капитал фойда яхши келган томонга қараб оқади.

Маълумки, бозорларда турли-туман товарлар кўпайса (яъни, бозор тўйинса) нарх пасаяди, муайян товарни ишлаб чиқариш қулай бўлмай қолади, чунки фойда қисқара бошлайди. Бундай ҳолатда капитални бошқа соҳага, яъни товарнинг нархи юқори, бозори чакқон, соҳага кўчириш зарур бўлади, нархлардаги ўзгариш

корхонани яхши ишлашга, харажатини пасайтирган ҳолда янгиликни ўзлаштиришга – фаолиятига янги техника ва технологияларни (инновацияларни) жорий этишга ундайди.

3. Рақобат воситаси функцияси. Нарх рақобат курашининг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчилар ўз рақибларини енгиш, уларни бозордан сиқиб чиқариш учун нархни ўзгартириб турадилар. Бир хил ўринбосар товар чиқарувчи корхоналар харидорни оғдириб олиш учун нархни пасайтиради, зарар кўрмаслик учун товарларни ишлаб чиқариш, ташиш, саклаш ва сотиш харажатларини ҳам қисқартиради. Демак, нарх муҳим иқтисодий дастак бўлганидан, уни тез-тез ўзгартириб туришдек усул рақобатда кенг ишлатилади.

4. Социал ҳимоя функцияси. Нарх – аҳолининг кам даромад олувчи тоифаси ёки халқни қимматчиликдан ҳимоя қилиш функциясини бажаради. Унинг бу функцияси, одатда аҳолининг ночор ва камбағал қатламларига товарларни арзонлаштирилган (социал-дотацияланган) нархларда сотилганда намоён бўлади. Аҳолига товарларни социал-дотациялашган нархларда сотиш – давлат бюджети ёки турли хайрия маблағлари ҳисобига молиявий жихатдан таъминланади.

Аҳолининг кам даромад олувчи, ночор қатламларига арзонлаштирилган нархларда озик-овкат, кийим кечак сотилади. Шунини таъкидлаш лозимки, аҳолини социал ҳимоя қилиш, фақат товарларни социал-хайрия нархларда сотиш билан чегараланмайди. Мамлакатимизда муҳтож аҳолига пул бериш орқали ҳам социал ҳимоя қилинади. Улар бу пулга бозор нархида керакли товарларни харид қиладилар.

5. Бозор мувозанатини таъминлаш функцияси. Бунда нарх бозордаги талаб ва таклифнинг ҳажми ва таркибига таъсир этиш орқали уларни мувозанат ҳолатига келтиради. Мувозанатлашган нарх – товарларнинг сотилишини таъминлайди ва бозорда товарлар тақчиллигини юзага келтирмайди

**Таянч иборалар:** Нарх, маҳсулот, товар, талаб, таклиф, бозор, рақобат, табиркор, улгуржи, чакана, дотация, солиқ сиёсати, фойда, рентабеллик, бюджет, функция.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Нархнинг обектив асосини айтинг.



2. Нарх сиёсати - давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмидир.
3. Нарх ва нархлашнинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни.
4. Нарх функциялари.
5. Нархнинг қандай турларини биласиз?
6. Нархнинг шаклланишига иқтисодий ресурсларнинг нархи таъсир этадими?

## XVI БОБ. САНОАТДА ИВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ

### 16.1. Ўзбекистонда инвестиция сиёсати

Мамлакат аҳолисининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш ва фаровон яшаши учун иқтисодий ўсиш бўлиши шарт. Иқтисодий ўсиш – бу истеъмолчилар талаб-эҳтиёжини қондирадиган сифатли маҳсулот, иш ва хизматлар ҳажмининг кўпайиб бориши, демакдир. У мамлакат иқтисодиётнинг илгарилаб ривожланиб боришини англатади.

Иқтисодиётнинг тадрижий равишда ўсиб боришини таъминлаш, яъни олдинги даврларга қараганда кўпроқ ялпи ички маҳсулот яратиш мақсадида мамлакатлар мавжуд ишлаб чиқаришнинг моддий ресурсларини капитал таъмирлаш, уларни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ходимларнинг малакасини ошириш ёки малакали иш кучини тайёрлаш, тараққиёт дастурларини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқотлар олиб бориш каби ишларни амалга оширишади. Буларнинг барчаси бевосита инвестицион фаолият билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестицион фаолият тўғрисида”ги қонунида ҳамда айрим иқтисодий адабиётларда инвестициянинг мазмун-моҳияти хусусида тушунчалар берилган. Қуйида уларнинг айримларини келтирамиз.

Инвестиция – бу ...

- иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар;
- иқтисодий ва социал самара олиш мақсадида миллий иқтисодиётнинг у ёки бу соҳасига моддий, молиявий ва номоддий бойликлар киритиш;
- жорий даврда истеъмол килинмаган ва иқтисодиётда капитал ўсишини таъминловчи ялпи ички маҳсулонинг бир қисми;
- янги капитални (ишлаб чиқариш воситаларини ҳамда инсон капиталини) яратиш жараёни;
- иқтисодий категория.

Инвестиция иқтисодий категория сифатида – миллий иқтисодиётнинг у ёки бу соҳасига (моддий, молиявий ва номоддий бойликлар кўринишида) капитални жалб этиш, жойлаштириш ва инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида инвестиция

фаолияти иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттиради.

Инвестиция хусусидаги барча фикр-мулоҳазалар – инвестиция нима ва унинг иқтисодиётга жалб этилишидан кўзланган мақсадлар нималардан иборат эканлигини билишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестицион фаолият тўғрисида”ги қонуннинг 2-нчи моддасида келтирилганидек “инвестиция фаолияти – инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи” ҳисобланади.

Инвестицион фаолиятни фуқаролар, юридик шахслар (корхоналар, фирмалар, акционер жамиятлари ва бошқа типдаги мулк эгалари ) ва давлат юритади.

Инвестиция фаолиятини йўлга қўйишда ҳар бир мулк эгаси, биринчи навбатда ўз манфаатини кўзлаб ягона мақсадга, яъни иқтисодий ва социал самарага эришишни режалаштиради.

Инвестицион фаолият давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистон ўзининг инвестицион фаолияти бўйича давлат дастурига эга бўлган ва уни изчил, кетма-кет ҳаётга тадбиқ этаётган мамлакатлардан биридир.

Мамлакатда амалга оширилаётган инвестициялар (иқтисодиётнинг буғунларига кўра) макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт даражаларидаги инвестицияларга бўлинади. Биринчиси давлатнинг инвестиция сиёсатига мувофиқ амалга оширилади. Шунинг учун ҳам улар давлат инвестицияси, деб аталади. Иккинчиси, миллий иқтисо-диётнинг бирламчи (қуйи) буғуни – корхоналар томонидан амалга оширилади. Бу инвестициялар корхона инвестицияси, деб юритилади.

Макроиқтисодиёт даражасидаги инвестициялар давлат томонидан мамлакат иқтисодиётини, унинг қувватини оширишга йўналтирилган маблағларни ифода этади. Микроиқтисодиёт даражасидаги инвестициялар – бу корхона томонидан унинг моддий-техника базасини ривожлантиришга, мавжуд ишлаб чиқариш воситаларини реконструкция ва модернизация қилишга йўналтирилган маблағлардир.

Инвестицияларни жалб қилиш анча мураккаб жараён ҳисобланади, у мамлакатдаги иқтисодий сиёсат, қонунчилик, инфратузилмаларнинг ривожини ва даражасини, мамлакатнинг иқтисодий

ахволи, сифатли хом ашё ресурсларининг мавжудлиги ва бошқаларга боғлиқ.

Инвестиция сиёсати – инвестиция стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тизими, инвестицион тактика.

Инвестиция сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, инвестиция фаолиятининг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли мақсадлари ҳамда уларга эришиш йўлларини белгилаб беради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари:

- инвестиция жалб қилиш учун халқаро меъёрлар ва конвенцияларга мос келадиган, саноати ривожланган мамлакатлар инвесторлари томонидан тан олинадиган ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга интилиш;

- республикага жаҳон даражасидаги технологияларни етказиб берадиган ва иқтисодиётнинг замонавий тузилишини вужудга келтиришга ёрдам берадиган инвесторлар учун очик эшиклар сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш;

- ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларга қаратилган валютада ўзини-ўзи қоплашни таъминлайдиган инвестицияларга кўмаклашиш;

- мамлакатнинг кредит қобилиятини, Ўзбекистоннинг биринчи даражали қарз олувчи мамлакат сифатидаги обрў-эътиборини қўллаб-қувватлаш;

- мамлакатнинг айрим минтақаларида социал ва экология муаммоларини ҳал қилишга қаратилган инвестицияларга ёрдам бериш.

Ўзбекистонда иқтисодий фаолиятнинг барча даражаларида – ҳудудлар, тармоқлар ва корхона даражасида тузилмавий инвестиция сиёсати юритилмоқда. Улар ўзаро боғлиқдир.

Ўзбекистоннинг тузилмавий инвестиция сиёсати:

- ҳудудлар инвестиция сиёсати – бу инвестицияни сарфлашда аҳоли, ҳудуд ва инвестор манфаатларини ҳисобга олган ҳолда самарали ишлатишга имкон берувчи чора-тадбирлар мажмуи;

- тармоқ инвестиция сиёсати – бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини таъминловчи тармоқлар, саноат маҳсулотларини экспорт қилиш, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни

ривожлантириш, илмий-техника тараққиётини инвестиция йўли билан қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

- корхоналар инвестиция сиёсати – ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, харидоргир, юқори қўшимча қийматга эга бўлган замонавий тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун инновацион фаолиятни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасидир.

Давлат тузилмавий инвестиция сиёсатида янги тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантириш, аҳолининг истеъмол товарлари ва иш жойларга бўлган талабини қондириш учун белгиланган вазифалар:

- эскирган ишлаб чиқаришларни секин-аста муомаладан чиқариб ташлаш;

- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш;

- тўлов қобилиятига эга бўлган ва талабга мос ҳолда ишлаб чиқариш тузилмаларини яратиш;

- ишлаб чиқариш ресурсларидан ва илмий-техника салоҳиятидан имкон қадар юқори даражада фойдаланишни таъминлаш;

- мамлакатнинг экологик ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва уни кучайтириш;

- самарали, рақобатга асосланган ишлаб чиқаришлар, бозор инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш соҳаси ва интеллектуал фаолиятлар ривожланишини уйғунлаштириш;

- иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш ва янги тармоқларни барпо этиш;

- аҳолининг иш билан бандлигини ҳамда иқтисодий фаоллигини ошириш;

- ҳудудлар социал инфратузилмасини тўлиқ шакллантириш.

Инвестицияларнинг иқтисодиётга жалб этилиши ва уларнинг самарадорлиги бир қанча омилларга боғлиқ. Уларнинг умумлашган кўринишини “инвестицион муҳит”, деб аташ мумкин.

Инвестицион муҳит иқтисодий ҳолатни, социал-иқтисодий барқарорликни, тадбиркорлик фаолияти қай даражада ривожланганлигини, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун чиқарилган қонун ва қарорларни, маданиятни, маънавиятни ва инвесторлар ўз маблағларини йўналтириш учун эътиборга оладиган ва улардан хулоса чиқарадиган бошқа омилларни ўз ичига олади.

Инвестицион муҳит мамлакатда, шу жумладан, минтақа, тармоқ ва ҳар бир корхонада ишлаб чиқаришни ривожлантиришга жалб қилиниши мумкин бўлган инвестициялар учун вазиятнинг қулайлик даражасини белгилаб беради.

Мамлакатда қўлай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича ишларни янада кучайтириш узоқ муддатга мўлжалланган стратегик вазифа ҳисобланади, Ички кредит манбаларини сафарбар этиш чора-тадбирлари билан биргаликда хорижий инвестицияларни рағбатлантиришга хизмат қиладиган қўлай муҳит яратиш масаласи ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга.

Инвестиция муҳити бир қатор зарурий омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг мавжудлиги инвестиция муҳитининг энг қулай бўлишини таъминлайди.

Инвестиция муҳитига таъсир кўрсатувчи омиллар:

- сиёсий вазият;
- иқтисодий сиёсат;
- иқтисодий ўсиш суръатлари;
- тадбиркорликка кўмаклашувчи чора-тадбирлар;
- давлатнинг иқтисодиётига аралашуви даражаси;
- инвесторларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар;
- бозорларнинг амал қилиши ва таркиби;
- савдо сиёсати (тариф ва нотариф тўсиқлари);
- валюта курсининг барқарорлиги;
- инфляция жараёнининг динамикаси;
- солиқ имтиёзлари;
- божхона тартиби;
- иш кучи қиймати;
- аниқ маҳсулотларга талаб ва таклиф;
- кредит қиймати;
- жамоатчиликнинг хусусий мулкга муносабати ва бошқалар.

Мамлакатда инвестицион муҳитни шакллантиришда инвестор-ларнинг, айниқса чет эл инвесторларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини белгилаб берувчи қонунчилик ҳужжатларининг мавжудлиги ва уларга амал қилиниши муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистонда инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминловчи бир қатор қонунлар қабул қилинган, жумладан: “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини

химоя қилиш тўғрисида”ги, “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги, “Масъулияти чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги, “Инвестициялар ва инвестицион фаолият тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар.

Республикада яратилган инвестицион муҳит – иқтисодиётнинг янада ривожланиши ва барқарор турмуш даражасини таъминлашдан ички ва ташқи (хорижий) капитални жалб қилиш учун имкон беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда хорижий инвесторларнинг, айниқса нуфузли халқаро молиявий ташкилот ва институтларнинг иштирок этиши республикадаги инвестицион муҳитнинг жозибадорлигидан далолат беради.

Ҳозирда, Республикада хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳуқуқий база яратилди, инвестицияларни жалб қилиш ва хорижий инвесторларга хизмат кўрсатувчи инфраструктура барпо қилинди ва бу жараён такомиллашиб бормоқда.

Инвестицияларнинг ўсиш суръатлари кўп омилларга боғлиқ: давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг даромадлари, аҳоли ҳамда корхоналар даромадларининг истеъмол ва жамғармага таксимланиши нисбати, хорижий инвесторларга қўлай муҳитнинг яратилиши ва ҳаказо.

Ҳозирги пайтда, Ўзбекистон миллий иқтисодиётига киритилаётган инвестицияларнинг қарийиб 80 фоизи аҳоли ва маҳаллий тадбиркорларга тегишлидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, аҳолининг инвестицион фаолиятда фаол иштирок этиши, унинг давлатга нисбатан ишончининг бўлиши-га, давлатнинг аҳоли инвестицион фаоллигини қўллаб-қувватлашига (кафолатлаши)га ҳамда аҳоли даромадига боғлиқ. Маълумки, аҳолининг ўртача даромади паст бўлган пайтда, унинг асосий қисми (70-80 фоизи)ни истеъмолга сарфланади. Ва аксинча. Аҳоли даромадларини ўсиб бориши жамғаришга юбориладиган қисмини ортиб боришига сабаб бўлади.

Инвестициялар хажмига корхоналарнинг инвестициялашдан кутилаётган даромад нормаси ҳам таъсир кўрсатади. Олинадиган фойда ҳар қандай субъектни инвестициялашга ундайди.

Инвестиция-лашдан олинадиган фойда нормаси канчалик юкори бўлса, инвестиция-лаш хажми шунчалик юкори бўлади.

Инвестициялар хажмига ссуда фоизи ставкаси катта таъсир кўрсатади. Чунки инвестициялаш жараёнида тижорат банклари ва бошқа молиявий институтларидан карзга олинган маблағлардан ҳам фойдаланилади. Агарда кутилаётган фойда нормаси ўртача ссуда фоизи ставкасидан юкори бўлса, бу қўйилмалар инвестор учун даромадли ҳисобланади ва аксинча, фоиз ставкаси кутилаётган фойда номасидан юкори бўлса, инвестициялаш фойдали бўлмай қолади.

Макроиктисодий сиёсатда фоиз ставкаси билан инвестиция хажми ўртасидаги мавжуд боғлиқлик ҳисобга олинади ва кенг фойдаланилади. Фоиз ставкасининг миқдори пул-кредит сиёсатининг муҳим курули ҳисобланади. Давлат уни ўзгартириш орқали мамлакатдаги пул таклифини тартибга солиб туради. Фоиз ставкасининг кўтарилиши – пулнинг қимматлашуви ва унга бўлган талабнинг қисқараётганини билдиради. Бунда инвестиция хажми ҳам қисқариб боради ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш хажмининг пасайишига олиб келади.

Инвестициялар хажмига инфляция жараёнлари ҳам таъсир этади. Инфляция даражаси канчалик юкори бўлса инвесторнинг келажакдаги фойдаси шунчалик қадрсизланади ва инвестицияларни рағбатлантирувчи омиллар йўқолади.

## **16.2. Инвестициялар саноат корхоналари ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш воситаси сифатида**

Миллий иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳасида янги корхоналарни яратиш ҳамда мавжуд корхоналарни замонавийлаштириш, илғор техника ва технологияларни ўзлаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва фойда (даромад) олишни кўпайтириш – йирик хажмда, узок муддатли инвестицияларни жалб этишни талаб қилади.

Ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига киритилаётган ички инвестициялар молиявий ва реал, ташқи инвестициялар эса портфелли ва тўғридан-тўғри кўринишларда бўлади. Молиявий ва портфелли ҳамда реал ва тўғридан-тўғри инвестициялар мазмунан ўхшашдир.



Молиявий инвестициялаш – қимматбаҳо қоғозлар, акция ва облигациялар сотиб олиш, пул маблағларини банкларга фоиз олиш мақсадида депозит ҳисоб рақамларига қўйиш, банк ва нобанк молия ташкилотлар кредитларини жалб этиш билан боғлиқ фаолият туридир.

Реал инвестициялар – бу пул маблағларини капитал қурилиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга киритишдир. Улар корхона, тармоқ ва бутун миллий иқтисодиётнинг куч-қувватини белгилаб беради.

Реал инвестиция субъектлари орасидаги муносабатлар ишлаб чиқариш хусусиятига эгадир.

Ишлаб чиқариш корхоналарида капитал қўйилмалар – янги ва қайта қурилган ҳамда кенгайтирилган асосий фондларни ташкил қилишга мўлжалланган молиявий маблағлардир.

Капитал қўйилмалар – ишлаб чиқаришнинг техник даражасини оширишга, ишлаётган корхоналарни кенгайтириш ва қайта қуришга ва ҳоказоларга шароит яратади.

Капитал қўйилмалар қуйидаги харажатларга йўналтирилади:

- қурилиш-монтаж ишларига;
- турли жиҳозларни ва асбобларни сотиб олишга;
- бошқа ҳар қандай харажатлар-лойиха қидирув ишлари, қурилиш майдонини тайёрлаш кабилар.

Юқорида қайд қилинган уч элементнинг ўзаро нисбати капитал қўйилмаларнинг тузилишини ташкил қилади.

Капитал қўйилмалар таркибида ускуналарнинг улушини – асосий фондларнинг фаол қисмининг, қурилиш ишларига нисбатан, кўпайтириш ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига тўғри келадиган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини оширади.

Капитал қўйилмалар капитал қурилишни молиялаштириш манбаидир. Шу нуқтаи назардан капитал қўйилмалар самарадорлигини таъминлашда қурилиш ишларининг қийматини пасайтиришга қаратилган тарбирлар катта аҳамиятга эга.

Капитал қурилиш – бу миллий иқтисодиётнинг алоҳида бир тармоғидир. Унинг тайёр маҳсулоти – асосий фондлар ҳисобланади. Ишлаб чиқариш соҳаси моддий техник-базасини яратишнинг асосий йўналишлари – янги корхоналарни қуриш, яратиш билан биргаликда ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш чора-тадбирларига бевосита боғлиқ. Мамлакати-

мизда юритилаётган давлат инвестиция сиёсати нафакат, янги объектларни вужудга келтириш, балки мавжуд корхоналарни техник ва технологях жихатдан янгилашга ҳам каратилган.

Ишлаётган корхоналарни янги техника ва технология асосида қайта қуриш қисқа муддатларда ишлаб чиқариш қувватларини оширишга ва янги корхоналарни қуришга қараганда камроқ капитал сарафлашга имкон яратади.

Шу сабабдан ҳам, ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш корхоналари-ни қайта қуриш, кенгайтириш ва техник қайта қурулантиришга катта миқдорда капитал қўйилмалари йўналтирилмоқда.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг инвестицион фаолиятида капитал қурилиш – буюртмачи ва пудратчи ўртасида (амалдаги меъёрий хужжатлар асосида) тузилган шартномага биноан олиб борилади.

Шартнома танлов савдолари натижалари буйича белгиланган қурилишнинг бутун даврига – янги қурилишга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жихозлашга тузилади. Қурилиш икки хил усулда олиб борилади:

- пудрат усули – бу пудрат шартномалари асосида махсус қурилиш корхона (ташкilot)ларини жалб қилиш орқали бажариладиган усулдир;

- хўжалик усули – бу қурилиш-монтаж ишларини корхоналарнинг ўз кучлари ва маблағлари хисобидан амалга ошириш усулидир.

Қурилишнинг пудрат усулида буюртмачи ва пудратчи корхона (ташкilot)лар иштирок этади. Буюртмачилар – мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналар, хусусий тадбиркорлар, концернлар, ассоциациялар шунингдек, вазирликлар бўлиши мумкин. Пудратчилар – бу мулкчиликнинг турли шаклларидаги махсус қурилиш корхона (ташкilot)ларидир.

Капитал қўйилмалар шаклида инвестиция фаолиятини амалга ошириш субъектлари қуйидагилардир

Инвесторлар – бу ўз маблағи ёки жалб қилинган маблағ ёрдамида капитал қўйилмаларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг бирлашмаси, давлат органлари ва чет эллик юридик ва жисмоний шахслардир.

Буюртмачилар – бу инвесторлар томонидан инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун вакил этилган юридик ва жисмоний шахслардир.

Пудратчилар – қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун рухсатномага (лицензияга) эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар. Улар буюртмачилар тўзган шартномалар асосида ишларни бажарадилар.

Капитал қўйилма объектлари-дан фойдаланувчилар – юридик ва жисмоний шахслар, давлат органлари, хорижий субъектлар. Ушбу объектлар улар учун яратилади.

**16.1.1-чизма-Капитал қўйилмалар шаклида инвестиция фаолиятини амалга ошириш субъектлари**

Қурилишнинг пудрат усулида ...

- пудрат шартномалари қурилишнинг бутун муддатига тузилиши қурилиш учун жавобгар шахслар олдиндан белгилаб олинади;
- қурилиш маҳсулотларининг шартнома баҳоларида олиб борилиши пудратчи корхона (ташкilot)ларни рағбатлантиради;
- ишлаб чиқариш жараёнида махсус касб эгаларининг иштироки ва махсус техника-технологияларнинг қўлланилиши натижасида қурилиш ҳамда ва корхоналарни техник кайта жиҳозлаш, таъмирлаш ишларининг сифатли бўлиши таъминланади.

Пудрат шартномалари бир неча хил булиб, улар куйидагилардан иборат:

- бош пудрат шартномаси;
- суб пудрат шартнома;
- буюртмачи ва махсус қурилишнинг айрим томонларини бажарадиган корхоналар билан тўғридан - тўғри тузиладиган шартномалар;
- бош пудрат шартномасига ҳар йили қўшимча қилинадиган келишувномалар.

Бош пудрат шартномаси буюртмачи ва бош пудратчи ўртасида тузилади. Унда қурилишнинг муддати, смета киймати, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқалар белгилаб қўйилади.

Суб пудрат шартномаси – пудратчи ёки буюртмачи билан суб пудратчи корхона ўртасида тузиладиган шартномадир. Суб пудратчи корхона – қурилишда айрим ишларни бажарадиган махсус корхона.

Суб пудратчи – бу ...

- сантехника ишларини бажарувчи;
- электр қуввати билан таъминлаш ишларини бажарувчи;
- турли коммуникация ишларни бажарувчи корхонадир.

Қурилишнинг хўжалик усули йирик ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланилиши мумкин. Бунда қурилиш-монтаж ишлари корхоналарнинг ўз кучи ҳисобидан амалга оширилади. Бунинг учун корхона капитал қурилиш бўлимини (ОКС) ёки капитал қурилиш бошқармасини (УКС) ташкил этади.

Қурилиш монтаж ишлари амалга ошириш жараёнида корхона раҳбарлари ва капитал қурилиш бошлиғи ўртасида шартнома тузилади. Йирик ҳажмдаги капитал қўйилмаларни амалга оширишда тижорат банкида (корхона раҳбари номида) капитал қўйилмаларнинг махсус ҳисоб рақами очилади.

Қурилишнинг хўжалик усулида капитал қўйилмаларни молиялаштириш икки усулда олиб борилади:

- харажат элементлари буйича;
- бажарилган ишлар буйича.

Қурилиш ишлари хўжалик усулида олиб борилганда, корхонанинг ўзи мустақил равишда ёки махсус ихтисослашган лойиҳа ташкилоти ёрдамида қурилишнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тузиб чиқилади. Ушбу лойиҳа-смета ҳужжати буюртмачи ва хўжалик корхонаси томонидан имзоланади.

Қурилишнинг хўжалик усулида ҳам айрим ишларни бажариш учун ёрдамчи пудрат корхоналар жалб этилиши мумкин. Бундай ҳолда улар билан капитал қурилиш бўлинмаси (бошкармаси) ўртасида қурилиш монтаж ишлари буйича шартнома тузилади.

Хўжалик усулида қурилиш ишларини охирига етказилгандан сўнг объект – "подключ" қоидаси бўйича топширилади. Тузилган махсус комиссиянинг ижобий баҳосидан кейин объект буюртмачи томонидан қабул қилинади.

Буюртмачи объектни қуриш учун қилинган барча харажатларни таҳлил қилади ва қилинган ҳолда белгиланган фойда нормаси суммасини хўжалик корхонаси ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Агарда қурилиш-монтаж ишлари давом этаётган пайтда, унинг смета харажатлари суммаси ўзгарган бўлса, хўжалик корхонаси унинг ўзгарганлигини асослаши ва қайта тузилган смета ҳужжатини буюртмачига тасдиқлатиб олиши шарт.

Янги корхоналарни қуриш ҳамда мавжуд корхоналарни илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш инвестицион лойиҳалар асосида амалга оширилади.

Инвестицион лойиҳа нима?

- иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида инвестициялар киритган ҳолда, олдиндан белгиланган муддат мобайнида амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ тадбирлар ва ишлар мажмуи;

- корхона фаолиятини кенгайтириш, унинг ишлаб чиқариш қуввати ва бошқа сифат кўрсаткичларини кучайтириш мақсадида инвестиция киритишни режалаштириш ва амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи.

Инвестицияларни лойиҳа асосида амалга ошириш – корхона ишлаб чиқариш қувватини мустақамлаш ва ривожлантириш гаровидир.

Инвестиция лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- инвестициявий ғоя(фикр)ни шакллантириш;
- ғоянинг дастлабки асосланиши;
- лойиҳада кўзда тутилган техник қарорнинг таҳлили;
- сертификат талабларининг бажарилишини текшириш;
- инвестиция лойиҳаси бўйича давлат бошқарув идоралари билан келишув юзага келтириш;
- ахборот меморандуми (лойиҳа моҳиятини очиқ берувчи асоси)ни тайёрлаш.

Инвестицион лойиҳалар тузиш асосида – маълум бир мақсадлар-га билан йўғрилган ғоя (фикр)лар мажмуаси ётади: янги маҳсулот ва технологияларни яратиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ва ҳоказо.

Одатда янги ғояларни кўп йиллик ишлаб чиқаришда тажрибасига эга бўлган мутахассислар ва малакали ишчилар ҳамда олимлар билдиришади. Ғоялар реал бўлиши керак. Уларнинг қанчалик амалий эга эканлигини асослаш учун маркетинг тадқиқотларини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Инвестицион лойиҳани тузиш учун асос бўлиши мумкин бўлган ғоя қуйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади:

- ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги;
- фойданинг ўсиш даражаси;
- маҳсулот ҳажмининг ортиши;
- маҳсулотни бошқа бозорларга чиқариш имконияти;
- маҳсулот туриб қилишининг камайиши;
- фойдаланилаётган капиталнинг самарадорлик салмоғи;
- фирма имиджининг ўсиши.

Корхоналарда инвестицион лойиҳаларга дахлдор бўлган қуйидаги изланиш ишлари олиб борилади:

- имкониятларни ўрганиб чиқиш;
- тайёрлов ёки лойиҳалаштиришдан олдинги изланиш;
- иқтисодий-техник изланиш.

Табиийки, инвестициявий изланиш – вақт ва маблағ талаб қилади. Вақт, яъни муддат шартли белгиланади. Изланиш ишларини олиб бориш учун капитал қўйилманинг умумий қийматидан 0,8 фоиздан 5 фоизгача ажратилади.

Корхоналар у ёки бу инвестицион лойиҳани танлаш тўғрисида қарор қабул қилишда қуйидагиларни ҳисобга олиши лозим:

- ишлаб чиқаришдаги бугунги ҳолат қанча давом этиши мумкин ва бозорда маҳсулотга бўлган талаб қандай;
- капитал киритиш учун имкониятлар қандай;
- рақобатчилик фаолияти қандай;
- қандай муваффақият омиллари мавжуд;
- янги бозорга кириш учун қандай имкониятлар мавжуд.

Янги қурилиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш ёки қайта тиклаш билан боғлиқ инвестицион жараёнлар қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- инвестицион лойиҳанинг дастлабки асосланиши;
- лойиҳалаштириш;
- бевосита объект қурилиши – корхонани кенгайтириш ёки қайта тиклаш;
- объектнинг ишга туширилиши.

Корхоналар учун инвестиция жараёнининг сўнгги босқичи муҳим аҳамият касб этади. Ушбу босқичда амалга оширилган янгиликлар эксплуатацион синовлардан ўтказилиб, амалдаги ва лойиҳа кўрсаткичлари баҳоланади ҳамда инвестиция жараёнининг худди шу жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган четга оғиш ва камчиликлар аниқланади.

Инвестицион лойиҳани амалга оширишда, уни техник-иқтисодий асослаш (ТИА) муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 ноябрдаги 332-сон қарори билан, унинг ҳузурида “Янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланишини, техника ва технологияларни экспертизадан ўтказиб баҳолаш агентлиги” ташкил этилди.

Бу агентликнинг вазифалари қаторига қонунчилик билан Президент ёки ҳукумат томонидан тасдиқланиши талаб қилинадиган инвестицион лойиҳаларнинг оралик ва якуний техник-иқтисодий асослаш ва ҳисоб-китоблари экспертизаси киради.

Инвестицион лойиҳани техник-иқтисодий асослаш (ТИА) – бу лойиҳани оқилона жойлаштириш ва амалга оширишнинг энг самарали техник, ташкилий ва иқтисодий ечимини танлашни,

лойиханинг қийматини ва уни молиялаштириш манбаларини белгиловчи ҳужжат.

Ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига киритилаётган инвестициялар миқдори икки омилга боғлиқ

- соф фойданинг кутилаётган меъёри, қайсики уни тадбиркорлар инвестицияга кетган харажатларидан олишни мўлжаллайди;

- фоиз ставкаси ёки тадбиркор реал капитални сотиб олишга зарур бўлган пулга эга бўлиши учун тўлаши лозим бўлган баҳо.

Миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни тадбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади.

Ҳозирги пайтда, республикада фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг умумий сони 5,0 мингтага яқин. Уларнинг қарийиб 70 фоизи ишлаб чиқариш соҳасига тегишли.

Бу корхоналар Италия, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Корея Республикаси, Буюк Британия, Туркия Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва бошқа давлатлар резидентлари капитали иштирокида ташкил этилган.

Ўзбекистон ҳудудида, ўтган асрнинг 80-йиллари охиридаёқ, хорижий инвестиция иштирокида корхоналар ташкил этилган. Улар жумласига “Совпластиталь” ва “Ташинтерм” киради.

“Совпластитал” кўшма корхонаси 1987 йили “Ўзбитпластик” ва Италиянинг ALMA-ROSE фирмаси томонидан ташкил этилган. У полимер маҳсулотлари, чинни, рангли шиша ва сопол буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

1989 йил 17 мартда биринчи совет-хитой кўшма корхонаси вужудга келтирилди. Шу куни Хитой Халқ Республикасининг Шинжон-Уйғур автоном райони маркази Урумчидан келган саноат уюшмалари ва Ўзбекистон маҳаллий саноат вазирлиги вакиллари Тошкентда рўзгор термослари корхонасини бунёд этиш ҳақидаги битимга имзо чекдилар.



“Ташинтерм” ўзбек-хитой кўшма корхонаси 1990 йилнинг январь ойида термосларнинг биринчи партиясини чиқарди. Унинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари замонавий ва рақобатдош маҳсулотлар қаторидан жой олган бўлиб, улар илк йилдаёқ чет элларга экспорт қилина бошланди.

Хорижий инвестицияли корхоналар дейилганда акциялари (улушлари, пайлари)нинг ёки Устав капиталининг камида ўттиз фоизини хорижий инвестициялар ташкил этадиган корхоналар тушунилади. Буидай таъриф давлат томонидан бериладиган солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзларни қўллаш учун ишлатилади.

Республикада хорижий инвесторлар маблағини жалб этишга стратегик устувор вазифа сифатида қаралиб, мазкур масала давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган. Шу сабабдан ҳам мамлакатда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилиқ озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда. Шунга яраша, маҳаллий ва хорижий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилган.

Мамлакатимизда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари ва преференцияларни ўз ичига олувчи қўшимча чоратadbирлар тизими ишлаб чиқилган.

Ҳозирги пайтда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарга зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Жумладан, агар корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажмида эркин конвертацияланувчи валютага экспорт қилинувчи маҳсулот улуши 15 дан 30 фоизгача бўлса, бу ҳолда солиқ ставкаси 30 фоиз, экспорт улуши 30 фоиздан юқори бўлса – солиқ ставкаси 2 баравар камайтиради.

Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улар бўйича солиқ имтиёзлари ҳамда преференциялар тақдим этиш иқтисодиётни модернизациялаш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоғи лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда яратилган инвестицион муҳит ва инвестициялашдаги устувор йўналишлар – иқтисодий сифат жиҳатдан юқори даражага кўтариш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлаш, аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиш ва республиканинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишига замин яратиши керак.

### **16.3. Саноат корхоналарида инвестициялашнинг асосий манбалари ва йўналишлари**

Миллий иқтисодий таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, фуқароларнинг даромади ва ҳаётининг сифатини оширишда муҳим омил ва йўналишлардан бири – фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш ҳисобланади.

Бундай долзарб масалани ҳал этиш, табиийки, ички ҳамда ташқи инвестицион манбаларни ишга солишни талаб қилади.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш инвесторлар томонидан ташкил этилган манбалар, жалб қилинган кредитлар ҳамда конунчиликда белгиланган ҳолда қимматли қоғозлар чиқариш ва уларни жойлаштириш ҳисобига амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда ички ва ташқи манбалардан фойдаланилади.

Инвестицияларнинг ички манабалари қуйидагилар:

- ишлаб турган асосий капиталга ҳисобланувчи амортизация ажратмалари натижасида шаклланувчи, корхонанинг ўз молиявий воситалари;
- фойданинг инвестиция эҳтиёжларига ажратилувчи қисми;
- суғурта компаниялари ва муассасалари томонидан табиий офат ва бошқа ҳодисаларда тўланувчи маблағлар;
- корхонанинг акциялар чиқариши ва сотиши натижасида олинувчи маблағлар;
- юқори турувчи ва бошқа органлар томонидан қайтариб бермаслик асосида ажратилувчи маблағлар;
- хайрия ва шу каби бошқа маблағлар.

Инвестицияларнинг ташқи манбалари қуйидагилар:

- марказий ва маҳаллий бюджет маблағлари;
- тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи турли хил фондлар томонидан ажратилувчи қайтариб бермаслик асосидаги маблағлар;

- давлат ва турли хил фондлар томонидан қайтариб бериш шарти билан берилувчи кредитлар;
- корхоналар Устав капиталига молиявий, моддий ва номоддий шаклларда киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар;
- халқаро молия институтлари ҳамда хорижий давлатлар банклари тақдим этган кредитлар ва бошқалар.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг энг ишончли манба – корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобланади. Корхоналарнинг инвестицияларни ўз ҳисобидан молиялаштиришга интилиши доимо ижобий, деб баҳоланади. Чунки, бундай ҳолатда корхоналар молиялаштириш манбаларини қаердан олиш керак, деган муаммога рўпара келмайди ва уларнинг банкрот бўлиш хавф-хатари камаяди.

Корхоналар томонидан инвестицияларни ўз ҳисобидан молиялаштиришнинг бошқа ижобий томонлари ҳам бор. Хусусан, ўз-ўзини молиялаштириш корхонанинг ривожланганлигидан ва унинг яхши молиявий ҳолатда эканлигидан далолат беради. Бундай корхоналар ракобатчилардан маълум бир устунликка эга бўлади. Ҳаётда барча корхоналарда бундай имконият бўлмаслиги мумкин.

Ишлаб чиқариш корхоналарида инвестицион дойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этадиган ўз маблағлари манбаи – бу, асосан, соф фойда ва амортизация ажратмаси ҳисобланади.

Соф фойдадан самарали фойдаланишда корхоналарнинг айна пайтдаги ва истикболдаги техник ҳолатини ҳамда меҳнат жамоасининг социал ҳолатини яхши билмоқ муҳимдир. Фойдани корхона олдида турган иқтисодий ва социал муаммолар даражасига асосланган ҳолда ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Мабода корхонанинг техник ривожланиш даражаси паст бўлса ва бундай ҳолат ракобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга тўсқинлик қилиб, оқибатда корхонани банкротликка олиб келиши мумкин бўлса фойдани – ишлаб чиқаришни техник ривожлантиришга йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, корхонадаги социал масалалар (уй-жой, дам олиш уйи, боғча қуриш ва ҳоказолар) ҳал қилинган бўлса, бунда ҳолатда ҳам фойдани ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш керак бўлади.

Фойда – корхонанинг истикболда ривожланишини таъминлашда асосий манба бўлмоғи лозим. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, охир оқибатда корхона фойдаси ҳажмининг ўсишига, корхона жамоасининг

социал муаммоларини хал этишга ва корхона инвестиция имкониятларининг кенгайишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда амортизация ажратмалари муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Улар ишлаб чиқаришни қайта ташкил қилиб қолмай, балки маълум даражада уларни кенгайтиришга ҳам мулжалланган бўлади.

Ривожланган мамлакатларида амортизация – корхона инвестиция эҳтиёжининг 70-80 фоизини кондиреди. Ўзбекистонда ҳам амортизация ажратмаларига, инвестицияларни молиялаштириш-да муҳим манбаи сифатида қаралади.

Шуни таъкидлаш лозимки, амортизация ажратмалари инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда бошқа манбаларга нисбатан устун-ликка эга. Чунки, у манба сифатида корхонанинг ҳар қандай молиявий ҳолатида ҳам ўз ўрнига эга ва доимо корхона ихтиёрида бўлади.

Инвестицион фаолиятини молиялаштиришда корхонанинг ўз маблағлари етарли бўлмаган ҳолатларда, корхона маблағларни – қимматли қоғозлар чиқариш ёки банк кредити орқали жалб қилиши мумкин.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг кенг тарқалган ва молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири – қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ҳисобланади.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан харид қилинадиган қимматли қоғозлар ичида кенг тарқалган тури – акционерлик жамиятлари томонидан чиқариладиган акциялардир.

Қимматли қоғозлар чиқариш, инвестицияларни молиялаштиришда марказлашган маблағлар ва банк кредитларининг ҳиссасининг пасайишига олиб келади.

Қимматли қоғозлар ва кредит бозори пул маблағларига эҳтиёжи бўлган корхоналарга пул маблағларини тақсимлаб корхоналарнинг молиявий ҳолатини барқарорлаштиради.

Корхоналар инвестицион фаолиятга акциядан ташқари облигацияларни чиқариш йўли билан ҳам маблағларни жалб этишади. Облигацияларни чиқариш ва уларни жойлаштириш бир мунча қисқа вақт ичида корхоналарга зарур маблағларни тўплаш имконини беради.

Облигациялар бўйича операциялар акцияларникига нисбатан камроқ хавф-хатарга эга. Шу сабабдан облигацияларга тўланадиган

фоиз акциялар бўйича тўланадиган дивидендга нисбатан пастроқ бўлади. Корхоналар учун облигация чиқаришга нисбатан, акция чиқариш кўлайроқ ҳисобланади. Чунки, олинадиган соф фойда микдорига қараб, акциялар бўйича тўланадиган дивиденд микдорини ўзгартириши мумкин, облигациялар бўйича тўланадиган фоиз катъий белгиланган бўлади.

Инвестицион лойихаларни молиялаштиришда – банк кредитлари, суғурта компанияларидан олинадиган карзлар, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тақдим этадиган кредитлар муҳим роль ўйнайди.

Инвестицион лойихаларни кредит асосида молиялаштириш – фаолият юритаётган корхона учун маъкул ҳисобланади. Чунки, ишлаб турган корхона активлари, ушбу, кредитларнинг қайтарилишига гаров бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Янги ташкил этилаётган корхона учун эса инвестицион лойихаларни молиялаштиришда – акционерлар капиталидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, янги ташкил этилган корхоналар учун банк кредитидан фойданиш юқори хавф-хатар билан боғлиқ бўлади. Корхона кредитни қайтариш учун етарли даражада молиявий ресурслар билан ёки бошқа активлар билан таъминланмаган бўлиши мумкин. Ликвидлик масаласи билан боғлиқ бундай вазиятда янги корхона оғир ҳолатга тушиб қолади.

Янги корхоналарга кредит бериш юқори даражада хавф-хатар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли банклар инвестицион лойиха яхши техник-иқтисодий асосланганда ҳам юқори фоиз ставкасида кредит беришлари мумкин.

Инвестицион лойихаларни молиялаштириш учун олинадиган кредитлар куйидагиларга йуналтирилиши мумкин:

- асбоб-ускуналар харид қилиш;
- ишлаб чиқаришни кенгайтиришга;
- модернизация;
- реконструкция қилиш ва бошқаларга.

Банк томонидан олинадиган фоизлар – бериладиган кредитнинг хажми, муддати, унинг таъминланганлиги, кредитлаш шакли, кредитнинг хавф-хатар даражаси ва бошқаларга боғлиқ тарзда дифференциялашади.

Ўзбекистонда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда муҳим манбалардан бири бўлиб хорижий инвестициялар ҳисобланади. Улар тўғридан-тўғри ва порфелли шаклларда жалб этилади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти қуйидагилар билан изоҳланади:

- ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мулжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва пировардида аҳолининг меъёрадаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- ишлаб чиқаришини, хусусан, кичик бизнесни ривожлантириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради;

- табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга қўмаклашади ва ҳоказо.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартиришда, тармоқларни модернизация қилишда, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга оширишда уларнинг роли ошиб бормоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонга кириб келаётган хорижий инвестицияларнинг 73-74 фоизи тўғридан-тўғри инвестицияларга тўғри келмоқда.

Тўғридан-тўғри инвестициялар – капиталнинг тўғридан-тўғри экспорти бўлиб, инвестиция киритувчига шу корхона устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради. Улар асосан хусусий тадбиркорлик капитали шаклида бўлади.

Инвестициянинг портфелли шаклида капитал даромад олиш мақсадида корхоналарнинг акциялари, облигациялари ва бошқа қимматли қоғозларини сотиб олиш учун сарфланади. Бундай инвестициялар корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолияти устидан назорат ўрнатиш ҳуқуқини бермайди.

Ўзбекистон Президентининг 2015 йил 24 апрелидаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида биноан оммавий савдоларда давлат улуши бор акционерлик

жамиятлари акцияларнинг бир қисми биринчи навбатда хорижий инвесторларга сотилади. Олинган маблағлар шу акциядорлик жамиятларини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришга йўналтирилади.

Портфелли инвестициялар таркибига хорижий кредитлар ҳам киради. Ҳукумат кафолати остида жалб этилган хорижий кредитлар давлатнинг ташқи қарзини оширади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки “Агробанк”, “Ўзсанотқурилишбанки”, “Ипакйўлибанки” ва бошқа йирик банкларда инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун мулжалланган (саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш тармоқларини, хусусан, кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган) хорижий кредит линиялари ишлаб турибди. Улар воситасида корхоналар замонавий техника ва технологиялар, асбоб-ускуналарни импорт қилиш учун кредитлар билан таъминланмоқда.

Кредитлар Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки, Осие Тараққиёт банки ва бошқа молия-кредит ташкилотлари томонидан ажратилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, инвестицион мақсадларга йўналтирилувчи маблағлар танқислиги шароитида лизинг – инвестицион фаолиятни фаоллаштирувчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Лизинг – молиявий-кредит муносабатларининг шаклларида бири ҳисобланади. Унинг асосида корхоналар ишлаб чиқариш воситаларини махсус ташкил қилинган лизинг компанияларидан узоқ муддатга ижарага олишади.

Лизинг муносабатларида, одатда, учта томон – лизинг берувчи, лизинг олувчи ва лизинг мулкнинг сотувчиси иштирок этади.

Амалиётда лизингнинг икки тури нисбатан кўпроқ қўлланилади:

Оператив лизинг. Унинг муддати , одатда, бир йилдан ошмайди, ушбу муддат тугагач лизинг объекти лизинг олувчидан лизинг берувчига қайтарилади. Лизинг берувчи лизинг объектини ўз балансидан чиқармайди, лизинг олувчи эса уни ўз балансига қабул этмайди. Демак, оператив лизингда лизинг берувчи лизинг олувчига лизинг объектдан вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқини ҳақ тўлаш шарти билан беради. Лизинг шартномаси муддати тугаши билан лизинг объекти лизинг олувчидан лизинг берувчига қайтарилади.

Молиявий лизинг. Бу лизингни шундай тури бўлиб, унда лизинг объектига мулк хуқуқ ва ундан келиб чиқадиган хавф-хатар ва манфаатдорликнинг асосий қисми лизинг шартномасига мувофиқ лизинг олувчига ўтади. Лизингни ушбу турида лизинг шартномаси муддатининг тугаши билан лизинг объекти лизинг олувчининг мулкига ўтади, агарда шартномада бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса.

Лизинг муносабатлари иштирокчилари учун лизингнинг қўлайлиги:

1. Ускуналарни ишлаб чиқарувчи учун:

- сотиш бозорининг кенгайиши;
- техникага кафолатли хизмат кўрсатиш тизимининг кенгайиши.

2. Лизинг берувчи учун:

- фойда олиш;
- амортизация ва солиқ имтиёзларининг мавжудлиги;
- мулк шаклида сармоялаш;
- молиявий хатарларни йўқлиги;

3. Лизинг олувчи учун:

- кам миқдордаги бошланғич капитал ҳисобига ҳам ишни ташкил этиш имкони;
- юз фоизли кредитлаш;
- тўловларни зудлик билан амалга оширишни талаб этилмаслиги;
- тўловларнинг қўлай схемасини ишлаб чиқиш имконияти;
- лизинг олувчини мулк солиғидан озод бўлиши;
- лизинг тўловларининг ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари таркибига киритилиши;
- вақтинчалик фойдаланишга олинган мулкнинг жисмоний ва маънавий эскириш хатарининг камлиги;
- янги маҳсулот ишлаб чиқаришда хатарнинг камайиши;
- солиқ тўлашдаги имтиёзлар ва жадал амортизацияни қўллаш имконияти.

Хулоса килиб айтганда, лизинг – ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантиришга, жаҳон стандартлари даражасидаги истеъмол товарларни ишлаб чиқаришга, бозорларни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга ва республика экспорт салоҳиятини янада оширишга шароит яратади.



## 16.4. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш

Инвестицион фаолият – корхона қийматини оширишнинг асосий омили ҳисобланади. Чунки, у корхона даромадларининг ўсишини, молиявий хавф-хатарлар даражасининг ҳамда ишлаб чиқариш харажатларининг камайишини таъминлайди. Бу, табиийки, корхона фаолияти самарадорлигининг ошишига ва мулкнинг кўпайишига олиб келади.

Шу сабабдан ҳам ҳар қандай инвестицион лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш зарур бўлади.

Инвестицион лойиҳа самарадорлигини баҳолаш – ишлаб чиқаришга киритилаётган капиталнинг қайтиб келиш муддатини ва корxonанинг ривожланиш суръатини аниқлаш ҳамда бошқа социал-иқтисодий муоммаларни ҳал этиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига жалб қилинаётган инвестициялар мумкин қадар кўпроқ фойда (қайтим) келтириши лозим. Акс ҳолда сарфланган ресурслар беҳудага кетади, мулкдорларнинг (қолайверса жамиятаъзоларининг) илгариги ва ҳозирги меҳнати йўққа чиқади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ...

- қўшимча капитал қўйилмалар киритилишини талаб қилувчи янги қурилиш;
- мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш;
- ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва ташкилий-техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- маҳсулотларнинг янги турини ишлаб чиқариш кабилар туфайли юзага келадиган заруриятдир.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда иккита вазифа ҳал қилинади:

- капитал қўйилмаларнинг қопланиш муддати ва даромадлилиги нуқтаи назаридан, энг мақбул вариант танлаш имкониятини яратувчи инвестицион лойиҳа самарадорлигини баҳолаш;
- мавжуд ишлаб чиқаришга ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида киритилувчи инвестициялар самарадорлигини баҳолаш (қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, таннархни камайитириш, фойдани ошириш ва ҳоказо).

Инвестицион лойиҳаларни иқтисодий жиҳатдан баҳолашда маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш аҳамиятли ҳисобланади. Маркетинг тадқиқот давомида талаб ва ундан келиб чиқувчи таклиф, бозор сегментацияси, баҳони шакллантириш стратегияси, молиялаштириш манбалари ва бошқалар аниқланади.

Инвестицион лойиҳалар муқобиллик асосида танланади. Танланган лойиҳани амалга ошириш учун бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатлар, техник ва бошқа қарорлар, жумладан, муҳандислик таъминоти, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар тайёрланади.

Инвестицион лойиҳани баҳолашда вақт омили ҳам ҳисобга олинади. Ҳар қандай лойиҳа маълум бир вақт оралиғида ўз самарасини беради. Вақт ўтиши билан унга мос равишда у ўз самарасини йўқотиб боради. Ташкил этилаётган янги корхона ва цехлар, қайта тикланаётган ва кенгайтирилаётган ишлаб чиқариш қувватлари эскириб боради. Шу сабабдан, лойиҳаларни баҳолашда инвестицион объектларни эксплуатация қилиш муддати ҳисобга олинади.

Амалиётда, кўпинча, инвестицион лойиҳалар турли хил вариантларда тузилади ва кўриб чиқилади. Улар бир-бири билан қиёсланади, сўнгра улардан энг мақбули танлаб олинади. Бу ҳақда 8-мавзуда батафсил фикр юритилган.

Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолашда қуйидагилар асосий кўрсаткич ҳисобланади:

-инвестицияларнинг ҳар бир сўмига тўғри келувчи қўшимча маҳсулот:

$$\Theta = \frac{(ЯМ_1 - ЯМ_0)}{I_k}$$

бу ерда,

Э – инвестициялар самарадорлиги;

ЯМ<sub>0</sub>, ЯМ<sub>1</sub> – ялпи маҳсулот, мос равишда бирламчи ва қўшимча инвестицияларда;

I<sub>к</sub> – қўшимча инвестициялар миқдори.

-инвестицияларнинг ҳар бир сўмига таннархнинг пасайиши:

$$\Theta = \frac{Q(TH_0 - TH_1)}{I_k}$$

бу ерда,

ТН0, ТН1 - маҳсулот бирлиги таннарни, мос равишда, бирламчи ва қўшимча инвестицияларда;

Q – қўшимча инвестициялар киритилгандан кейинги йиллик маҳсулот ҳажми, натурал ўлчов бирлиги.

-инвестицияларнинг ҳар бир сўмига маҳсулот ишлаб чиқаришдаги меҳнат харажатларини қисқартириш:

$$\Theta = \frac{Q(M_0 - M_1)}{I_0}$$

бу ерда:

M0, M1 – маҳсулот бирлигига ишлаб чиқаришда сарфланувчи меҳнат харажатлари, мос равишда қўшимча инвестициялар киритилгунча ва ундан сўнг.

-инвестицияларнинг ҳар бир сўмига фойдани ошириш:

$$\Theta = \frac{Q(\Phi_1 - \Phi_0)}{I_0}$$

бу ерда,

Φ0, Φ1 – маҳсулот бирлигига тўғри келувчи фойда, мос равишда қўшимча инвестициялар киритилгунча ва ундан сўнг.

е) инвестицияларнинг қопланиш муддати.

Иқтисодий самардорликни баҳолаш жараёнида киритилувчи инвестицияларнинг қопланиш муддатини аниқлашнинг ўзига хос ўрни бўлиб, у қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$T_{ок} = \frac{K}{(\Phi_{р1} - \Phi_{р0})}$$

бу ерда,

K – асосий ишлаб чиқариш фондларига киритилувчи капитал қўйилмалар ҳажми;

Φр1 – режалаштирилаётган даврнинг сўнгги йилидаги фойда;

Φр0 – базис йилдаги фойда (режадан олдинги даврнинг сўнгги йили).

Капитал қўйилмаларнинг самардорлик коэффициенти қопланиш мудатига тескари бўлган катталиқдир. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$E = \frac{(\Phi_{р1} - \Phi_{р0})}{K}$$

Янги корхоналарни қуриш, амалдагиларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқаришни замонавийлаш-

тириш ишлари қанчалик тез бажарилса, буюртмачи (инвестор) ва пудратчи учун шунчалик фойдали бўлади. Бу қўшимча фойда олиш имкониятини беради.

Кундалик ҳаётда, юқорида келтирилган ҳолатнинг акси ҳам учраб туради, яъни объектни фойдаланишга топширилиш муддати ўтиб кетади. Бунинг оқибатида инвестор, нафақат кутилаётган фойдани олишдан маҳрум бўлади, айти пайтда, қўшимча харажатларга дуч келади.

Объектнинг муддатидан аввал фойдаланишга топширилиши муносабати билан олинадиган қўшимча фойда, яъни иқтисодий самара (Экф) қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\text{Экф} = \text{Ен} \times \text{Ф} \times (\text{Тш} - \text{Та})$$

бу ерда,

Ен – самарадорликнинг норматив коэффициенти;

Ф – муддатидан аввал фойдаланишга топширилувчи асосий фондлар қиймати;

Тш – объектни фойдаланишга топширишнинг шартномадаги муддати;

Та – объектни фойдаланишга топширишнинг амалдаги муддати.

Янги қурилиш ёки амалдаги корхона қайта тиклаш ва кенгайтириш ишлари, объектларнинг сифат кўрсаткичларига таъсир кўрсатмаган ҳолда қанчалик тез амалга оширилса, инвестициялар самарадорлиги мос равишда шунчалик юқори бўлади.

**Таянч иборалар:** Инвестициялар, капитал, қўйилма, лойиха, қайта тиклаш, техник қайта қуроллантириш, инвестицияларнинг қопланиш муддати, молиявий инвестиция,

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Инвестицион сиёсат нима ва у давлат ва корхоналар миқёсида қандай мақсадларни кўзда тутаяди?

2. “Инвестициялар” ва “капитал қўйилмалар” тушунчалари ўртасидаги фарқларни тавсифлаб беринг.

3. Инвестицион жараёнларни қайси асосий босқичлар тавсифлайди?

4. Инвестициялар таркиби ва структураси нима ва уларнинг корхона иқтисодиётига таъсири қандай?

5. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг қайси усуллари сизга маълум?

6. Корхоналар инвестицион сиёсатининг моҳияти нимада?
7. Инвестицияларнинг энг самарали вариантини танлашда қайси усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?
8. Инвестициялар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан қайсиларини биласиз?
9. Инвестицияларнинг қопланиш муддати нима ва у қандай аниқланади?
10. Республикада амалга оширилаётган энг машҳур инвестицион лойиҳаларни айтиб бера оласизми?

## ГЛОССАРИЙ

**Акциядорлик жамияти** - акциядорлар ва муассислар маблағи эвазига шаклланган капиталга эга бўлган ҳуқуқий шахс мақомига эга компания. Ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг маблағларни акция сотиш йўли билан жалб этишга асосланган шакли.

**Айланма ишлаб чиқариш фондлари** – ишлаб чиқаришда фойдаланилувчи меҳнат предметлари (хом ашё, материаллар, ўров материаллари, таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар ва ҳоказо). Ҳар бир ишлаб чиқариш циклида тўлиқ сарфланади ҳамда корхонанинг айланма маблағлари ҳисобига сотиб олинади.

**Айланма маблағлар** – ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, янги маҳсулотни ўзлаштириш харажатлари, келгуси давр харажатларига сарфланувчи корхона маблағларининг пул шаклида ифодаланиши.

**Акция** – акциядорлик жамияти томонидан чиқарилувчи ҳамда унинг эгаси, акциядорлик жамиятининг аъзосига жамиятни бошқариш ва фойдадан дивиденд олиш ҳуқуқини берувчи қимматбаҳо қоғоз.

**Акциядорлик капитали** – акциядорлик жамиятининг асосий капитали, унинг ҳажми Низомда белгилаб берилади. Қарзга олинган маблағлар ва акция чиқариш ҳисобига шакллантирилади.

**Амортизация** - асосий фондлар қийматини аста-секинлик билан улар ёрдамида ишлаб чиқарилувчи маҳсулот ёки хизматларга ўтказилиши; маблағларнинг мақсадли равишда жамғарилиши ва кейинчалик эскирган асосий фондларнинг ўрнини қоплашга ишлатилиши.

**Амортизация воситалари** - корхона асосий фондларини сақлаш ва янгилаш учун махсус ажратилувчи молиявий воситалар.

**Амортизация фонди** - асосий фондларни оддий ва кенгайтирилган тарзда такрор ишлаб чиқаришга мўлжалланган пул маблағлари.

**Асосий ишлаб чиқариш фондлари** – маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланилувчи меҳнат воситалари (бинолар, иншоотлар, қурилма ва асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва ҳоказо). Улар узоқ муддат хизмат кўрсатиб, ишлаб чиқариш жараёнида ўзининг натурал шаклини сақлаб қолади ҳамда ўз

қийматини эскириш мобайнида аста-секинлик билан тайёр маҳсулотга ўтказеди. Капитал қўйилмалар ҳисобига тўлдирилади.

**Асосий фондларнинг эскириши** – асосий фондларнинг (бинолар, қурилмалар ва бошқа меҳнат воситаларининг) аста-секинлик билан фойдали хусусиятларини йўқотиши. Асосий ишлаб чиқариш фондлари эскиришининг жисмоний ва маънавий турлари мавжуд.

**Баланс** - бирон-бир ҳолатнинг алоҳида томонларини таққослаш ва солиштириш йўли билан тавсифланувчи кўрсаткичлар тизими.

**Банкротлик** - касодга учраш, корхонанинг (ташкилот, банк) ўз мажбуриятлари бўйича тўловларни маблағлар йўқлиги туфайли амалга оширмаслигини англатувчи тушунча. Қоидага кўра, корхонани ёпиш ёки мажбуран тугатиш ҳамда мол-мулкни қарзларни тўлаш учун сотиб юборишга олиб келади.

**Башорат қилиш** - келажакда рўй бериши мумкин бўлган турли ҳодиса ва жараёнларни статистик, социал, иқтисодий ва бошқа турдаги тадқиқотлар ёрдамида илмий асосланган ҳолда аввалдан айтиб бериш.

**Бизнес** - бозор иқтисодиёти шароитларида субъектнинг маълум бир маҳсулот ёки хизмат турини яратиш ва сотиш йўли билан фойда олишга мўлжалланган иқтисодий фаолияти.

**Бизнес-режа** - корхона фаолияти дастури, кутилаётган харажат ва даромадлар ҳисобини ўз ичига олувчи компания фаолиятининг муайян мақсадларига эришиш учун муайян чоратadbирлар режаси. Маркетинг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилади.

**Вексель** - қимматбаҳо қоғоз тури, белгиланган тартибда ёзма шаклдаги қарз мажбурияти, ўз эгасига (вексель олувчига) вексель берувчидан кўрсатилган пул миқдорини белгиланган муддатда гап-сўзсиз тўланишини талаб қилиш ҳуқуқини беради.

**Венчур фирма** – тижорат билан шуғулланувчи илмий-техник фирма, янги технологиялар ва маҳсулотларни даромадларни аввалдан белгиламаган ҳолда ишлаб чиқиш ва қўллаш билан шуғулланади (таваккалчиликка асосланган капитал қўйилмаси).

**Гудвил** – бу корхонанинг соф активларини сотиб олиш қиймати ва бозор қиймати (ёки ҳаққоний ҳисоб қиймати) ўртасидаги фарқ бўлиб, у фақат биринчи қиймат иккинчисидан ортиқ бўлганда вужудга келади.

**Дивиденд** - акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисми, ҳар йили солиқларни тўлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, захираларни тўлдириш, облигациялар бўйича фоизлар тўлаш ва директорларни мукофотлашдан сўнг акциядорлар ўртасида тақсимланади.

**Жисмоний эскириш** – меҳнат воситаларининг фойдаланиш ва табиат кучлари таъсири остида моддий жиҳатдан емирилиши. Меҳнат воситаларининг маънавий эскириши уларнинг тўлиқ жисмоний эскиришдан олдинданроқ, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юқорироқ ва тежамкор бўлган машина ва қурилмалар пайдо бўлиши туфайли юз бериши мумкин.

**Ижара** - мулкни маълум бир ҳақ тўлаш эвазига, вақтинчалик фойдаланишга бериш тўғрисидаги шартномага асосланган ҳолда ёллаш.

**Илмий-техник салоҳият**– мамлакатдаги фан, техника ва муҳандислик ишларининг ривожланиш даражаси, жамиятнинг фан-техника муаммоларини ҳал қилиш учун мавжуд ресурс ва имкониятларининг умумий тавсифномаси.

**Инвестицион сиёсат** – капитал қўйилмаларнинг энг устувор йўналишларини танлаш, иқтисодиёт самарадорлигини ошириш, сарфланган ҳар бир сўмга маҳсулот ўсиши ва миллий даромаднинг энг юқори кўрсаткичларига эришиш.

**Инвестициялар** - мамлакат ичкараси ва ташқарисида янги корхона яратиш ва мавжуд корхоналарни замонавийлаштириш, энг янги техника ва технологияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш даражасини ошириш ва фойда олиш мақсадида узоқ муддатли маблағлар киритилиши.

**Инвестор** - бирон-бир фаолиятга, корхонага фойда олиш мақсадида узоқ муддатли капитал киритишни амалага оширувчи хусусий тадбиркор, ташкилот ёки давлат.

**Инжиниринг** - тижорат асосида (шартнома шаклида) турли хил муҳандислик-маслаҳат хизматлари кўрсатилиши.

**Инновация** - жамият ривожланиши билан ўзгариб боровчи инсон эҳтиёжларини қондиришга оид янгиликлар, уларни яратиш, тарқатиш ва фойдаланиш жараёнини мажмуаси.

**Инфратузилма** - саноат (ёки бирон-бир бошқа) ишлаб чиқариши ҳамда аҳолига хизмат кўрсатувчи хўжалик тармоқлари мажмуаси. Транспорт, алоқа, савдо, моддий-техник таъминот, фан, таълим, соғлиқни сақлашни ўз ичига олади.



**Ишлаб чиқариш қуввати** – асосий ишлаб чиқариш ва айланма фондлар, шунингдек, молиявий ресурслардан иложи борича тўлиқ ва оқилона фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотнинг максимал ҳажми.

**Ишлаб чиқариш рентабеллиги** – умумий (баланс) фойданинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва нормалаштирилувчи айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига нисбати сифатида аниқланувчи ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичи.

**Ишлаб чиқариш тузилмаси** – корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида бевосита ёки билвосита иштирок этадиган ишлаб чиқариш бўлинмалари - цехлар, участкалар, хизмат кўрсатиш хўжалиги алоқаларининг йиғиндиси.

**Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш** – йирик корхоналарда технология ва тузилмаси бир хил бўлган маҳсулотларни оммавий равишда ишлаб чиқариш.

**Ишлаб чиқаришни йириклаштириш** – маҳсулотни йирик корхоналарда чиқаришни ташкил қилиш.

**Ишлаб чиқаришни кимёлаштириш** – маҳсулот ишлаб чиқаришда кимёвий маҳсулот ва сунъий материаллар, шунингдек, кимёвий усуллардан кенг фойдаланиш.

**Ишлаб чиқаришнинг диверсификацияси** – бир томонлама, кўпинча битта маҳсулотга асосланувчи ишлаб чиқаришни кенг номенклатурада тайёрланувчи маҳсулотларга асосланган ишлаб чиқаришга ўтказиш.

**Капитал қурилиш** - асосий фондларни янги корхона қуриш, мавжуд корхоналарни қайта тиклаш, кенгайтириш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва замонавийлаштириш йўли билан яратиш ва мукаммаллаштириш жараёни.

**Капитал қўйилмалар** - асосий фондларни қайта тиклаш ва ўстиришга сарфланувчи моддий, меҳнат ва пул ресурслари харажатлари.

**Капитал сиғими** - асосий капиталнинг мос келувчи давр мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки унинг бирон-бир қисмини - миллий даромад, соф даромад, фойдага нисбатини тавсифловчи кўрсаткич.

**Кластер** – муайян йўналишда бир-бирини тўлдирадиган ва ўзаро боғланган ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг бир жойда жам бўлиши.

**Комбинациялаш** – битта корхона - комбинат доирасида саноатнинг битта ёки бир нечта тармоқларидаги турли хил ишлаб чиқаришларни технологик жиҳатдан бирлаштиришда ифодаланувчи, ишлаб чиқаришни умумлаштириш шаклларида бири.

**Компания** - тадбиркорларнинг ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган, пай капитали асосида ташкил қилинувчи бирлашмаси.

**Конверсия** - корхонанинг умуман бошқа турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиши.

**Концерн** - турли тармоқлардаги мустақил корхоналарнинг иштирок этиш тизими, қўшма тадқиқотлар, патент-лицензия келишувлари, молиялаштириш, ишлаб чиқариш ҳамкорлиги воситасида бирлашуви.

**Кооперация қилиш** - яқуний маҳсулотни биргаликда тайёрлаш бўйича узоқ муддатли тўғридан-тўғри хўжалик алоқаларини ўрнатиш.

**Корхонанинг оптимал ҳажми** – маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) бўйича имзоланган шартнома ва мажбуриятларни ўз муддатида, энг кам харажатлар билан энг юқори самарадорликка эришган ҳолда бажариш имконини берувчи корхона ҳажми.

**Корхонанинг тижорат сирлари**– корхонанинг ишлаб чиқариш, технологиялар, бошқарув ва бошқа турдаги фаолияти билан боғлиқ, ошкор қилиниши корхона манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган, давлат сирларига алоқаси бўлмаган маълумотлар.

**Лизинг** - мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ижарага берувчида сақланган ҳолда, мулкни узоқ муддатли ижарага беришга асосланган ҳолда инвестицияларни молиялаштириш шакли; машина, ускуна ва транспорт воситаларининг ўрта ва узоқ муддатли ижараси.

**Лицензия** - қонунда белгиланган муайян хўжалик операциялари, жумладан, ташқи савдо (экспорт ва импорт) операцияларини амалга ошириш бўйича, ваколатли давлат идораларининг ҳуқуқий шахсларга берувчи махсус рухсатномаси.

**Маркетинг** - корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва сотиш ёки хизмат кўрсатишга оид фаолиятини, бозорни ва истеъмолчилар талабига фаол таъсир кўрсатишни ўрганиш асосида бошқариш тизими.

**Материаллардан фойдаланиш коэффиценти** – хом ашё ва материалларнинг оқилона тарзда сарфланишини тавсифловчи кўрсаткич. Тайёр маҳсулот таркибига кирувчи материалларнинг ишлов берилган материалларнинг умумий ҳажмига нисбати сифатида ҳисобланади.

**Маҳсулот аттестацияси** - маҳсулот сифатининг техник-иктисодий кўрсаткичларини объектив баҳолашни тизимли равишда амалга оширишни кўзда тутувчи, ташкилий-техник ва иктисодий чора-тадбирлар мажмуаси.

**Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари** – маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланилувчи табиий ресурслар, хом ашё ва материаллар, ёқилғи ва энергия, асосий фондлар ва меҳнат ресурслари, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг бошқа харажатларининг қиймат баҳолари.

**Маҳсулот рентабеллиги** – маҳсулот сотишдан олинган фойданинг маҳсулот таннархига нисбати (фоизларда) сифатида аниқланувчи ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичи.

**Маҳсулот сертификати** - маҳсулот сифатини баҳолаш ва назорат қилишнинг халқаро нормаларини қабул қилиш ва амалга ошириш жараёни; маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга қарам бўлмаган, маҳсулотнинг халқаро стандарт нормаларига мос келишини назорат қилиш учун керакли асбоб-ускуналар билан таъминланган маҳсус марказларни яратиш билан амалга оширилади.

**Маҳсулот сифати** – маҳсулотнинг инсон ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжларини қондириш қобилиятларини белгиловчи фойдали хислатлари мажмуи.

**Маҳсулот сифатини бошқариш** – маҳсулотни яратиш ва ундан фойдаланиш ёки уни истеъмол қилишда зарур сифат даражасини белгилаш, таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилувчи хатти-ҳаракатлар.

**Маҳсулот сифатини бошқариш тизими** – сифатни бошқариш учун зарур бўлган ресурслар, жараёнлар ва жавобгарликни аниқ тақсимловчи ташкилий тузилма.

**Маҳсулотнинг материал сиғими** – хом ашё, материаллар ва бошқа моддий ресурсларнинг маҳсулот бирлигига сарфланувчи харажатлари. Материал сиғимини камайтириш тайёр маҳсулот ва материалларни кўпайтириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва

хом ашё тармоқларини ривожлантиришга сарфланувчи харажатларни камайтиришга имкон яратади.

**Маҳсулотнинг меҳнат сиғими**—меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларига тескари бўлган катталиқ. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида сарфланган меҳнатнинг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати орқали аниқланади.

**Маҳсулотнинг техник даражаси** – баҳоланаётган маҳсулотнинг техник такомиллашганлигини белгиловчи, унинг базис кўрсаткичларига мос келувчи кўрсаткичларни таққослашга асосланган маҳсулот сифатининг нисбий тавсифномаси.

**Маҳсулотнинг яшаш даври** – маҳсулот ҳаётининг бешта босқичинининг алмашиниш даври: ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, бозорга чиқиш, ўсиш, бозорнинг тўйиниши ва маънавий эскириш.

**Меҳнат унумдорлиги** –инсонлар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлиги; ходим моддий ишлаб чиқариш соҳасида иш вақти бирлигида ишлаб чиқарган маҳсулотлар миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт билан ўлчанади. Меҳнатнинг ижтимоий унумдорлиги ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг моддий ишлаб чиқариш таромқларида банд бўлган ҳар бир ходимга нисбатан ҳисобланади.

**Меҳнат шартномаси** – тадбиркор ва ишга кирувчи шахс ўртасидаги келишув, унда кўра ходимнинг меҳнат вазифаси, иш жойи, лавозими, ойлик иш ҳақи, иш бошлаш вақти ва ҳоказолар белгилаб берилади.

**Устав** - корхонани ташкил қилишнинг қонунийлигини тасдиқловчи, корхона характери ва фаолият тури, қоидалари, аъзолар ўртасидаги муносабатлар ва ҳоказоларни ўз ичига олувчи расмий ҳужжат.

**Рақобат** – бозор механизмининг корхона ва фирмаларнинг маҳсулот ва хизматларни сотиш, капитални фойдалироқ жойлаштиришда рақиблик асосида хўжалиқ нисбатларини шакллантириш билан боғлиқ элементи.

**Рақобатбардошлиқ** – ўз фаолиятини бозор муносабатлари шароитида амалга ошириш ва бунда ишлаб чиқаришни илмий-техник жиҳатдан такомиллаштириш, ходимларни рағбатлантириш ва маҳсулот сифатининг юқори бўлишини таъминлашга етарли бўлган фойда олиш.

**Рекламация** - харидор томонидан сотувчига шартнома асосида етказиб берилган товар сифати ва миқдорининг шартномага тўғри келмаслиги туфайли билдирувчи даъвоси.

**SWOT-таҳлил** – фирманинг кучли ва кучсиз томонларини, шунингдек, имкониятлар ва хавф-хатарларни аниқлаш ва структуралашга имкон беради.

**Сертификат** - масъул идоралар томонидан маҳсулотни экспертиза қилиш асосида берилувчи, маҳсулот сифатини белгиловчи ҳужжат.

**Сменалилик коэффициенти** – ускуналарнинг вақт бўйича иш билан таъминлаш даражаси кўрсаткичи; сутка давомида ишлаб берилган машина-сменаларнинг ўрнатилган барча сменалар сонига нисбати орқали аниқланади.

**Стандартлаштириш** - ишлаб чиқаришнинг маълум бир соҳасида фаолиятни тартибга солиш мақсадида барча манфаатдор томонлар иштирокида қоидалар белгилаш ва қўллаш. Норматив ҳужжатлар, стандартлар, йўриқномалар, усуллар, талабларда акс эттирилади.

**Таъсис ҳужжатлари** – янги ташкил қилинувчи корхона, компания, акциядорлик жамиятини таъсис этиш ва уларни белгиланган тартибда рўйхатга олиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳужжатлар.

**Техник қайта қуроллантириш** – ишлаб чиқариш алоҳида участкаларининг техник имкониятларни замонавий даражага чиқариш жараёни.

**Технология** (юнончадан - techne) - санъат, маҳорат, билиш деган маъноларни билдиради, бу эса жараёндан бошқа нарса эмас. Жараён дейилганда, куйилган мақсадга эришиш учун йуналтирилган ҳаракатларнинг муайян мажмуи тушунилади. Жараён одам танлаган стратегия билан белгиланиши ва турли воситалар ҳамда усуллар мажмуи ёрдамида амалга оширилиши зарур. Моддий ишлаб чиқариш технологияси дейилганда, хомашё ёки материалнинг ҳолатини, хусусиятларини, шаклини узгартириш, ишлов бериш, тайёрлаш воситалари ва усулларининг мажмуи билан белгиланадиган жараёнтушунилади.

**Ускуналарни замонавийлаштириш** – ҳаракатдаги ускуналар конструкциясига, унинг техник даражасини оширувчи ҳамда техник ва иқтисодий кўрсаткичларини яхшиловчи сезиларли

ўзгаришлар киритиш. Замонавийлаштириш иккинчи шаклдаги маънавий эскиришнинг олдини олишга кўмаклашади.

**Устама харажатлар** – асосий харажатларга қўшимча бўлиб, улар билан бирга ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киритилувчи, ишлаб чиқариш ва корхона бошқарувига хўжалик хизмати кўрсатиш харажатлари.

**Фан-техника тараққиёти** - фан, техника, технологиялар ривожланиши, меҳнат предметлари, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг узлуксиз ривожланиш жараёни.

**Фирма** - юридик шахс мақомига эга бўлиб, товар ишлаб чиқариш ва сотишни бир умумий бошқарув (ва умумий фирма номи) остида бирлаштирувчи, корхона ёки турли мулкчилик шаклидаги ихтисослаштирилган ташкилотлар мажмуаси.

**Фойда** – корхона фаолиятининг якуний молияий натижалари; пул тушуми ва харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

**Фонд қайтими** – асосий ишлаб чиқариш фондларининг бир сўмига тўғри келувчи маҳсулот миқдори.

**Фонд сиғими** – фонд қайтимига тескари бўлган нисбат. Асосий ишлаб чиқариш фондлари ўртача қийматининг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати сифатида ҳисобланади.

**Фондлар билан таъминланганлик** – асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлик кўрсаткичи (асосий ишлаб чиқариш фондларининг корхонанинг ҳар бир ходими ёки ишчисига тўғри келувчи ҳажми).

**Франчайзер** - франчайзи билан франчайзинг шартномаси имзолувчи йирик корхона (корпорация, фирма ва ҳоказо).

**Франчайзи** (оператор) – йирик франчайзер корхона билан битим тузувчи кичик корхона.

**Франчайзинг** - йирик ва кичик тадбиркорликнинг аралаш шакли; ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатлари.

**Холдинг компанияси** - ўз капиталидан бошқа компанияларни бошқариш, уларга раҳбарлик қилиш ва дивиденд олиш мақсадида уларнинг акцияларини сотиб олишда фойдаланувчи акциядорлик компанияси.

**Хусусийлаштириш** – давлат мулкани бошқа мулкчилик шаклларига, жумладан, жамоа, акциядорлик ва хусусий мулкка ўтказишда мулкчилик муносабатларининг ўзгариш жараёни.

**Ялпи даромад** – корхона фаолиятининг якуний натижаларини тавсифлайди ҳамда ялпи пул тушуми ва маҳсулот

ишлаб чиқариш ва сотишга сарфланувчи барча харажатлар ўртасидаги фарқни ифодалайди.

**Ялпи пул тушуми** – товар маҳсулоти, иш, хизмат ва моддий бойликларни сотишдан тушувчи пулнинг умумий миқдори.

**Ялпи фойда** – корхона ялпи даромадининг барча мажбурий тўловларни чиқариб ташлагандан сўнг корхона ихтиёрида қолувчи қисми.

**Юридик шахс** – фуқаролик субъекти сифатида фаолият юритувчи, мустақил баланс, гербли муҳр ва банкда ҳисоб рақамига эга, Низом асосида фаолият юритувчи ҳамда банкротга учраганда ўз мулки билан жавоб берувчи корхона.

**Қайта тиклаш** – мавжуд ишлаб чиқаришни техник ва ташкилиш такомиллаштириш, асосий фондларни комплекс равишда янгилаш ва замонавийлаштириш асосида тўлиқ қайта қуриш жараёни.

## Фойдаланилган адабиётлар

### I. Ўзбекистон Республикасининг қонуни:

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2014.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни: Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида, 1990 йил 31 октябрь.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида, 1993 йил 28 декабрь.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқоролик Кодекси (1 қисм). -Т.: Ўзбекистон, 1995.

1.5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, 1995 йил 21 декабрь.

1.6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида, 1996 йил 25 апрель.

1.7. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида, 1996 йил 26 апрель.

1.8. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида, 2000 йил 25 май,

1.9. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида, 2001 йил 6 декабрь

1.10. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”, 2001 йил 6 декабрь.

1.11. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Хусусий корхоналар тўғрисида, 2003 йил 11 декабрь.

1.12. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”, 2014 йил 6 май.

1.13. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги” Қонуни,

1.14. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида, 2019 йил 25 декабрь.

1.15. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, 2019 йил 30 декабрь.

1.16. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни, 2020 йил 24 июль.



1.17. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида, 2022 йил 12 апрель.

1.18. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Стандартлаштириш тўғрисида, 2022 йил 3 ноябрь.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги “Ангрен махсус индустриал зонани барпо этиш тўғрисида” ги ПФ-4436 сонли Фармони

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 мартдаги “Жиззах махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида” ги ПФ-4516 сонли Фармони

2.3. Ўзбекистон Президентининг 2015 йил 24 апрель “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4720 сонли Фармони,

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2412 сон Қарори.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-4853 сонли Фармони

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Хазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида» ги ПФ-4931-сонли Фармони

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3175 сонли Қарори

2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни

амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-3682-сонли Қарори.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” ПҚ-3698-сонли Қарори.

2.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-60-сон Фармони.

2.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон Фармони.

2.12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”.

2.13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат корхоналари тўғрисида НИЗОМ”.

2.14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрда “Товар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларациялаш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 239-сон Қарори

2.15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2012 йил 25 сентябрдаги 274-сон Қарори.

2.16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 9 февралдаги 66-сон Қарори.

2.17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”.

2.18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган “Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисида НИЗОМ”.

2.19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 16 сентябрдаги 775-сон қарори

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:**

3.1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатни биргаликда барпо этамиз. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016

3.2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 25 январь 2020 йил

3.2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 30 декабрь 2020 йил

3.3. Мирзиёев Ш.М.. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. –Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2022

3.4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси.// Халқ сўзи, 2022 йил 23 декабрь

### **IV. Дарсликлар:**

4.1. Горфинкеля В.Я., Швандара В.А. Экономика предприятия. Учебное

пособие.– М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.

4.2. Грузинов В.П. Экономика предприятия. Учебник.2-издание.– М.:

ЮНИТИ-ДАНА, 2008.

4.3.Зубко Н.М. Экономическая теория. - Минск: НЦ АПИ, 1998.

4.4.Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. Дарслик. /И.ф.д., проф. Қ.Х. Абдурахмонов таҳрири остида. – Т.: Иқтисодиёт, 2013.

4.5.Korxonа iqtisodiyoti. Darslik. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2013.

4.6.Ortiqov A. Sanoat iqtisodiyoti. Darslik. -Т.: “Sano-standart”, 2014.

4.7. Қосимов С.С. Ахборот технологиялари. – Т.: “Алоқа”, 2006.

#### **V. Ўқув қўлланмалар:**

5.1. Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент: Учеб. пособие для вузов. – СПб: Питер, 2001.

5.2. Заработная плата на предприятии / Хасанов Н.Х., Хайдаров Ш.У, Югай Л.П. – Т.: издательский дом «Мир экономики и права», 2004.

5.3. Йўлдошев Қ., Муфтайдинов Қ. Иқтисодий билим асослар: Ўқитувчилар учун қўлланма./ (Масъул муҳаррир: А.Сотволдиев). – Т.: Ўқитувчи, 1997.

5.4. Кантор У.Л. и др. Экономика предприятия. Учебное пособие.–СП.: Питер, 2009.

5.5. Толковый словарь узбекского языка. Т.П. – М.: Рус.яз., 1981.

5.6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд.– Т.:” O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти, 2020,;

5.7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 7-жилд. Таҳрир ҳаяти М.Аминов, Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев ва б. – Т.:”Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004.

5.8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 9-жилд. Таҳрир ҳаяти А.Азизхўжаев, Б.Алимов, М.Аминов ва б. – Т.:”Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005.

5.9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 12-жилд. Таҳрир ҳаяти М.Аминов, Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев ва б. – Т.:”Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.

#### **VI. Монографиялар ва илмий журналлар**

6.1. Остонақулова Г.М., Одилова С.С. Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарувнинг миллий моделини ривожлантириш истикболлари. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, апрель, 2013 йил

6.2. Хамраева С.Н. Қишлоқ инфратузилмасини инновацион ривожлантириш: Монография; – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2017. – 256 бет.

6.3. Холматов Н.Б. Миллий саноатлашув жараёни муаммоларини ўрганишга институционал ёндашув. // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnali. № 1, yanvar-fevral, 2020 yil.

6.4. Шавқиев Э. Тадбиркорлик – аҳоли фаровонлигини оширишда асосий омил. //Хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш: муаммо ва ечимлар. Монография. Муаллифлар жамоаси – Т.: “Fan va texnologiya”, 2019.

## **VII. Интернет сайтлари маълумотлари**

7.1. “АЭСнинг истиқболи йўқ” – Алишер Илҳомов билан суҳбат. [https:// kun.uz](https://kun.uz) 12:52 /12.01.2023 6806 Улашинг FacebookTwitterTelegram

7.2. Ёқилғи ва ёниш назарияси асослари. Исиклик энергиясининг манбалари. <https://staff.tiame.uz> › users › presentations

7.3. Нега дунё брендлари Марказий Осиёдан Ўзбекистонни танламоқда, Қозоғистонни эмас? Олам – 23 ФЕВРАЛЬ 2021visibility17610 <https://qalampir.uz> › news › n.

7.4. Олмалик кон-металлургия комбинатининг 2022 йил кўрсаткичлари./ <https://kun.uz> 17:57 / 10.01.2023 1574 Улашинг FacebookTwitterTelegram

7.5. Ferkensco техника йўналишидаги ОТМ битирувчиларига имкониятлар эшигини очади. <https://kun.uz> <https://kun.uz> 12:00 / 27.12.2021 3935

7.6. Elektr enyergiyasi sanoati. <https://uz.wikipedia.org> › wiki

7.7.. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

7.8.. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

7.9. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. “ИНДУСТРИАЛ ИҚТИСОДИЁТ” ФАНИГА КИРИШ ..</b>	<b>7</b>
1.1. Иқтисодиёт – фан ва ишлаб чиқариш фаолиятининг соҳаси сифатида .....	7
1.2. “Индустриал иқтисодиёт” фани – иқтисодиёт фанларининг таркибий қисми ва билимлар соҳаси .....	12
1.3. “Индустриал иқтисодиёт” фанининг мақсадлари ва бошқа фанлар билан алоқаси .....	15
<b>II БОБ. САНОАТ – МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҒИ.....</b>	<b>21</b>
2.1. Саноат – моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик етакчи тармоғи .....	21
2.2. Мамлакатимизда саноатнинг ривожланиш босқичлари ва ҳозирги ҳолати .....	26
2.3. Ўзбекистонда иқтисодиётни саноатлаштириш сиёсати .....	30
2.4. Саноатни жойлаштириш тамойиллари ва омиллари .....	35
<b>III БОБ. САНОАТ ТАРМОҚ ТУЗИЛМАСИ ВА ТАРКИБИЙ СИЛЖИШЛАР .....</b>	<b>47</b>
3.1. Таркибий сиёсат, унинг моҳияти ва аҳамияти .....	47
3.2. Саноатнинг тармоқ тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар .....	50
3.3. Ўзбекистонда янги корхоналарини ташкил этиш асослари .....	56
3.4. Корхона фаолиятини тўхтатиш сабаблари ва уни амлга ошириш тартиби .....	63
<b>IV БОБ. САНОАТДА ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ. 74</b>	<b>74</b>
4.1. Саноат корхоналари фаолиятида бошқарувнинг объектив зарурияти .....	74
4.2. Саноат корхоналарини бошқаришнинг тамойиллари, мақсад ва вазифалари .....	80
4.3. Саноат корхоналарида бошқарувнинг ташкилий тузилмалари ва функциялари .....	86
4.4. Саноат корхоналари бошқарувини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўллари .....	91
<b>V БОБ. САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ПРОГНОЗЛАШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ .....</b>	<b>97</b>
5.1. Режалаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти .....	97
5.2. Режалаштиришнинг услубий асослари ва тамойиллари .....	99
5.3. Саноат корхоналарида режалаштириш ва башорат қилиш ....	105

5.4. Саноат корхоналарини ривожлантириш режасининг асосий бўлимлари ва кўрсаткичлари.....	109
5.5. Саноат корхоналари бизнес режаси .....	111
<b>VI БОБ. САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНING ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ САМАРАДОРЛИГИ.....</b>	<b>119</b>
6.1. Самарадорлик – саноат корхоналари фаолиятида муҳим ўлчов бирлигидир .....	119
6.2. Хўжалик юритиш самарадорлигининг меъзони ва кўрсаткичлари .....	124
6.3. Саноат корхоналарини иқтисодий инқироз ҳолатидан чиқариш ва улар фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари .....	132
<b>VII БОБ. САНОАТДА ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ .....</b>	<b>143</b>
7.1. Фан-техника тараққиётининг социал-иқтисодий аҳамияти ....	143
7.2. Ўзбекистонда фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари .....	147
7.3. Инновациянинг иқтисодий мазмуни ва турлари.....	155
7.4. Инновацион фаолиятни ташкил этувчи жараёнлар .....	161
7.5. Саноатда инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари	164
<b>VIII БОБ. Ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этиш.....</b>	<b>172</b>
8.1. Ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг асосий шакллари.....	172
8.2. Ишлаб чиқаришни концентрациялаштириш .....	174
8.3. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш .....	178
8.4. Ишлаб чиқаришни кооперациялаш.....	181
8.5. Ишлаб чиқаришни комбинациялаш .....	183
<b>IX БОБ. Саноатда кадрлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш .....</b>	<b>186</b>
9.1. Корхонанинг кадрлар салоҳияти.....	186
9.2. Корхонанинг кадрлар сиёсати .....	191
9.3. Корхона меҳнат салоҳиятининг ҳолатини ва таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлар .....	193
9.4. Корхона меҳнат салоҳияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари .....	196
9.5. Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш.....	198
<b>X БОБ. Саноат ишлаб чиқаришининг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватлари .....</b>	<b>207</b>
10.1. Асосий фондаларнинг иқтисодий моҳияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни.....	207
10.2. Асосий фондларнинг турлари ва таркиби .....	210
10.3. Асосий фондларни баҳолаш, эскириши ва таъмирлаш .....	214

10.4. Амортизация ажратмалари – асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим манбаи .....	219
10.5. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш йўллари .....	224
<b>XI БОБ. Ўзбекистон саноатининг хом ашё манбалари .....</b>	<b>236</b>
11.1. Саноатда хом ашё, унинг хусусиятлари ва туркумланиши ..	236
11.2. Саноат ишлаб чиқаришнинг минерал хом ашё манбалари...	239
11.3. Саноатнинг хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг йўллари .....	243
<b>XII БОБ. САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ .....</b>	<b>249</b>
12.1. Айланма маблағларнинг иқтисодий моҳияти ва корхона фаолиятидаги роли .....	249
12.2. Айланма фонднинг таркиби, тузилиши ва шаклланиш манбалари.....	253
12.3. Айланма маблағларни нормалаштириш.....	257
12.4. Айланма маблағлардан фойдаланишни яхшилаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари .....	263
<b>XIII БОБ. САНОАТ МАҲСУЛОТИНИНГ СИФАТИ ВА УНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ .....</b>	<b>269</b>
13.1. Маҳсулот сифати ва уни ошириш зарурияти.....	269
13.2. Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари.....	272
13.3. Маҳсулот сифати, унинг рақобатбардошлигини таъминлашда бош омил .....	275
13.4. Стандартлаштириш ва сертификатлаштириш – маҳсулот сифатини бошқаришнинг асоси.....	278
<b>XIV БОБ. САНОАТДА ТАННАРХ, ФОЙДА ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕНТАБЕЛЛИГИ .....</b>	<b>286</b>
14.1. Харажатлар тушунчаси ва уларнинг иқтисодий мазмуни ....	286
14.2. Корхоналар харажатларининг таснифланиши.....	292
14.3. Корхона даромадлари ва фойдасининг шаклланиш манбалари .....	300
14.4. Корхона фойдасини кўпайтириш йўллари.....	303
14.5. Рентабелликнинг моҳияти ва кўрсаткичлари .....	307
14.6. Корхона соф фойдасининг тақсимланиш тартиби .....	309
<b>XV БОБ. Саноат ишлаб чиқаришида нарх ва нархни шакллантириш.....</b>	<b>312</b>
15.1. Нарх ва уни белгилаш жараёни .....	312
15.2. Нархнинг турлари .....	315



15.3. Нархнинг функциялари.....	318
<b>XVI БОБ. САНОАТДА ИВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ .....</b>	<b>322</b>
16.1. Ўзбекистонда инвестиция сиёсати.....	322
16.2. Инвестициялар саноат корхоналари ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш воситаси сифатида .....	328
16.3. Саноат корхоналарида инвестициялашнинг асосий манбалари ва йўналишлари .....	338
16.4. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш .	345
<b>ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>350</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар .....</b>	<b>360</b>

Эркин Шавқиев

# ИНДУСТРИАЛ ИҚТИСОДИЁТ

дарслик

Мухаррир: З.Н. Бободустов

Мусаххих: М.О. Мардиева

Техник мухаррир: Д. Хамраев

*Дарслик Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
Кенгашининг 2023 йил 10 - ноябрдаги 4-сонли қарорига асосан нашр  
этишига тавсия этилган.*

**“STAP-SEL” MChJ. Nashriyoti, Samarqand - 2023**

**ISBN: 978-9910-752-42-1**

Tasdiqnoma № 033337 (27.07.2022)

Bosishga ruxsat etildi: 19.12. 2023 y.

© “STAP-SEL” MChJ. Nashriyoti, Samarqand 2023 y.



20.12.2023 yilda chop etildi.

**Qog‘oz bichimi A5, 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>, Ofset qog‘oz.**

**“Times New Roman” garnituras.**

**Nashr bosma tabog`i 23.12**

**Buyurtma № 0137A/23. Adadi 100 nusxa**

---

**Samarqand iqtisodiyot va servis institutining  
matbaa bo`limida chop etildi.**

**LICENSE № 025316.**

**REESTR № X-119112.**

**Manzil: Samarqand shahar, Shoxrux ko`chasi 60-uy.**